

МУҚАДДАС РУҲ

КИРИШ

ЖОН БИВЕР

ЭДИСОН БИВЕР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

МУҚАДДАС РУҲ

КИРИШ

ЖОН БИВЕР
ЭДИСОН БИВЕР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

The Holy Spirit: An Introduction by John Bevere, Uzbek
© 2014 Messenger International
www.MessengerInternational.org
Originally published in English as The Holy Spirit: An Introduction
Additional resources in Uzbek by John & Lisa Bevere are available for free
download at: www.CloudLibrary.org
To contact the author: JohnBevere@ymail.com

«Муқаддас Рух: Кириш», Жон Бивер, узбекча
© 2014 Messenger International
www.MessengerInternational.org
Дастлаб инглиз тилида “The Holy Spirit: An Introduction” номи остида
нашр этилган
Кўйидаги манзил бўйича Жон ва Лиза Биверларнинг узбек тилидаги
бошқа ресурсларини юклаб олишингиз мумкин: www.CloudLibrary.org
Ушбу манзил оркали муаллиф билан уланишингиз мумкин:
JohnBevere@ymail.com

МУНДАРИЖА

Бу интерактив китоб ҳақида.....	4
Кириш.....	5
1. Муқаддас Рух ким?	7
2. Муқаддас Рухнинг Шахси.....	51
3. Ўзаро муносабатларнинг учта даражаси.....	99
4. Муқаддас рухнинг кучи инъом килингандар.....	139
5. Рухнинг тили.....	189
Бонус боб: Жон ва Лиза Биверлар билан савол-жавобла.....	241
Илова: Қандай қилиб нажотга эришиш мумкин?.....	270

БУ ИНТЕРАКТИВ КИТОБ ҲАҚИДА

Бу китобни ҳар қандай барча бошқа китоблардек бошидан охирагача ўқиб чиқиш мумкин. Бироқ кўпроқ идрок қилиб олиш учун биз сизларга кўшимча интерактив элементларни ўрганиб чиқишини қатъий тавсия қиласмиз.

Бу китобнинг кундалик ўқиши учун яратилган ҳар бир боби беш бўлимга бўлинган, ҳар бир бобнинг ниҳоясида ибодатлар тақдим қилинмоқда. Ўз ихтиёриклизга қараб ўрганиш учун битта бўлимни ва битта ибодатни ҳар бир кунга танлашингиз ёки ҳар куни бир бобдан кетма-кет ўқишингиз мумкин. Биз бу китобни гурухда ўрганаётганларга ҳафтасига бир бобдан ўқишини ва ўрганиб чиқишини таклиф қиласмиз.

Агар сиз бу китобни «Муқаддас Рух. Кириш» мавзуси бўйича Messenger Series доирасидаги ўқув қўлланманинг бир бўллаги сифатида ўрганиб чиқаётган бўлсангиз, биз сизларга хафтада битта дарсни кўришни ва эшлишини, ҳам гурухларда муҳокама учун тақдим этилган саволларга жавоб беришни тавсия этамиз. Сўнгра, китобдаги бобни ўқиб чиқинг ва топшириқни бажаринг. Бу китобнинг ҳар бир бобида битта топшириқ тақдим этилмоқда. Бобларни муҳокама қилиш учун берилган саволлар кундалик топшириқларнинг ниҳоясида тақдим этилган.

Марҳамат, ўқиб лаззатланинг!

КИРИШ

Отам мендан бу китобни ёзишда унга ёрдам беришимни сўраганида, мен қулоқларимга ишонмасдан, жойимда қотиб қолдим. Мен балки у бу ҳақида ҳали ибодат қилмаган деб ўйладим. Тўғрисини айтганда, мен ўз-ўзимга нолойик номзоддек кўринар эдим. Ҳар сафар мен унинг илтимоси ҳақида ўйлаганимда, худди мен брейкданс кўрик-танловида иштирок этганимдек ичимда барчаси остин-устун бўлиб кетар эди.

Мен отамдан бошқа варианtlар ҳақида ўйлаб кўришини ва бу ҳақида (ҳеч бўлмаганда бир ёки икки йил) жиддий ибодат қилишини мулойимлик билан илтимос қилдим. Бироқ бир кундан сўнг ибодатда айнан мен бу иш билан шуғулланишим кераклигига унинг ишончи комил бўлди. Муқаддас Рух ёш авлод учун яширин мавзу бўлмаслиги унинг учун муҳим, шунинг учун у менинг қўшган ҳиссамни йигирма ёшдан озгина ошган одамнинг фикри сифатида қадрлайди. Биз отам билан биламиз: кўпчилик одамлар, ёшлар ҳам, кексалар ҳам агар Рухнинг Кимлигини ва Унинг қандай ҳаракат қилишини билмасалар бу мавзуни четлаб ўтадилар.

Шу сабабли барча далилларимга қарамасдан, қандай қилиб мен отамнинг илтимосини рад эта олишим мумкин? Мен рози бўлишга мажбур бўлдим. Сўнгра эса, менинг бутун ҳаётимни ўзгартирган, саёҳат деб ҳам атаса бўладиган нарса содир бўлди. Худо менинг қўзларимни Унинг Рухининг кўпгина мўъжизаларига очганида, мен Ёзувни янги нурда кўрдим. Тез орада, Муқаддас Рух – бу жамоатда ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ нотўғри тушунишадиган Шахс эканлигини пайқадим. Унга сон-саноқсиз таърифлар беришади ва ёрликлар осишади, бироқ фақатгина бизларнинг баъзиларимиз Уни айнан қандай бўлса, шундайлигича биламиз.

Ушбу китобнинг ёзилишидан мақсад - сизга Ёзув оркали Муқаддас Рухнинг Шахсини билиб олишингизга ёрдам беришдир. Бу китобнинг нуқтаи назари қийин бўлиши мумкин,

бироқ сизларга ваъда бераман-ки, бу саёҳат сиз сарфлайдиган вақт ва кучга арзиди.

Сиз бу саҳифаларни ўқиётганингизда, Муқаддас Рухдан сизни ҳақиқатга йўналтиришини сўранг. Унинг Сўзига асосланмаган барча қотмаларни У олиб ташлайди. У қандайдир деноминацияга ёки оқимга «тегишли» эмаслигини фаҳмлайсиз. Уни қандайдир авлодга ёки ёшга боғлаб қўйиш мумкин эмас. У Раббий Исони очиб бериш ва Масихнинг бутун Танасига куч ато этиш учун юборилган. У бизнинг юрагимизни Ўзининг уйи қилди, У бизнинг ҳаётимиздан нимадир яхширок нарса яратишга ваъда берган. Бизнинг бор-йўғи қиладиган ишимиз – бу Унга бошқарувни топширишимиздир.

Яхши дўстни ва улфатни топиб бўлмайди. Муқаддас Рух ҳаётий барча қийинчиликларда ва хурсандчиликларда сизларга садоқат билан ҳамроҳлик қиласди. У сизни ҳеч қачон ташлаб кетмасликка ва тарқ этмасликка ваъда берган, чунки сиз Унинг жон-у дили ва қувончисиз. Бор улуғворликни Ўзида мужассамлаштирган Зотни ўзингиз учун очишга тайёр туринг.

- Эддисон Бивер,
Messenger Internationalning ижрочи директори

Масихнинг бизлар учун қилган иши туфайли биз хаммамиз ўша бир Рух орқали Отанинг хузурига кира оламиз (Эфес. 2:18, NLT).

МУҚАДДАС РУҲ КИМ?

Менинг исмимдан (Мени таништириши ва Менинг исмимдан ҳаракат қилиши учун Менинг ўрнимга, Мени Отам юборадиган Юнатувчи (Маслаҳатчи, Ёрдамчи, Шафоатчи, Ҳимоячи, Оқловчи, Ҳомий) эса – Муқаддас Руҳдир. У сизларга ҳамма нарсани ўргатади ва Мен сизларга нималарни айтган бўлсан, ҳаммасини (хотирангизга келтиради, қайтадан хабар қиласди) ёдингизга солади.

– Йоҳанно 14:26, кенгайтирилган таржима

1-кун

Янги йил арафаси эди. Ичимда ибодат қилиш ва рўза тутиш истаги кучли ёнарди. Мен Раббийдан: «Муқаддас Ёзувнинг қайси китобини ўқий?» - деб сўрадим. Ҳайрон қолиб эшитдим: «Ҳаворийлар китобини».

Нима учун мен ҳайрон қолдим? Чунки рўза ва ибодатнинг аввалги ўтган кунларида мен айнан шунаقا: «Ҳаворийлар китобини ўқи», -деган кўрсатмани эшитган эдим. Ўша вақтда менинг эътиборим кўпроқ ҳаворий Повулнинг ҳаётидаги бурчи ва йўлини танлашига, унинг эришган ҳосиллари ва синовларининг оқибатларига қаратилган эди. Сизларга тушунтириб беришимга рухсат беринг.

Хушхабарни мажусийларга воизлик қилиши учун Повул Худо томонидан танланган эди. У: «...мен воиз, ҳаворий ва мажусийларнинг устози қилиб тайинландим», -деган (2 Тим 1:11). Бу аниқ ва равшан йўналиш. У ҳаёти давомида бу топширикни бир неча маротаба такрорлаган. У

ўзининг олдинги биринчи ҳаворийлик сафарида яхудийларга: «...бизлар мажусийларга буриламиз. Зеро Раббий бизга шундай амр берган: «Мен Сени мажусийларга нур қилиб қўйдим», –деб айтган (Ҳав. 13:46,47). Ўзининг иккинчи сафари вақтида у дадиллик билан: «Энди мен мажусийларнинг олдиларига бораман», -деган (Ҳав. 18:6). У римликларга: «Мен мажусийларнинг ҳаворийси», -деб ёзган (11:13га қаранг). Бу тасдиқловлар унинг мактубларининг барча жойларида учрайди.

Бироқ севгидан ва унинг иброний биродарлари нажот топишини кўриш истагидан, деярли борган ҳар бир шаҳардан у синагога излар эди. У одатда мажусийларга эришишга ҳаракат қилишдан аввал яхудийларга воизлик қиласр эди. Дарҳақиқат, айнан яхудийлар унинг хабарини рад қилганлари учун у мажусийларнинг олдига борар эди. Яхудийлар Повулга қарши буюк қувғинларнинг ва унинг кўнгилсиз ходисаларининг манбаи бўлиб чиқишиди. Улар оломонни гижгижлар эдилар ва мажусий бошлиқлар ҳамда ҳаворийлар орасида адсоватни авж олдирап эдилар. Повулнинг қисматига тушган аксарият қўзғолонлар, ҳибсга олинишлар, калтакланишлар ва синовларнинг ортида уларнинг хийла-найранглари турад эди. Эътиборга олиш керакки, Худо яхудийларга жуда ҳам қаттиқ ғамхўрлик қиласди. Шунинг учун Ёқуб, Петъор, Юҳанно уларнинг олдиларига юборилган эдилар: «Жамоатнинг устунлари деб тан олинган Ёқуб, Кифа ва Юҳанно... мени қўллаб-кувватладилар, токи улар яхудийлар билан ишлашни давом эттираётган бир пайтда, бизлар мажусийларга воизлик қилишни давом эттирайлик (Гал. 2:9, NLT).

Менга бу мактуб рўзанинг ўтган даври вақтида очилди ва охиригача равшанлашди: «Ўғлим, Мен сени даъват қилган иноятда қолгин. Сенинг табиий мойилликларинг ва севгинг сенинг хаётингда бўлган илохий даъватдан сени чалғитишига йўл қўймагин». Мен Худо билан бўлган ўша учрашувни жуда ҳам яхши эслайман, шу сабабли, Ундан Ҳаворийлар китобини яна ўқиб чиқиш кўрсатмасини эшитиш янада хайратланарли

бўлган эди. Ахийри замон, ахир Муқаддас Ёзувда бошқа олтмиш бешта китоб бор!

Мен итоат қилганимдан хурсандман. Бу сафар мен Ҳаворийлар китобини ўқиганимда, менга нимадир умуман янги нарса (Худонинг Сўзи ҳақиқатан ҳам тирик эканлигининг исботи) очилди. Деярли барча сахифалар менга дастлабки Жамоатларнинг етакчилари ва аъзолари Муқаддас Рухга қандай қараганлари, У билан қандай муносабат қурганлари, Унга боғлиқ бўлганлари ва У ҳақида гапиргандар ҳақида гапирди. У уларнинг ҳаётларининг ажралмас бир қисми, қилаётган барча нарсанинг иштирокчиси бўлган. Уларнинг барча хизматларида, йиғинларида, стратегик учрашувларида ва барча ишларида У бошчилик қилган. Мана бир нечта алоҳида ажралиб турган иборалар:

- «Нега Муқаддас Рухга ёлғон гапиришинг учун шайтон сенинг юрагингни тўлдири?» (Ҳав. 5:3).
- «Нега сизлар Раббийнинг Рухини васваса қилишга келишдингизлар?» (Ҳав. 5:9).
- «Бунга эса биз ҳамда Худо Унга итоат қилганларга берган Муқаддас Рух гувоҳдир» (Ҳав. 5:32).
- «Сизлар ҳамиша Муқаддас Рухга қаршилик қиласизлар» (Ҳав. 7:51).
- «Рух менга улар билан бирга боришимни айтди» (Ҳав. 11:12).
- «Улардан бири бутун оламда қаттиқ очарчилик бўлишини Муқаддас Рухнинг руҳлантириши билан башорат қилди» (Ҳав. 11:28).
- «Улар Муқаддас Рух томонидан юборилиб...» (Ҳав. 13:4).
- «Чунки Муқаддас Рухга ва бизга маъқул бўлди» (Ҳав. 15:28).
- «Уларга Муқаддас Рух томонидан Асия юртида Сўзни воизлик қилиш ман этилди» (Ҳав. 16:6).

10 МУҚАДДАС РУҲ

- «Битинияга боришига уриндилар, аммо Рух уларга ижозат бермади» (Ҳав. 16:7).
- «Повул Рух томонидан ундалиб, яхудийларга гувоҳлик берди» (Ҳав. 18:5).
- «Сизлар имон келтириб Муқаддас Рухни қабул қилдингизларми?» (Ҳав. 19:2).
- «Повул Рух уни Македонияга боришига ундаётганини ҳис қилди» (Ҳав. 19:21. NLT).
- «...ҳақида Муқаддас Рух барча шаҳарларда гувоҳлик бераяпти» (Ҳав. 20:23).
- «Шундай қилиб, ўзингизга ва Муқаддас Рух сизларни назоратчи қилиб қўйган бутун подага диққат қилинглар» (Ҳав. 20:28).

Бундай сўзлар менга ҳамма вақт Муқаддас Ёзувдан отилиб чиқар эди. Бугунги кундаги Жамоатларда бундай воқеълик энди йўқлиги менга жуда яхши тушунарли бўлди. Ҳаворийлар китобидаги имонлилар учун одатий бўлган нарсалар бугун биз учун камёбдир. Мен бу камчилик ҳақида бошқа одамларнинг ҳаётига эмас, балки, биринчи навбатда ўз ҳаётимга нисбатан гапирайман. Ҳаворийлар китоби сахифаларини қайтадан ўқиб чиққанимда, мен буюк қувончдан, изланишдан ва Худо Рухининг кучли таъсиридан, Унинг етакчилигига, ҳамкорлигига, мулокотига боғлиқликдан ниҳоятда узоқлашиб кетганлигимни тушуниб етдим.

Бу менга тушунарли бўлган бир пайтда - қандай қилиб, мен бу ваҳийларни сизлар билан бўлишмаслик учун ўзимни тийиб туришим мумкин?

ТЎҒРИ ТАСДИҚЛАР

Мазкур муҳим масалага чуқурроқ кириб боришими жараёнида аниқроқ бўлиб бораверадиган бир неча муҳим тасдиқларни кўрсатиб ўтишимга ижозат беринг.

Биринчидан, Муқаддас Рұксиз масиҳийлик ҳәёти бўлмайди.

- Муқаддас Рұксиз масиҳий ҳәёти қуруқ, ўзгармас, бехуда бўлиб қолади.
- Муқаддас Рұксиз меҳнатимиз бизни ҳолдан тойдиради ва ҷарчатади.
- Муқаддас Рұксиз Ҳудо билан алоқа йўқдир.

Муқаддас Рұхни Жамоатдан олиб ташланг, шунда қуйидаги икки нарсадан бири содир бўлади:

- У ижтимоий клубга айланади.
- У диний ташкилот бўлиб қолади.

Ҳақиқат шундаки:

- Муқаддас Рұксиз ваҳий йўқ. Ҳақиқатан ҳам Ёзув Муқаддас Рұксиз нобуд қилувчи бўлиб қолади, зеро айтилганки: «ҳарф ўлдиради, Рух эса ҳаёт баҳш этади» (2 Кор. 3:6).
- Муқаддас Рұксиз ваҳий йўқ.
- Муқаддас Рұксиз қувонч йўқ.
- Муқаддас Рұксиз тинчлик йўқ.
- Муқаддас Рұксиз озодлик йўқ.

Раббий Рұхдир. Раббийнинг Рухи бор жойда озодлик бор (2 Кор. 3:17).

«Раббийнинг Рухи бор жойда» деган сўзларга қаранг. Келинг, уларнинг магзини чақамиз. Ҳудонинг Рухи ҳар ерда ҳозир бўлуввчи – У ҳамма жойда ва абадийдир. Довуд: «Сенинг Рухингдан қаерга бораман, Сенинг юзингдан қаерга қочаман?» – демокда (Сан. 138:7). Шубҳасиз, жавоб: ҳеч қаерга. Довуд ёзишда давом этмоқда: «Осмонга чиксам – Сен ўша ердасан, ер остига тушсам, у ерда ҳам Сен борсан. Тонгнинг қанотларини олиб, денгизнинг худудига кўчиб ўтсам, Сен мени бир дақиқадан сўнг топиб оласан – Сен мени аллақачон ўша ерда кутиб турасан!» (Сано 138:8-10, The Message таржимаси). Аниқ

равшанки, У ҳамма вакт ҳамма жойда.

Беришимиз керак бўлган кейинги савол: «Ҳамма жойда ҳам озодлик борми?» Повулнинг сўзига яна қаранг: «Раббийнинг Руҳи бор жойда озодлик бор». Биз У ҳар ерда эканлигини исботладик, демак, ҳамма жойда ҳам озодлик борми? Жавоб: албаттайўқ. Фохишахоналарда, қамоқхоналарда, изоляторларда, касалхоналарда озодлик йўқ. Мен озодлик бўлмаган шундай туманларда, қамоқхоналарда, уйларда, ҳаттоқи жамоатларда бўлганман. У ҳолда бу ерда Ёзув нима ҳақида гапирмоқда? Янада тўғрироқ таржимага қарашни таклиф қиласман:

Руҳ – Раббий бўлган жойда озодлик бор (2 Кор. 3:17 муаллифнинг парофрази).

Юончада Раббий – *kyrios*. Бу сўз «олий ҳокимият»деган маънени англатади. Аксарият изоляторларда, қамоқхоналарда, касалхоналарда, уйларда ва ҳатто кўпгина жамоатларда Муқаддас Руҳга ҳокимият бошида бўлишига рухсат беришмайди. Каерда Уни энг юқори ҳокимият сифатида маъқулласалар, ўша ерда ҳамма учун озодликни ва адолатни топасизлар.

КИТОБНИНГ МАҚСАДИ

Ушбу китобнинг максади - сизларга Муқаддас Руҳнинг Шахсиятини таништиришdir. У ҳақида узун томлар ёзиш мумкин. У ҳақида кунлаб, ойлаб, йиллаб гапириш мумкин.

Мен хотиним Лизага уйланганимга ўттиз йилдан ошди. Мен уни жуда ҳам яхши биламан, шунга қарамасдан, мен илгари билмаган унинг хулқ-атвори, қизиқишлари, истаклари ва одатларининг янги қирраларини ҳали ҳам очмоқдаман. Яқинда, биз оиласвий ҳаётимизнинг ўттиз йиллик юбилейини нишонлаб, бир неча кунни биргаликда ўтказдик. Мана шу бир неча кун ичида мен унинг орзулари, ёқтирадиган нарсалари ва ҳаттоқи, мен илгари борлигини ҳатто пайқамаган қобилиятлари ҳақида

айрим янги нарсаларни билиб олдим.

Қобиляйтларга келсак, Лизанинг голф ўйинида нақадар қобиляйтли эканлигидан менинг заррача бўлса ҳам хабарим йўқ эди. Мен бу ўйинни нақадар яхши қўришимни у билади, шунинг учун у менга даланинг ажойиб майдонида биргаликда ўйнашни таклиф қилди. (Мен фақатгина бир раунд ўйнадим, чунки бу вақт иккаламиз учун ҳам эди. Ўн еттинчи чуқурчада чуқур дара бор эди. Хотиним қизиқарли чорловларга ҳар доим тайёр, шунинг учун мен ундан: «Коптокни дарадан ошириб отмоқчимисан?» -деб сўрадим. 60 метрли жарликни енгиб чиқиш учун қарийб 140 метр узоқликка отиш керак эди. Агар копток учиб ўта олмаса, у океанда чўкиб кетиши мумкин эди. Мен Лиза учун атайин эски копток топдим (чунки бу коптокни яна кўраман деб ўйламас эдим). У зарба бериш учун тайёрланди ва коптокни уриб, уни 160 метрга улоқтирди, шундай қилиб, у жарликнинг нариги томонига тушди. Афсуски, янги қобиляйт фақатгина ўттиз йиллик оиласвий ҳаётдан сўнггина пайқаб қолинди. Ҳар куни кечқурун тушлик вақтида Лиза ўз билганлари, донолиги билан бўлишар, илгари ҳеч ким билан бўлишмаган қизиқишлиари ва истакларини айтиб берар эди. Қисқасини айтганда, мен хотиним деб атайдиган бу ажойиб аёлга ич-ичимдан маҳлиё бўлар эдим.

Бир нечта қисқа боблар Лиза ҳақида тўлиқ маълумотни бера олмаган бўлар эди. Ҳаттоқи, бир қанча томлар ҳам бу нарсани қила олмаган бўлар эди. Бироқ мен қила олишим мумкин бўлган нарса – бу у билан қандай гаплашиш мумкинлигини ва унга қандай муомала қилиш кераклигини сизларга айтиб беришдир. Мен унга нималар ёкиши, уни нима қизиктириши, у билан қандай ишлаш ва қандай харакат қилиш ҳақида айтиб беришим мумкин. Мен сизларга унинг кучли ва заиф томонлари ҳақида, у нимани яхши қўриши ва нимага бефарқ эканлиги ҳақида айтиб беришим мумкин. Бу қўшимча маълумотлар у билан ажойиб муносабатларда катализатор бўлиб хизмат қилади.

Гарчи Лизага бир неча ўн йил тўлган бўлса-да, у ҳақида

ҳаммасини айтиб беришнинг иложи бўлмаса, мен абадийликдан абадийликкача бор бўлган Муқаддас Рух ҳақидаги билимни тўлиқ етказиб бера олармидим? Бунинг иложи йўқ. Бироқ мен Уни сизларга таништиришим, сизларга Унинг шахси ҳақида, Уни нима қизиктириши, нимани яхши қўриши ҳақида айтиб беришм, У билан ўзаро муносабатларни аниқлаб беришм ва У билан муносатларнинг бир неча турларини қўрсатишим мумкин. Нима учун Муқаддас Рух билан бизнинг ўзаро муносабатларимиз шу қадар муҳимлигини ва биз ўз ҳаётимизда Худонинг истакларини бажаришимиз учун У қандай қилиб бизга куч беришини айтиб беришм мумкин. Ушбу асосий ваҳийлар У билан янада чуқурроқ, аҳамиятлироқ мулоқотларга сизни олиб келиши мумкин.

2-кун

ЖИДДИЙ ЯНГЛИШИШЛАР

Кўпчилик одамлар бир хатони қиласилар: улар Муқаддас Рухнинг олдига Шахснинг олдига келгандек келишдан олдин Унинг ҳаракатини ва кучини тушунишга уринадилар.

Биз Муқаддас Рух – бу илохий Шахс, бениҳоя муқаддас, бехад доно, бехад қудратли, бунинг устига, гоят нозик, таъсирчан ва раҳмдил эканлигига ишонишимизни ўзимиз учун юрак ва онг билан белгилаб олишимиз муҳимдир. Биз У – бизнинг саждамизни, юмшоқ муомаламизни, имонимизни, севгимизни, бағишланишимизни ва тўлиқ бўйсунишимизни қабул қилишга лойик Зот эканлигига ишонамизми? Ёки биз Муқаддас Рух – бу бизнинг тасуввуримизча, «муруват руҳидан» ҳам, «рақобат руҳидан» ҳам фарқ қилмайдиган қандайдир ақл бовар қилмайдиган илохий куч, Худодан чиқувчи шунчаки таъсир деб ўйлаймизми?

Охирги нуктаи назар паст, кўпол, ҳаттоқи динийдир. Агар

биз шундай деб ҳисобласак, унда биз руҳий манманликка ва мағрурликка осонгина дучор бўламиз, натижада, биз гўёки қандайдир олий табақадаги масиҳийлик гуруҳига тегишилдек бурнимизни баланд кўтариб юрамиз.

Бироқ агар биз Уни Ўз буюклигида, шухратида, улуғворлигида, донолигида ва муқаддаслигида чек-чегарасиз эканлигини кўрсак ҳамда У Шахс сифатида Ота ва Ўғил билан яқдилликда эканлигига, бизнинг ҳаётимизда хукмронлик қилиши ва ҳаётимиздан қандайдир яхши нарса қилиши кераклигига ишонсак, ўшанда биз муқаддас эҳтиромда юз тубан йиқиламиз.

Ким учун Худонинг Руҳи – таъсир ва олий ҳокимият бўлса, ўша доимо: «Мен кўпроқ Руҳни истайман», -дейди. Ким учун У – ажойиб Шахс бўлса, ўша: «Қандай қилиб, мен ўзимни Унга кўпроқ топшира оламан?» –дейди.

БИЗ УНИ ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛАМИЗ

Кўп одамлар Худонинг Руҳини Шахс эмас, балки қандайдир оддий таъсир деб қабул қилишларининг сабаби - кўпинча У ҳақида шундай дейишларидир. Сиз қачонлардир Муқаддас Руҳ ҳақида гапираётганларида худди «нарса» ҳақида гапираётгандек гапирганларини эшитганимисиз? Мен ўттиз йилдан кўпроқ хизмат қиласман. Агар мен Муқаддас Руҳ ҳақида худди «нарсани» эслаганларидек эслаганларини эшитганимда, ҳар сафар бир доллардан олганимда эди, мен жуда ҳам бой одам бўлган бўлар эдим. Афсуски, биз Уни Шахс сифатида ҳурмат қилишни рад этганлигимиз туфайли бизларнинг кўпчилигимиз Руҳ ҳузурининг тўла-тўқислигини қўлдан бой берамиз. Худонинг Руҳи Уни ҳурмат қилмаган жойларда намоён бўлмайди (Мт. 13:54-58; Сан. 88:8га қаранг).

Эслатиб ўтмоқчиман-ки, мен Муқаддас Руҳни «Шахс» деб атаб, Уни инсон демоқчи эмасман. Мен шунчаки айтмоқчи бўлганим, У хулқ-атворни ташкил қилувчи фазилатларга эгадир.

16 МУҚАДДАС РУХ

Муқаддас Рух – одам эмас, Худодир. Лекин биз ёдда тутишимиз керак-ки, одамлар Худонинг суратида яратилгандар. Демак, У бизлар каби эмас, кўпроқ бизлар У кабидирмиз.

Биз Уни *муқаддас* сифатида қабул қилишнинг ўрнига, Унга худди «муқаддас нарса»га қарагандек қараймиз деб жамоат сифатида ўзимиз учун қарор қилдик. Ачинарлиси шундаки, эътиборсизлигимиз натижасида бизларга тегишли бўлган барча муносабатлардан бизга айнан кўпроқ қониқиши келтирадиганларини рад қилдик.

Келинг, Муқаддас Рухнинг шахсини аъло даражада тасвирилаб берувчи бир нечта Муқаддас Ёзув оятларини кўриб чиқамиз:

- У онгга эга (Рим. 8:27га қаранг).
- У иродага эга (1 Кор. 12:11га қаранг).
- У севги ва қувонч каби ҳиссиётларга эга (Рим.15:30; Гал. 5:22га қаранг).
- У юпатади (Ҳав. 9:31).
- У гапиради (Ибр. 3:7); боз устига, У аниқ гапиради (1 Тим. 4:1).
- У ўргатади (1 Кор. 2:13).
- У хафа қилинган бўлиши мумкин (Эф. 4:30).
- У ҳақорат қилинган бўлиши мумкин (Ибр. 10:29).
- У қаршиликка дуч келиши мумкин (Ҳав. 7:51).
- У Ўзига қаратса айтилган ёлғонни эшитиши мумкин (Ҳав. 5:1-11).

Агар Ёзувдаги бу барча фазилатлар шу қадар ажабланарли бўлса, биз ўзимизга: «Нима учун Муқаддас Рухни бундай нотўғри тушунадилар?» -деб савол беришимиз керак.

КАБУТАР

Кўпчилик одамлар Муқаддас Рух ҳақида фикрлаб, кабутарни тасаввур қиласидар. Нима учун фикрга ҳаммадан

олдин бу ўхшатиш келади? Муқаддас Рух қачондир кабутар кўринишида намоён бўлғанми? Жавоб: қатъий йўқ. Биз барча тўртта Хушхабарларда Худонинг Рухи Раббий Исонинг устига кабутардек тушганини ўқиймиз (Мт. 3:16; Марк. 1:10; Лк. 3:22; Юҳ. 1:32га қаранг). Бироқ бизларнинг ўзимиз «каби», «гўё» сўзларидан фойдаланиб, масалан, «у шамол каби тез», «у шердек кучли» деб кимнидир тасвирлаб беришимиз ҳакиқат эмасми? Агар мен ўғлим шердек кучли десам, чиндан ҳам бу уни тўрт оёкли ҳайвон қилиб қўядими? Албатта йўқ! Худди шу тарзда, Рухни кабутардек тушди деб айтиш, Уни кабутар деб айтишни англатмайди.

Кимидир: «Ха, лекин Жон, У Худонинг тахти қаршисида чироқлар кўринишида тасвирланган», -деб айтар (Вах. 4:5). Ха, бу ҳакиқат, бироқ шунингдек, Муқаддас Ёзув: «Мана, ... қариялар орасида сўйилган каби бир Кўзи турганини кўрдим», -дейди (Вах. 5:6). Бу Юҳанно томонидан келтирилган Раббий Исонинг таърифи. Сизлар билан биз биламизки, Раббий Исо аниқ тўрт оёкли ҳайвон эмас. Худди шундай, Муқаддас Рух – Худонинг тахти қаршисида ёниб турадиган афсонавий олов эмас.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, МУҚАДДАС РУҲ КИМ?

Муқаддас Ёзув жуда ҳам аниқ қилиб, Муқаддас Рух – бу Худонинг учинчи Шахси эканлигини айтади. Ибтидо китоби (1:26)да ёзилган: «Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаш одамни яратайлик». Худо: «Одамни яратаман», -деб айтмаганлигига эътибор қаратинг. Яратилиш сахнаси учун учта турли хил ролларни ижро этувчи, учта ҳар хил актёрлар: уч шахсиятдаги Худо - Ота, Ўғил, Муқаддас Рух керак бўлган.

Ҳаворийлар китобида (10:38) Ота, Ўғил, Муқаддас Рух ўртасидаги аниқ фарқни қандай тавсифланаётганини кўриб чиқамиз.

Яъни Худо Нозара шаҳридан бўлган Исони Муқаддас Рух ва кудрат билан мойлади ҳамда У эзгулик қилиб

ва иблицининг зулми остида бўлганларнинг ҳаммасини шифолаб юрди, чунки Худо У билан бирга эди.

Биз бу оятда Раббий Исони Муқаддас Руҳ билан мойлаётган Ота – битта умумий мақсад учун биргаликда ишлаётган учта алоҳида Шахсни кўрамиз.

Яна бир мисолни кўриб чиқамиз:

«Сувга чўмдирилган Исо ўша заҳоти сувдан чиқди. Мана, Унга осмон очилди ва Яҳё Худонинг Руҳи Исонинг устига кабутардек тушиб келганини кўрди. Осмондан эса: «Бу Менинг севимли Ўғлимдир. Менинг илтифотим Ундаридир», - деган овоз келди» (Мат. 3:16,17).

Сиз Раббий Исонинг чўмдирилиши ҳақидаги ушбу ҳисоботда Худованднинг аъзолари яна учта алоҳида Шахс сифатида намоён бўлаётганларини кўрасиз. Аввало, Раббий Исо Яҳё томонидан чўмдирилмоқда, сўнгра Худонинг Руҳи Унинг устига тушмоқда, ва ниҳоят, Ота Худо осмондан: «Бу Менинг севимли Ўғлимдир. Менинг илтифотим Ундаридир», - деб эълон қилмоқда. Яна учта шахсият биргина ўша мақсад учун биргаликда ишламоқда. Менга бу ҳақиқатни тасдиқлашга ёрдам берадиган асосий мисолни сизларга тақдим этишга рухсат беринг. Сув (H_2O формуласи) учта хар хил шаклда кўриниши мумкин. Ҳарорат H_2O формуласи қандай шаклни олишини белгилаб беради: қаттиқ, суюқ ва буг шаклида. Сувнинг туб моҳияти – унинг молекуляр тузилиши, унинг заррачаси ҳам ўзгармайди, бироқ унинг ҳолати ўраб турган мухит (ҳароратга) боғлиқ ҳолда ўзгаради. Айнан худди шу тарзда Худонинг асосий таркибий қисми ўзгармайди. Сиз Ўғилни кўрганингизда, Отани кўрасиз ва бизга Ўғилни очиш учун Руҳ юборилган (Юх. 17:21; Эф. 1:17, 18га қаранг). Худо аслида ягона, лекин У ноёб вазифаларни бажарувчи учта хар хил Шахсиятга эга. Учта Шахснинг борлигига қарамасдан, Худо фақат биттадир. Қонуннинг қайтарилиши китоби (6:4)

да ёзилган: «Эшит, эй, Истроил! Раббий Худойимиз ягона Раббийдир!» Римликларга мактуб (3:30)да ёзилган: «Оқловчи Худо ягонадир». Ёқубнинг мактуби (2:19)да ҳам худди шундай айтилмоқда: «Сен Худонинг ягоналигига ишонасанми? Яхши қиласан!». Бу ҳақиқат китобнинг қолган барча қисмларининг бурчак тоши бўлади: учта алоҳида илоҳий Шахс бор, бироқ бу-ягона Худодир.

3-кун

БИРИНЧИ ШАХС

Муқаддас Рух – бу Муқаддас Ёзувда намоён бўлган Учликнинг биринчи шахсиятидир. Ибтидо китобининг биринчи бобида шундай дейилади: «Бошида Худо осмон ва ерни яратди» (1-оят). Иккинчи оятга қараймиз: «Ер шаклсиз ва бўум-бўш эди. Тубсизлик устини қоронгилик қоплаган эди. Худонинг Рухи сувлар устида учиб юрар эди». Рух Ибтидо китоби биринчи бобининг иккинчи оятидаёқ пайдо бўлмоқда, У ном билан тилга олинаётган Худонинг биринчи шахсиятидир.

Кейинги саволни бериш мумкин: «Лекин Жон, биринчи оятда: «Бошида Худо осмон ва ерни яратди», -деб айтилмоқда. Агар биринчи оятда Ота Худо ҳақида гапирилаётган бўлса, қандай қилиб айнан Муқаддас Рух Ёзувда биринчи бўлиб тилга олинмоқда деб айтиш мумкин?» Ажойиб савол. Бироқ ёдингиздами, Худо: «Ўз суратимизга кўра одамни яратайлик», -деб айтган. Шунинг учун биринчи оятда Худо ҳақидаги фикр Унинг бир шахсиятига эмас, балки бутун Худога тегишлидир. Шунинг учун вазифасига кўра белгиланган Илоҳиётнинг биринчи аъзоси – бу Муқаддас Рухдир. Иккинчи оятда: «Худонинг Рухи сувлар устида учиб юрар эди», -деб ёзилган.

Келинг, биринчи саволимизга яна назар солсак: «Муқаддас Рух Ким?» Дадил тасдиқлашим мумкинки, У бутун ер юзидағи

энг ажойиб, гўзал, меҳрибон, нозик, таъсирчан, қудратли Шахсdir. Сиз: «Жон, бутун ер юзида?» -дерсиз. Ҳа, бутун ер юзида. Ота бу жойда, ерда йўқлигини, У самода, Ўзининг таҳтида эканлигини биз тушуниб олишимиз лозим. Шунингдек, Раббий Исо ҳам бу жойда, ер юзида эмас. Гарчи Ёзув аниқ қилиб Раббий Исонинг таҳтда Худонинг ўнг томонида ўтирганлигини айтса ҳам, мен одамларнинг: «Раббий Исо менинг юрагимда», -деб айтишларини кўп эши таман (Марк 16:19га қаранг). Ҳаворийлар китобида (1:9-11) шундай дейилмоқда:

«Исо уларнинг кўз ўнгидага осмонга кўтарилди ва булут Уни уларнинг назаридан олиб кетди. Исо кўтарилаётганида ҳаворийлар осмонга қараб турганларида, мана, оқ кийимли икки эркак уларнинг олдиларида зоҳир бўлиб, уларга: «Галилия эркаклари! Нега сизлар осмонга тикилиб турибсизлар? Сизларнинг олдингиздан осмонга олинган шу Исо, осмонга қандай кўтарилганини кўрган бўлсангиз, худди шундай келади», - деб айтдилар».

Ҳақиқатдан ҳам, фаришталар бўлган икки эркак шогирдларга аниқ қилиб, Раббий Исо қандай кетган бўлса, айнан худди шундай қайтиб келишини тушунтиридилар. Раббий Исо булутларда қайтиб келадими? Шубҳасиз, жавоб – йўқ. Бу шуни билдирадики, Раббий Исо ҳали ҳам осмонда Худонинг Ўнг томонида ўтирибди.

Ёзувдаги Стефанни тошбўрон қилганларидаги жойни эсланг. Ҳаворийлар китоби (7:55-56)да ёзилган: «Стефан эса Муқаддас Рухга тўлди, осмонга қараб, Худонинг шуҳратини ва Худонинг ўнг томонида турган Исони кўрди. Шунда: «Мана, мен осмонларнинг очилганлигини ва Инсон Ўғлиниң Худонинг ўнг томонида турганини кўрмоқдаман!»-деди». Ўзининг бор шуҳратида турган ва кейинги барча авлодларга маълум бўладиган муқаддас лаҳзани кутиб У учун азобланган шогирдини эхтиром қилаётган Раббий Исони тасаввур қилинг. Бу тарих шарафли бирлашишнинг ажойиб тасвирини ўзида намоён қиласи, бироқ шу билан биргаликда ҳозир Раббий Исо Ўз Отасининг ёнида деган муқаррар далилни эслатиб турис

учун ҳам хизмат қилади.

Ҳақиқат шундаки, Исо тахминан икки минг йилдан буён бу шарафли ўриндадир. У бу жойда, ер юзида эмас. Биз Раббий Исо бизнинг юрагимизда деб айтишни яхши кўришимизни биламан, бироқ ҳақиқатда эса, Муқаддас Рух Исо Масихнинг Рухи, айнан У бизнинг юракларимизни Ўзининг яшаш жойи қилади.

Биз шуни тан олишимиз лозимки, Муқаддас Рух – бу ҳам Ота Худонинг Рухи, ҳам Исо Масихнинг (Ўғилнинг) Рухидир. Келинг, бир нечта мисолларни кўриб чиқамиз.

Филипликларга мактуб (1:19)да Повул шундай тасдиқлайди: «Чунки мен биламанки, бу нарса сизларнинг ибодатингиз орқали ва Исо Масих Рухининг мадади билан менинг қутулишимга хизмат қилади». Раббий Исо Унинг ўрнига Муқаддас Рух келиши учун У кетиши кераклигини жуда ҳам аниқ қилиб кўрсатган. Повул бу ерда танага бурканган Исо ҳақида эмас, Муқаддас Рух (Ёрдамчи) ҳақида гапирмоқда, чунки Раббий Исо энди ер юзида эмас.

Матто Хушхабари (10:20)да Раббий Исо эълон қилиб: «Чунки сизлар гапирмайсизлар, аммо сизларнинг Отангизнинг Рухи сизларда гапиради», -демоқда. Раббий Исо Унинг шогирдлари Хушхабар учун қувғин бўладиган ва синаладиган келажакдаги вақтлар ҳақида гапирган. Худонинг Рухи (Муқаддас Рух) уларни бошқаради ва оғзига керакли сўзларни солади.

Ҳаттоти, ҳозир ҳам, мен ушбу сўзларни ёзаётганимда, улар менинг ақлимнинг ва тажрибамнинг ҳосили бўла олмайди. Отамнинг Рухи мен орқали ўргатади. Мен ўз кучим билан ўргатишга ҳаракат қилиб кўрганман. Менга ишонинг, ҳаммаси аянчли тугаган. Унинг инояти билан, Унинг Муқаддас Рухининг кучи билан мен аслида ким бўлсан, ўшаман. Яхши янгилик шундаки, У ҳеч қачон мени кулфатда ташлаб кетмаган, У ҳар доим келган. Мен иноят Рухи қаршисида бўйсунувчанликда эгилганимда (Ибр. 10:29га қаранг), У чиндан менинг заифлигимни кучга айлантирган.

УЛАРНИНГ УЧЧАЛАСИ ҚАНДАЙ ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ?

«Учтаси биттада» хақиқатини тушуниш балки қийиндир, чунки у бизнинг инсоний онгимизга қарши ҳаракат килади. Коринфликларга биринчи мактуб (12:5-7), қай тарзда бу Уччаласи Биттадек биргалашиб ҳаракат қилиши мумкинлиги хақидаги саволнинг моҳиятини тушуниб олишга ёрдам беради.

«Хизматлар ҳам ҳар хил, лекин Раббий ўша-ўшадир. Фаолиятлар ҳам ҳар хил, лекин ҳаммада ҳамма нарсани ҳаракатга келтирадиган Худо ўша-ўшадир. Аммо Рухнинг намоён бўлиши ҳар кимга фойда учун берилади» (1 Кор. 12:5-7).

Биз бу парчани ўқиганимиз сари, Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух турли хил ролларни бажаришини билиб оламиз. Ота ташаббус кўрсатади ва ҳаракатни бошлайди (6-оят), Ўғил идора қиласи (5-оят), Муқаддас Рух амалга оширади (7-оят); лекин Уларнинг барчаси битта ўша мақсад учун биргаликда ишлайдилар.

Агар биз сизлар билан уй курмоқчи бўлсак, бизга нима зарур бўлади? Биз меъмор, қурилиш бошлиги ва ишчиларни (пудратчилар) ёллашимиз керак бўлади. Бу мисолда Ота Худо меъмор, Исо – иш раҳбари ролида чиқади, Муқаддас Рух эса, уй қурадиган ишчиларни англатади, У – яратишни «амалга оширувчи»дир. Бу барча уч роллар ҳар қандай уйнинг қурилиши учун жуда муҳимдир.

ХУДОНИНГ БАРМОҒИ

Келинг, айнан бир ҳодисанинг Ёзувдаги икки хил баёнига қараймиз. Раббий Исо ҳозиргина жинга чалинган одамни шифолади. Одамлар ҳайратда, лекин фарзийлар ўзларича: «У шайтоннинг ўзи билан жинларни қуваяпти», -деб ўйляяптилар (Мат. 12:23,24га қаранг). Биз 28-оятда уларнинг фикрига Раббий

Исонинг жавобини ўқиймиз: «Агар Мен Худонинг Рухи билан жинларни қувиб чиқараётган бўлсам, унда Худонинг Шоҳлиги сизларга етиб келган».

Шунингдек, Луқо ҳам ўзининг тушунтиришини тақдим этмоқда, бироқ бу Маттонинг таърифидан озгина фарқ қиласди. Луқо Хушхабарида (11:20) шундай дейилмоқда: «Агарда Мен Худонинг бармоғи билан жинларни қувиб чиқараётган бўлсам, унда албатта, Худонинг Шоҳлиги сизларга етиб келди». Лекин Луқо ва Матто Муқаддас Рух ҳақида гапирмоқдалар. Муаллифлар кўпинча қилганларидек, Луқо ҳам гўё Муқаддас Рухни Унинг Шахсидан ажратиб, Унинг вазифасини тавсифламоқда. Шу сабабли, биз Муқаддас Рухни «Худонинг бармоғи» деб таърифлаш мумкин деган хулосага келамиз.

Муқаддас Рухнинг вазифаси нафақат «Худонинг бармоғи» деб аталади, шунингдек, Худонинг қўли ва Худонинг панжаси деб ҳам аталади. Ёзув Худо Ўз халқини «бақувват қўл ва узатилган билак» билан кутқарди дейди (Сан. 135:12). Сано (8:4) дейди: «Мен Сенинг осмонларингга, Сенинг бармоқларингнинг ишига, Сен ўрнатган ойга ва юлдузларга қараганимда...». Аксарият имонлилар Муқаддас Рух – аслида юлдузлар ва сайёralарни осмонда ўрнатган Шахс эканлигини англай олмайдилар, У барча мавжудотни гавдалантиради. Ёдингиздами, Ибтидо китоби (1:2)да шундай ёзилган: «Худонинг Рухи сувлар устида учиб юрар эди». У Отанинг ташаббусини кутган. Сўнгра Ўғил: «Нур бўлсин», -деб Ўз вазифасини бажариши керак бўлган, чунки Раббий Исо Худонинг Сўзидир. «Нур бўлсин» деган сўзлар айтилганида, Ўғил Отанинг иродасини бажарди ва Муқаддас Рух У айтган нарсани яратди. Худо Рухининг улуғворлиги ва шуҳрати ҳақидаги севимли парчаларимдан бири Ишаъё пайгамбарнинг китобида ёзилган (Иш. 40:12-15). У жойда шундай ёзилган:

«Яна ким ўз ховучи билан сувларни ва бармоғи билан самоларни ўлчаб чиқибди? Яна ким ернинг тупроғини санаб чиқибди, тарозида тоғларни ва тарозининг паллаларида тепаликларни торта олибди?

Худонинг Рухига ким маслаҳат беради? Унга маслаҳат бериш ва насиҳат бериш учун ким етарли-ча билимга эга? Унга кимнингдир маслаҳати керакми? Унга нима яхшилиги ҳакидаги насиҳат керакми? Уни кимдир ўқита оладими, Унга ҳақликтининг йўлини қўрсата оладими? Йўқ, зоро барча халқлар – челякдан бир томчидекдир. Улар тарозидаги чанг заррачасидан хам каттароқ эмаслар. У бутун ерни қум заррасидек кўтаради» (Иш. 40:12-15, NLT).

Ўн иккинчи оятда: «Ким осмонни бармоқлари билан ўлчаган?», -деб ёзилган. Кўриб турганингиздек, Муқаддас Рух бу ерда Ўзининг вазифаси бўйича айтилган. Бу ҳақда ўйлаб кўринг. Раббийнинг Рухи бутун уммонни ушлаб туради. Унинг нақадар қудратли эканлигини кўраяпсизми? Шунга қарамай, У бизнинг олдимизга келиш ва бизнинг ичимизда яшашга Ота ва Ўгил билан келишиб Ўзини бўйсундирди. Қандай ажойиб, руҳлантирувчи ва ҳайратда қолдирувчи воқелик!

4-кун

МУҚАДДАС РУҲ – ХУДОДИР

Келинг, одамнинг яратилиш вақтида Муқаддас Рух қандай ролни ўйнаганига назар соламиз. «Раббий Худо ернинг тупроғидан одамни яратиб, унинг димогига ҳаёт нафасини пуфлади ва одам тирик жон бўлди», -деб ёзилган (Ибт. 2:7). Айнан Муқаддас Рух Одам Атони яратган ва унинг бурнига ҳаётни пуфлаган. Ҳаммаси айнан шундай бўлганлигини мен қаердан биламан? Аюб китоби (33:4)да ёзилган: «Худонинг Рухи мени яратди, Қодир Худонинг нафаси менга ҳаёт бериб турибди». Муқаддас Рух нафақат яратган ва Одам Атонинг бурнига ҳаётни пуфлаган, шунингдек, У сиз билан бизларни яратган ва ҳаётни пуфлаган. Сано (138:13)да шундай дейилмоқда: «Зоро Сен менинг ичимни яратдинг, мени онамнинг қорнида

шакллантирдинг». Ҳақиқатан, биз кўриб турган ҳамма нарсани Худонинг Руҳи яратган, чунки Ҳикматлар китоби (26:10)да ёзилган: Ҳамма нарсани яратган Худо буюк...» (инглизча тарж.). Биз кўриб турган ижод намоён бўлди, чунки Муқаддас Рух Отанинг яратиш ниятини амалга оширди.

Умид қиласманки, энди Муқаддас Руҳнинг Худо эканлиги сиз учун аёndир. Келинг, Ёзувда Унга нисбатан фойдаланилган бир нечта турли хил исмларни кўриб чиқамиз. Уни шундай атайдилар:

- Муқаддас Рух (96 маротаба);
- Раббийнинг Руҳи (28 маротаба);
- Худонинг Руҳи (26 маротаба);
- Абадий Рух (Ибр. 9:14, инглизчадан тарж.);
- Ёрдамчи (Раббий Исо Уни Юҳанно Хушхабарида 4 маротаба шундай атайди);
- Юпатувчи (кўпинча Муқаддас Ёзувнинг кенгайтирилган таржимасида ишлатилади);
- Муқаддас (Сано 77:41);
- Раббий (2 Кор. 3:17);
- Ҳақиқат Руҳи (4 маротаба);
- Масиҳ Руҳи (Рим. 8:9; 1 Бут. 1:11);
- Раббий Исо Масиҳнинг Руҳи (Флп. 1:19);
- Маслаҳат Руҳи (Иш. 11:2);
- Билим Руҳи (Иш. 11:2);
- Қувват Руҳи (Иш. 11:2);
- Англаш Руҳи (Иш. 11:2);
- Донолик Руҳи (Иш. 11:2);
- Раббийдан кўркиш Руҳи (Иш. 11:2);
- Сизнинг Отангизнинг Руҳи (Мт.10:20);
- Шуҳрат Руҳи (1 Бут. 4:14);

- Иноят Рухи (Зах. 12:10; Ибр. 10:29);
- Ҳукм Рухи (Иш. 4:4);
- Олов Рухи (Иш. 4:4);
- Ҳаёт Рухи (Рим. 8:2);
- Севги Рухи (2 Тим. 1:7);
- Куч-қудрат Рухи (2 Тим. 1:7);
- Соғлом онг Рухи (2 Тим. 1:7, замонав. тарж.);
- Пайғамбарчилик Рухи (Вах. 19:10);
- Вахий Рухи (Эф. 1:17);
- Муқаддаслик Рухи (Рим. 1:4);
- Муқаддас Худонинг Рухи (Дониёр китобида 4 маротаба);

У муносиб, У құдратли, У шон-шуҳратлидир!

РАББИЙ ИСО МУҚАДДАС РУҲГА ТҮЛИК ҚАРАМ ЭДИ

Раббий Исо түлиқ Муқаддас Рухнинг измида бўлган. У Рух томонидан она қорнида пайдо бўлди, У Рух томонидан ўргатилди, Йордан дарёсида Рухнинг кучига тўлди ва У Рухга чўмдирилгунича бирорта ҳам мўъжиза яратмади (Жалиланинг Каън шаҳрида Раббий Исо томонидан қилинган биринчи мўъжиза ҳақидаги Юҳаннонинг баёнига қаранг: Юҳ. 1:29-34 ва 2:1-11). У Рух томонидан бошқарилар ва фақатгина Рухдан эшигтганларини гапирад эди.

Юҳанно Хушхабари (14:10)да Раббий Исо шундай дейди: «Мен сизларга айтаётган сўзларни Ўзимдан сўзламаяпман. Лекин Менда бўлган Ота, У ишларни бажармоқда». Ёдда туting, Раббий Исо: «Ота осмонда», -демади. У: «Менда бўлган Ота», -деди.

- Бир дақиқа шошма, Жон, Раббий Исо Муқаддас Рух ҳақида Ўз Отаси ҳақида гапираётгандек гапирмоқда демоқчимисан?

-Нега шундай бўлмаслиги керак экан? Фаришта Юсуфга

нима деганига қулоқ солинг: «Марямни ўзингга хотин қилиб олишдан қўркмагин, чунки унинг ичидаги ҳомиласи Муқаддас Руҳдандир» (Мат. 1:20). Марям Муқаддас Руҳдан Раббий Исоға ҳомиладор бўлди, шу сабабли Раббий Исо Муқаддас Руҳ ҳақида гапираётганида Унда бўлган Ота ҳақида гапирганидек гапириши тўлиқ тушунарлидир.

Ҳақиқат шундаки, Раббий Исо ва Муқаддас Руҳ Раббий Исо ер юзида бўлган пайтида ҳар доим биргаликда ишлаганлар. Дарҳақиқат, Раббий Исо шундай хulosага келган: Ўғил Ўз Ўзидан ҳеч нима қила олмайди (Юх. 5:19). Агар Раббий Исо – Шахсан Худо Ўғли Ўз даъватини амалга ошириш учун доимо Муқаддас Руҳнинг ҳамкорлигига муҳтож бўлган бўлса, биз ўз даъватимизни амалга оширишда нақадар кўпроқ Руҳнинг ёрдамига муҳтоҳмиз.

Ҳеч ким Муқаддас Руҳни Раббий Исадек билмайди, шунинг учун келинг, Раббий Исо Муқаддас Руҳнинг бизнинг ҳаётимиздаги роли, Унинг хулқ-атвори, сифатлари, кучи ва бошқа имкониятлари ҳақида нима деганига назар соламиз.

Раббий Исо Юҳанно Хушхабари (14:15-18)да шундай дейди:

Агар Мени севсангизлар, Менинг амрларимга риоя қилинглар. Мен Отамдан илтижо қиласман ва У сизлар билан бирга абадий қоладиган бошқа Юпатувчи ни сизларга беради. Бу – ҳақиқат Руҳидир. Дунё Уни кўрмаслиги ва билмаслиги туфайли қабул қила олмайди, сизлар эса Уни биласизлар, чунки У сизлар билан бирга бўлади ва сизларнинг ичингизда бўлади. Сизларни етим каби қолдирмайман, сизларнинг олдингизга келаман.

Бу парчада нақадар кўп қимматбаҳо ҳақиқатлар бор. Биринчидан, Раббий Исо нима деганиллигига эътибор қаратинг: «Агар Мени севсангизлар, Менинг амрларимга риоя қилинглар». Шуниси қизиқки, Раббий Исо Муқаддас Руҳ ҳақидаги сўзларини - Унинг олий ҳокимиятини, Унинг хукмронлигини тан олишни эслатиш билан бошлайди. Петьор

бу ҳақиқатни тасдиқламоқда: «Бунга эса биз ҳамда Худо Үнга итоат қылғанларга берган Муқаддас Рух гувохдир» (Ҳав. 5:32). Худо Үнга итоат қылғанларга Муқаддас Рухни беради.

Энди Юханно Хушхабарида (14:16) Раббий Исо нима деяётганига эътибор беринг: «Мен Отамдан илтижо қиласман ва У сизлар билан бирга абадий қоладиган бошқа Юпатувчини сизларга беради». Келинг, «бошқа» сўзини билдирувчи юонча сўзга қараймиз. Юон тилида иккита сўз бор, улар бутун Янги Аҳдда инглиз тилига «бошқа» деган маънода таржима қилинмоқда. Бу юонча сўзлар heteros ва allos. Heteros «бошқа, бошқа тоифа» деган маънени билдиради. Allos – «бошқа, лекин айнан шу тоифадан» деган маънени билдиради. Биз беришимиз лозим бўлган савол: «Раббий Исо бу ерда қайси сўзни ишлатаяпти?».

Сизларга жавоб беришдан аввал, бу икки юонча сўзлар ўртасидаги фаркни тасвиirlаб берувчи мисолни келтиришга рухсат берсангиз. Шундай манзарани тасавур қилинг: мен сизга меванинг, масалан, олманинг бир бўлагини бераман. Сиз уни еб бўлганингиздан сўнг, мен сиздан: «Меванинг бошқа бўлагини ҳам хоҳлайсизми?» –деб сўрайман.

Сиз: «Ҳа», -деб жавоб берасиз. Шунда мен сизга апельсин бераман. Шу билан бирга мен сизга шунчаки оддий бўлак эмас, балки меванинг бошқа турини бердим. Апельсин – бу меванинг бир тури ва у олмадан фарқ қиласи. Бу heteros сўзининг маъносига мисол.

Агар сиз бошқа бўлакчани сўрасангиз ва мен сизга олманинг бўлакчасини берсам, мен сизга бошқа, лекин айнан шу турдан бўлакча берганлигимни айтасиз. Бу allos сўзининг маъносига мисол.

Энг бошдаги саволга қайтамиз. Раббий Исо Ота бизга бошқа Ёрдамчини беради деб айтиётганида, У қайси сўзни ишлатаяпти? У allos сўзини ишлатаяпти. Шу тарзда У: Ота сизларга бошқа Ёрдамчини беради, У айнан Мендек бўлади», -демоқда. Бошқача сўзлар билан Раббий Исо У ва Муқаддас Рух айнан битта тоифадан эканлигини айтмоқда.

5-кун

БИЗНИНГ АБАДИЙ ҲАМКОРИМИЗ

Юҳанно Хушхабари (14:16)да Раббий Исо фойдаланган яна бир сўз – бу Ёрдамчи сўзиdir. Бу ерда «ёрдамчи » маъносида юононча сўз «parakletos» ишлатилмоқда. Шунингдек, Раббий Исо Юҳанно мактубида «parakletos» сўзи билан аталган: «Менинг фарзандларим!...Биз Отанинг олдида Ҳимоячи (parakletos) – ҳак Исо Масихга эгамиз» (1 Юх. 2:1). Раббий Исо ва Муқаддас Руҳ ёрдамчи ёки «pragakletos» ролида гавдаланмоқда. Демак, бу юононча сўз нимани англатади? Ўша вактлардаги тилда, у судда одамнинг ҳимоя қилиш учун туродиган ҳуқуқшуносни таърифлаш учун ишлатилган. Бундан ташқари, у шахсий маслаҳатчи ёки тренер – шахсий ривожланиш бўйича инструкторни таърифлаш учун ишлатилган.

Parakletos – иккита юононча сўздан тузилган қўшма сўз: *raga* ва *kaleo*. *Para* – «жуда яқин» деган маънони англатади. Повул бу сўзни ўзининг Тимўтий билан ўзаро муносабатларини таърифлаш учун ишлатган. Повулнинг ҳаворий Тимўтийдан яқинроқ ҳеч кими бўлмаган (Флп. 2:20га қаранг). Хотиним Лиза мен учун «рага». Бутун ер юзида менинг ҳеч қандай яқиним йўқ. Мен бу сўзни у билан ўзаро муносабатларимни таърифлаш учун ишлатган бўлар эдим.

Иккинчи юононча сўз «*kaleo*» – «чакирмоқ, чорламоқ» деган маънони англатади. Кўпинча, бу сўз Ёзувда ҳаворийлар ўз даъватларини баён қилаётганларида ишлатилади. Масалан, Повул: «Мен мажусийларнинг ҳаворийси бўлишга даъват этилганман (ингл. тилидан таржима. - Таржимоннинг изоҳи)», -деб айтганида, у юононча сўз «*kaleo*»ни ишлатган. «Даъват» сўзининг моҳияти бурч ва ҳаракат ғоясини ўз ичига олади.

Биз бу икки юононча сўзларни бирга қўйганимизда, Раббий Исо нима ҳақида гапираётганини яхшироқ тушуна бошлаймиз.

Мазмунан, Раббий Исо: «Муқаддас Рух бизнинг ҳаётий йўлимида бизларга насиҳат, йўналиш, ёрдам ва маслаҳат бериш учун бизларнинг ҳар биримиз билан ёнма-ён бўлишга доимо даъват этилган»,- демоқда. Бу Унинг даъвати, Унинг топшириғидир ва У бизларга ёрдам бериш учун ҳар доим ҳамма жойда бизлар биландир, У ҳеч қачон чарчамайди! Раббий Исо Муқаддас Рух бизлар билан абадий бирга бўлишини айтган (Юх. 14:16). У ҳеч қачон бизларни ташлаб кетмайди ва тарк этмайди. Нақадар ажойиб ваъда! Раббий Исо аслини олганда, Муқаддас Рух Унинг (Раббий Исонинг) бизнинг ҳаётимиздаги аниқ иши ва даъватининг давомчиси бўлишини айтмоқда. Кўпинча мен одамларнинг: «Мен Раббий Исо билан бир оз юра олганимда эди, мен Унга жуда кўп саволлар берган бўлар эдим», -деб айтаётгандарини эшитаман. Нима учун бу саволларни Муқаддас Рухга бермаслик керак экан? Бу- бизнинг Муқаддас Рухни хис килишимиз бошланадиган мухим соҳадир. Агар биз Уни шунчаки қандайдир тушунарсиз мавжудотдек қабул қиласақ, Унинг олдига бизни ўқитишга ва бизга ўргатишга қодир бўлган Шахснинг олдига келганимиздек кела олмаймиз. Муқаддас Рух – бу қандайдир мавжудот эмас, У -Худодир. Агар биз Худонинг Сўзи У ҳақида нима деса Унинг шундайлигига ҳақиқатан ҳам ишонсақ, шунда биз У ҳамма нарсани биладиган ва қурдатли эканлигини, бизга таълим беришни истайдиган ва таълим бера оладиган, ёрдам берадиган ва бизни бошқарадиган Зот эканлигини билиб, Унинг олдига ҳурмат-эҳтиром билан келамиз. Ҳа, У бизларнинг ҳар биримиз билан яқиндан сұхбатлашишни жуда қаттиқ истайди.

Афсуски, Муқаддас Рух Жамоатда энг эътиборсиз қолдириладиган Шахс бўлса керак. Қандай қилиб, кўпинча биз биргаликда йигиламиш-у, лекин Уни ҳурмат қилмаймиз ва ҳаттоки, эсламаймиз ҳам. Қандай қилиб, биз билан доимо бирга бўлишга ва биз билан бирга юришга даъват этилган Шахсга бир сўз ҳам айтмасдан кўпинча эрталабки, кундузги ва кечки соатларимиз ва ҳаттоки, тўлиқ кунларимиз ўтиб кетмоқда.

ЭСАНКИРАТИБ ҚҰЙДИГАН БАЁНОТ

Раббий Исо Юханно Хушхабари (16:7) да эсанкиратиб құйдиган сўзларни айтган: «Аммо Мен сизларга хақиқатни айтаман...».

Бу парчани күриб чиқишимиздан аввал мен сизларга бир манзарани тасвирлаб беришни хоҳлар әдим. Раббий Исо шогирдларига мурожаат құлмоқда. У улар билан уч йилдан күпроқ вактни биргә ўтказди. У гапирған ҳамма нарса амалга ошди. У: «Шамол, тинчлан», -деди ва шамол тинди. У уларга қаерга боришларини ва у ерда улар ёш эшакни топишларини айтди. Албатта, улар бордилар ва ўша ерда эшак бор әди. У шогирдларининг орасида сотқин борлигини ҳали у Уни сотмасидан олдин билар әди. У анжирға қуриб қолишиңи буюрди ва у йигирма түрт соат ичида қуриб қолди. Раббий Исо айтган ҳамма нарса амалга ошди, шунга қарамасдан, У барибир Ўз сўзларини сўзбошидан бошлиши лозим әди: «Аммо Мен сизларга хақиқатни айтаман...». Раббий Исо Ўз шогирдларига айтишга ҳозирланган нарса уларнинг миясини портлатиб юбориши лозим әди, шунинг учун У уларга хақиқатни айтаётганини улар тушунаётганига ишонч ҳосил құлмоқчы әди.

Шундай қилиб, Раббий Исо нима демоқда? «Аммо Мен сизларга хақиқатни айтаман: Менинг кетганим сизлар учун яхшидир, чунки агар Мен кетмасам, Юпатувчи (parakletos) сизларнинг олдингизга келмайди. Агарда Мен кетсам, Уни сизларга юбораман (Юх. 16:7). New Living Translation таржимасида: «Менинг кетганим сизлар учун энг яхшисидир», -деб ёзилган.

Ўзингизни шогирдларнинг ўрнига қўйиб кўринг. Сиз уни Худонинг Ўғли деб билган етакчиниз сизга у сизни тарк этиши кераклигини ва Унинг кетиши сизга эзгуликка бўлишини айтди. Менимча, аҳмоқгарчиликдек эшитилади. Агар У Худо бўлса, Унинг қолиши сиз учун яхшироқ эмасми? Ишончим комилки, шогирдлар ҳам шундай ўйлашган. Айнан мана шу

сабаб туфайли Раббий Исо Ўз нутқини қуидаги сўзлар билан бошламоқда: «Сизларга ҳақиқатни айтаман».

Шундай килиб, нимага шогирлар учун, имонлиларнинг келажакдаги авлоди, шу жумладан, сиз билан биз учун Раббий Исонинг кетгани ҳаммадан ҳам яхши? Мана, нима ҳақида фикрланг. Агар Раббий Исо ерни ҳеч қачон тарқ этмаганида эди, доимо бизларнинг ёнимизда бирга бўлиш учун Муқаддас Рух келмаган бўлар эди. Агарда Раббий Исодан менга нимадир керак бўлиб қолганида эди, мен У билан учрашиш учун кўп милл босишимга тўғри келар эди. Менинг сафарим эҳтимол Тел-авивдан бошланган бўлар эди (у дунёдаги энг тирбанд аэропорт бўлган бўлар эди). Сўнгра қаердадир бирмунча қулайроқ уй топиш умидида (чунки барча меҳмонхоналар тўла бўлган бўлар эди) Жалилага етиб олиш учун машинани ижарага олишга тўғри келар эди. Кейин эса, Раббий Исони топишим керак бўлар эди. Бу қийин бўлмас эди, чунки минглаб одамлар У билан сухбатлашиш имкониятини кутган бўлар эдилар. Уни топганимда эса, умуман инсониятга таниш бўлган навбатда туришнинг энг қийин тизимидан ўтишим керак бўлар эди, чунки барча Раббий Исони кўришни ва Унга савол беришни ёки илтимос билан мурожаат қилишни хоҳлаган бўлар эди.

Модомики, Унинг хузурига навбат шу қадар узун бўлар экан, эҳтимол, менга Раббий Исо билан учрашишимга олтмиш сониядан ортиқ вақт ажратмаган бўлар эдилар, шу сабабли, шубҳасиз, савол ва илтимослар олдиндан тайёрланиши талаб қилинар эди. У ухлаши, еб-ичиши кераклигини ёдда тутинг. Шундай бўлгач, У одамлар билан учрашувга бир кунда ўн тўрт соатдан кўп вақт ажратса олмаган бўлар эди. Бундай хисобда Раббий Исо ҳар бир киши билан олтмиш сониядан вақт ўтказиб, бир кунда фақатгина 840 кишини қабул қила олган бўлар эди. У бир миллион кишини қабул қилиши учун Унга 1190 кун (3.26 йил) керак бўлар эди. Бирор ёддан чиқармангки, одамлар оқимиға доимо янги одамлар қўшилиб борган бўлар эди. Ўта жадал эҳтиёжлари ва илтимослари бўлганлар учун «тез навбат»

ҳам бўлганида нима бўлар эди? Уларнинг барчасини ҳар доим ўтказиб юборишимга тўғри келган бўлар эди, шундай эмасми? Ўйлашимча, Раббий Исонинг олдига кириш энг қийин ва деярли имконсиз иш бўлишини тахмин қилиш қийин эмас.

Яхши янгилик шундаки, Муқаддас Рух ҳар доим бизга очиқдир. Унинг ухлаши ёки овқат ейиши шарт эмас. У бир вактнинг ўзида миллиардлаб турли хил одамлар билан миллиардлаб сухбатлар ўтказиши мумкин. Агар биз Худонинг Сўзига Муқаддас Рух ҳақидаги тасаввуримизни тубдан ўзгартиришига рухсат берсақ, нима учун Раббий Исо: «Менинг кетганим сизлар учун яхшидир», -деб айта олганини тушуна бошлаймиз.

Ёдда туting, Муқаддас Рух худди Раббий Исо кабидир. У Раббий Исо каби ўргатади, У Раббий Исо каби Худонинг ишларини амалга оширади ва У бизлар билан шу ердадир! Сиз Унинг накадар ҳайратланарли эканлигини энди тушуниб бораётгандирсиз? Ҳаттоқи, мен бу сатрларни ёзаётганимда ҳам, Муқаддас Рух мен Унинг ҳаётимдаги овозини ва ҳузурини қанчалик чегаралаб қўйганимга менинг кўзларимни очмоқда. Демак, қайтараман: У бизнинг ўқитувчимиз, тренеримиз, маслаҳатчи ва ҳимоячимиз, биз ҳаётимизнинг ҳар бир кунида Унинг фаол аралашувига муҳтожмиз!

Кейинги бобда биз ажойиб Худо билан яқин қалин муносабатларда бўлиш дегани нимани англатиши ҳақида сухбатлашамиз.

1-Кун. Кундалик ўқиши учун

РУХНИ ТАНИБ БИЛИШ

*Мен Отамдан илтижо қиласман ва У сизлар билан бирга
абадий қоладиган бошقا Юпатувчи (Маслаҳатчи,
Ёрдамчи, Шафоатчи, Ҳимоячи, Оқловчи, Ҳомий) ни
сизларга беради. Бу – ҳақиқат Рухидир.*

–Юханно 14:16,17

Муқаддас Рух ҳақиқатан ҳам ҳайратланарлиди! Бизнинг Масиҳдаги нажотимиздан кейин У бизга берилган энг яхши совғадир. Муқаддас Рух Ким? Тажрибали муаллиф ва бутун умри давомида чўпон бўлган А.У.Тозер шундай ёзган:

«Муқаддас Рух – иштиёқ эмас. У шахс. Буни бош ҳарфлар билан ёзиб қўйинг – Муқаддас Рух шунчаки бошқа шаклдаги қандайдир мавжудот эмас, бироқ У Ўзининг сифатлари ва хулқ-авторининг ўзига хос хусусиятлари билан Унинг Ўзи Шахсдир. У мавхум нарса эмас, У моҳиятдир... Муқаддас Рух ирода ва онгга, ҳиссиётга, билимга, ҳамдардлик ҳиссига ва севиш, кўриш, ўйлаш, эшлиш, сўзлаш ва ҳар қандай одам истаганидек исташ қобилиятига эгадир».

Бу дарсни бошлашдан олдин Муқаддас Рухни қандай тушунгансиз? Бу боб Унинг шахсан сиз учун Ким бўлганлиги ҳақидаги тушунчангизни қанчалар кенгайтирди?

Муқаддас Ёзувда Муқаддас Рухга нисбатан ишлатилган исмлар рўйхати устидан дикқат билан фикр юритинг (17-саҳифага қаранг). Бу исмлар У ҳақида сизга нималар демоқда?

Муқаддас Рух – бу Ота ва Ўғил билан teng Шахс эканлигини билиш Худо билан соғлом муносабатлар ривожи учун муҳимдир. Тозер шундай ёзади:

«...Ўғил ким бўлса Муқаддас Рух ҳам шудир, Ота ким бўлса Муқаддас Рух ҳам шудир ва Муқаддас Рух Ўзининг жамоатида бўлади. Биз Уни қай ҳолда топамиз? У Раббий Исо қандай бўлса, худди шундай бўлади. Сиз Янги Аҳдни ўқигансиз ва сиз Раббий Исонинг қандай бўлганлигини биласиз. Муқаддас Рух Раббий Исо қандай бўлса, айнан шундайдир, чунки Раббий Исо Худо эди ва Рух Худодир ҳамда Ўғил қандай бўлса Ота айнан шундайдир; сиз Отанинг қандай эканлиги ҳақида билиб, Раббий Исонинг қандай эканлиги ҳақида билиб, Рухнинг қандайлигини билиб олишингиз мумкин».

Энди сиз Муқаддас Рухни янгича кўраяпсизми? Унинг хулқ-авторининг ушбу ҳар хил томонлари сизни қандай рухлантирмоқда ва ҳаётингизда Унга кўпроқ жойни беришга даъват қилмоқда?

Бундан кейин ўрганиш учун:

Юханно 12:44, 45; 14:8–11; 2 Коринфликларга 4:4;
Колосаликларга 1:15–19; Ибронийларга 1:3.

2-кун. Кундалик ўқиши учун

У МАВЖУДОТ ЭМАС, ХУДОДИР

Раббий ва Рух битта нарсанинг ўзиидир...

–2 Коринфликлар 3:17 (CEV)

Худонинг фарзанди сифатида сизга Унинг бебаҳо, ваъда қилинган совгаси: Унинг совгаси бўлмиш Муқаддас Рух берилган (Гал. 4:6га қаранг). Унинг Рухи – бу бутун галактика бўйлаб харакатланишга қодир бўлган қандайдир куч ёки қувват эмас. Унинг Муқаддас Рухи – Бу Удир, Ўша бор бўлганнинг камчиликсиз тўлиқлигидир.

Ўн тўққизинч асрдаги хизматчи ва 200дан ортиқ китобларнинг муаллифи Эндрю Мюррей шундай деган: «Муқаддас Рух «Ота ва Ўғил билан яқдил», У Худонинг шарафи ҳақида «тўлиқ ва аниқ ваҳийни» келтиради». У шундай давом эттиради:

Эски Аҳдда Худо томонидан бизга ваъда қилинган ҳамма нарсани, Илохий иноятдан Раббий Исода на-моён бўлган ва бизларга берилган ҳамма нарсани Муқаддас Рух энди бизнинг мулкимиз қилмоқда. Худонинг барча ваъдалари У орқали амалга ошади, Масихдаги бор иноят ва нажот бизнинг шахсий мулкимиз ва тажрибамизга айланади».

Англаб ола олдингизми? Муқаддас Рух орқали Худонинг барча ваъдалари амалга ошади, Масихдаги бор иноят ва нажот бизнинг шахсий мулкимиз ва тажрибамизга айланади». Бу одамнинг шунчаки фикри эмас, бу Муқаддас Ёзувнинг ҳақиқатидир. Дикқат билан ўқиб, бу парча устидан яхшилаб фикр юритинг:

«Раббимиз Исо Масихнинг Отаси – Худо муборак

бўлсин (мақтоворларга сазовор бўлсин, улуғлансин, юксалсин)! У самода бизга барча руҳий (Муқаддас Руҳ томонидан берилган) баракаларни Масиҳда ато этган».

—Эфес. 1:3, кенгайтирилган таржима

«Худога маъқул ҳаёт кечиришимиз учун зарур бўлган барча нарсалар- бизни Худонинг олдига таклиф Қилган (Муқаддас Руҳ)ни шахсий ва яқиндан таниб билиш орқали бизга мўъжиза қилиб берилган. Бу биз қачонлардир олган барча таклифлардан энг яхисидир».

—2 Пет. 1:3, The Message,
қавс ичидаги сўзлар аниқлик учун киритилган.

«Лекин ёзилганидек бўлди: «Худо Ўзини севганларга кўз кўрмаган, кулоқ эшифтмаган, инсон юрагига ҳам келмаган нарсаларни тайёрлаб қўйган. Худо эса Ўз сирини Ўз Руҳи орқали биз билан бўлишди. Чунки Руҳдан ҳеч нарса, ҳатто Худо донолигининг теранликлари ҳам яшириш эмас».

—1 Кор. 2:9-10, Дж. Б. Филлипс

Бу оятлар орқали Муқаддас Руҳ бизга нимани очмоқда?

Муқаддас Рухнинг ким эканлиги ҳақидаги ўз тушунчангиз билан Унинг хузурини ва кучини чеклайсизми? Тўхтанг ва ибодат қилинг. У сизнинг келажагингизни қанчалар ўзгартира олишини сизга кўрсатишими Ундан сўранг. У сизга нимани очса, ўшани ёзиб боринг.

Бундан кейин ўрганиш учун:

«Рух билан», «Рух орқали», «Рухдан» ибораларини
<http://bibleonline.ru>. сайти ёрдамида ўрганиб чиқинг.
Шунингдек, 1 Коринфликлар 12:4–11; Галатликларга 5:5; 2 Салоникаликларга 2:13 оятлари устидан
фикр юритинг.

З-кун. Кундалик ўқиши учун

У ҲАЁТ РУХИДИР

*Чунки Iso Masихдаги ҳаёт Рухининг қонуни мени гуноҳ
ва ўлим қонунидан озод қилди.*

—Римликларга 8:2

Муқаддас Рух – бу ҳаёт Рухидир! Мана бу исм! У ҳакида ўйлаб кўринг. Ҳаёт – бу ҳамма нарса. У соғлик, ўсиш, бардамлик, тетикилик, қувват ва кучнинг барча жиҳатларини ўз ичига олади. Ҳаёт Рухида ўлим сояси ҳам, касаллик ҳам, ожизлик ҳам, чарчаш ҳам, толиққанлик ҳам, чириш ҳам, парчаланиш ҳам – ўлимнинг кичкинагина аломати ҳам йўқдир.

Ҳаёт Рухи яратилиш вақтида бор бўлиб, ернинг ҳар бир соҳасига ҳаёт берган. Халқаро хизматчи ва хушхабарчи Лестер Самралл бу сўзларни тасдиқлайди:

«Ёзувнинг бошида Ибтидо китоби 1:2 да Муқаддас Рухнинг ҳаракатини кўрамиз. Диккатга сазовор томони шундаки, Муқаддас Ёзувнинг биринчи сахифаси ва иккинчи оятининг ўзиёқ Муқаддас Рухнинг ҳаракатини кўрсатмоқда. У тартибсизликдан коинотни, гўзалликни ва жозибани шакллантириди. Ер шаклсиз ва бўш-бўш эди. Худо Ўзининг ижодий нодир асари билан шугулланди, Рух Унга ёрдам бериб ҳаракат қилди. Худонинг Рухи сув устида учиб юрар эди ва коинот бўшлиқдан шаклланди».

Сиз ҳаётингизнинг қаерида бўшлиқни ва тартибсизликни кўраяпсиз? Гўзаллик, тартиб ва озодлик олиб келиш учун қаерда сизга ҳаётнинг Муқаддас Рухи керак? Ибодат қилинг ва Ундан сизга йўл кўрсатишни сўранг. Бу соҳаларни Унга ибодатда бўйсундиринг. У яратилиш жараёнида қандай қилиб тартиб ўрнатган бўлса, худди шундай келиб тартиб ўрнатишни

Ундан сўранг.

Филиппиликлар 4:6–8; 1 Петьор 5:7; Сано 36:4–6 ни ўқиб чиқинг.

Доимий қолоклиқдан чарчадингизми? Ҳаёт Руҳи сизни Ўз курдати билан мустаҳкамламоқчи. Сиз У билан вакт ўтказганингизда ва Уни таниб- билганингизда, У сизни куч билан янгилаиди. Худонинг ушбу кучли ваъдалари устидан фикр юритинг:

Наҳот билмасанг? Наҳотки, ер юзининг худудларини яратган мангу Раббий Худо чарчамаслигини ва ҳолдан тоймаслигини эшиитмаган бўлсанг? Унинг онгини ўрганиб бўлмайди. У чарчаганга (кўпаядиган ва жуда хам ортиб борадиган) куч беради ва ҳолдан тойганнинг қувватини оширади.

—Ишаё 40:28,29, кенгайтирилган таржима.

Агарда Исони ўликлардан тирилтирган тирик ва ҳар жойда ҳозир бўлувчи Худонинг Руҳи сизларда жо бўлса, унда У Исода нима қилган бўлса, худди ўшани сизда амалга ошириб, сизни ҳам Ўзи учун тирилтириши аниқ эмасми? Худо сизнинг ичингизда яшаётганида ва сизга нафасни пуфлаганида (У Исода амалга оширганидек, буни албатта амалга оширади) ўша ўлик ҳаётдан озод бўласиз. Сизларда бўлган Унинг Руҳи билан сизларнинг баданларингиз Исонинг баданидек тирик бўлади.

— Римликлар 8:1, The Message таржимаси.

Мени кўллаб-кувватлаётган Исо Масихда менда ҳар қандай ишни қилишга куч бор (мен ҳар қандай нарсага тайёрман, мени ички куч билан Тўлдираётган

орқали мен ҳеч нарсага таслим бўлмайман.

– Филиппиикларга 4:13, кенгайтирилган таржима.

Муқаддас Рух бу оятлар орқали сизга нималар демоқда?
Ибодатни ёзib қўйинг, Ҳаёт Руҳидан сизни ички куч билан
тўлдиришини ва Исо ерда юрганида бўлгани каби тирик
қилишини сўранг.

Бундан кейин ўрганиш учун:

Ибтидо 1:2; Нехемиаҳ 9:6; Ишаъё 40:12–15;
Санолар 8:4–9; 103:24–30; Аюб 33:4.

4-кун. Кундалик ўқиши учун

БИЗ УНГА ТҮЛИҚ ТОБЕ БҮЛИШИМИЗ КЕРАК

«Сен құдрат билан ёки күч билан енга олмайсан, балки Рухим билан енгасан», - дейди Күшинлар Худованди.

– Захариаҳ 4:6, NLT таржимаси

Худонинг Ўғли Исо Масих Отанинг Рухи, Муқаддас Рухга түлиқ тобе бўлган. Унинг она қорнида пайдо бўлишидан, қайта тирилгунича Ундаги бўлган ҳамма нарса Рух ишининг натижаси бўлган. Ёзув дейди:

У Рух томонидан она қорнида пайдо бўлган эди – **Матто 1:20; Луқо 1:31-35;**

У Рух томонидан бошқарилган эди – **Матто 4:1; Луқо 4:1;**

У Рух томонидан кучга тўлдирилган эди – **Луқо 4:14, 18,19; Юханно 3:34;**

У Рух томонидан ўргатилган ва Унга итоаткор эди - **Юханно 5:19, 20, 30; 14:10.**

Бунга Исо жавоб бериб, яхудийларга деди: «Сизларга ростини айтаман, Ўғил Ўз- Ўзидан ҳеч нима қила олмайди. У Отасининг нима қилаётганини кўрса, фақат ўшани қила олади. Аслида, Ота нима қиласа, Ўғил ҳам худди шуни қиласди. Ота Ўғилни севади ва Унга Ўзи қилаётган ҳамма нарсани кўрсатади... Мен Ўз -Ўзимдан ҳеч нима қила олмайман. Қандай эшиитсан, шундай ҳукм қиласман ва Менинг ҳукмим ҳақдир, чунки Ўзимнинг хоҳлаганимни эмас, балки Мени Юборганинг хоҳлаётганини бажаршига ҳаракат қиласман».

– Юханно 5:19, 20,30 GW таржимаси

Юҳанно Хушхабарининг бешинчи бобидаги Раббий Исонинг тобелик декларацияси (юқоридаги) устидан дикқат билан фикр юритинг. Муқаддас Рух Раббий Исонинг У билан ўзаро муносабатлари ҳақида сизга нимани очмоқда? Сиз даъватни ҳис қиласизми? Рухланишни ҳис қиласизми?

Ҳаворийлар 5:32; Римликларга 8:16; Галатликларга 4:6; 1 Юҳанно 3:24 ва 4:13ни ўқиб чиқинг. Муқаддас Рух ва бизнинг У билан ўзаро муносабатларимиз ҳақида қайтарилаётган иккита қандай ҳақиқатни билиб олмоқдасиз?

Галатия жамоатидаги биринчи имонлилар каби, биз ҳам Муқаддас Рухга нақадар мұхтож эканлигимизни гоҳида унүтиб қўямиз. Галатликларга мактуб (3:2-9) ва Луқо Хушхабари (11:13)ни ўқиб чиқинг. Муқаддас Руҳдан доимо ёрдам олиш мумкинлигини билиб, сиз қандай сабоқ чиқарган ва ҳаётингизда қўллай олган бўлар эдингиз?

5-кун. Кундалик ўқиши учун

У СИЗНИНГ АБАДИЙ ДЎСТИНГИЗДИР!

*Мен Отамдан илтижо қиласман ва У сизларга бошқа
Дўстни беради, токи У доимо сизларнинг ёнингизда
бўлсин. Бу Дўст – ҳақиқат Рухидир.*

–Юханно 14:16, 17, The Message таржимаси

Муқаддас Рух сизнинг энг яқин дўстингиз бўлишни истайди. У ҳар доим сизнинг ёнингизда, бир кеча-кундузда йигирма тўрт соат, ҳафтада етти кун сизнинг абадий Ёрдамчингиз бўлишни истайди. Ёзув дейди: «У бизнинг ичимиизга жойлаштирган Рух бизга ташна бўлмоқда, У рашкли севги билан Рухнинг (қабул қилиши) га ташна бўлмоқда» (Ёкуб 4:5, кенгайтирилган таржима).

Муқаддас Рух бидан ҳақиқий дўстлик бебаҳодир. Унинг ҳузури ва кучи - ҳеч нарса тенг кела олмайдиган абадий қоникишни беради. Раббий Исо Муқаддас Рух ҳақида сўзлаб: «Мен унга берадиган сувни ичадиган эса абадий ташна бўлмайди. Аммо Мен унга берадиган сув унинг ичида абадий ҳаёт томон оқаётган сув манбаига айланади» (Юханно 4:14). Хушхабарчи ва ўқитувчи Р.А. Торрей ушбу оятлар устидан фикр юритиб шундай деган:

«Бу ерда сув Муқаддас Рухни англатади. Дунё бизни қониктира олмайди. Ҳар бир дунёвий қувонч ҳақида шундай дейилиши керак: «Бу сувдан ичган киши, яна чанқайди». Бироқ Муқаддас Рухда жоннинг ҳар қандай истагини қондирадиган куч бор. Муқаддас Рух ва фақатгина У инсоннинг юрагини қондира олиши мумкин. Агар сиз ўзингизни Муқаддас Рухнинг оқими ва булогининг остига қўйсангиз, сиз ортиқ ҳеч качон чанқамайсиз. Ох, қандай таърифлашга тил ожиз қувонч билан ва тасвирлаб бўлмайдиган қоникиш би-

лан Муқаддас Рух Ўзининг тирик сувини кўпчилик жонга қўймоқда. Сизнинг ичингизда бу тирик фаввора борми? Сизнинг булоғингиз тозаланганми? У абардий ҳаётга оқмоқдами?».

Р.А.Торрейнинг: «Менинг ичимда бу тирик фаввора борми? Мен Руҳнинг тасвирлаб бўлмайдиган қониқишини ҳис қиласанми? Агарда йўқ бўлса, унда нима учун?», -деган саволлари устида фикр юритинг. Сўнгра Муқаддас Руҳдан ҳар куни ва табиий равишда Унинг дўстлигига ўзингизни топширишингиз учун нима қилишингиз кераклигини кўрсатишини сўранг. У сизга очадиган ҳамма нарсани ёзиб боринг.

(Муқаддас Рух бўлмиш) Раббийнинг қаршисида тинчланинг. Ундан сизга Ўзини очишини – сиз учун аввалгидан кўра вокероқ бўлишини сўранг. Сизга Унинг севгисини, қабул қилинишни ва тинчликни қуишини Ундан сўранг. Шошманг. Уни сукунатда кутинг ва Унинг Худо эканлигини англаб етинг. У сизга айтадиган ҳамма нарсани ёзиб қўйинг.

Сиз Муқаддас Руҳда ўз-ўзингизча бўлиш учун озодсиз. У сизнинг ичкаридан қандай ва ташкаридан қандай эканлигинизни билади. Агар сиз гўё ўзингизни йўқотиб қўйгандек хис қилаётган бўлсангиз, У сизга қаерда эканлигинизни аниқ қўрсатиши мумкин. У ҳар доим сизни қўллаб, руҳлантириб ва ўргатиб сизнинг ичингизда бўлади. Истаган вақтингизда Унинг олдига келинг. Уни чарчатиб ёки

тинка -мадорини қуритиб қўя олмайсиз. У сизнинг энг яқин дўстингиз!

Ибодат

Муқаддас Рух, Сенинг Кимлигинг ҳақидаги менинг тушунчамни кескин равишда кенгайтиргин. Менга Сенинг хулқ-авторингни ва менинг Ёрдамчим сифатидаги ролингни аввалгидан кўра яхшиrok кўришимга ёрдам бергин. Сенинг ҳузурингни, кучингни ва менинг ҳаётимдаги овозингни ҳеч қачон чегараламаслигим учун менга ёрдам бергин. Мен бу ҳақида ўзим учун, оилам учун ва Сенинг барча жамоатларинг учун ибодат қиласман. Раббий Исо номи билан, Омин.

МУНОЗАРА УЧУН САВОЛЛАР

Агар сиз бу китобни «Хабарчи» хизматидан Муқаддас Рух ҳақидағи материалларнинг бир қисми сифатида ўқиётган бўлсангиз, унда марҳамат қилиб, I- видео дарсни кўринг.

- 1 | Муқаддас Рухсиз бизнинг масихий ҳаётимиз қуруқ, ҳамиша бир хил ва кучсиз бўлиб қолади. Шундай қилиб, бизнинг ҳаётимиз Муқаддас Рух билан қандай бўлиши лозим? Имкони борича кўпроқ ижобий намойишларни ва соҳаларни айтинг.

Раббий Руҳдири; Раббийнинг Руҳи бор жойда озодлик бор.

–2 Кор. 3:17

- 2 | Муқаддас Рух – бу қандайдир «нарса» эмас, бу қандайдир ақл бовар қилмайдиган илохий куч эмас. У Учликнинг, Ота Худонинг ва Ўғилнинг тўлиқлигини олиб юрувчи Шахсdir. Биз Муқаддас Рухни гўёки У «нимадир» ёки «қандайдир сирли куч» деб тасаввур қилишимизнинг натижаси қанақа? У қандай бўлса биз Уни худди шундай: мутлақ Худо сифатида кўришимизнинг ижобий ҳосиллари қанақа?

- 3 | Муқаддас Рухнинг иштироки биринчи имонлилар орасида одатга айланган эди, бироқ бугун имонлилар орасида у анча камдир. Сиз нима деб ўйлайсиз, қанақа сабаблар билан биз бугун Худо Руҳининг бошқаруви ва қудратли таъсиридан роҳатланишдан, Унинг йўналишини излашдан ва Унга тобе бўлишдан тўхтадик?

- 4 | Раббий Исо Шахс сифатида ҳозир қаерда? У имонли одамнинг юрагида яшайдими? Нажотимизни ва Худо қандай қилиб одамнинг юрагини Ўзининг уйи қилиши

ҳақидаги сирни қандай қилиб яхши ва янада аникроқ қилиб таърифлаб бериш мүмкін?

Етакчилар: Ўз гурухингиздан Марк 16:19; Ҳаворийлар 1:9–11; 7:55, 56; Римликларга 8:34; Колосаликларга 3:1; Ибронийларга 10:12,13ни саволнинг биринчи қисми учун ва Римликларга 8:9, 10; 1 Коринфликларга 3:16; 6:19; 1 Юҳанно 3:24ни қолган қисм учун ўқиб чиқишиларини сўранг.

Исо унга жавоб бериб деди: «Ким Мени севса, Менинг амрларимга риоя қиласди ва Менинг Отам уни севади. Бизлар унинг олдига келамиз ва унда маскан яратамиз».

– Юҳанно 14:23

- 5 | Бизнинг Худойимиз Раббий биттадир, лекин У учта аниқ бир-биридан фарқланадиган қиёфага – Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухга эгадир. Учликнинг ҳар бир аъзосининг асосий вазифаларини ва улар Худонинг иродасини бажариш учун биргаликда қандай ишлашларини таърифлаб беринг.

Етакчилар: Ўз гурухингиздан 1 Коринфликлар 12:5-7ни, шунингдек, Ибтидо китобининг 1-бобидаги дунёнинг яратилиш жараёнининг баёнини ва Юҳанно 5:17, 19, 20даги Раббий Исонинг сўзларини ўқишиларини илтимос килинг.

Ота Худонинг Рухи = Масих Рухи = Муқаддас Рух

- 6 | Раббий Исо Муқаддас Рух бизнинг «parakletos»имиз эканлигини айтган. Бушунианглатадики, У «хар доим биз билан бирга бўлишга, бизни ўргатишга, Худо билан ҳар куни вақт ўтказишимизда бизни бошқаришга даъват этилган». Қай тарзда бу билимлар бизнинг У билан кундалик муроқотларимизда бизни қўллаб-кувватлайди ва руҳлантиради?

- 7 | Муқаддас Рухнинг Шахсида сиз илгари кўрмаган қандай янги хусусиятларни энди кўраяпсиз? У нақадар сизнинг кўзларингизни очмоқда ва У ҳаётингизда Ким эканлиги ҳақидаги билимингизни бойитмоқ.

ҚАЙДЛАР

БОБ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

- Муқаддас Рух – Ота Худо ва Ўғилнинг тўлиқлигини ўзида мужассамлаштирган Учликнинг аъзосидир.
- У «нимадир», қандайдир ақл бовар қилмайдиган куч эмас, У – Худодир.
- У вақт ва масофа билан чегараланмаган. У бир вақтнинг ўзида сон-саноқсиз одамлар билан мулокот қила олиши ва ёрдам берса олиши мумкин.
- У биринчи имонлиларнинг ҳаётига жуда чуқур кириб борган ва У бугун ҳам ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасига иштирок этишга чанқоқдир.
- Усиз умуман масиҳийлик ҳаёти йўқдир, лекин Унинг ажойиб дўстлигини қабул қилганларга мўл-кўлчиликка ва саргузаштларга тўла ҳаёт келади.
- Уни шахсан таниб- билинг!

МУҚАДДАС РУҲНИНГ ШАХСИ

Раббимиз Исо Масиҳнинг ажойиб инояти, Худонинг чексиз севгиси ва Муқаддас Руҳнинг яқин дўстлиги сизларнинг ҳаммангиз билан бўлсин. Омин.

–2 Коринфянам 13:13, The Message таржимаси.

1-кун

Бошқа бир одам билан яқин муносабатларга киришиш учун, биринчи навбатда биз унга яқинлашишимизнинг сабабини тушуниб олишимиз керак. Биз бу одамнинг нимани яхши кўриши, нимани ёқтираслиги, нимага интилаётганлиги ҳақида нақадар кўп билсак, чукур дўстлик шу қадар кучли ривожланади. Худди шундай, агар биз Муқаддас Рух билан яқин муносабатлар қуришни истасак, биз аввало Унинг шахсини тушунишга ҳаракат қилишимиз керак.

Биз энди олдинги бобдан англаганимиздек, Раббий Исо Ўз шогирларига эсанкиратиб қўядиган хабарни айтди: «Менинг кетганим сизлар учун яхшидир, чунки агар Мен кетмасам, Юпатувчи сизларга келмайди...» (Юх. 16:7). Бу Ўша бир куни: «Мен оғзимни масалларда очаман, дунё яратилишидан буён яширин бўлган нарсаларни сўзлайман», -деб айтган Раббий Исонинг Ўзидир (Мт. 13:35). Бу дунёда яшаган барча Устозлардан энг буюги, дунё яратилишидан буён мавхум бўлган сирларни очган Шахс Исо Масиҳ - Ўзининг яқин дўстларини жисмоний мавжуд бўлган Раббий Исонинг Ўзи эмас, балки Худонинг Рухи улар учун ва келажак авлодлар учун энг аъло ҳамроҳ бўлишига ишонтиришга ҳаракат қилмоқда.

О-ҳо! Сизларни билмадим-у, бироқ бу мени Муқаддас Руҳни

янада кўпроқ хоҳлашга мажбур қилмоқда.

Келинг, Муқаддас Ёзувдаги Коринфликларга иккинчи мактубдаги оятдан бошлаймиз (13:13). Повул демоқда:

Раббий Исо Масихнинг инояти, Отамиз Худонинг севгиси ва Муқаддас Рухнинг мулоқоти сизларнинг ҳаммангиз биландир. Омин.

Повул Худонинг ҳар бир Шахсининг ўзига хос хусусиятларини таъкидламоқда. У «Исо Масихнинг инояти»дан бошламоқда. Бизлар имонлилар сифатида шуни унутмаслигимиз керакки, Муқаддас Рух билан ажойиб муносабатларнинг бурчак тоши бўлмиш Худонинг қаршисидаги бизнинг ҳақлигимиз – Раббимиз ва Нажоткоримиз Исо Масихнинг иноятиси – бўлмаган бўлар эди. Бу иноятни ишлаб топишнинг ёки унга хизмат қилиб сазовор бўлишнинг иложи йўқдир. Бу кечиримни, сотиб олинишни ва кучни ўз ичига олувчи Унинг ҳаётининг буюк инъомидир.

Повул яна давом этади: «... ва Худонинг севгиси». Мен барча тўрттала ўғилларимни қанчалик яхши кўришим ҳакида ўйлаганимда, фақат уларнинг биттаси билангина хаётни тасаввур қила олмайман. Бироқ, ҳаттоқи, менинг фақат битта ўғлим бор ва мен уни ўз душманларим учун ўлимга топширишим керак деган фикрнинг ўзигина мен учун жуда оғирдир. Ахир биз Худо Ўзининг ягона Ўғлини биз учун берганида, ҳақиқатан ҳам Худонинг душманлари эдик-ку! (Рим. 5:10га қаранг). Қандай буюк севги! Самовий Ота сизни севишидан наҳот хурсанд бўлмасангиз? Илгари сиз Унинг душмани бўлгансиз, энди эса, сиз Унинг фарзандисиз. У сизларга Ўз севгисини нақадар кўп куяди. У сизни ўзгача ва бутунлай Ўзининг шахсий одамидек севади.

Мен ўз болаларимни бениҳоя қадрлайман, шунга қарамасдан, менинг уларни севиш ва улар билан завқланиш қобилиятим Худонинг бизларга бўлган севгисидан анча узоқдир. Унинг Сўзи демоқда: «Чунки мен аминман: на ўлим,

на ҳаёт, на фаришталар, на ҳокимиятлар, на кучлар, на ҳозирги, на келажақдаги нарсалар, на баландлик, на чукурлик, на бошқа бирон мавжудот бизни Раббимиз Исо Масиҳдаги Худонинг севгисидан ажратишга қодир эмас» (Рим 8:38-39). Накадар ажойиб ваъда! Наҳотки сиз Отанинг сивгисидан сизни ҳеч ким ажратишга қодир эмаслигидан миннатдор эмассиз?

Келинг, энди бу Повулнинг Коринф жамоатига охирги мактуби эканлигини ёдда тутиб, (2 Кор. 13:13) оятнинг иккинчи қисмига қараймиз. Бу (хат кўринишида ёзилган) мактуб ўзига хос донолик ва ваҳийларга тўла. Повул Муқаддас Руҳнинг бошқарувида ушбу чукур мазмунли мактубнинг хотимасида нимани танляяпти? «*Муқаддас Руҳнинг мулоқоти сизларнинг ҳаммангиз биландир*». Повул «мулоқот» сўзини Муқаддас Руҳ билан боғлаётганига эътиборингизни қаратинг. Мен католик жамоатида улгайганман ва шунинг учун «мулоқот» (ингл. *communion* – «дахлдорлик». - Таржимоннинг изохи) сўзини талафуз этиб, нон ва винони тасаввур қиласр эдим. Шак-шубҳасиз, Повул бу ерда Раббийнинг кечлиги ҳакида гапирмаяпти. Демак, «Муқаддас Руҳнинг мулоқоти» нимани англатади? Агар юононча матннинг асл нусхасига қайтсак, «мулоқот» юононча *koinonia*ни билдиришини кўришимиз мумкин. Мана, бу сўзнинг мен топган бир қанча таърифлари: дўстлик, ўртоқлик, мулоқот, яқин танишув, қалин ўзаро алоқа, ижтимоий алоқа, ҳамкорлик, умумий иштирок ва яқин ўзаро кўмак.

Бу узун ва катта рўйхат. Юқорида санаб ўтилган таърифларни учта тоифага бўлишга менга руҳсат берсангиз:

- дўстлик
- ҳамкорлик
- яқинлик

МУЛОҚОТ ДҮСТАЛИКНИ АНГЛАТАДИ

Менинг луғатим дүстликни «дүстлар ўзларида бор бўлган ҳамма нарсани ўзаро баҳам кўрадиган дўстона, улфатона муносабатлар» деб ифодалайди. Яқин дўстлар ва ўртоқлар дўстона муносабатларда бўлишади. Улар ўзларида бўлган ҳамма нарсани бўлишадилар, бир-бирлари билан сухбатлашадилар ва бир-бирларининг ҳаётларида нима содир бўлаётганини биладилар.

Айтиб ўтганимдек, менга гольф ўйнаш жуда ҳам ёқади. Одатда, мен ўйнаш учун ўзимнинг яқин дўстларимни таклиф қиласман. Биз бутун бир раундни сухбатлашиб ўтказиб юборамиз. Дўстлар билан яхши вакт ўтказиш учун бу янг яхши вазият, чунки кўп нарсалар бизларнинг фикримизни ўғирлай олмайди. Қачонлардир коллежда менга теннис ўйнаш жуда ҳам ёқар эди, бироқ муаммо шундаки, теннис кортида рақибингиз билан мулокот килишнинг имкони йўқ. Рақиблар билан мулокот қуриш имконияти борлиги туфайли гольф ўйинини биринчи навбатда яхши кўраман. Бошқа жойларга қараганда майдонда одамлар билан анчагина кўпроқ яқин муносабатлар қуришга муваффақ бўламан. Айнан ўша жойда менинг «мулоқотим» амалга ошади. Балки, энди сиз нима учун мен хотинимни у ерга тортишни ҳақиқатан ҳам исташимни тушунаётган бўлсангиз керак, чунки бутун ер юзида менга ҳамроҳ бўлишини мен кўпроқ истайдиган бошқа одам йўқ.

Менинг энг яқин дўстларимдан бири – бу «Messenger International» гурухи аъзоларидир. Биз ўз идеалларимизни, таклифларимизни ва топширикларимизни мунтазам мухокама қиласмиз. Мен уларнинг тажрибасига ва дўстлигига жуда ҳам кучли ишонаман. Бу ажойиб аёл ва эркакларсиз мен бугун қаерда бўлишим мумкин бўлганлигини ҳам билмайман. Биз кўпинча биргаликда вакт ўтказамиз, бу доимий мулокотсиз «Messenger International» хизматининг мақсади: ўргатиш, эришиш ва қутқариш -имконсиз бўлар эди.

Муқаддас Ёзувдан аниқ равшанки, ҳаворийлар Муқаддас Руҳнинг мулоқотига тўлиқ тобе бўлганлар. Ҳаворийлар китобида ёзилган: «Мана, мен энди Руҳга банди бўлиб, Иерусалимга бораяпман. У ерда мен билан нима юз беришини билмайман. Бироқ мени кишанлар ва қайгулар кутаётгани ҳақида Муқаддас Руҳ барча шаҳарларда гувоҳлик бераяпти» (Ҳав. 20:22-23). Повул Муқаддас Руҳ билан уни олдинда нималар кутаётгани ҳақида гаплашди. Эътибор беринг, унга Муқаддас Руҳ кишанлар ва қайгулар уни кутаётганини қандайдир *битта шаҳарда* айтмади. Тўғрироғи, Муқаддас Руҳ билан доимий мулоқоти туфайли, Повул уни синовлар кутаётганини *барча шаҳарларда* билар эди.

Сизларни билмадим-у, лекин агар менинг ҳамкорим, мен яқиндан сухбатлашадиган одам мен қаерга бормайин ҳамма жойда мени қайгулар кутаётганини доимо менга айтса, балки мен ундан шубҳаланиши бошлаган бўлар эдим. Тухминан шундай деган бўлар эдим: «Сен нима, ўйлаб кўрдингми?», «Балки келажакни осонгина ўзгартириш имкони бордир?» ёки «Қайгуларнинг ўрнига енгилгина нокулайликларга нима дейсан?» Муқаддас Руҳ Повулнинг қайгуларидан хурсанд бўлмаган, тўғрироғи У Повулни уни олдинда кутаётган нарсага тайёрлаган. У Повулни тайёрлай олади, ахир уларни мустаҳкам дўстлик мулоқоти боғлаб турган.

Муқаддас Руҳ мен эшитишни хоҳламаган нарсани менга айтган вақтлари ҳам бўлган. Мен (қандайдир яхшироқ нарса эшитиш умидида) Ундан айнан ўша нарса ҳақида сўрашни давом эттирас эдим, лекин кундан-кунга худди ўша биргина жавобни олар эдим. Биз Муқаддас Руҳ билан шу тарзда мулоқот қилганимизда, У ахийри гапиришдан тўхтайди, бу билан гўёки у бизларга дейди: «Мен сенга аллақачон аниқ қилиб кўрсатдим, Менинг йўналишимни қабул қилиш ёки қабул қилмасликни - энди сен танла. Муқаддас Руҳ билан яқин дўстликка эга бўлиш – У сиз эшитишни хоҳламайдиган нарсани айтадиган даврни бошдан кечириш деганидир. Ҳаворийлар китобининг 10-бобида

Петъор Муқаддас Руҳдан бундай йўналишни қандай олганини кўришимиз мумкин. Худо Петъорга Худонинг мажусийларга ҳам нажот бериш истагини очувчи ваҳийни берди. 19-оятда шундай ёзилган: «Мана, уч киши сени изламоқда». Бу одамлар Петъорни мажусий юзбошининг уйига кузатиб қўйиш учун келдилар, Петъорнинг ўзи содик яхудий сифатида бекордан-бекорга у ерга бормаган бўлар эди. Шу сабабли, Муқаддас Рух аниқ қилиб унга: «Ўша ерда, пастда сени меҳмонлар кутмоқда. Сени уларнинг олдига чиқишингни истайман. Сен Менга бу топшириқ учун кераксан». Петъор бундай хабарни эшитиб хурсандчиликдан сакрамаслигини Муқаддас Рух билар эди, У унга қандайдир кейинги кўрсатмаларни бермасдан, нима қилиш кераклигини айтди.

Икки боб аввал Муқаддас Руҳга тўлиқ умид қилишнинг яна бир мисоли келтирилган. «Филипга эса Раббийнинг фариштаси: «Ўрнингдан тур ва жануб томонга, Иерусалимдан Фазага борадиган саҳро йўлига бор!»- деди» (Ҳав. 8:26). Биз бу ерда Филипга кўрсатма бераётган Раббийнинг фариштасини кўраяпмиз. Бу ерда Филипга фаришта намоён бўлди дейилмаяпти, бироқ: «Филипга Раббийнинг фариштаси деди», -деб ёзилган. Ҳар бир таржима бу тафсилотни тасдиқлади. Нима учун бу фарқ шу қадар муҳим? Берилган парчадан биз шуни тушунамизки, Филип фариштанинг овозини ва Муқаддас Руҳнинг овозини ажратса олган, чунки ушбу бобнинг давомида шундай ёзилган: «Руҳ Филипга: «Унга яқинлашиб, шу аравага қўшилгин!»- деди» (Ҳав. 8:29). Муқаддас Руҳнинг овози Филипга шу қадар таниш бўлганки, у Унинг овозини фариштанинг овозидан фарқлай олди!

Мен хотинимнинг овозини шунчалик яхши биламанки, ҳаттоқи, уни кўрмасдан туриб ҳам, кўпгина бошқа овозларнинг орасида унинг овозини таний оламан. Биз одамлар билан тўла бинонинг ҳар хил томонларида бўлишимиз мумкин, лекин у гапирганида, ўнлаб бошқа овозларнинг орасида унинг овозини ажратса оламан. Биринчи масихийлар Муқаддас Руҳнинг

овозини шу қадар яхши билганлар. Луқо Ҳаворийлар китобини ёзаётганида, Филип унга қандай айтиб турганини тасаввур қиласман. Филип дейди: «Йўқ, Луқо, ўша шаҳарда менга гапирган овоз Рухнинг овози эмас эди. Бу фаришта эди. Бирок айнан Рух менга ўша аравага кўшилиб олишимни айтди». Унинг овози бизга шунчалик яхши танишми? Рух билан янада кучлироқ яқинлик бор-у, лекин биз ҳали уни билмаслигимиз мумкинми? Филип саҳрода бўлганида, Муқаддас Рух унга аниқ бир аравага кўшилиб олишни айтди. Нима учун бу учрашув шунчалик муҳим? Аравадаги ўша жаноб бутун Эфиопияда учинчи шахс эди. Унинг таъсири ва ҳокимияти шарофати билан Эфиопия нажотга келиши учун унинг мамлакатида хушхабар тарқала бошлади. Агар Филип Рухнинг бошқарувига шундай сезгир бўлмаганида эди, у буюк имкониятни кўлдан бой берган бўллар эди.

Бир неча бобдан сўнг, Тимўтий, Повул ва Сила иштирокидаги воқеа таърифланади:

Сўнг Фригия ва Галатия *юртларидан* ўтгач, уларга Муқаддас Рух томонидан Асия *юртида* Сўзни воизлиқ қилиш ман этилди. Мисиягacha етиб боргандариди, Битинияга боришга уриндилар, аммо Рух уларга ижозат бермади (Ҳав. 16:6-7).

Эътибор беринг, «Муқаддас Рух томонидан ман этилди» ва «Рух уларга ижозат бермади».

Сиз биринчи масиҳийлар Муқаддас Рух билан қанчалик кўп мулокот қилганликларини энди тушунаётгандирсиз? Наҳотки бугун бошқача бўлиши керак? Раббийга хизмат қилиш учун бизда Муқаддас Рұҳдан яхшироқ восита борми? Ёки биринчи жамоатнинг етакчилари замонавий технология етишмаганлиги туфайли оддий усуулардан фойдаланганларми? Албатта йўқ. Технология ҳам, усуулар ҳам Муқаддас Рухнинг овозини ҳеч қачон боса олмайди.

Ушбу етакчилар Муқаддас Рух уларнинг ҳаётида жадал

иштирок этишини күтгәнлар, Унинг ҳузурини хурмат қилғанлар ва Уни таклиф қилғанлар. Ҳеч нима ўзгармаган. Муқаддас Рух бугун ҳам сизлар билан ҳудди шундай яқин мулокотда бўлиб юришни истайди.

Биз Лиза билан бир-биримизга бирорта ҳам сўз айтмасдан, уйимизда соатлаб биргаликда вақт ўтказишимизни тасаввур қила оласизми? Тасаввур қилиш қийин. Ким бундай никоҳга эга бўлишни истайди? Мен хотинимни севаман ва унинг ёнида бўлишни жуда ҳам хоҳлайман. Мен уни эшишишни ёқтираман, унинг овозининг оҳангига – менинг қулоқларим учун мусикадир. Биз турмуш қурганимизга ўттиз йилдан ошди, лекин у турмушга чиқмаган бўлганида эди (Худога шукур, у турмушга чиқсан), мен унга тинчлик бермаган бўлар эдим. Ер юзидағи барча одамлар ичидан, ҳаммадан ҳам кўпроқ бирга бўлишни хоҳлайдиганим- шубҳасиз удир. Ҳудди шундай, Муқаддас Рух биз билан қалин муносабатда бўлишни истайди.

Йигирма тўрт йилдан буён сафарларим вақтида ҳар хил меҳмонхоналарда тўхтайман ва ҳеч қачон менга зерикарли бўлмаган. Агар ҳар бир сонияда Худобилан бирга бўлсам, қандай зерикишим мумкин? Ҳар бир меҳмонхонанинг хонасида У мен биландир. Айнан шунинг учун меҳмонхоналардаги вақтимни қадрлайман. Баъзида, ўз гуруҳим билан вақт ўтказишини хоҳламаслигимни айтаман, чунки Муқаддас Рух билан ёлгиз қолишини истайман. Мен Унинг гапиришини эшишишни яхши кўраман. Мени нотўғри тушунманг, мен одамлар билан ҳам вақт ўтказишини яхши кўраман, ҳақиқатан ҳам менга одамлар билан бирга бўлиш жуда ҳам ёқади. Мен асло дарвеш ва тарки дунё қилган одам эмасман. Мен одамлар жамоасини жуда ҳам яхши кўраман, лекин шу билан бирга, Муқаддас Рух билан (мулoқot) вақтимни жуда ҳам қадрлайман.

2- кун

МУЛОҚОТ ҲАМКОРЛИКНИ АНГЛАТАДИ

Ҳамкорлик – бу «*коинопіа*» сўзини таърифлаш мумкин бўлган яна бир сўздир. Ҳамкорликнинг мисоли Луқо хушбарида бор: «Шундай қилгандарида, улар жуда кўп балиқ овладилар, ҳатто тўрлари йиртилиб кетди. Улар бошқа қайиқдаги шерикларига ёрдам беришлари учун имо-ишора қилдилар. Улар келиб, иккала қайиқни шундай тўлдирдиларки, ҳатто чўка бошладилар». Юнонча: «ҳамкорлар» сўзи – *metochos* («*коинопіа*» сўзининг синоними) – «иш бўйича ҳамкор, шерик, ўртот» деган маъноларни англатади (1 Кор. 3:9). Ахир бу хайратланарли эмасми? Менга бу сўзнинг Уэймаут таржимасидаги таърифи ёқади: «[Биз] Худо учун ва Худо билан ҳамкорлармиз». Бизга Яратувчи учун ва еру-осмонни Яратган билан бирга ишлаш имкони берилгандир. Бошқа сўз билан айтганда, биз Худо билан ҳамкорлиқда ишга киришамиз. Қандай ажойиб таклиф!

Ҳақиқий ҳамкорлар ҳар доим бир-бирлари билан бир оқимда бўлишади. Мен Мичиган кўли яқинида катта бўлганман. Елкан остида юриш ўша ердаги ҳаётимнинг катта қисмини эгаллаган. Бизнинг оиласи қайигимиз менга жуда ҳам ёқар эди, мен икки йил мактабда елканли қайикда сузиш маҳоратини ўрганганиман ва ҳаттоки, мусобақаларда иштирок этганиман. Илк пойгалардан бирида, мендан таниқли бир капитан билан бирга ишлашимни илтимос қилдилар, унинг экипажи энг яхши экипажлардан бири ҳисобланар эди. Ҳамма мен учун хурсанд бўлди. Биринчи босқич пайтида мен ўзимни ортиқча ҳис қилдим. Капитан буйруқлар берар ва гурӯҳ харакат қилишни бошлар эди. Ҳар бир одам нима қилиши кераклигини аниқ билар эди, мен кемада ўз ўрнимни эгалладим. Бир томондан мен ниҳоятда бесёнақай эдим. Гарчи менга нима қилиш кераклигини айтган бўлсалар ҳам, менда ўз вазифамга оид маҳорат ва тажриба йўқ эди. Экипажнинг бошқа аъзолари уйғунлиқда ишлар эдилар, мен эса

ҳали буни ўрганишим керак эди.

Муқаддас Рух билан ҳамкорлик ҳам гурухнинг бир қисми бўлишни англатади. Сиз У билан ишлашингиз керак. Биринчи маротаба, мен аудитория қаршисида воизлик қилганимда, менинг хотиним ва унинг энг яқин дугонаси нақ биринчи қаторда ухлаб қолишган. Мен Рух билан битта тўлқинда бўлмаганман. Воизлик вактида У билан ҳамкорликда бўлишни ўрганиш учун менга вакт керак бўлди. Китоб ёзиш соҳасида ҳам худди шундай бўлди. Мен ўзимнинг биринчи китобимни ёзишим жараёнида, Муқаддас Рух билан ҳамкорликда ишлашни ўргангунимча ҳафсаласи пирликка тўла бир йил керак бўлди. Аста-секин осон ва тезроқ ёзиши бошладим. Мен ҳар доим Унинг Ўзининг роли ва менинг ўзимнинг ролим борлигини ва У факат шундай ишлашни исташини билиб олдим.

Ҳаворийлар китоби 15-бобда биз ҳаракатдаги ҳамкорликнинг унсурларини кўрамиз. Ҳаворийлар барча мажусий имонлиларга юбориш учун мактуб ёзадилар. Улар унда шундай дейдилар: «Чунки қуйидаги зарур бўлганлардан бошқа ҳеч нарсани сизларга юкламаслик Муқаддас Рухга ва бизга маъкул бўлди» (Ҳав. 15:38). Биз ҳаракатдаги ҳамкорликни кўяяпмиз. Етакчилар муайян вазиятга нисбатан Муқаддас Рухнинг ва ўзларининг шахсий қарашларини яққол ифодаладилар. Қарор қабул қилишда иккала томонлар ҳам иштирок этишди. Иккала томонлар ҳам ўз ролларига эга эдилар. Улар Шоҳликнинг ишида ҳамкор эдилар.

Ҳамкорликнинг худди ўша ғояси Эски Аҳдда ҳам кўринади. Худо эманзор ёнида Иброҳимнинг олдига Садўм ва Ғамўрани вайрон қилиш ҳақидаги Ўз режасини муҳокама қилиш учун келгани ёдингиздами (Ибтидо 18га қаранг)? Кўриниб турибдики, Худо Иброҳимни Ўзининг ҳамкоридек кўради. Улар ўрниларидан турадилар ва Худо унга йўлда шундай дейди: «Мен бу икки шаҳарни ер юзидан ўчириб ташлашни ўйляпман. Иброҳим, сен бу ҳақида нима деб ўйлайсан?» (муаллифнинг паррафизи). Иброҳим хавотир қиласи, чунки унинг жияни ушбу шаҳарларнинг бирида яшайди. Жиддий фикрлашлардан сўнг,

охир оқибат у Худони, агар у ерда ўн нафар ҳақ киши топилса, бу шаҳарларни вайрон қиласликка кўндиради.

Шубҳасиз, Худо Иброҳим тилга олган сабабларни қадрлайди. У ҳатто Ибтидо китоби (18:17)да: «Қиладиган ишимни Иброҳимдан яшираманми?» –дейди. Аниқ, Худо Ўз режасини амалга оширишни тезлатиш учун У Иброҳимнинг иштирокини хоҳлаган. Нима учун? Чунки Иброҳим Худо билан қалин муносабатда ёки ҳамкорликда бўлган.

Шунга ўхшаш мисол Мусонинг ҳаётида таърифланган. Худо Мусога: «Энди Мени ёлғиз қолдир, бу халққа ғазабим қўзғалади ва Мен уларни кириб ташлайман. Эй, Мусо, уларнинг ўрнига сендан буюк халқ яратаман», -деди (Чиқиши 32:10). Мусо бу сўзларни эшишиб, Худони ғазабланмасликка ва Ўз режаларини ўзгаришишга кўндиришда давом этди. Бугун биз бу сўзларни уларга алоҳида аҳамият бермасдан осонгина ўқиймиз. Бироқ фақат ўйлаб кўринг: ҳаттоки Худо: «Мени ёлғиз қолдир», - деб айтганидан сўнг ҳам, Мусо Унинг учун ва Унинг халқи учун ҳамма нарсадан ҳам муҳим бўлган нарсани Худога эслатишга журъат килди. Бу Мусо Худо билан қалин ҳамкорликда ишлаганлиги учундир. Бунинг устига, биз Худо – Қурдатли эканлигини ва У ҳар доим бизнинг ҳурматимизга сазовор эканлигини эсда тутишимиз муҳимдир. Фақатгина Унинг инояти ва кучи билан биз Унинг ҳамкори бўлишга қодирмиз. У бизга Унинг буюк режасининг ва ниятининг бир қисми бўлишимизга рухсат беришни танлади. Лекин бундай танлов орқали У қандай имконият берди!

Бу Эски Аҳддан икки буюк мисол, бироқ гап шундаки, бизда бор бўлган нарса Иброҳимда ва Мусода йўқ эди. Имоннинг бундай буюк намоёндалари Худонинг ҳамкорлари бўлишга қодир бўлганларининг аниқ пайтлари ва вазиятларидир. Бироқ бугун Муқаддас Руҳ бизнинг ичимиизда бир кунда йигирма тўрт соат, ҳафтада етти кун яшамоқда. У эманзор ёнида бизнинг олдимизга келишини ёки У билан суҳбатлашиш учун Синай тогига тиришиб-тирмасиб чиқишни кутиб ўтиришимизнинг

кераги йўқ. Бизда ҳар доим Унинг олдига кириш ҳуқуқи бор. Энг асосийси, Унинг Ўзи биз билан ҳамкорликда ишлашни – бизнинг қадамларимизни йўналтиришни ва бизнинг фикрларимизни эшитишни хоҳлади.

Муқаддас Рух нафақат ҳар доим биз билан бирга, балки Уяна ҳеч қачон ухламайди ҳам. Яқинда мен тонгги соат 2:20да уйғониб кетдим ва ўтган кунги хизмат учун безовта бўлиб бошқа ухлай олмадим. Шунинг учун мен туриб, ўз Ҳамкорим билан сұхбатлашдим. Ва биласизми нима? У ухламаган эди. Ҳайратланарли! У: «Жон, нима учун Мени уйғотдинг?» –демади. Агар мен хотинимни уйғотганимда эди, у: «Жон, нима учун сенга мени бундай эрта тонгдан уйғотиш керак бўлиб қолди?» -деб айтган бўлар эди. Агар мен унга: «Азизам, мен шунчаки сен билан гаплашиб ўтироқчи эдим», -деб жавоб берганимда эди, у менга ёстиқни улоқтирган бўлар эди. У мизғишини яхши кўради, шунинг учун мен уни уйғотиш мумкин эмаслигини биламан (у ҳам маълум вазиятларда яхшиси мени уйғотмаслик кераклигини билади). Лекин Муқаддас Рух исталган соатда менинг улфатчилигидан хурсанд бўлади. Унга келаётган кун ҳақида мен билан гаплашиш ёқади, баъзан У ҳаттоқи нима бўлишини менга олдиндан кўришимга имкон беради. Мана, нима учун мен ҳар кунимни Унинг ҳузурида бошлашни ёқтираман. У менинг Ҳамкорим ва бизнинг мулоқотимиз менинг кунимнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Муқаддас Рух – ушбу ўзаро муносабатларда бош Ҳамкор эканлигини қайд этиб ўтиш муҳим. Повул Эфесдаги етакчиларга: «Шундай қилиб, ўзингизга ва Муқаддас Рух сизларни назоратчи қилиб қўйган бутун подага дикқат қилинглар, токи Худо Ўз қони билан қўлга киритган Унинг жамоатини бокинглар», -деб айтган. Эътибор беринг, Повул: «Исо сизларни назоратчи қилиб қўйган бутун подага», -деб айтмаган. Бу оят Раббий Исонинг Муқаддас Рух билан ҳамкорлигини аъло даражада кўрсатиб бермокда. Раббий Исо Худонинг Жамоатини «Ўзининг қони» билан сотиб олди. Учликнинг аъзоси сифатида ҳозирги пайтда ер юзида бўлган Муқаддас Рух Жамоатнинг назоратчиларини

тайинлайди ва барча ишларни бошқаради. У ҳамма нарса учун жавоб беради, ёки бошқа сўз билан айтганда, У бош Ҳамкордир. Муқаддас Рух – бу Ўша биз билан бирга ва бизнинг ичимизда бўладиган Зот эканлигини Повул яхши тушунган.

Яна бир шунга ўхшаш мисолни Ҳаворийлар китоби 13-бобда учратиш мумкин: «Улар Худога хизмат қилиб, рўза тутаётгандарида, Муқаддас Рух уларга: «Менга Барнабо билан Шоулни Мен уларни даъват этган иш учун ажратиб беринглар!»-деди. Улар эса Муқаддас Рух томонидан юборилиб, Селевкия шаҳрига келдилар» (2, 4 оятлар). Бу мисолда биз яна ҳаворийлар билан (мулоқотда) ҳамкорликда бўлган Муқаддас Рухни аниқ кўриб турибмиз. Ёдингизда тутинг, Раббий Исо ҳозир Отаси билан бирга самодадир. Муқаддас Рух бу ажойиб ҳаётда бизнинг Ҳамкоримиз бўлиши учун ерга юборилган.

3-кун

ҚАЛИН ЎЗАРО АЛОҚАЛАР

Келинг, Коринфликларга иккинчи мактуб (13:13)ни яна ўқиб чиқамиз: «Раббимиз Исо Масихнинг инояти, Ота Худонинг севгиси ва Муқаддас Рухнинг мулоқоти сизларнинг ҳаммангиз биландир». Энди биз мулоқотни «дўстлик» ва «ҳамкорлик» сўzlари билан таърифлаганимизда, бу оятни сизда пайдо бўлган мана шу икки сўз тушунчаси орқали кўриб чиқиши бошланг. Повулнинг сўзининг кучини англаб етаяпсизми? Бироқ у тўхтамаяпти. «Koinonia» сўзи шунингдек, «қалин ўзаро алоқалар» деган маънони ҳам ўз ичига олади.

Ҳозир мен айтадиган нарса менинг ёшимнинг сирини очади, бироқ шунга қарамасдан, мен қалин ўзаро алоқалар ҳакида ўйлаганимда, «Битлз» гурухини тасаввур қиласман. Мен ёш йигит бўлган пайтимда («битлз»чилар бўлиниб кетмасидан анча аввал), Пол МакКартнини эсга олганимда, дарров қолган

барча «битлз»чиларни: Джон Леннон, Джордж Харрисон и Ринго Старрни тасаввур қиласа эдим. Ўша пайтда ҳатто мен бу гурух ҳақида алоҳида одамлар ҳақида ўйлагандек ўйламас эдим: улар шунчаки «Битлз» эдилар.

Қалин ўзаро алоқаларнинг яна бир мисоли – бу шу номли фильмдаги учта аҳмоқдир. Улар Моэ, Лэрри ва Керлisisz, ҳаттоки, бу уччаласидан бириксиз ҳам учта аҳмоқлар бўлмаган бўлар эдилар. Фақат биргина Моэ билан эпизод бемаъни бўлиб қолган бўлар эди. «Учта аҳмоқ» айнан барчаси бирга бўлғанликлари учун ҳам дунё юзини кўрдилар. Улар бир-бирларига боғлиқ эдилар.

Ҳаётда Муқаддас Рух билан қалин ўзаро алоқаларда юрадиган одамлар ҳақида ўйлаганимда, менинг фикримга келадиганлардан бири – доктор Давид Йонги Чодир. Доктор Чо дунёдаги энг катта жамоатлардан бирининг чўпонидир. Мен у киши билан илк маротаба 1980 йилда учрашганимни ҳеч қачон унутмайман. Бу унинг бизнинг жамоатимизга биринчи ташрифи бўлган, мен эса айни меҳмонларни кутиб олиш хизмати билан шуғулланар эдим. Доктор Чо бизнинг жамоатимизга келишигача, мен бир неча йилдан бўён меҳмонларни қабул қилиш хизматида эдим, шунинг учун унгача мен бир қанча ўнлаб хизматчиларни кутиб олишга мұяссар бўлганман. Бироқ менинг доктор Чо билан учрашувим мутлақо ноёб бўлган. У менинг олдимга машинага ўтирганида, у билан бирга Худонинг хузури келган. Мен қарийб дарҳол йиғлашни бошлаганман, кўз ёшларим ёноқларимдан думалаб тушар эди. Мен жим бўлишга харакат қилдим, чунки хизмат бошланишигача уни безовта қилишни хоҳламадим, бироқ шунга қарамасдан, гаплашим олишим зарурлигини ҳис қиласа эдим. Мен паст овозда ҳиқиллаб йиғлаб: «Доктор Чо, Худо шу ерда бизнинг машинамида», -дедим. У кулди ва бош силкиб: «Биламан», -деди. Мен доктор Чо ўзининг Муқаддас Рух билан мuloқоти ҳақида қанчалик кўп ёзганлиги ва воизлик қилганлиги ҳақида ўйлаганимда бу учрашув менга тушунарлидир. Мен унинг ҳар куни икки соатдан тўрт соатгача,

кўпинча Руҳда ибодат қилишини айтганини эшитганман. Доктор Чо ўзи учун биринчи ўринга – Муқаддас Руҳ билан сифатли вақт ўтказишни қўйган; шу сабабдан Худонинг хузури унинг хаётида шу қадар кучли сезилиб туради.

Бир неча йил аввал мен катта жамоатда якшанба кунги, тонгги йигинда Муқаддас Руҳ ҳақида воизлик қилган эдим. Ўша кеч биз кечки йигинга қайтиб келганимизда, мен тахминан кирқ беш дақидадан кейин саждадан сўнг таълим беришим керак эди. Бироқ Муқаддас Руҳ ҳаракат қилишни бошлади ва одамлар шифо топишни ва нажотга келишни бошлашди. Икки соат мобайнида мен микрофонни ола олмадим. Нихоят, сахнага чиқишимдан аввал, (хеч ҳам мулойим ва заиф бўлмаган одам) чўпон менинг олдимга келиб, кўзларида ёш билан овоз чиқариб деди: «Жон, мен жамоатни бошқараётган шу саккиз йил ичida ҳеч қачон Худонинг хузурини шу қадар кучли ҳис қилмаган эдим». Мен унга тезгина жавоб бериб: « Бунинг сабаби бор. Бу биз бугун эрталаб Муқаддас Руҳ ҳақида гапирғанлигимиз учундир. Ҳар сафар биз У ҳақида гапирғанимизда, У келади», –дедим.

Бу манзара сиз билан биз - «коддий» имонлилар Руҳ билан қалин ўзаро алоқаларда юрганимизда нима содир бўлишини аниқ қилиб кўрсатиб бермоқда.

МУЛОҚОТ ЯҚИНЛИКНИ АНГЛАТАДИ

«Koinonia» сўзининг охиригни маъноси – «яқинликдир». Коринфликларга иккинчи мактубда (13:13) Повул томонидан ишлатилган «*koinonia*»нинг маъносини ҳаммадан ҳам кўпроқ шу сўз акс эттиради. Яқинлик факат дўстликда ёки ўзаро муносабатларда пайдо бўлиши мумкин, бироқ у бу икки тушунча доирасидан анча узоқка боради. Яқинлик юракнинг фикрларини, сирларини ва истакларини чуқурроқ тушунади.

Муқаддас Ёзувнинг замонавий таржимасининг бирида шундай ёзилган: «Муқаддас Руҳнинг яқин дўстлиги сизларнинг

ҳаммангиз билан бўлсин» (2 Кор. 13:13). Мен яқинликни дўстликнинг энг яқин даражаси сифатида қабул қиласман. Муқаддас Рух сизнинг дўстингиз бўлишни истаётганини унутманг, У сиз билан мулоқот қилишга чанқоқдир. Ёкуб мактуби (4:5) дейди: «Бизнинг ичимизда яшаётган Рух рашк қадар севади». У сизни рашкли севади ва сизнинг вактингизга ва эътиборингизга чанқоқдир. Фақат ўйланг: Муқаддас Рух Худодир ва ҳеч нима Ундан яширин эмас. Унинг билими, донолиги ва фикри чек-чегарасизdir ва У Ўзини сизга очишига ташнадир. Мен жуда қиммат ва аҳамиятли бирор нарсани билсам ёки англасам, мен ўз билгандаримни менга яқин бўлган одамлар билан бўлишишни жуда ҳам истайман. Балки бу сизга таниш туйғудир, Муқаддас Рухда ҳам шундайдир.

Имонлилар жуда ҳам кўп маротаба Муқаддас Рух билан муносабатни четлаб ўтиб, Раббий Исога яқинлашишга харакат қилмоқдалар. Фарзийлар қариyb мана шундай хатони содир этганлар. Улар Раббий Исога: «Бизлар зинодан туғилган эмасмиз, бир Отага эгамиз – бу Худо», - дедилар. Раббий Исо уларга деди: «Агар Худо Отангиз бўлганида эди, сизлар Мени севган бўлар эдингизлар, чунки Мен Худодан тушиб келдим. Зоро Мен Ўз-Ўзимдан келган эмасман, балки У Мени юборди» (Юх. 8:41-42). Фарзийлар Раббий Исони четлаб ўтиб, Ота билан муносабатни хоҳладилар. Улар Худонинг онгига бошқа бир нарсанинг борлигига қўшилишни хоҳлашмади. Раббий Исо фарзийларга У ва Унинг Отаси битта эканлигини тушунтириди. Аслида, кейинроқ У: «Агар сизлар Мени билганингизда эди, Менинг Отамни ҳам билар эдингизлар», -деди (Юх. 14:7). Бироқ фарзийлар Унинг сўзларини эшитишдан бош тортдилар. Улар Отанинг олдига Ўғил орқали келишни истамаганликлари туфайли Отага ҳам яқинлаша олмадилар. Худди шу тарзда, Раббий Исо ер юзида ортиқ йўқлигини ва бизнинг Ёрдамчимиз бўлиши учун Ота (бизнинг Нажоткоримиз каби бўлган Шахс) Муқаддас Рухни юборганлигини аниқ қилиб тушунтириб берган (Юх. 16:7). Отани намоён қилиш учун Ўғил юборилганидек,

худди шундай, Раббий Исони намоён қилиш учун Муқаддас Рух юборилган. Биз шуни тушунишимиз керакки, Муқаддас Рух Раббий Исони улуғлашни севади. Демак, агар сиз ҳақиқатан ҳам Раббий Исо ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, сиз Муқаддас Рух билан кўпроқ вақт ўтказишингиз керак. Муқаддас Рух Раббий Исони сизга аниқ қилиб кўрсатади. Бироқ Муқаддас Рух Уни қаерда ҳурмат қилсалар, факатгина ўша ерда Ўзини намоён қиласди. Агар биз Муқаддас Рухни ҳурмат қилсақ, У Ўзини бизга очади ва биз унинг ажойиб хузуридан лаззатланамиз ҳамда У бизга Кимни намоён қилса, Ўшани янада кўпроқ таниб биламиз.

Ўзимнинг ўттиз йилдан ортиқроқ хизматим мобайнида, мен бу қоидадан истиснони кўрмадим: Раббий Исони ҳаммадан кўра кўпроқ биладиган одамлар, Муқаддас Рух билан ҳаммадан ҳам кўра яқинроқ юрадиган одамлардир. Буларнинг барчаси маъно-мазмунга эга, чунки айнан Муқаддас Рух бизга Раббий Исони очиб беради.

МУҚАДДАС РУҲНИНГ ШАХСИНИ ТУШУНИБ ЕТИШ

Ким биландир яқин бўлиш учун, яқин бўлишни истаётган кишимизнинг шахсини билишга ҳаракат қилиш зарур. Бунинг учун албатта мулоқот талаб этилади ва ўшанда яқинлик янада чукурлашиб бораверади.

Менузоқвақтҳамматўрталаўғилларимгабирхилмуносабатда бўлганман. Натижада бизда айрим тушумовчиликлар келиб чиқар эди. Нима учун бундай тарбия услуби фойдали эмас? Чунки уларнинг хар бири ноёб феъл-авторга эгадир. Менинг хотиним тарбия масаласига жуда ҳам нозик ва у мени уларнинг орасидаги фарқни кўриш накадар мухим эканлигини ўргатди. Мен ўғилларимнинг хар бирининг ноёблигини тушунишга ҳаракат қилишни бошлаганимда, менинг улар билан ўзаро муносабатларим сезиларли равишда чукурлашди.

Хотиним билан яқинлигим сабабли, у ўзини қандай ифодалашини тушунишга қодирман. Биз турмуш қурғанимизга ўттиз йилдан ошганлиги туфайли бизнинг орамизда қалин алоқа бор, яқинлик – бу сифатли вақтнинг ҳосилидир. Лиза мен томонга бир назар ташлаб қўйиши кифоя ва мен унинг онгидаги бўлган нарса ҳақида бир неча сахифа ёзишим мумкин. Шундай вақтлар бўладики, ҳаттоки, у бирорта сўз айтмаса ҳам, у нимани хоҳлаётганини мен айтишим мумкин. Агарда сиз: «Жон, бугун нонуштага тухум, дудланган чўчқа гўшти ва сўли ёрмаси тайёрлайман», -деганингизда эди, мен ишонч билан: «Биласизми, Лиза сўли ёрмаси ва дудланган чўчқа гўшти емайди», - деб жавоб берган бўлар эдим. Мен ҳаттоки, ундан сўраб ўтиришимнинг ҳам кераги йўқ. У сўли ёрмаси ва дудланган чўчқа гўштини ёқтирмасигини мен аллақачон биламан. Бу жуда ҳам оддий мисол, лекин анча шахсий масалалар бўйича ҳам худди шуларни айтиш мумкин. Шунга ўхаш қалин яқинлик бир кунда пайдо бўлмайди. Уни йиллар мобайнида сифатли вақт ва мулоқот ўтказиб ривожлантириш лозим. Менинг хотиним нимани ёқтиришини ва нимани ёқтирмаслигини ҳеч ким мендан кўра яхшироқ билмайди ва менинг дидимни хотинимдан кўра ҳеч ким яхшироқ билмайди. Худди шундай биз ўзимизни У билан муносабат қуришга бағищласак ва Унинг ҳузурида вақт ўтказсак, Муқаддас Рухни тушуниб боришда ўсамиз.

4-кун

УНИНГ ТАБИАТИНИ БИЛИШ

Юҳанно Хушхабари 14-бобдан 16-бобгача Раббий Исо Муқаддас Рухга нисбатан У, Унинг, Унинг Ўзи олмошларини ўн тўққиз маротаба ишлатмоқда. Шак-шубҳасиз, Муқаддас Рух – Шахсdir. Бу сафар ҳам мен уни Шахс деб атаб, уни инсон демаяпман. Ёдингизда тутинг, одамлар Худонинг суратида яратилганлар. Бу шуни билдирадики, биз «шахс» деб

ҳисоблайдиганнинг хусусиятлари биринчи навбатда Худонинг мохиятини акс эттиради, бироқ Ҳудо бизга айнан ўхшаш эмас. Шу сабабли, Унинг Шахсининг бизнинг ҳаммага маълум инсоний «қутиларимизга» ҳеч қачон сукилиб кира олмайдиган жиҳатлари бор.

Мен Муқаддас Рух билан муносабатларимга ва У билан ўзаро ҳаракатларимга жуда ҳам ёрдам берувчи бир кашфиёт қилдим. Мен юононча матннинг асл нусхасида Муқаддас Рухга нисбатан ишлатилган олмошларни ўрганиб чиққанимда, кўпинча, Муқаддас Рухга нисбатан фойдаланилган юононча олмош бу нейтрал турдаги олмош (яъни, эркаклар тури (мужской род) ҳам, аёллар тури (женский род) ҳам эмас) эканлигига эътибор бердим. Аслида, бир одамни таърифлашда у эркакларга нисбатан ҳам аёлларга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин.

Инглиз тилида бундай олмош йўқ. Бизда эркакларга нисбатан қўлланадиган «he» (у), аёлларга нисбатан қўлланадиган «she» (у) олмошлари ва жонсиз нарсаларга ҳамда ҳайвонларга нисбатан қўлланиладиган «it» (у) олмоши бор. «Не» эркак турига, «she» аёл турига тегишилдир. Эркакларни ва аёлларни таърифлаш учун ўрта турни (средний род) билдирувчи олмош йўқ. Бироқ бундай ўрта турдаги олмош юонон тилида бор ва Янги Аҳдда ҳам уни Муқаддас Рухга нисбатан қўлланганини топасиз. Қайтарман, бу олмош нарсага эмас, тирик мавжудотга тегишилдир.

Эски Аҳдда шунга ўхшашини учратасиз. Иврит тилининг асл нусхасидаги матнда кўриниши бўйича аёл бўлмаган Муқаддас Рухнинг ҳаракати женский родда берилган кўплаб ҳолатлар бор. Яхудийлар кўпинча вазифадан келиб чиққан ҳолда ёзганлар (ким ёки нима эканлигидан қарши ўлароқ, у нима қилганидан келиб чиққан ҳолда). Муқаддас Рух Ёзувнинг ҳеч бир жойида женский роддаги мавжудот ҳолатида берилмаган, бироқ Унинг ҳаракатларидан баъзи бирларига аёлларникига хос чизгилар берилади.

Бу чуқур мавзуга хозир бу ерда кўп эътибор қаратишнинг имкони йўқ, лекин келинг, бир нарсани ойдинлаштирамиз: Мен

Муқаддас Рух – женский роддаги Шахс деб ўйламайман. Яна бир янада түгрирок гапни ёзаман: Муқаддас Рух – женский роддаги мавжудот эмас. Айрим одамлар бу таълимотни доктринаға айлантириб юборишади, бирок мен бундай дунёқарашни асоссиз ва ортиқча ҳис -туйғулардан келиб чиққан деб ҳисоблайман. Илтимос, бу фикрни миянгиздан чиқариб ташланг. Муқаддас Рух – бу қандайдир маъбуда эмас.

Мана, мен нима ҳақида гапирмоқдаман. Худо бизнинг суратимизда яратилмаганлигини биз ёдимизда тутишимиз лозим. Бизлар Унинг суратида яратилганмиз. Бу жуда оддий жаранглашини биламан, аммо биз мавзуйимизни ўрганишни давом эттира олишимиз учун ушбу ҳақиқатни ўзимиз учун жуда ҳам аниқ қилиб билиб олишимиз зарур. Ибтидо китоби (1:27)да: «Худо одамни Ўз суратида, уни Худонинг суратида яратди. Уларни эркак ва аёл қилиб яратди», -дейилган. Бошқа таржималар: «Худо одамни» ёки «одамзодни» яратди дейди. Шахсан мен «одамлар» ва «одамзод»ни – энг яхши таржима варианти деб ўйлайман.

Демак, биз Ибтидо китобидан Худо эркак ва аёлни Ўзининг суратида яратганлигини билиб оламиз. У ҳолда шундай савол бериш керак: Агар У эркакни ҳам, аёлни ҳам Ўз суратида яратган бўлса, унда биз «аёлларга хос» деб ҳисоблайдиган хислатлар Худодан келиб чиққанлигини англатмайдими? Муқаддас Рухнинг борлиғи бизнинг эркаклар ва аёллар ҳақида тушенчамидан устун бўлиши, яъни бизнинг англаш даражамииздан баланд бўлиши мумкинми? Айнан шундай бўлиши керак, чунки эркаклар ҳам, аёллар ҳам Худонинг суратида яратилгандирлар.

Ишончим комилки, мен бутун китоб давомида Муқаддас Рух ҳақида «У», «Унга», «Унинг Ўзи» олмошлиридан фойдаланган ҳолда ёзаётганимга эътибор бердингизлар ва У ҳақида айнан шундай гапиришда давом этаман. Муқаддас Рух биз аёлларга хос деб ҳисоблайдиган сифатларга эга эканлиги ҳақидағи бу фикр инглизча гапирувчи одамлар учун қийин ва тушунарсиз

бўлиши мумкин. Нима учун мен бу ҳақида ёзаяпман? Агар бу сизларга Муқаддас Рух билан муносабатларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради деб ўйламаганимда эди, бу мавзуга тўхталиб ўтиргмаган бўлар эдим.

У МУЛОЙИМ ВА НОЗИК

Давом этишдан аввал, сизларга ўзимнинг ўтмишим ҳақида бироз сўзлаб бераман. Менинг отам – иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. У тўқсон уч ёшда ва мен уни жуда ҳам қаттиқ яхши кўраман. Отам мени бутун ҳаётим давомида жуда ҳам менга ёрдам берадиган кўп нарсаларга ўргатган. Бироқ у мени тайёрламаган баъзи бир нарсалар бор: у мени эр бўлишга тайёрламаган. Бир сафар Петъор: «Биргаликда яшаб, хотинингизга тушунувчанлик билан муносабатда бўлинг» (1 Пет. 3:7, NLT). Мен Лизага уйланганимда, унга тушунувчанлик билан муносабатда бўлмаганман. Лиза менинг ҳаётимдаги биринчи севгим бўлган. Унгача аёллар билан яқин муносабатларим бўлмаган. Шунинг учун мен унга қандайдир ўғил болага бўлгандек муносабатда бўлганман. Бундай йўл мувафаккиятли бўлмаслигини тасаввур қила оласизми? Мен унга *аёл киши* сифатида мурожаат қилишга ўрганишимга тўғри келди.

Кўпинча, у билан юмшоқ оҳангда сухбатлашишни ўрганишимга тўғри келган. Афсуски, оила аъзоларим билан қўпол муносабатда бўладиган вактлар бўлади. Худога шараф, Муқаддас Рух мени фош килади ва ўшанда, мен кечирим сўрашга ва вазиятни тўғрилашга қодир бўламан. Бир куни ўғлим билан жуда қаттиқ жанжаллашиб қолдим, шу сабабли, ундан кечирим сўрашимга тўғри келди.

У мени тезда кечириб юборди ва бизнинг орамизда ажойиб муносаб яна қайта тикланди. Лиза билан ҳаммаси бошқача бўлди. Мен ўғлим билан қўпол гаплашганим туфайли у мендан бир неча кун жаҳли чиқиб юрди. Гап хафагарчиликда

эмас эди, балки унинг муносабатларга сезгирлигидан келиб чиққан табиий реакциясида эди. Биз ўғлим билан деярли тезда ярашиб олдик, бироқ хотиним билан муносабатларни қайта тиклаш учун ҳаракат қилишимга тўғри келди. Икки кун ўтиб у менга: «Сен ўғлимиз билан қандай гаплашганингдан ҳали ҳам ўзимга келишга ҳаракат қиласайпман», - деди. Муносабат нима эканлигини тушунишни ўргандим – бу Лизанинг ҳаётидаги инъомдир. Кўпчилик аёллар сингари у муносабатларда ҳаддан ташқари таъсирчан ва унга яқин одамларни ғоят кучли ҳимоя қиласиди.

Балки биз аёлларга хос деб ҳисоблайдиган муносабатлардаги бу буюк куч - шунингдек, Муқаддас Рухда ҳам бордир. Муқаддас Ёзув дейди: «Худонинг Муқаддас Рухини хафа қилманг» (Эф. 4:30, замон. тарж.). Рик Реннер Ўзининг «Юнон тилининг қимматбаҳо марвариди» китобида кўрсатаётганидек, «хафа қилмоқ» сўзи «чукур қайғу ва хафагарчилик» маъноларини беради. У фақатгина бир-бирини жуда қаттиқ севувчи одамларнинг ўртасидаги муносабатларда юзага келувчи оғриқни англатадиган сўздан ҳосил бўлган. Шу тарзда, Повул бу ерда аслини олганда шундай демоқда: «Сизни жуда кучли Севганга оғриқ етказманг». Келинг, энди бу Ёзув оятини умумий матн(контекст)да ўқиб чиқамиз:

«Оғзингиздан хеч қандай ярамас сўз чиқмасин, балки барпо қилишга фойдали бўлган ва эши тувшиларга иноят бағишлидиган яхши сўзлар чиқсин. Худонинг Муқаддас Рухини хафа қилманглар, сизлар У билан қайта сотиб олиниш куни учун муҳрлангансизлар. Ҳар қандай аччиқланиш, қаҳр, ғазаб, бақириш, гийбатчилик ва ҳар қандай адоварат сизлардан четлатилсин. Аммо бир-бирингизга нисбатан меҳрибон ва ҳамдард бўлинглар. Худо сизларни Масихда кечиргани каби сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар» (Эф. 4:29-32).

Муқаддас Рухнинг нақадар нозик эканлигини кўрдингизми?

Нозиклик – чиндан ҳам завқланишга арзийдиган кучдир. Повул бизни юмшоқ юракка эга бўлишга чорламоқда. Агар мен хотиним билан соғлом ва тирик муносабатлардан завқланишини истасам, мен яхиси, юмшоқ юракка эга бўлишим ва ўғилларим билан муносиб равишда мулоқот қилишим керак. Худди шундай, биз Муқаддас Рух билан соғлом ва жонли муносабатлардан завқланишимиз учун биз Уни хафа қиласидиган нарсага сезгир бўлишимиз лозим. Кизиқ, Муқаддас Рухни қаттиқ хафа қилувчи ҳатти-ҳаракатларни Повул қандай таърифламоқда: *ярамас сўз, аччиқланиши, қаҳр, газаб, бақириши, гийбатчилик.* Менинг хотиним шунга ўхшаш ҳатти-ҳаракатлар туфайли хафа бўладиганга жуда ҳам ўхшашидир. Наҳотки яна бу биз аёлларга хос хислат деб хисоблайдиган муносабатларда Руҳнинг буюк кучи борлигига гувоҳлик бўлмаса?

Ёнда тутинг, Повул: «Раббий Исони хафа қилманглар», -демаяпти. Ва У: «Отани хафа қилманглар», -демаяпти. У аниқ қилиб: «Муқаддас Рухни хафа қилманглар», -демоқда. Муқаддас Рух бизнинг юрагимизни Ўзининг турар жойи қилди. Биз қаерга бормайлик, У биз билан бирга боради: бу қалин алоқа. Шунинг учун биз ўз хаётимизга киритган нарса Унга қаттиқ тегади.

Бошқа томондан қарамиз. Агар кимdir мени ғийбат қилса, мен бунга кўп эътибор қаратиб ўтирувчи. Лекин агар кимdir менинг хотинимни ғийбат қилса, унга мендан узокроқ юриши яхшироқдир. Раббий Исо тахминан мана шундай деб айтган: «Ким Инсон Ўғлига қарши сўз айтса, кечирилади. Лекин ким Муқаддас Руҳга қарши сўз айтса, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам кечирилмайди» (Матто 12:32). Факатгина Ўз Отасининг иродасини амалга оширувчи Ўғилда намоён бўлган Ота Худо Ўз химоясини Муқаддас Руҳга йўналтиргани наҳотки қизиқ бўлмаса? Ота бундай химояни бизнинг Раббий Исога бўлган муносабатимизга ёки Ўз-Ўзига йўналтиромади, аммо уни Муқаддас Руҳга йўналтириди.

Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух ўртасидаги ўзаро муносабатлар

– бу балки биз ҳеч қачон тушуна олмайдиган сирдир. Бизнинг Муқаддас Рух билан муносабатларимиздаги бу фарқни белгилаб қўйиш қизиқдир. Биз У билан мулокотимизни қадрлашимиз ва ҳар қанақасига ҳимоя қилишимиз зарурдир. Шуни ёдда тутиш муҳимки, биз Унга қайғу, вақт ўтиши билан эса, ҳаттоқи, чуқур қайғу келтиришимиз мумкин. Нима учун бу сизнинг У билан ўзаро муносабатларингизда шунчалик муҳим? Чунки агар Унга қандай муносабатда бўлишингиз кераклиги тушунчаси сизга етишмаса, сизнинг хаётингиздаги Унинг хузурининг намоён бўлиши бузилади.

5-кун

У ТАЪСИРЧАН, ЛЕКИН КУЧЛИ

Муқаддас Рух Ёрдамчи деб аталган, тўгрими? Болаларнинг жони оғриганида, одатда, улар кимнинг олдига югуришади? Улар оналарининг олдига югуришади. Юқорида айтиб ўтилган фикр таъсири остида, бир неча давлатлар ёшлар адлияси соҳасида аёл-зобитларнинг ролини ёритувчи бошқариш тизимини ишлаб чиққанлар. Гавайяда жиноят содир этган вояга етмаганлар билан биринчи бўлиб музокарага киришишга аёл-зобитларни чорлайдиган бошқарув тизими мавжуд. Вояга етмаганлар аёл-зобитларнинг саволларига яхшироқ жавоб беришлари аниқ бўлди. Аёллар ҳам тинчлантиришга, ҳам юпатишга қодир инъомга эгадирлар. Бу билан ҳам, мен Муқаддас Рух – аёл деб айтмоқчи эмасман.

Қандайдир йўсинда мен Муқаддас Рухни шоҳ Довуд билан тенглаштираман. Сиз қачонлардир Довуднинг нақадар нозик ва юмшоқ бўлғанлигига эътибор берганмисиз? У нақадар раҳмдил ва таъсирчан бўлган. Гарча унинг ўзи ўз қўшинига Авессаломнинг исёнига баҳам беришни буюрган бўлса ҳам, Авессалом вафот этганида у ҳатто йиғлади (2 Шом. 19га қаранг). Биз Довудни йиғлаб санолар ёзганини кўп бора

кўрамиз. Унинг Йонафан билан муносабати – Ёзувдаги яқин сирдош дўстликнинг энг яхши мисолларидан биридир. Бироқ Довуднинг жангчи бўлганлигини, у баҳайбатларни енганини ва минглаб одамларни мағлубиятга учратганини эсдан чиқарманг. У тарихда бўлиши мумкин бўлган буюк кўшинда, жасур жангчилар кўшинининг етакчиси бўлган (2 Шом. 23га қаранг). Масалан, Довуд ҳаттоқи унинг одамларига сув ва озука беришни рад этган одамни ўлдиришга қарор қилди (1 Шом. 25га қаранг). Довуд нимжон бўлмаган, у жангчи бўлган. Ва шу билан бирга, у нозик ва таъсирчан бўлган.

Муқаддас Руҳни яна қувват руҳи деб аташларини эслатиб ўтаман (Иш. 11:2). У қудратли ва ҳеч қандай кучсиз ва заиф эмас. Бир вактнинг ўзида У юмшоқ кўнгил ва чукур хис қилувчиdir. У бизнинг сўзларимиз ва ҳатти-ҳаракатларимиз туфайли ранжиши мумкин. Нақадар ажойиб Худо!

Агар сизга Унинг шахсининг барча табиатини тушуниш қийин бўлса, умидсизликка тушманг. Унинг шахсини бизнинг инсоний онгимизга сифдиришнинг иложи йўқлигини биз ҳар доим ёдимиизда тутишимиз лозим. Бироқ агар биз Унга яқинлашишга журъат қилсан, У бизга Ўзини намоён қилишни ваъда қилган.

Мен олдин айтиб ўтганимдек, Муқаддас Руҳнинг ҳамма сирини ва шарафини таърифлашнинг имкони йўқдир (1 Кор. 2:6-16). Менинг мақсадим- сиз Унинг улуғворлигини очишни бошлай олишингиз ва ҳаётингизда Унинг хузуридан лаззатлана олишингиз учун шунчаки Уни сизларга таништиришdir.

УНИ ХАФА ҚИЛИБ ҚЎЙИШДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ

Яқинда мен бир қанча муддатга ўзимни телевизор томоша қилишдан бутунлай чегараладим. Мен ибодатга ва Каломга чўмганимда менинг Худо билан мулоқотим жуда кучли бўла бошлади. Ўша кунларда, бир куни болалар қандайдир фильмни

томуша қилиб ўтирган меҳмонхонага кирдим. Бу ёмон фильм эмас эди, лекин айни кирган пайтимда одам ўлдириш саҳнасини кўрсатаётган эди. Мен дарҳол меҳмонхонадан чиқиб кетдим. Бизнинг мулокот вақтимизда Муқаддас Рухга шу қадар сезгир бўлиб қолган эдимки, бундай саҳналар олдида Унинг қайғусини дарҳол ҳис қилдим.

Биз Муқаддас Рух бизнинг ичимизда абадий ўрнашганлигини унутмаслигимиз керак. Сиз фильм кўришни бошлаганингизда, Уни – муқаддас ва чексиз қудратли, бутун борлиқнинг Худосини ўзингиз билан бирга оласиз. У ҳар доим сиз билан, чунки У ҳеч қачон сизни тарқ этмасликни ва қолдирмасликни вайда берган. Бироқ Уни хафа қиласидиган вазиятларда сиз Уни олиб юрганингизда, У тўсатдан гапиришдан тўхташини билиб оласиз.

Агар биз Рухни ранжишга мажбур қилсан, бизнинг жавобимиз қандай бўлиши лозим? Биз дарҳол кечирим сўрашимиз даркор, аммобучукурвачиндилданқилингантавбабўлишикерак. Агармен хотинимни ранжитиб қўйсам, унда юзакигина: «Кел, ҳаммасини тўғрилаймиз», - деб айтилган сўз ҳеч қачон ёрдам бермайди. Лиза ҳаммасини кўриб туради. Мен бизнинг муносабатларимизга рахна соладиган саволларга қадалиб қолмасдан, ҳаётда шунчаки олдинга кетишни хоҳлашимни у билади. Лизанинг истаги мени ҳукм қилиш эмас, балки бизнинг муносабатларимизда ҳеч қандай сунъий ва иккюзламачи нарсанинг йўқлигига ишонч ҳосил қилишдир. Худди шундай, Худонинг Рухи бизга нисбатан рашиклидир, У юзаки муносабатларни истамайди, У чинакам яқинликни хоҳлайди.

Ушбу бобда, даставвал, бир кун ўғилларимдан бири билан қандай қўпол гаплашганим ҳақида гапирган эдим. Ўша воқеадан сўнг, кейинги бир неча кун ичida Муқаддас Рух буни менга ибодатда эсга солишини давом эттирди. Бу ҳукм эмас эди, бу мулокот масаласи эди. Мен Уни накадар қаттиқ ранжитганимни англамаган эдим ва бошида бир неча маротаба Ундан кечирим сўрадим, бироқ бу ҳақиқий диёнатли қайғуга асосланган эмас эди. Мен кўпроқ бу саволда тўхтаб қолмаслик ҳақида қайғуар

эдим. У мени астойдил, чуқур ва диёнатли қайғу жойига юмшоқ итаришни давом эттириди, бу эса, ўз ўрнида, менинг жонимни: онг, ирода ва ҳиссиётимни поклади.

Повул коринф жамоатига Худо билан муносабатларининг бузилишига сабаб бўладиган уларнинг итоатсизлигидан сўнг тахминан худди шундай мурожаат қилмоқда. У (унинг сўзларини ўқиганингизда, улар Муқаддас Рух томонидан айтилганлигини ёдга олинг):

«Қаранглар, Худо учун қайғуриш сизларда нимани келтириб чиқарди. Қандай очиқлик, покланиш учун қандай хоҳиш, қандай ғазаб, қандай ваҳимани ва мени кўриш учун қандай истакни келтириб чиқарди» (2 Кор. 7:11, NLT).

Биз Қўзининг қони билан тозаланганимиз ва кечирилганимиз учун Худога шараф. Бироқ биз имонлилар Худонинг қаршисида оқланган ҳолда турад эканмиз, Муқаддас Рухни ранжитганимизда, биз ҳали ҳам У билан мулоқотни тиклашимиз керак бўлади. Худди шундай, Коринфликлар ҳақиқатдан ҳам тўлиқ афсусланмагунларича, ҳаворий Повул уларга нисбатан қандай йўл тутган бўлса, Муқаддас Рух ҳам худди шундай биздан талаб қиласди ва ишонтиради, чунки У ҳақиқий дўстликни астойдил истайди. Раббий учун бошимдан ўтказган бу қайғуриш ҳақиқий тозаланиш истагини ва жоннинг мулоқотни янгилаш иштиёқини келтириб чиқарди. Муқаддас Рух дархол кечириши учун Худога шараф!

Муқаддас Рух мулойим, чексиз раҳм-шафқатли ва юпатувчи (биз кўпинча аёлларга нисбатан ишлатадиган сифатлар), бироқ У шунингдек, кучли, кудратли, У жангчидек (биз кўпинча эркакларга нисбатан ишлатадиган сифатлар) эканлигини унумтанг. Агар биз У билан яқинликни бошдан кечирмоқчи бўлсак, Унинг шахси ҳақида янада кўпроқ билишимиз керак. Биз Унинг шартларида доимо У билан алоқада бўлишимиз лозим. Унинг Кимлигини англаб етишнинг ошиб боргани сари биз ҳамма нарсага Қодир

билан мuloқотни чуқурроқ ҳис қилиб борамиз.

Баъзиде мен хотиним билан голф ҳақида гаплашиб ўтиришга ҳаракат қиласман. Мен тахминан қуйидаги сўзларни айтаман: «Жонгинам, тасаввур қил, бугун мен 68 очко тўпладим!» Менинг болаларим қойил қолиб: «Дада, бизга ҳар бир тўплаган очколарингиз ҳақида сўзлаб беринг», -дейишади. Менинг хотинимни, умуман тескариси, тўғрироғи, биз майдонда болалар билан олиб борган сухбатлар қизиктиради. Уни ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ муносабатлар қизиктиради. Агар мен Лиза билан унинг даражасида муносабат курмоқчи бўлсам, уни қизиктирадиган нарса ҳақида гапиришим керак. Худди шундай, биз Худонинг Рухини қизиктирадиган ва кўнглини оладиган нарсани ўзимиз учун очишимиз керак. Биз Унинг хузурида Калом ўқиб, сифатли вақт ўтказиб, Унинг шуҳратини ўрганиб чиққанимизда, У аниқ Ўзини бизга очади.

1-кун. Кундалик ўқиши учун

СИЗ ХУДОНИНГ ОВОЗИНИ ЭШИТИШИНГИЗ МУМКИН!

*Ким Худога тегишили бўлса, ўша Худонинг нима
декяётганини эшиштади...*

—Юҳаннно 8:47. NIV таржимаси

Ҳа, сиз Худонинг овозини эшитишингиз мумкин! У ҳали ҳам Ўз ҳалқига гапирмоқда, У бизга Ўзининг жуда қимматли Муқаддас Рухи орқали гапирмоқда. Масиҳийни Худо билан янада чуқурроқ ва шахсийроқ муносабатларга олиб келиш ҳаракатида муаллиф Генри Блакеби ва Клод Кинг ёзадилар:

«Худо Ҳаворийлар китобида Ўзининг одамлариға аниқ қилиб гапирган. У бугун ҳам бизга аниқ қилиб гапирмоқда. Ҳаворийлар давридан ҳозирги давргача Худо Ўз ҳалқига Муқаддас Рух орқали гапирмоқда... Модомики, У имонли одамда доимо бўлар экан, У сизга Ўзи танлаган ҳар қандай вақтда ва ҳар қандай йўл билан аниқ гапириши мумкин».

Исо У Яхши Чўпон, биз эса, Унинг овозини эшигадиган ва биладиган Унинг қўйлари эканлигимизни айтган. Юҳаннно Хушхабаридаги Унинг сўзлари устидан фикр юритинг (10:3–5, 11, 14, 27). Муқаддас Рух сизга нимани очмоқда?

Муқаддас Рухга берилган исмлардан бири – ҳақиқат Руҳидир. Нима учун? Блакеби шундай давом эттиради:

«Агар факат Муқаддас Рух бизга Худонинг

ҳақиқатини очиб бермас экан, биз сизлар билан уни тушуна олмаймиз. У бизнинг Ўқитувчимиздир. У сизларни Худонинг Сўзига ўргатаётганида, Унинг каршисида ўтиринг ва Унга жавоб беринг. Ибодат килаётганингизда Худодан олинган сўзларни сизнинг юрагингизда тасдиқлашида У Худонинг Сўзини қандай ишлатаётганини кўриш учун дикқат билан кузатинг. У вазиятларда сизнинг атрофингизда нима килаётганини кузатинг. Сиз ибодат килаётганингизда сизга гапираётган Худо ва Ёзувда сизларга гапираётган Худо – бу сизнинг атрофингизда ишловчи Худодир. Худо Ўзини, Ўз мақсадларини ва Ўз йўлларини очиш учун Муқаддас Рух воситасида Муқаддас Ёзув, ибодат, вазиятлар ва жамоат орқали гапиради».

Шундай қилиб, бизга буни очадиган Муқаддас Руҳдан энг муҳим бўлган нимани кутиш мумкин? Юҳанно Хушхабаридағи Раббий Исонинг сўзларини дикқат билан ўқиб чиқинг (14:26; 15:26 ва 16:12–15) ва Муқаддас Рух ўргатаётган бешта пунктни белгиланг.

«Худонинг овозини қандай таниш мумкин? Блакеби ва Кинг давом эттиради:

Худонинг овозини билиш ҳақидаги сир – бу формула эмас. Бу қайта такрорлаш учун услугуб эмас. Худонинг овозини билиш - Худо билан ўзаро яқин севгидан келади... Худо гапирганида, сиз эса жавоб берганингизда шундай пайт келадики, сиз Унинг овозини янада аникроқ танишни бошлийсиз».

Ўзаро муносабатлар – бу Худонинг овозини таниб-билиш ва эшлиши учун калитдир. Ханўх, Нуҳ, Иброҳим ва кўпгина

бошқа кишилар бу ҳақда шахсан билғанлар, худди шундай, сиз ҳам билишингиз мумкин. Амос 3:7даги, Дониэл 2:22 ва Сано 24:14даги қандай негиз Юҳанно 15:15да, 1Коринфликлар 2:9,10 ва Эфесликлар 1:9да акс этмоқда? Бу сизларни «охирги кунлардаги» имонли сифатида қай тарзда руҳлантироқда?

Масалан, Ханӯхнинг (Ибт. 5:21–24), Нух (Быт. 6:9–18), Иброҳим (Ибт. 18:16–22) ва Пётъорнинг (Ҳав. 10:9–23) ҳаётида бўлган воқеани ўқиб чиқинг.

2-кун. Кундалик ўқиши учун

УНИНГ ҲУЗУРИ – БУ СИЗНИНГ МУҲИМ ЭҲТИЁЖИНГИЗДИР

Сен: «Менинг юзимни изланглар (Менинг ҳузуримни энг муҳим эҳтиёж сифатида сўранглар ва талаб қилинглар)», - деб айтдинг. Менинг юрагим Сенга дейди: «Мен Сенинг юзингни (Сенинг ҳузурингни) излайман, ё, Раббий... излайман...».

– Сано 26:8, кенгайтирилган тарж

Довуд оддий киши бўлмаган. Унинг юрагида барча фикрларини ютиб юборадиган бир истак алангаланаар эди. Унда Худонинг ҳузурига иштиёқ бўлган. «Мен Раббийдан бир нарсани сўрадим, фақат шуни излайман – ҳаётимнинг барча кунларида Раббийнинг уйида бўлайин, Раббийнинг чиройига қарайин ва Унинг маъбадига доимо қатнайин» (Сано 26:4).

Худонинг аниқ ҳузуридан, У билан ҳамкорликдан кўра қимматли ҳеч нарса, умуман ҳеч нарса йўқ. Модомики, Ота ва Ўғил ҳозир самода экан, Худонинг ҳузурини ҳар бир имонлида ва ҳар бир имонли орқали намоён қилиш учун Муқаддас Рух ерга юборилган. Кўпроқ биродар Лоуренс номи билан таникли бўлган Николас Герман «Худонинг ҳузурини амалда ҳис қилиш»ни ўрганган ва бу соҳада бошқаларга ёрдам беришни ўз вазифасига айлантириди. Ўн еттинчи асрдаги бу монастир хизматчisinинг сўzlariiga кўра:

«Бизнинг руҳий ҳаётимизда энг муқаддас ва энг керакли амалиёт – бу Худонинг ҳузуридир. Бу Унинг илоҳий ҳузурида доимий ҳузур-ҳаловат топишни, истаган вактда, истаган пайтда сухбатни ҳеч бир тарзда чегараламасдан У билан итоаткорлик билан ва мулойимлик билан сухбатлашишни билдиради».

Тўхтанг ва ўйлаб кўринг: ҳаётда мен учун Худонинг ҳузури нақадар зарур? Усиз менинг ҳаётим қанака бўлган бўлар эди? Тасаввур қилинг, эртага эрталаб сиз Муқаддас Руҳнинг ҳузурисиз уйғонасиз.

Унинг исмлари ва роллари рўйхатини ёдга олинг (17-саҳифага қаранг). Ушбу янгиланган нуқтаи назар билан сиз учун Унинг ҳузури нақадар муҳим эканлигини ёзинг.

Биз қачон ва қаерда Муқаддас Руҳнинг ҳузурини хис қилишимиз керак?

Лоуренс шундай давом эттиради:

«Худонинг ҳузурида қолиш учун доимо жамоатда бўлиш шарт эмас. Биз ўз юрагимизни Худо билан шахсан суҳбатлашиш учун истаган вақтда кела оладиган шахсий ибодатхона қилишимиз мумкин. Бу суҳбатлар севгига ва мулојимликка тўла бўлиши, истаган одам уларда иштирок этиши мумкин. Наҳотки, буни бошламасликка арзидиган қандайдир бирор сабаб бор бўлса?».

Шубҳасиз, сиз Муқаддас Руҳнинг ҳузурида сифатли вақт, Унга дикқатингизни тўлиқ қаратишинингиз учун етарлича вақт ажратишингиз лозим. Бу сиз Унинг Сўзини ўқиётганингиздаги, У билан суҳбатлашганингиз ва Унга қулоқ согланингиздаги, миннатдорчилик билдирганингиздаги ва Унга сано куйлаганингиздаги, ёки ҳаттоқи, шунчаки жимжитлиқда ўтирганингиздаги вақтдир. Тўхтанг ва ибодат қилинг: «Муқаддас Рух, ҳаётимнинг бу даврида менинг Сен билан ўтказадиган кундалик вақтим қандай бўлиши керак?». У сизга очадиган нарсани ёзиб қўйинг.

Худонинг ҳузурини қандай амалда қўллашингиз мумкин?

Биродар Лоуренс шундай деган: «Шунчаки ўзингизни Худога тақдим этинг... ва диққатингизни Унинг ҳузурига қаратинг. Агар сизнинг онгингиз чалғиб кетишни бошласа, кўнглингиз фаш бўлмасин, чунки хафагарчилик янада кўпроқ сизни чалғитади. Ирода кучи билан яна юмшоқлик билан диққатингизни Худога қаратинг... У ҳақда тез-тез ўйлаб туриш муқаддас одатини ривожлантиринг».

Бундан кейин ўрганиш учун:

1 Пар. 16:9–11; Сан. 21:26; 104:3, 4; Хик. 8:17, 18;
Иш. 55:1–3, 6; Йер. 29:11–13; Мт. 6:33; Ибр. 12:1, 2.
кўздан кечириб чиқинг.

З-кун. Кундалик ўқиши учун

У СИЗГА ЯҚИН БҮЛИШНИ ИСТАЙДИ

Мана, эшик олдида туриб тақиллатаяпман. Кимдай ким Менинг овозимни эшишиб эшикни очса, унинг олдига кираман. Шунда Мен у билан, у Мен билан кечки овқатни баҳам күрамиз.

– Вахий 3:20

Худо Мұқаддас Рухнинг Шахси орқали сизга ҳаммадан ҳам кўра яқин бўлишни хоҳлади. У факатгина муносабатларда эришиш имкони бўлган чукур даражадаги яқинликни истайди.

Аввал айтилганидек, Худо билан яқинликка эга бўлиши – бу барибир Худо «мени ичимдан кўра» олади деб айтишдир. Мұқаддас Рух ҳеч бир одам киришга қодир бўлмаган жойга – бизнинг жонимизнинг ва рухимизнинг ичига кириши мумкин. У вақт билан ҳам, масофа билан ҳам чегараланмаган. Рух нафакат бизнинг юрагимизни ўрганиб чиқади ва уларни билади, балки У шунингдек, Худонинг юрагини ўрганиб чиқади ва билади, бизга Ўзининг чукур фикрларини, сирларини, истакларини очади, токи биз «Уни ичидан кўра» олайлик.

*Раббийнинг [ширин, дўстликка тўлдирувчи] сири –
Ундан қўрқадиганларгадир [сажеда қўлувчилар ва
хўрмат қўлувчиларга], У уларга йўз аҳдини қўрсатади,
унинг [чукур, ички] маъносини очади.*

– Сано 24:14, кенгайтирилган тарж.

Демак, Мұқаддас Рух – бу бизни ҳар қандай ҳақиқатга ўргатувчи «ҳақиқат Рухи» эканлигини қайтарамиз. Сиз Худонинг ёки Раббий Исонинг бирор жихатини ёки Мұқаддас Ёзув оятини тушунмоқчимиз? Ибодат қилинг ва Мұқаддас Рухдан унинг ҳақиқий чукур маъносини сизга кўрсатишими, унинг сизга қандай

даҳли борлигини сўранг. У сизга очган нарсани ёзиб қўйинг.

*Мусодан тортиб, барча пайғамбарларда Ўзи ҳақида
айтилганларнинг ҳаммасини Ёзув бўйича уларга
тушунтира бошлади.*

– Луко 24:27

Муқаддас Рух нафақат Ёзувда айтилган ҳақиқатни очади, балки шунингдек, бизнинг ўзимиз ва ерлик нарсалар ҳақидаги ҳақиқатни очади.

Сизнинг ҳаётингизда сиз тушунмайдиган соҳа борми? Сизни бир онли ғазаблар кийнайдими, маълум бир вазиятларда ҳеч қандай жиiddий сабабларсиз кўрқасизми? Муқаддас Рух сабабини билади. Тўхтанг ва бундай ибодат қилинг: Муқаддас Рух, менинг феъл-авторимнинг тубида ётувчи ҳақиқий сабабни менга кўрсат. Кўриш учун менга Ўз кўзларингни бергин. Ўзгариш учун ва бу ёвузликни ҳаётимда енгиш учун мен нимани кўришим керак?» У сизга очган нарсани ёзиб қўйинг.

Ўтмишда ёки ҳозирги кунда сиз тушунмайдиган вазиятлар борми? Муқаддас Рух уларни тушунади. Тўхтанг ва бундай ибодат қилинг: «Муқаддас Рух, бу вазиятда энг муҳими нима? Сен менда ўзгартиришга уринаётган нарсани қандай тушунайин ва мени ўзгартиришингда Сенга ёрдам беришим учун қандай Сен билан биргаликда ишлай оламан?» У сизга очган нарсани ёзиб қўйинг.

Бундан кейин ўрганиш учун:

Раббий Исо Ота билан жуда ҳам қалин яқинликда бўлган:
Мт.14:22,23; 17:1–5; Марк. 1:35; 6:31, 46, 47; Лк. 5:16; 6:12.
Биз Худога яқинлашганимизда, Худонинг Рухи бизга яқин
бўлади: Сано 15:8; 33:19; 72:28; 144:18; Ибр. 10:22; Ёкуб 4:8.

4-кун. Кундалик ўқиши учун

УНИ ХАФА ҚИЛИБ ҚҮЙИШДАН ЭХТИЁТ БҮЛИНГ

Худонинг Муқаддас Рухини ўз ҳаётингиз билан хафа қилманг. У сизларни Ўзиники деб атаганини унутманг...

– Эфесликлар 4:30, NLT таржимаси

Муқаддас Рух билан мулоқот бебаҳодир! Унинг намоён бўлган ҳузури бизнинг ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасига ҳаёт баҳш этади. Кетрин Кульман учун бу яшаш тарзи бўлган. У Худонинг севгиси ва Унинг Рухининг кучи ҳақида қандай воизлиқ қилганини миллионлаб одамлар эшитганлар, кўпчилик одамлар ажойиб шифоланишга эга бўлганлар. Кетрин ўзининг «Дунёдаги буюк куч» китобида Муқаддас Рухни нима билан ранжитиш мумкинлигини тушуниради:

«...Муқаддас Рух – бу Учликнинг қурдатли кучидир, шунга қарамасдан, У таъсирчан ва Уни хафа қилиш жуда ҳам осон. Шак-шубҳасиз, бу ажойиб Шахсни алам, ғазаб, ёвузлиқ, ёмон муомала билан гапириш билан ранжитиб қўйиш мумкин. Бошқа сўз билан айтганда, инсоннинг ҳаётида мулойимликка, узок сабр-тоқатга, одамларга нисбатан бўлган севгига, тинчлик иттифоқида Рухнинг бирлигини саклашга қарама-қарши нимадир бўлган жойда Уни исталган нарса билан хафа қилиш мумкин».

Рухни хафа киладиган(қайғуга соладиган) ва Ўзини намоён қилишдан Уни тўхтатиб турадиган нарсани тушунишимиз мухимдир. Муқаддас Рухни хафа қилиш нимани англатишини таърифлаб берувчи Эфесликларга мактубининг 4-бобини дикқат билан ўқиб чиқинг (1-6 ва 17-32 оятларга жиҳдий эътибор қаратинг.

17-24 оятларда тилга олинган қандай муносабат, фикр ва

феъл-атвор Муқаддас Рухни хафа қилади?

Эфесликларга мактуб (4:17-24) Рухни хафа қиладиган ва бизни Унинг намоён бўлган ҳузуридан ажратадиган шундай ҳаёт тарзи, феъл-атвор ва фикр танловини кўрсатмоқда.

25-31 оятларда таърифланган Муқаддас Рухни хафа қилувчи барча ҳаракатларни яна бир бор қайтаринг. Шунингдек, ушбу парчада сизга очилган аниқ ҳаракатларни ёзиб олиш учун вақт ажратинг.

Эфесликларга мактуб (4:25-31) Муқаддас Рухга қайгу келтирадиган ва бизни Ундан ажратадиган феъл-атворнинг аниқ шаклларини ва бошқа одамларга нисбатан шундай муносабатни кўрсатмоқда.

Ҳа, Муқаддас Рухни хафа қилиш мумкин, аммо шунингдек, биз Уни хурсанд қилишимиз мумкинлигини билиш ёқимлидир! 1-7, 14, 15, 25,29 ва 32 оятларни диққат билан ўқиб чиқинг ва Муқаддас Рухни хурсанд қилувчи феъл-атворлар турини айтиб ўтиңг.

Ўз саволингизга жавоб бера туриб, шунингдек, Уни хафа қиладиган нарсани таърифлаш учун қандай антонимларни (сўзнинг маъносига кўра қарама-қарши сўзлар) айтиб ўтиш

мумкинлиги устида фикр юритинг.

Муқаддас Руҳни хафа қилмаслик учун поклик ва бирлик руҳига интилиш ва уни асраш керак. Мағрурлик ва булғаниш Руҳнинг ишини фалаж қилиб қўяди, бироқ бўйсунувчанлик уни озод қиласди. Худонинг қархисида тинчланинг. Ундан: «Сени хафа қилаётган нимадир қиласяпманми?» –деб сўранг. У очаётган барча нарсаларда тавба қилинг ва Уни хурсанд қиласидаган пок бўйсунувчанлик йўлларидан юришингиз учун Ундан шафқат қилишини сўранг ҳамда Унинг ҳаракатини ўз ҳаётингизга таклиф қилинг.

5-кун. Кундалик ўқиши учун

МУҚАДДАС РУҲНИНГ УЙИ ИНСОННИНГ ИЧИДАДИР

*Сизлар Худонинг маъбади эканлигингилини ва Худонинг
Руҳи ичингизда яшаётганини наҳотки билмасангиз?*

– 1 Коринфликларга 3:16

Ҳамма нарсага қодир, ҳамма нарсани кўрувчи, ҳаммадан ҳам кучли Худо, микроскопик молекуладан улкан галактикагача – ҳамма нарсанинг Яратувчиси – сизнинг юрагингизда Ўзига уй қуришни танлаган. Ҳа, агар сиз имонли бўлсангиз, унда Исо Масихни ўликлардан тирилтирган худди ўша Руҳ сизнинг ичингизда яшамоқда!

Чўпон, муаллиф ва юонон тили бўйича мутахассис Рик Реннер Худонинг уйи бўлиш нимани англатишини айтиб бермоқда:

«Муқаддас Руҳ сизнинг юрагингизга кирганида, У у ерда уй қурди. Бу уй шу қадар қулай эдики, У сизнинг ичингизда ўрнашганидан баҳтли эди! У бу жойга кўчиди кирди ва У сизнинг юрагингизда Ўзига доимий макон, Ўзининг янги уйини қурди!

Кўрдингизми, сиз нажот топганингизда, сизнинг юрагингизда ҳақиқий мўъжиза содир бўлди. Муқаддас Руҳ сизнинг ўз гуноҳларига кўра ўлик бўлган руҳингизни олиб, уни янги ҳаёт учун тирилтириди. Унинг сизнинг ичингиздаги иши шу қадар шарафли эдики, ҳаммаси тамом бўлганида, У сизни Ўзининг ижоди деб эълон қилди (Эф. 2:10). Ўша лаҳзада сизнинг руҳингиз Худонинг серҳашам маъбадига айланди».

Қаерга борсангиз ҳам, қандай сухбат олиб борсангиз ҳам, нима биландир машғул бўлсангиз ҳам сиз ҳамма жойда Муқаддас Руҳни ўзингиз билан олиб юрасиз. Китобни бир четга олиб қўйиб, бу ҳақида фикр юритинг.

Ушбу ҳақиқат сизни қай даражада руҳлантироқда, ҳайрон

92 МУҚАДДАС РУХ

қолдирмоқда, мустаҳкамламоқда? Қай тарзда у сизнинг ибодатингизни барпо этмоқда?

Эфесликларга 3:14-20; Луко 12:11,12; Юханно 14:12-17; Колосликларга 1:27; 2 Тимўтийга 1:13; ва Римликларга 8:1-17даги Худонинг ваъдалари устидан фикр юритинг.

Қай даражада бу ҳақиқат сизга қарши чиқмоқда ва у сизни нимада фош килмоқда? Сизнинг жавобларингиз сизни қандай ибодатга унダメмоқда?

Сиз кўриш ёки тинглаш учун танлаган кўнгилочар дастурлар, сухбатлашадиган одамлар ва киласидиган ишлар хақида ўйлаб кўринг.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда, Муқаддас Рух билан мулоқотлардаги ўзингизнинг поғонангизни қандай таърифлаган бўлар эдингиз? Сиз У билан мулоқотдан, дўстликдан, ҳамкорликдан ва яқинликдан лаззатланасизми? Унинг овозини эшиласизми ва ўз ҳаётингизда Унинг ҳозирги, намоён бўлган ҳузурини ҳис қиласизми? У сизнинг ичингизда Ўзини уйдагидек янада қулайроқ ҳис қила олиши учун уни «обдон тозалаш» вақти келдими? Ибодат қилинг ва Ундан сизнинг юрагингизнинг ҳолатини очиб беришини сўранг. У нима демоқда? У сиздан қандай қадамларни бошлишингизни сўрамоқда?

*Шундай қилиб, қадрли биродарлар ва
опа-сингиллар, сизлардан ўтинаман: Ҳудо
аъзойи баданларингизни бағишиланглар. Уларга
Унга маъқул бўладиган шундай тирик, муқаддас
қурбонлик бўлишига ижозат беринг. Бу Унга
сажда қилишининг тўғри усулидир. Бу дунёning
ўзинини тутишига ва одатларига тақлид қилманг,
балки Ҳудога сизнинг фикрлаш тарзингизни
тубдан ўзгартириши орқали сизни янги одамга
айлантиришига руҳсат беринг.*

– Римликларга 12:1,2, NLT таржимаси.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

Агар сиз «Муқаддас Рух» мавзуси бўйича «Messenger Series» нинг бошқа манбалари билан бир қаторда бу китобдан фойдаланаётган бўлсангиз, унда сизларга 2- видео дарсни кўришингизни тақтиф қиласмиш.

Биз Муқаддас Рух билан мулоқотга эгамиш.

Мулоқот юононча «*koinonia*» сўзи -«дўстлик, шерикчилик, мулоқот, яқинлик, фикрлашув, ижтимоий диалог, ҳамкорлик, биргалиқдаги иштирок, яқин ўзаро ёрдам»ни англатади. Мулоқотнинг бундай турини учта асосий гурухга бўлиш мумкин: дўстлик, ҳамкорлик, яқинлик.

- 1 | Муқаддас Рух бизлар билан Худонинг ўғиллари ва қизлари сифатида мустаҳкам мулоқотга (*koinonia*) эга бўлишни хоҳлади. Бу мулоқот ўзаро дўстлик муносабатларини қамраб олади, улар орқали ўзаро фикр ва мулоҳаза алмашиш амалга ошади. Нима учун Муқаддас Рухнинг шерикчилигини яхши англаш етиш ва маъқуллаш шунчалик мухим? Агар бизда у бўлмаса, нима содир бўлиши мумкин?
- 2 | Муқаддас Рух дўстлиқдан ташқари биз билан ҳамкорликда ҳам бўлишни хоҳлади. Ҳамкорлар мұвафаққиятга эришишларида бир-бирларига кўмак бериш учун қандай амалий қадамларни қабул қиласидилар? Худонинг Рухи билан сизнинг ҳамкорлигингизда Эски Аҳд давридаги Иброҳим ва Мусо каби Худонинг издошлари билан солиштирганда бугун қандай ноёблик бор? Бу сизни канчалик кучли рухлантирмоқда?

- 3 | Муқаддас Рух билан мулокот шунчаки дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларидан кўра янада чукурроқdir. У ўзига яқинликни – ўзаро яқин кўмакни қамраб олади. Биз имонлилар сифатида қандай қилиб Муқаддас Рух билан бундай мулокот даражасини ривожлантиришимиз мумкин?

ИЗЗАТ-ҲУРМАТ

Ҳар қандай хурмат ва юқори баҳони ифода этиш сўзлар ҳамда ҳаракатлар биландир. Аслини олганда, хурмат қилиш – қадрлашни, қадр-кимматга кўра баҳолаш, хурмат қилиш, одоб сақлаб муносабатда бўлиш ва юқори фикрда бўлишни билдиради.

Инглиз тилидаги Америка лугатидан соддалаштирилган,
Ной Вебстер, 1828

- 4 | Муқаддас Руҳнинг асосий вазифаси Раббий Исони бизга очишдан ва Унга шуҳрат ва иззатни беришдан иборатdir. У Масихни очади ва Уни қаерда чин дилдан хурмат қилсалар, У Ўзини ўша ерда намоён қиласади. Иззат-хурматнинг таърифини диққат билан ўқиб чиқинг. Муқаддас Руҳни Унинг Жамоати каби алоҳида ва биргаликда қандай ўзига хос йўллар билан хурмат қилиш мумкин?
- 5 | Муқаддас Руҳнинг аёл кўринишидаги таърифи Муқаддас Ёзувнинг хеч бир жойида йўқлигига қарамасдан, баъзан Унинг Ўзини тутишининг кўриниши вазифасига кўра аёлларникига яқиндир. Ибтидо 1:27ни диққат билан ўқиб чиқинг ва бу Ёзув ояти Муқаддас Руҳнинг феъл-авторини кўшиб ҳисоблаганда, Худонинг феъл-автори ҳакида нима деяётганини тушунтиринг. Ушбу ҳақиқатни билиш сизнинг У билан муносабатингизга нақадар таъсир этади?

- 6 |** Муқаддас Рух жуда ҳам мулойим, нозик ва Ўз табиатига кўра юпатувчиидир. Агар биз эътиборли бўлмасақ, Рухни хафа қилишимиз ва сўндиришимиз мумкин – биз Уни қаттиқ ранжитишимиз ва бизнинг ҳаётимизда харакат қилишни тўхтатишга Уни мажбурлашимиз мумкин. Эфесликларга (4:29-32) мактуби устидан дикқат билан фикр юритинг ва Рухни хафа қилувчи ҳаракатларни аниқлаб олинг. Бу хафагарчилик Салоникаликларга (5:19-22) биринчи мактуби гапираётган Рухни сўндиришдан қандай фарқ қиласи? Биз қандай қилиб ушбу ҳаракатлардан ҳимояланишимиз мумкин?
- 7 |** Фақат битта: Муқаддас Рухни куфр қилишдан ташкари инсонга маълум ҳар бир гуноҳни Худо кечириши мумкин. Матто хушхабари (12:22-32) (шуningдек, Марк Хушхабари (3:22-30) ва Луқо (12:10) даги Раббий Исонинг огоҳлантиришини ўқиб чиқинг. Бу оятларнинг нуқтаи-назаридан Муқаддас Рухни куфр қилиш нимани англатишини таърифланг. Қандай ўйлайсиз, нима учун Раббий Исо бунга қарши шунчалик қатъий огоҳлантирган?

КАЙДЛАР

БОБНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ:

- Муқаддас Рух биз билан доимий муроқотга чанқоқдир.
- Муроқот дўстлик, ҳамкорлик ва яқинликни ўз ичига олади.
- Алоқа ва фикр-муроҳаза алмашинуви натижасида дўстликнинг имкони бор.
- Ҳамкорлик –бу биргаликдаги иш, у бизнинг фикр алмашинувимизга ҳаракатни кўшади.
- Яқинлик – бу биз ўзимизнинг яширин фикрларимизни, истакларимиз ва сирларимизни Муқаддас Рух билан баҳам кўрган, У эса, Ўзининг фикрларини, истак ва сирларини бизлар билан баҳам кўрган пайтидаги дўстликнинг энг чукур даражасидир.
- Худони тўлиқ намоён этувчи Муқаддас Рух бизнинг юрагимизни (рухимизни) танлади ва уларни Ўзининг доимий уйи қилди.
- Уни хафа қилиб қўймаслик учун биз диққат-эътиборли бўлишимиз лозим, чунки У мулойим ва нозик, биз Уни ўзимизнинг ҳатти-ҳаракатларимиз билан осонгина хафа қилиб қўйишимиз мумкин.

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ УЧТА ДАРАЖАСИ

«Сизлар ўз урф-одатларингиз(сизларга ота-боболарингиз томонидан берилган қоидалар) билан Худонинг Сўзини (унинг кучини ва ҳокимиятини маҳрум қилиб, уни ҳеч бир ҳаракатларсиз қолдириб) бекор қилдингизлар. Эй, иккиюзламачилар (мугомбирлар)! Ишаъё сизлар ҳақингизда яхши ва тўғри башорат қилган: «Бу халқ Менга оғизлари билан яқинлашади ва Мени тили билан ҳурмат қиласди, лекин унинг юраги Мендан узоқдир». Бироқ одамларниг амрларини таълимот каби ўргатиб, улар Мени беҳудага эҳтиром қиласдилар».

– Исо (Матто15:6-9, кенг. тарж.)

1-кун

Раббий Исо ушбу хушига келтириб қўядиган сўзларни фарзийларга айтди, чунки улар урф-одатларни Худонинг Сўзидан устун қўйдилар. Менинг луғатим урф-одатга қўйидагича таъриф бермоқда: «ўрнашиб қолган, омма томонидан қабул қилинган, авлодлардан авлодларга ўтадиган одатлар, хулқ- атвор нормалари ва дунёқарашлар». Ўз-ўзидан кўриниб турибидики, урф-одатлар ўз-ўзича, албатта, бирор ёмон нарсани ифодаламайди. Бизлар оиламиз ва дўстларимиз даврасида амал қиласдиган жуда кўп ажойиб урф-одатлар мавжуд. Бироқ фарзийлар урф-одатни Худонинг Сўзидан юқори кўтардилар, бунинг натижасида, Сўз уларнинг ҳаётларида ўз кучини йўқотди. Худди шундай, бугун ҳам бу ҳақиқат тўғридир. Бизнинг ҳақиқатни тушуниб етишимиз ўткинчи хиссиётларга,

урф-одатларга ва одамнинг доноликлариға эмас, балки Худонинг Сўзига асосланган бўлишини назорат қилишимиз лозим.

Раббий Исо фарзийларнинг урф-одатлари Яратувчи билан уларнинг муносабатларида ёриқ пайдо қилганини тушунтириди. Ҳакиқатан ҳам, У ҳаттохи Худога сажда қилиш ҳам бефойда бўлганини айтди, чунки улар кўпроқ назарияларга (таълимотлар ва улар устида фикрлашларга) ишонар эдилар. Агар фарзийлар ўзларининг кўрликлариға тавба қилмаганларида ва ҳакиқатни қабул қилмаганларида эди, уларда Худо билан ҳақиқий яқинликдан роҳатланиш имкони бўлмаган бўлар эди. Худди шундай биз ҳам, Рух билан ўзаро яқин муносабатлардан роҳатланишимиз учун одамлар томонидан ўйлаб топилган барча фикрларни ва урф-одатларни бир четга олиб қўйишимиз ва Унинг Сўзида аниқ кўриниб турган У ҳақидаги ҳакиқатни қабул қилишимиз керак. Акс ҳолда, бизнинг Худо билан ўзаро яқин муносабатлар қуришга уринишларимиз фарзийлардагидек хеч қандай мубафаққият қозонмайди.

МУКАММАЛ ЎҚИТУВЧИ

Менда Муқаддас Рух билан яқинлик пайдо бўлгунича, Мен Муқаддас Китобни ўқир ва Худони бутун юрагим билан севаман деб ўйлар эдим, бироқ шунга қарамасдан мен У билан муносабатларда куруқликни ҳис қиласдан эдим. Гап мен Муқаддас Рухни ўз ибодатларимга ва Муқаддас Китобни ўрганишга таклиф этмаганимда эди ва фақатгина У Ёзувни менинг юрагимда тирилтириши мумкинлигини пайқадим. Унинг бошқаруви орқали Муқаддас Китоб шунчаки сўздан кўра кўпроқ нарсага айланади – у ҳаётнинг моҳиятига айланади. Коринфликларга иккинчи мактуб (3:6)да ёзилган:

«У бизни ҳарф бўйича эмас, балки Рух бўйича Янги Аҳднинг хизматкорлари бўлишга қодир қилди, чунки ҳарф ўлдиради, Рух эса ҳаёт бахш этади».

Худонинг Сўзи ёрдамида ифодаланган Янги Аҳд бу шунчаки қоида ва меъёrlар тўплами эмас, балки ҳаётнинг ўзидир. Бундан ташқари, Янги Аҳд унинг қоидаларига бўйсунадиганларнинг ҳаётини тўлдиради. Фақатгина Муқаддас Рух ёрдамида Янги Аҳднинг тўликлигидан роҳатланиш мумкин, чунки у бизнинг Масихда ким эканлигимиз ҳақидаги буюк сирни очади (ва бу Янги Аҳднинг хабаридир). Мана, нима учун биз Муқаддас Китобни ўрганаётган вақтимизда бизнинг мукаммал ўқитувчимизни, Муқаддас Рухни таклиф қилишимиз керак.

Сиз қачонлардир ўзининг фанига қизиқмайдиган ўқитувчини учратганимисиз? Менимча, бундай ўқитувчиларнинг дарслари ҳам ёмон. Улардан ўрганиш тиш оғриғидан азоб тортиш билан бир хил. Сиз қачонлардир ўз талабаларини яхши кўрмайдиган ўқитувчини учратганимисиз? Қайгули воқеа. Яхши хабар: Муқаддас Рух Худо Сўзининг сирини очишга астойдил қизиқади ва У шахсан сизга нисбатан ғайритабиий иштиёқка эга! У сизга Масих орқали очик бўлган барча инъомларда юришингизни кўришга чанқоқдир. Агар биз сўрасак ва изласак, унда У албатта бизга ҳаёт сирини очади.

МУҲИТ ВА ҲУЗУР

Афсуски, шундай ҳис пайдо бўладики, кўпинча, биз ўзимизнинг масиҳий ҳаётимизда ўз ўқитувчимизнинг маслаҳатидан ва ҳузуридан маҳрум бўлган ҳолда юришга ҳаракат қиласиз. Дарҳақиқат, Муқаддас Рух бутун кўпгина жамоатларда дарбадар келгинди сингаридир. Биз ўз гафлатимизга кўра Унинг ҳузурини яхши муҳитларга алмаштиридик. Бошқа сўз билан айтганда, бир неча одамнинг Унинг ҳузурини «кўрқинчли» тарзда қалбаки нарса қилишга уринганликлари, баъзилар эса, «кўрқинчли» тарзда Унинг ҳузурига муносабат билдирганликлари учунгина биз гўё Худо Рухининг намоён бўлишидан воз кечдик.

Мени нотўғри тушунманг, ишончим комилки, хизматларда бизга яхши муҳит керак. Охирги бир неча йил ичida жамоатда

күпгина зуур маданий ўзгаришлар содир бўлди, улардан бир қисми – йифин муҳитининг яхшиланиш соҳасидадир. Жамоат маълум даражада дунё учун янада яқинроқ ва жозибадор бўлиб қолди. Ўйлашимча, бу Худога маъкул. Повул айтганидек: «Мен ҳам ўз манфаатимни эмас, балки кўпларнинг манфаатини излайман. Улар нажот топишлари учун мен ҳаммага ҳамма нарсада маъкул бўлишга ҳаракат қилмоқдаман» (1 Кор. 10:33). Биз инсоннинг ижодий қобилияти ва технологияларнинг ривожланиши ёрдамида буюк ишни амалга оширидик. Мен қачонлардир кўришга мусассар бўлган янгиланган жойлардан бири айнан жамоат бинолари бўлган. Масиҳнинг танаси ижодни доимо янги даражага кўтарадиган новатор(янгилик яратувчи) бўлиши керак. Лекин жамоат агар ўз ишига Муқаддас Рухни таклиф қиласа, ерда ҳеч қачон куч, севги ва ҳокимият ўрнини бутунлай эгаллай олмайди. Ёдда туting, У муносабатларда бош ҳамкор бўлиб ҳисобланади.

Биз ҳам ажойиб муҳитга, ҳам Унинг намоён бўлган хузурига эга бўла олишимиз жуда яхши. Мен ташриф буюра оладиган барча жамоатлардан қайси бирида ҳам ажойиб муҳит, ҳам Худонинг хузури бўлганларидан завқланаман. Муқаддас Рух хузурининг намоён бўлиши одамларнинг Шоҳликка киришига тўсқинлик қиласи деган фикрларнинг курбони бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Умидсизликка тушган одамларни хаворийлардан совутмасдан, балки уларга жалб этган нарса нима эканлигини ва бу уларнинг Муқаддас Рух билан ҳамкорилари шарофати билан содир бўлганлигини ёдда тутишимиз лозим. Жамоат Муқаддас Рухнинг иштирокисиз эришган ҳар қандай тараққиёт нолга айланади.

Ҳатто Худонинг Ўғли Исо Муқаддас Рухнинг кучисиз ҳеч нима қилмаган (Лк. 4:1-15). Луко Хушхабари (4:14,15) да ёзилган: «Исо Рух қудратида Галилияга қайтиб келди. У ҳақида бутун ўлка атрофи бўйлаб овоза тарқалди. Исо эса уларнинг синагогаларида таълим берар ва ҳамма Уни улувлар эди». Эътибор беринг, бу ерда У «Рух қудратида қайтиб келди» деб ёзилган. Бу парча Раббий Исо иблис томонидан васвасага

солинган сахрода қирқ қундан сўнг нима содир бўлганлигининг якунини тасвирлаб бермоқда. Раббий Исо сахродан чиқиб Носирага қайтиб келди ва шундай деб эълон қилди:

«Раббийнинг Рухи Менинг устимда, чунки қашшоқларга хушхабарни эълон қилиши учун, дили эзилганларга шифо бериши учун, асирларга халос бўлишиларини, кўрларга кўзлари очилишини воизлик қилиши учун, азоб чекканларни озодликка чиқарии учун, Раббийнинг илтифот йилини воизлик қилиши учун У Мени мойлаб юборди» (Луқо 4:18-19).

Модомики, Раббий Исо Худо Рухининг кучида ҳаракат қилган экан, У ерда Ўз Отасининг иродасини амалга ошира олган. Худди шундай, жамоат ҳам худди ўша куч билан руҳан қашшоқларга хушхабарни воизлик қилиши, дили эзилганларга шифо олиб бориши, асирларга озодликни, кўрларга кўзлари очилишини, жабрланганларга озодликни эълон қилиши ва Худонинг қўли куткариш учун калта эмаслиги ҳақидаги ҳақиқатни намойиш қилиши керак. Аммо биз Рухнинг кучига суюнмас эканмиз, ушбу самовий кучларни ҳам тарқата олмаймиз. Раббий Ислома Муқаддас Рухнинг кучи керак бўлган – биз нима билан фарқ қиласиз?

2-кун

«КЎПРОҚ РАББИЙ ИСО»

Мен жамоатга келадиган барча одамлар Исо Масиҳнинг намоён бўлган ҳузурини ҳис қилишлари истаги билан ёнмоқдаман. Ҳар томондан: «Бизга жамоатларда кўпроқ Раббий Исо керак», -деяётганларини эшитаман ва мен бу сўзларга тўлиқ қўшиламан. Бироқ бизга Раббий Исломи Ким очиб беради? Муқаддас Рух. Муқаддас Рух сотиб олиниши мумкин бўлган мулк эмаслигини биз аллақачон ушбу курсдан билиб олдик, У хурмат қилиниши ва таклиф этилиши лозим бўлган Шахсdir.

Ҳақиқат Рухи бизнинг қилаётган барча ишларимизда бизлар билан бирга бўлишини нима учун биз хоҳламаслигимиз керак? Раббий Исо бир куни Ўз шогирдларига шундай деган:

«Сизларга кўп нарсаларни айтишим керак, лекин ҳозир буларни сиғдира олмайсизлар. Ҳақиқат Рухи келганида эса, У сизларни бор ҳақиқатга етаклайди. Чунки У Ўзидан гапиরмайди, лекин нимани эшишса, ўшани гапиради ва сизларга келажакни маълум қиласди. У Мени улуғлайди, чунки Мендан олиб сизларга маълум қиласди. Отамга тегишили бўлган ҳамма нарса Меникидир. Шунинг учун Мен, У Мендан олиб, сизларга маълум қиласди, дедим» (Юх. 16:12-15).

Муқаддас Рух Раббий Исони улуғлайди. Раббий Исо Муқаддас Рух ёрдамида бизга очилади. Биз Худо ўрнатган нарсани ўзгартира олмаймиз. Агар биз ўз ҳаётимизда Раббий Исо кўпроқ бўлишини хоҳласак, биз Масих Рухи деб аталган Муқаддас Рух билан янада яқинроқ мuloқотда юришимиз керак (1 Пет.1:11; Рим. 8:9). Муқаддас Рух бизга гапираётганида, У Раббий Исони ифодалайди. Муқаддас Рух Масих билан биргалиқдаги ҳаётга шунчаки (ёқимли қўшимча) эмас, балки тўғрироғи, ерда Масихнинг моҳиятидир. Унинг хузури Уни иззат қилмаган жойда намоён бўлмайди. Шу сабабли, агар биз Муқаддас Рухни иззат қилишдан воз кечсак, унда Масихнинг Рухи ва Унинг кучи бизнинг ҳаётимиздан йўқ бўлади. Айнан шунинг учун дунё (Масихнинг ўзгартирувчи кучининг нишони бўлмиш дунё) кўпинча жамоатни жонсиз ва кучсиз қабул қилаётган бўлиши мумкинми?

ХУДО БИЛАН ЧУҚУР ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

Мuloқотнинг туб мақсади – шахсий чукур дўстлик. Худонинг Рухи сизнинг дўстингиз бўлишни истайди. У ҳақиқатан ҳам сиз билан яқин дўстлик муносабатига жуда ҳам муштоқ.

Ёкуб: «Бизнинг ичимизда яшаётган Рух рашк қадар севади», – демоқда. Рашк қадар севиш дегани нимани англатади? Бу шуни англатадики, У бизлар билан яқинликка жуда ҳам муштоқ. Наҳотки бизларнинг барчамиз бизга яқин бўлган одамлардан шуни истамасак? Эътибор беринг, «У рашк қадар севади». Бу шуни англатадики, биз бошқа давогарлар билан вақтимизни чоғ ўтказишимизга У чидай олмайди, ҳаттоки, менинг хотиним агар мен бошқа аёлнинг кўнглини овлаганимда эди, ўз юрагининг шахсий сирларини мен билан бўлишмаган бўлар эди.

Худо бизнинг тўлиқ бағишиланишимизни истайди. Ёкуб мактубининг аввалги оятида шундай ёзилган: «Дунё билан дўстлик Худога қарши душманликдир» (Ёкуб 4:4га қаранг). Душманлик сўзи луғатда қуидаги тарзда таърифланади: «адоват, нафрат, бузук ният ҳисси ёки ҳолати, совуқчилик». Булар кучли сўзлар. Унда савол туғилади: нима учун дунё билан дўстлик Худо билан душманликни англатади?

Дунё билан дўстлик тана шаҳватини билдиради. Бу фойдага, ҳақ-хукукка ёки вазиятга худбинларча интилиш, ўзининг шахсий танавий худбинлигига эрк беришдир. Бу мақсадларга интилиш фойдасиз бўлишини ва фақатгина бўшлиқقا олиб боришини Муқаддас Рух билади. Худо Ўзининг рашкли севгиси туфайли жоннинг ҳалокатига олиб борувчи барча нарсалар билан ўйнашишимизни ёмон кўради. Унутманг, Худо – бизнинг ҳақиқий Отамиз ва ҳар қандай буюк Ота сифатида Унинг болалари улар учун энг яхши бўлмаган нарсалар билан қоникишини У ёмон кўради. Мана нима учун У бизнинг дунё билан дўст бўлишимизга чидай олмайди. Раббий Исо бизга тўла-тўқис ҳаётни тилайди (Юх. 10:10га қаранг), Муқаддас Рух эса Ўғилнинг истагини намоён килади. Ёдда тутинг, Худонинг Учлиги Ўз мақсадида бирдир. Худо Ўз болалари билан ўзаро яқин муносабатларга жуда ҳам муштоқдир. Биз дунё билан ўйнашганимизда, Худо билан чуқур яқинлик билан роҳатланишдан ўзимизни маҳрум этамиз. Қандай фожеавий йўқотиш –бу Отанинг юрагини қанчалар жароҳатлайди!

ФАҚАТГИНА НАЖОТДАН КҮРА АНЧА КҮПРОҚ

Худо фақатгина нажотдан күра анчагина күпроқ нарсани бизлар учун исташини тушундим. Ҳа, нажотимизнинг ҳақиқийлиги шу қадар ажойибки, у бизнинг онгимиз англаши даражасидан баланд туради. Бироқ самодаги жой – бу бор -йўғи Худо бизга бермоқчи бўлган барча нарсаларнинг бошидир. Биз бу ер юзида ажойиб ҳаётдан роҳатланишимиз учун Худо Ўз Ўғлини юборган. Нима учун? Чунки биз бу дунёнинг қўрқувлари ва истаклари билан бўғланган ҳолда Унинг шоҳлигини унумли равишда ёйишимиш ҳақиқатан қийин.

Повул бир сафар шундай деб айтган: «... художўйлик ҳозирги ва келажақдаги ҳаётнинг ваъдасига эга бўлиб, ҳамма нарса учун фойдалидир» (1 Тим. 4:8). Художўйлик сўзига эътибор беринг. Фақатгина Худони биладиган кишигина художўйликка эга бўлиши мумкин, чунки бу Худога ўхшашликни англатади. Менимча, кам учрашадиган одамингга ўхшаш бўлиш қийин. Биз одамлар билан вакт ўтказганимизда, улар бизга таъсир кўрсатишни бошлашади. Мана, нима учун Ёқуб дунё билан дўстлик ҳақидаги сўзларини давом эттириб: «Худога яқинлашинглар ва сизларга яқинлашади», -демокда. Сиз Худога ўхшаш бўлишингиз учун У сиз билан вакт ўтказишни хоҳлайди. Биз Худони яқиндан таниб-билиш орқали художўй бўлиб борамиз, буни амалга оширишнинг ягона йўли – Унинг Рухи орқали У билан чуқур ўзаро муносабатларни ривожлантиришдир (1 Кор. 1га қаранг).

Кўпинча имонлилар: «Дунё билан дўстлик Худога қарши душманлиқдир», сўзларини ўқиётганларида, дарҳол дунёдан узоклашишга ҳаракат қиласидилар. Албатта, бунда маъно йўқ.. Агар Жамоат ўзини одамлардан узоклаштиrsa, қандай қилиб, у дунёни кўлга киритиши мумкин? Биз Жамоат бўлган ҳолда, Раббий Исони биз ўхшашга ҳаракат қиласидиган намунага айлантиришимиз лозим. Гуноҳ уммонида ғарқ бўлган одамлар Раббий Исога талпинар эди. У солик йиғувчилар ва фохишалар

билан, диний етакчилар юқоридан қараган одамлар билан вақт ўтказар эди. У ҳаттоки, уларнинг байрамларига келар эди, аммо шу билан бирга улардан жуда ҳам ажралиб турар эди. Нима учун У «художўйлар» менсимаган одамларга шунчалик бағишиланган эди? Чунки улар бўйсунувчан ва кўпроғига чанқоқ эканликларини билар эди. У уларнинг байрамларига уларнинг ўйин-кулгиларида иштирок этиш учун эмас, балки уларга янги йўлни кўрсатиши учун борар эди.

Худди шундай, биз ахлоқи бузук ва синган одамларга интилишга даъват этилганмиз. Агар жамоат Масихнинг қўл-оёқлари бўлмаса, унда ким қўл-оёқ бўлади? Биз ва фақатгина биз – Унинг Танасимиз. Иноятнинг ўзгартирувчи кучи орқали биз энди Масихдамиз. Биз Унинг ер юзидағи элчиларимиз (Унинг вакилларимиз). Агар биз ҳақиқатни ва Масихнинг нурини бу дунёга олиб бормасак, бошқа ҳеч ким буни қилмайди.

ИНДАМАС ЖАНОБ

Мен ўзимнинг Муқаддас Рӯҳ билан юриш тажрибамда Унинг жаноб эканлигини билдим. У ҳеч қачон бизга Ўз иродасини юклаб қўймайди. Агар биз Унга яқинлашишдан бош тортсак, унда У жим туради.

Мен йигирма беш йилдан кўпроқ хизматдаман, доимо ҳар хил мамлакатлар бўйлаб сафарда юраман. Бу вақт ичида мени аэропортларда кутиб оладиган ҳайдовчиларда қандайдир умумийликни сездим. Улар ҳар доим жуда ҳам яхши ва қўлларидан келгунича ёрдам берадилар, улар ҳар доим менинг борадиган жойимга ёки бошқа жойга ва хизмат қиласидиган вақтимга тегишли барча майда -чуйдаларга эътиборлилар. Агар фақатгина менинг ўзим сухбатни бошламасам, улар одатда мен билан йўлда гаплашмайдилар. Улар шундай йўл тутадилар, чунки менга йўл бўйи машинада хизматга тайёрланиш ёки ишлаш зарур бўлиб қолиши мумкинлиги сабабли чўпонлар уларни мен билан гаплашмасликка ўргатишган. Мана шу

йиллар ичидә мен күпгина хизматкор юрагига эга бўлган ажойиб ҳайдовчиларни учратдим ва улар учун жуда ҳам миннатдорман. Шу сабабли, мен ҳар бир ҳайдовчидан унинг оиласи ҳақида ва унинг жамоатдаги хизмати ҳақида сўрашга қарор қилдим. Агар мен гапиришни бошламасам, биз ҳеч қандай жиддий гапни бошламасдан, бутун йўл бўйи жим кетишимиз мумкин.

Ўйлашимча, бу ерда Муқаддас Рух билан параллел ўтказиш мумкин. Биринчи бўлиб бизнинг ўзимиз Унинг овозини эшитишни ҳоҳламагунимизча, У биз билан сұхбатни бошламайди. Агар биз У билан гаплашишни бошламасак, У худди шундай жим тураверади. Ёдда тутинг, Ёкуб: «Биз Худога яқинлашганимизда, У бизга яқинлашади», -деб айтган. Биз биринчи қадамни босиши учун жавоб берамиз. Биз У билан ажойиб мулоқотга киришиш максадини кўрсатишимиз керак. Бошқача қилиб айтганда, қачонлардир сизга таклиф қилинган ҳар қандай барча таклифлардан энг буюги таклиф қилинган. Энди гап сизда...

Кўп масиҳийлар бу ҳақиқат ҳақида билмайдилар. Шу сабабли, мен кўпинча шундай мулоҳазаларни эшитаман: «Нима учун Худо мен билан гаплашмаяпти?» ёки «Худо бир неча йиллар давомида мен билан гаплашмаяпти?». Бу одамлар Муқаддас Китоб айтиётган Худо билан шундай мулоқотни изламоқдаларми? Агар биз Худога яқинлашмоқчи бўлсак, биз Уни таниб-билишга интилишимиз лозим. Бу биз Унинг Рухининг Шахси билан дўстликни излашимиз лозимлигини билдиради.

Мен сизларни Муқаддас Рух билан мулоқотни фаол равища излашга чакираман. Сиз Унинг қандай жавоб беришидан ҳайратда қоласиз. Менинг ҳайдовчиларимнинг кўпчилиги каби У ҳар доим сиз У билан мулоқот қуриш ёки қурмаслигинизга қарамасдан сизнинг ёнингизда бўлади, чунки У ҳеч қачон сизни тарк этмасликка ва ташлаб кетмасликка ваъда берган (Ибр. 13:5га қаранг). Бироқ агар сиз Унга мурожаат қилмасангиз, кўпинча У жим бўлади ва сиз ҳеч қачон ҳаётингизда Унинг ҳузурининг тўлиқлигидан ва У билан мулоқотнинг барча эзгуликларидан роҳатлана олмайсиз.

ХУДОНИНГ ТЕРАНЛИКЛАРИ

Келинг, Юҳанно Хушхабари 16-бобдан парча ўқиймиз:

«Сизларга кўп нарсаларни айтишим керак, лекин ҳозир буларни сиғдира олмайсизлар. Ҳақиқат Руҳи келганида эса, У сизларни бор ҳақиқатга етаклайди. Чунки У Ўзидан гапирмайди, лекин нимани эшитса, ўшани гапиради ва сизларга келажакни маълум килади. У Мени улуғлайди, чунки Мендан олиб сизларга маълум қилади. Отамга тегишли бўлган ҳамма нарса Меникидир. Шунинг учун Мен, У Мендан олиб, сизларга маълум қилади, дедим» (Юх. 16:12-15).

Исо Масих бу сўзларни хочга михланиш олдидан Ўз шогирдларига мурожаат қилиб айтган эди. Сал кейинроқ, ўша тунда, Раббий Исо Рим аскарлари томонидан хибсга олинган ва ўлимга ҳукм қилиниш учун олиб кетилган эди. Бу лаҳзалар - Унинг ҳаётидаги энг муҳим сўзлар учун вақт бўлганлиги шубҳасизdir.

Раббий Исонинг нима деяётганига эътибор беринг: «*Сизларга кўп нарсаларни айтишим керак, лекин ҳозир буларни сиғдира олмайсизлар*» (12-оят). Раббий Исо бу одамлар учун ҳамма нарса бўлган. Улар У билан бир неча йилни бирга ўтказдилар. Раббий Исонинг ортидан эргашиш учун уларнинг ҳар бири ўз оиласини, дўстларини ва ишини қолдирди. Эҳтимол, шогирдлар: Бор манзарани бутунлигича кўриш учун умуман олганда биз нима қилишимиз мумкин?» –деб ўйлашгандир. Унда Раббий Исо бизларга ваъда бериб қўйидаги ажойиб сўзларни айтмоқда: «*Ҳақиқат Руҳи келганида эса, У сизларни бор ҳақиқатга етаклайди*» (13-оят). Бошқа сўз билан айтганда: «Мен (танада) сизлар билан бирга бўлсанам ҳам, Мен сизларга беришим керак бўлган барча нарсаларни олиш ҳолатида эмассизлар. Лекин Мен сизларга Муқаддас Руҳни юбораман, У Менинг сўзларимни гапиради, У Менинг иродамни ошкор қилади ва сизларни келаётган нарсага тайёрлади». Қандай ваъда! Айнан ўша

оқшомда айтилган Раббий Исонинг аввалги сўзларини эсланг:

«Аммо Мен сизларга ҳақиқатни айтаман: Менинг кетганим сизлар учун яхшиидир, чунки агар Мен кетмасам, Юпатувчи сизларга келмайди. Агарда Мен кетсам, Уни сизларга юбораман» (Юҳ. 16:7).

Умид қиласманки, бу сўзлар янада ойдинлаштиради. Бизга вазифани қийинлаштириш учун Худо бизлар билан ўйин ўйнамайди, аксинча. Бизларнинг ҳар биримиз биз севадиган одамлар бизни яқиндан билишларини истаймиз. Айнан шу Худога ҳам тегишлидир. Раббий Исо ер юзида юрганида, У инсон учун очиқ ва олдига боришнинг имкони бўлган Ўз Отасининг аниқ тимсоли бўлган (Ибр. 1:1–3; Кол. 1:15–19га қаранг). Бироқ, билганимиздек, энди Раббий Исо самода, Отанинг ўнг томонида ўтирибди. Муқаддас Руҳ – ерда Худонинг халқи билан ва унинг ичидаги бўладиган Учликнинг Шахсидир. Шу сабабли, Худонинг теранликларини таниб-билиш учун биз Унинг Руҳи – ҳақиқат Руҳини чукӯр билишимиз зарур.

ШУБҲАЛАНУВЧИ ТЎМА

Раббий Исо ўликлардан тирилганидан сўнг, ўн нафар шогирдлар эшиклари ёпиқ хонада ўтирган эдилар. Тўсатдан Раббий пайдо бўлди. Шогидлар ҳайратда ва шок ҳолатида қолдилар. Ҳаттоқи, Раббий Исо У шарпа эмаслигига уларни ишонтиришига тўғри келди. Ўновининг барчаси Унинг тирилганилиги мўъжизасидан хурсанд бўлдилар ва кейинроқ, Тўмага бўлиб ўтган воқеани айтиб бердилар, чунки Раббий Исо намоён бўлган онда Тўма улар билан бирга эмас эди. Бу хабарни эшитиб, Тўма таниш сўзларни айтди: «Мен Унинг қўлларида михларнинг чандигини кўрмагунимча, бармогимни михларнинг чандигига теккизмагунимча ва кўлимни Унинг биқинига қўймагунимча ишонмайман» (Юҳ. 20:25).

Бир неча кундан сўнг, Раббий Исо уларга яна намоён

бўлганида, барча ўн бир шогирдлар биргалиқда бир хонада йифилган эдилар. Нимадир дейишдан ва қилишдан аввал, У гўё: «Тўма, кел, сенинг ишонмаслик муаммонгни ҳал қиласиз», – деяётгандек Тўмага мурожаат қилди У: «Бармоғингни бу ерга узат ва қўлларимга қара, қўлингни бу ерга чўз ва биқинимга қўй. Энди имонсиз эмас, лекин имонли бўлгин», - деди (Юх. 20:27). Тўма жавоб бериб: «Менинг Раббим ва менинг Худойим!»-деди. Энди Раббий Исо унинг бу гапига нима деб жавоб берадиганига қаранг: «Сен Мени кўрганинг учун ишондинг, *Мени* кўрмасдан туриб ишонгандар бахтлидирлар» (Юх. 20:29).

Аслини олганда, Раббий Исо: «Тўма, ҳаттоқи кўрмасалар ҳам, ишонадиган бахтли одамлар бор», - демоқда. Мен қачонлардир Раббий Исо унга етарлича қўпол муомалада бўлган деб ўйлар эдим. Йигит шундок ҳам тавба қилди, Унинг қаршисида тиз чўқди, шубҳасиз, унинг ахволи шундок ҳам ёмон эди. Бироқ Раббий Исо унга қараб: «*Мени* кўрмасдан туриб ишонгандар бахтлидирлар», - демоқда. Нима учун Раббий Исо Тўма билан бундай дагал муомалада бўлганлигини тушуна олмас эдим. Шундай сўнг, Раббий менга бир кун деди: «Мен Тўмага таъна қилганим йўқ, Мен шунчаки бор нарсани гапирдим. Мени танада билганлардан кўра, Мени Рухимда билганлар билан Биз янада якинроқмиз».

4-кун

ЎЗАРО МУНОСАБАТНИНГ УЧТА ДАРАЖАСИ

Шундай қилиб, Раббий Исо бу сўзларни Тўмага айтганида, У ҳақиқатда нимани назарда тутган эди? Ушбу саволга жавоб бериш учун сизларга нима учун муносабатларда ҳис этишдан кўра имон билан янада кўпроқ теранликларга эришиш мумкинлигини тушунтириб беришга рухсат этинг.

Ўзаро муносабатнинг учта даражаси мавжуд: жисмоний, жоний ва руҳий. Энг паст (энг юзаки) даража – *табиий* ёки *жисмоний* даражадир. Кўпгина романтик ўзаро муносабатлар

шундан, мана шундай фикрлардан бошланади: қиз ёқимтой ёки йигитнинг истараси иссиқ, балки яқиндан танишишимизга арзир. Афсуски, кўпгина жуфтликлар турмуш курганларида ўзаро муносабатларнинг фақатгина мана шу даражасида қолиб кетган бўладилар. Улар кичик тушунмовчиликларни ва сухбатнинг етишмовчилигини эътиборсиз қолдириш мумкин деб ўйлашади. Уларнинг қандайдир бирликка эга эканликлари амри маҳол, уларни бир-бирларига шунчаки тортиб туради. Бундай вазиятларда муносабатларнинг жоний даражаси ривожланмасдан қолиб кетади. Тўй овози жаранглайди, асал ойи тугайди ва ҳаёт бошланади. Бундай жуфтлик улар бир-бирлари билан яқинликнинг бошқа даражасига ўтиш кераклигини тушуниб етишлари лозим, акс ҳолда уларнинг никоҳи ночорликка маҳкумдир. Агар улар ўзларини янада чукурроқ муносабатларга бағишламасалар, унда аёл дугоналари билан, эркак эса дўстлари билан ўз қизиқишларини қондиришни излайди. Уларнинг биргаликдаги ҳаётлари охир оқибат қайғули манзарага айланади. Худо оиласда бундай муносабатларни режалаштиргмаган.

Шунингдек, муносабатларнинг жоний даражаси ёки характерларнинг муносабатлари ҳам мавжуд, масалан, Довуд ва Йўнатан ўртасидаги муносабатлар: «...Йўнатаннинг қалби Довуднинг қалбига ёпишди ва Йўнатан уни ўз қалби каби севиб қолди» (1 Шом. 18:1). Йўнатан ҳалок бўлганида, Довуд унинг учун мотам тутди: «Менинг биродарим Йўнатан, сен учун мотам тутаман, сен мен учун жуда қадрли эдинг, сенинг севгинг мен учун аёлнинг севгисидан ҳам устунроқ эди» (2 Шом. 1:26). Довуд бу ерда жисмоний бузук муносабатлар ҳакида гапирмаяпти. Уларнинг ўртасида жисмоний майл бўлмаган. Уларнинг боғлиқлиги жон даражасида бўлган ва қандайдир нотабиий жисмоний жиҳатлардан бутунлай озод бўлган. Уларнинг муносабатлари (Довуд «аёлнинг севгиси» ҳакида гапириб назарда тутган) оддий жисмоний муносабатлардан кўра анчагина чукурроқдир.

Жон даражаси – бу унда никоҳ қурилиши керак бўлган даражадир. Мени нотўғри тушунманг, ўзаро муносабатларда

жисмоний томон ҳам жуда муҳимдир.

Хотиним мени жуда ҳам ўзига тортади, у мен учун дунёдаги энг чиройли аёлдир. Бироқ эр ва хотин ўртасида анчагина чуқуроқ ўзаро муносабатлар бўлиши мумкин ва бўлиши зарур. Гап шундаки, Лизанинг ташки гўзаллигидан кўра унинг ички гўзаллиги менга қадрлидир.

Афсуски, интернет орқали танишган одам учун бир-бирларидан ажрашиб кетган эркаклар ва аёллар ҳақидаги кўп воқеаларни эшитганман. Бир неча йил аввал, мен бир жамоатда воизлик қилган эдим ва йифиндан сўнг менинг олдимга бир эркак келди. У билан унинг олти нафар фарзандлари бор эди – иккитаси қўлида, иккитаси оёғидан ушлаб олган, яна иккитаси ёнида югуриб юрар эди. Унинг юз ифодасида сира ҳам хурсандчилик бўлмагани учун мен ундан ҳаммаси жойидами йўқми, шуни сўрадим. У жавоб бериб: «Унчалик эмас. Бугун хотиним мени олтита бола билан ташлаб, интернетда танишган эркакнинг олдига кетди», -деди. Унинг ўша одам билан «жоний» муносабатлари шундай нуқтагача борганки, у кўп йиллик никохидан сўнг ўз эрини ташлаб кетган. Жоний муносабатлар шунчалик кучли бўлиб қолганки, бу аёлни ўз болалари билан бирга бўлиш ва уларга замхўрлик қилишдек табиий эҳтиёжларини енгиги чиққан.

Муносабатларнинг жоний даражаси кўпинча жисмоний алоқани талаб қилмайди ёки умуман уни талаб қилмайди. Мана нима учун икки киши бир-бирларидан узоқ масофада бўлганларида бошланадиган муносабатлар кўпинча мустаҳкам оиласалар билан тугайди. Муносабатларнинг жисмоний томонини ривожлантириш имкониятига эга бўлмасдан, жуфтлик жоний муносабатларнинг ривожига эътиборни қаратишга қодирдирлар.

МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАСИ

Муносабатларнинг энг юқори ёки энг чуқури – рухийдир. Бу Раббий Исо Тўмага айтган даража. Повул бир сафар шундай деган: «Чунки инсоннинг ичида нима борлигини унинг ичида бўлган инсоннинг рухидан бошка ким билади?» (1 Кор. 2:11).

Бошқача айтганда, сиз одамнинг руҳига нисбатан муносабатда бўлмагунингизча, унинг ҳақиқий фикрларини ва ниятларини билмайсиз.

Мен сизга айтганимдек, биз Лиза билан яқинда оила курганимизнинг ўттиз йиллигини нишонладик. Ҳаммасидан ҳам кўпроқ менга биз сув ҳавзасида ўтириб, Худо ҳақида гаплашганимизни эслаш ёқади. Биз ҳаттоқи, кўп вақтни ушбу китобнинг мавзусида гаплашиб ўтказдик. Мен унга Худо менинг юрагимга солган нарсани айтиб бердим, у донолик ва ваҳий билан жавоб берди; кейинчалик, буни менга Муқаддас Рух очиб берди. Модомики, бизларнинг иккаламизда ҳам Рух билан ўзаро яқин муносабатлар бор экан, биз чуқур руҳий даражада мuloқot қила оламиз.

Бу шунингдек, биз нима учун Лиза билан биргаликда ибодат қилишимизнинг сабабларидан бири ҳамdir. Ибодат бизни руҳий бирлаштиради, чунки биз бир-биримиз билан Руҳнинг ишлари ҳақида суҳбатлашамиз. Тахминан мана шу сабаб туфайли, биз Messenger International ташкилоти ҳамкорлари учун ҳар куни биринчи ўн беш дақиқани умумий ибодатга ажратишларини қоида қилдик. Биз шундай йўл тутамиз, чунки бизнинг гурухимиз руҳий бирлашган бўлишларини истаймиз. Ибодат вақти ташкилотнинг ҳамкорлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда нимани яратганини кўриш ажойибdir. Айнан шу нарса ҳар қандай ўзаро муносабатларга тегишилдири: Муқаддас Ёзув мухокамаси ва ибодат одамлар ўртасидаги яқинликнинг энг чуқур даражасини яратади, чунки бу руҳий алоқадир.

Руҳий нарсалар ҳақидаги ақлий баҳс ва ҳақиқий руҳий мuloқot ўртасида фарқ бор. Баъзида одамлар менга Муқаддас Китоб ҳақида гапиришни бошлашади ва мен улар шунчаки маълумот берәётганини тушунаман. Мен буни қаердан биламан? Чунки менинг онгим уларнинг сўзларидан тез чарчаб қолади. Улар руҳда эмас, онгдан сўзлашади. Руҳий нарсалар ҳақида ўз руҳидан гапирадиган бошқа одамлар ҳам бор. Мен бу одамлар билан ҳеч қандай чарчоқни сезмасдан соатлаб суҳбатлашганман, чунки биз руҳий даражада бирлашамиз.

ХУДОНИ УНИНГ РУҲИ ВОСИТАСИДА ЧУҚУР БИЛИБ

Келинг, энди Коринфликларга биринчи мактубдан бутун оятни ўқиб чиқамиз:

Чунки инсоннинг ичидаги нима борлигини унинг ичидаги бўлган инсоннинг руҳидан бошқа ким билади? Худди шундай, Худонинг фикрларини ҳам Худонинг Руҳидан бошқа ҳеч ким билмайди. (1 Кор. 2:11, NASB).

Бу ерда «фикрлар» деб таржима қилинган юонча сўз – биринчи навбатда «яшаш ҳолати ва онгнинг ҳолати»ни англатади. Аслини олганда, Повул Худонинг Руҳини чуқур билмасдан туриб, Худонинг ҳақиқий «онгининг ҳолатини» (яъни Худо юрагининг теранликларини) билиш имконсизлигини айтмоқда. «Чуқур билиш» сўзи остида мен озгина куч билан ёки умуман ҳеч қандай кучсиз эришилган юзаки билимдан анча кўп бўлган фаҳмлашни назарда тутаяпман. Кўшма Штатлардаги деярли ҳар бир киши бизда ким президент эканлигини билади, лекин бизларнинг кўпчилигимиз у билан шахсий ўзаро муносабатларга эга эмасмиз. Биз унинг энг яширин истакларини билмаймиз, уни нима ҳаракатлантираётганини, у нимага чиндан ишонишини билмаймиз. Худди шундай, биз ҳам агар Худони Унинг Руҳи билан чуқур билмасак, Худо ҳақидаги шунчаки «энг кенг тарқалган билимлардан» ортиқроғига ҳеч қачон эга бўла олмаймиз.

Повул давом этади: «Биз эса бу дунёning руҳини олмадик, балки Худо бизга ато қилганларини билишимиз учун, Худодан бўлган Руҳни қабул қилдик» (1 Кор. 2:12). Накадар ажойиб сўзлар! Худонинг фикрларини Унинг Руҳидан бошқа ҳеч ким билмайди (11-оят), бироқ У бизга ушбу Руҳни берди! Худонинг Руҳи билан мулоқот ёрдамида биз Яратувчи билан ўзаро муносабатларнинг энг юқори даражаси – руҳий даражада яқинликка эга бўлишимиз мумкин.

Повул Руҳ билан мана шу даражада муносабатда бўлган. У

Раббий Исо билан ҳеч қачон жисмоний юрмаганлигига қарамасдан, у: «Биродарлар, сизларга шуни билдирияпманки, мен сизларга воизлик қилган Хушхабар инсондан эмасдир. Чунки мен ҳам уни инсондан қабул қилганим ёки ўрганганим йўқ, балки Исо Масихнинг ваҳий орқали олганман», - деб айтган (Гал. 1:11-12). Повул Исо Масихнинг ваҳийини қай тарзда олган? Повул ваҳий инсондан келмаганлигини аниқ айтмоқда. Агар у инсондан бўлмаса ва у Раббий Исо билан танада вақт ўтказмаган бўлса, унда у ваҳийни Масихнинг Рухи (Муқаддас Рух) орқали олган бўлиши керак.

Повул Нажоткор билан ҳеч қачон жисмоний юрмаганлиги учун у Раббий Исо билан янада чуқурроқ даражадаги муносабатларга эриша олишими мумкин эдими? Раббий Исо билан жисмоний мuloқot қилган Петъор ҳаётининг сўнгидаги мактуб ёзган, у ерда шундай сўзларни айтган: «Севикли биродаримиз Повул ҳам, унга берилган донолик бўйича сизларга қандай ёзган бўлса, худди шундай, Раббимизнингузоқ сабр-тоқатини наложебхисобланглар. Повул бу ҳақида ҳамма мактубларида гапиради. Бу мактубларда тушуниш қийин бўлган нарсалар бор» (2 Пет. 3:15-16). Петъор бир неча йиллар давомида ҳар кун Раббий Исо билан юзма-юз сўзлашган одамлардан бири бўлган. Раббий Исо Ўзгариш тоғида улуғланганида, у ёнида бўлган. У хочга михланишнинг гувохи бўлган ва қайта тирилишдан сўнг, у Раббий Исони кўрган ҳамда У билан гаплашган эди. Бироқ шунга қарамасдан, Раббий Исо ерда танада бўлганида У билан мuloқot қилишдан роҳатланиш шарафига эга бўлган бу шогирд – Повулнинг «тушуниш қийин», яъни фаҳмлаш учун қийин бўлган баъзи ваҳийлари Рухдан эканлигини айтган. Шахсан мен бу Повулнинг Петъордан кўра Раббий Исо билан янада чуқурроқ ўзаро муносабатларга эга бўлганлигини кўрсатмоқда, деб хисоблайман.

Повул ҳеч қачон Раббий Исо билан бирга юрмаган бўлса ҳам, у Рухнинг руҳлантириши билан Янги Ахддаги китобларнинг кўп қисмини ёзган. Бунинг қандай имкони бўлган? Чунки айнан Рух Раббий Исони тўлиқ очиб беради. Раббийнинг сўзлари

эсингиздами? «Сизларга кўп нарсаларни айтишим керак, лекин ҳозир буларни сиғдира олмайсизлар. Ҳақиқат Руҳи келганида эса, У сизларни бор ҳақиқатга етаклайди [сизларга тўлиқ ваҳийни беради]» (Юх. 16:12-13). Повул Раббий Исоға бўлган ўз имонини У билан жисмоний муносабатлар пойдеворида қура олмас эди, чунки унда бундай тажриба йўқ эди. У ишонишига ва ваҳийларни бошқа йўл билан олишига тўғри келган эди. Аслини олганда, у мулокотда Руҳ унга кўрсатишига уринган нарсани қабул қилишга факатгина ҳалакит бериши мумкин бўлган қандайдир жисмоний сезгидан маҳрум эди. Мана, Раббий Исо Тўмага жавоб бериб нимани назарда тутмоқда. Повул Раббий Исо билан у суюниши мумкин бўлган жисмоний ўзаро муносабатларга эга бўлмаганлиги туфайли, у Устоз билан руҳий муносабатларга тўлиқ қарам бўлишига тўғри келган. Унда бошқа танлов бўлмаган.

Повулда бўлгани қаби бизларда ҳам жисмоний сезги туфайли келиб чиқкан ҳар қандай қоқилиш тошларисиз Раббий Исонинг ортидан эргашиш имконияти мавжуд. Ҳайратда қолдирадиган ҳақиқат шундай иборатки, биз Раббий Исони кўрган бўлганимиздан кўра, Уни кўрмасдан туриб, Унга янада яқинроқ бўлишимиз мумкин. У билан жисмоний юриш имкониятига эга бўлмасдан, биз У билан бизнинг ичимиизда бўлган Масих Руҳи орқали мулокот қилишга мажбурмиз – шу тарзда, Худо билан чукур руҳий ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаймиз. Қандай мўъжиза!

УНИ ЧУҚУР ДАРАЖАДА ҲИС ҚИЛИШ

Худо биладики, одамнинг танаси «ҳозирча» қайта сотиб олинмаган. Одамнинг руҳи қайта сотиб олинган, у Раббий Исонинг аниқ сурати ва ўхшашидир (1 Юх. 4:17). Жон ҳали қайта сотиб олиниш жараёнидадир (Ёкуб. 1:21). Бироқ жисмоний тана ҳозирча қайта сотиб олинишни бошдан кечиргани йўқ.

Биз нарсалардан жуда ҳам тез чарчаб колишимизга хеч эътибор берганмисиз? Баъзи бир одамлар янги машина харид

қилишади ва бир ҳафтадан сўнг харид ҳақидаги янгилик эскиради. Қайта сотиб олинмаган тананинг табиати шундайдир. Жисмоний томоннинг теранликлари кам, у узоқ яшамайди ва тез орада йўқолиб кетади. Шунинг учун Худо Ўз эзгулигига: «Мен халқимга Ўзимни жисмонан очмайман. У Мени чинакам билиши учун унга Мен билан Менинг Рухим орқали мулоқот қилиш имкониятини бераман», -деб айтган. Яъни, Худо тахминан шундай демоқда: «Мен севган кишилар билан узоқ масофа ажратиб турадиган муносабатда башламан, токи улар Менинг юрагимни ҳаққоний билиб олишсин».

Биз Жамоат сифатида Масихнинг Келинимиз. Худо бизни У билан ҳайратланарли никоҳ муносабатига тайёрламоқда. Биз Уни жисмоний даражада билишимиздан аввал У бизга Уни чуқур (руҳий) даражада таниб-билишга имкон беради. Мана нима учун Повул: «Шунинг учун, энди биз тана изми бўйича ҳеч кимни билмаймиз. Агарда аввал Масихни тана изми бўйича билган бўлсак ҳам, энди билмаймиз», -деб ёзган (2 Кор. 5:16). Биз Уни Рух изми – тирик Худонинг изми бўйича биламиз. Масих танада намоён бўлган вақтлар бўлған. Лекин ҳозир, ерда энди У жисмоний танада бўлмаганлиги сабабли, бизда Уни Рух орқали таниб-билиш имконияти мавжуд.

Агар биз Рух билан мулоқотни менсимасак, демак, бу билан биз ўзимизни Ўғилни таниб-билиш имкониятидан маҳрум этамиз. Рух бизга Раббий Исони очиш учун Худонинг юраги ва онгининг барча теранликларини ўрганиб чиқади. Агар сиз Худо билан чуқур муносабатларни истасангиз, Худони юзаки билиш чегараларидан чиқишингиз ва Уни сизларга ҳақиқат нурида очиб берадиган саёҳатни бошлишингиз зарур. Бу саёҳат факатгина Рух билан мулоқот орқали имконлидир. Мана нима учун Муқаддас Рух муносабатида биз Худонинг абадий Сўзида илдиз отмаган урф-одатларга (одатий фикр тарзи) амал кила олмаймиз. Агар биз Муқаддас Рух ҳақидаги тасаввурларимизни бузишга қодир бўлган етарлича тушунмовчилик, шахсий нотўғри тушунчалар ва салбий тажрибанинг бизга таъсир

қилишига йўл қўйсак, биз ҳаётимиздаги Худонинг шарафли хузури ҳақидаги ваъдаларидан тўлиқ роҳатлана олмаймиз. Биз Худони Унинг Рухидан алоҳида таниб-била олмаймиз.

Ишонаманки, агар Рух истаган нарса исталса ва У ҳис қилган нарса ҳис қилинса, У билан мулоқотга эга бўлиш мумкин. Сизларга чуқур ўзаро муносабатлар даражаси – руҳий даража очиқдир. Сиз унда бошқа бирор киши билан ҳис қилмаганингиз - ўз Яратувчингиз билан яқинликни ҳис қиласиз. Бироқ агар сиз У билан яқин мулоқотда бўлишни истасангиз, Муқаддас Рухни чуқур билишга ҳаракат қилишингиз лозим. Қандай қилиб, Уни чуқур билиш мумкин? Унинг Сўзини ўқиши ва Унинг хузурида вақт ўтказиш орқали. Худо сизга яқинлашишни истамоқда, сиз фақатгина Унга пешвоз чиқиш учун биринчи қадамни босишингиз керак, холос.

Қўйида келтираётган Ёзув ояти устидан фикр юритинг ва Муқаддас Рух сизнинг юрагингизда Ўз ишини амалга оширсин. Худога мурожаат қилганингизда, Ундан Унинг ҳузуруни ҳис қилишига қаршилик қилувчи ҳар қандай пардани сизнинг онгингиздан олиб ташлашини сўранг. Парда олингани заҳоти, сиз илгари ҳеч қачон кўрмагандек, Уни кўра оласиз. Сиз Унинг юзига қараганингиз сари (ўзингизнинг яқин дўстингиз билан вақт ўтказгандек, У билан сифатли вақт ўтказсангиз), У сизни Ўзининг қиёфасига ўхшатиб ўзгартиради. Сизни ҳаворий Повулнинг сўzlари билан қолдираман:

Бироқ Раббийга мурожсаат қилганларида, бу парда олиб ташланади. Раббий Руҳдир. Раббийнинг Руҳи бор жойда озодлик бор. Бизнинг ҳаммамиз очиқ юзимиз билан кўзгуга қараганимиздек, Раббийнинг шуҳратига қараб турибмиз ва Раббийнинг Руҳи орқали шуҳратдан шуҳратга, худди ўша тасвирга ўзгармоқдамиз (2 Кор. 3:16-18).

1-кун. Кундалик ўқиши учун

УНИ ЎЗ УСТОЗИНГИЗ СИФАТИДА ҚУТЛАНГ

Бироқ Худодан олган мойланиши сизларда бор экан, сизларга бирорванинг уқтиришининг ҳожати ийғодир. Лекин шу мойланишининг ўзи сизларга ҳамма нарсани ўргатганидек – бу эса ёлғон эмас, балки ҳақиқатдир–шундай қилиб, у сизларга ўргатганидек, Масиҳда бўлинглар.

– 1 Юҳанно 2:27

Муқаддас Рух бизнинг ҳаётимизда кўпгина вазифаларни бажаради, улардан энг буюги Устозлик вазифасидир. У доимо бизни нимагадир ўргатади. У бизнинг ичимида доимо бўладиган ҳақиқий отадир. У Ўша бизга йўналиш берадиган ва бизни севгидаги мулойимгина тўғрилайдиган Шахсадир.

Ёзув – бу вақтдан ташқарида мавжуд бўлган Рухнинг китобидир. Худонинг Сўзи Худо фикрларининг қайдларини ўзида намоён қиласди. У каби ўйлаш, У каби гапириш, У каби ҳаракат қилиш учун бизга биз тушунишимиз керак бўлган Унинг Сўзи зарур. Бизнинг Устозимизнинг вазифаси мана будир: бизни етаклаш ва бизлар айнан муҳтож бўлган вақтимизда Муқаддас Ёзувнинг маъносини очиб бизларга бор ҳақиқатни ўргатиш. Муаллиф ва чўпон Фрэнсис Фрэнгипейн шундай ажойиб сўзларни айтган:

«Раббийнинг Сўзи Муқаддас Рух билан бирликда Масиҳнинг тасвирига ўзгариб боришимиз воситасидир. Сўз Худодир. Ёзув Худо эмас, балки сўзлар орасида нафас олувчи Рух Худодир. Ва мана шу Муқаддас Рухни Худони хурмат қилгандек, хурмат қилиш зарур. Шу сабабли, Раббийни излаганингизда, шунчаки онг билан ўқимаслигингиз учун ибодат қилинг. Бироқ Муқаддас Руҳдан Сўз орқали сизнинг юрагингизга гапиришини сўранг. Раббийнинг қаршисида

бўйсунувчанликда тиз чўкканингизда, Сўз сизнинг жонингизга ўрнашиб, сизнинг ички борлиғингизнинг бир қисмига айланади (Ёкуб 1:21га қаранг)».

Тўхтаб ўзингизга савол беринг: «Мен Худонинг Сўзини қандай қабул қиласман? Устозни мени ўқитишга таклиф этаманми? Сўзни ўқиб, қабул қиласманми?» Энди эса Руҳдан сўранг: «Сўзнинг тирилтиришини ва менинг табиатимнинг бир қисмига айланишини кўриш учун нимани бошқачароқ қилишим мумкин?» У сизга очадиган ҳамма нарсани ёзиб кўйинг ва тажрибада қўлланг.

Муқаддас Рух фақатгина ибодат қилиш ва Ёзувни ўқиши вақтида ўргатиши мумкинми? Йўқ. У доимо ўргатади, агар сиз У билан бир оқимда бўлсангиз, унда ҳар бир ҳаракатингизда сабоқ олишингиз мумкин. Фрэнгипейн шундай маслаҳатни таклиф қилади:

«...Ҳар доим ўзингиз билан қофоз ва ручка олиб юринг... Биз ҳар замон-бир замонда Уни йўқлаб туришга эмас, Унда бўлишга даъват этилганмиз... Рух сизга қаерда бўлса ҳам ва нимадир айтса ҳам, Унинг овозини эшитиш учун сиз эшитиш қобилиятингизни ривожлантиришингиз лозим. Уни хурмат қилинг ва У сизни хурмат қилади».

Барчаси одамга боғлиқ. Сиз учун энг қулай бўлган воситалардан ва технологиялардан фойдаланинг. Энг муҳими – У нима деяётганига қулоқ солиш ва эслаб қолишидир.

Ушбу оятлар устидан диққат билан фикр юритинг. Рух сизга ҳаётингиздаги Сўз ҳақида нимани очяпти?

2 Тимўтий 3:16, 17; 2 Петъор 1:12–21

**Қонуннинг қайтарилиши 6:6; 11:18; Санолар 118:9–11;
Колосликларга 3:16**

Санолар 18:9; 118:105, 130; Ҳикматлар 4:20–23; 6:20–23

Ибронийликларга 4:12; Ѓұб 1:21; Йеремиаҳ 23:28, 29

*Мени чақыргын ва Мен сенга жавоб бераман. Сенинг
үзинг ҳеч қачон била олмайдиган, буюк ва имкондан
юқори бұлған нарсаларни сенга күрсатаман.*

– Йеремиаҳ 33:3

2-кун. Кундалик ўқиши учун

РАББИЙГА СОДИҚЛИГИНГИЗНИ БИЛДИРГАНИНГИЗДЕК, УНГА ҲАМ БИЛДИРИНГ

Исо унга шундай жавоб берди: «Барча амрлардан энг биринчиси: ...Бизнинг Раббий Худойимиз ягона Раббийдир. Раббий Худойингни бутун юрагинг билан, бор жонинг билан, бор идрокинг билан ва бор қувватинг билан севгин. Мана шу биринчи амрдир!».

– Марк 12:29, 30

Рух бўлмиш Худо бизни астойдил севади ва жавоб тариқасида бизнинг ҳеч ким билан бўлишилмайдиган севгимизга муштоқдир. У бизни дунё тортиб кетмаслигини истайди. У шундай демоқда:

«Дунёнинг йўлларини севманглар. Бу дунёнинг худоларини севманглар. Дунёга бўлган севги Худога бўлган севгини сикиб чиқаради. Зоро дунёдаги деярли барча нарсалар – шахсий йўлларнинг истаги, ўзи учун керак бўлган ҳамма нарсанинг истаги, муҳим бўлиб кўриниш истаги – Ота билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас, балки фақатгина ундан узоқлаштиради холос. Дунё ва унинг барча «истайман, истайман, истайман»лари ўтиб кетади, бироқ Худонинг истаганини қилган киши абадийликда яшайди».

– Юҳанно 2:15-17

(The massage парофразали таржимаси).

Шунингдек, маъноси бўйича яқин бўлган қуидаги Ёзув оятларини ҳам ўқибчикинг: Мат. 16:24–26; Тит. 2:12–14; Ёкуб 4:4–6; Юх. 15:18–21; Рим. 12:2.

Сизнинг жонингиз нимага бағишлиланган? Кейинги саволларга рўйи - рост жавоб беринг:

Ким ёки нима вақтимнинг ва эътиборимнинг кўп қисмини эгаллайди? Мен бўш вақтимни қандай ўтказаман?

Ким ёки нима мени хурсанд қилади? Технологиядаги ва модадаги йўналишлар менинг ҳаётимда ўз ўрнига эгами?

Мен ўз пулларимни нимага сарфлайман?

Ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ нима менинг онгимни эгаллайди? Мен нима ҳакда кўп гапираман? Қанақа мавзуулар менинг ибодатларимда иштирок этади?

Бизнинг сўзларимиз бизнинг содиқлигимизни очади. Раббий Исо: «Бизнинг юрагимиз нима билан тўлган бўлса, оғзимиз ўшани гапиради», - деб айтган (Луқо 6:45).

Жавобларингизга қайтадан назар ташланг. Муқаддас Руҳдан: «Ўз устунликларимни қайтадан кўриб чиқиш учун Сен менга керакмисан? Менинг ҳаётимда бутлар пайдо бўлганми? Менинг ҳаётимда Сенга интилишдан кўра кўпроқ интиладиган бирор нарса борми?» –деб сўранг.

У нима демоқда? Унга бўлган содиқлигинизни янгилаш учун У сизга амалга оширишингиз керак бўлган қандай қадамларни таклиф этмоқда?

Колосликлар (3:1-17) ва Матто Хушхабаридағи (6:19-21) Худонинг сўзлари устидан фикр юритинг. Бағишланиш ибодатини ёзиш учун улардан фойдаланинг ва Муқаддас Рух сизни Раббий Худойингизга содиқ сақлашини сўранг.

З-кун. Кундалик ўқиши учун

УНИНГ ИНОЯТИ БИЛАН СЕКИН-АСТА ЎСИШ

Биз Масиҳнинг тасвирига ўзгармоқдамиз, бизнинг ҳаётимиз секин-аста ёргулашиб ва гўзаллашиб бормоқда, Худо бизнинг ҳаётимизга кириб боргани сари биз Унга ўхшаши бўлиб борамиз.

– 2 Коринфликлар 3:18 (The massage таржимаси)

Раббий Исо Ўз хочини кўтаришдан аввал Муқаддас Рух ҳақида муҳим сўзларни айтган эди: «Сизларга кўп нарсаларни айтишим керак, лекин ҳозир буларни сиғдира олмайсизлар. Дўстингиз, Ҳақиқат Рухи келганида эса, У сизларнинг қўлингиздан тутиб, сизларни бор ҳақиқатга етаклай боради».

Ҳамма нарсадан хабардор бўлган Раббий Исо Ўз шигирдлари билан кўп нарсани бўлишиши мумкин эди, бирок У улар ҳаммасини бирданига тушуна олмасликларини билар эди. Ўсишлари учун уларга вакт керак эди. У ўлиб, қайта тирилганидан ва самога кўтарилганидан сўнг, Унинг иноятида секин-аста ўсишимизда бизга ёрдам бериш учун Ота Ўз Руҳини юборди.

Эс-хуши жойида ота-оналар ўзларининг янги туғилган боласидан кўпайиш қонуни тушунчасини талаб қилишлари мумкинми? Ёки чақалогидан солиқларни қандай тўлаш илмини талаб қилиши мумкинми? Йўқ. Худди шундай, Муқаддас Рух ҳам У бизга бериши керак бўлган ҳақиқатни билишимиз учун етарлича улғайишимизни кутмоқда. У бизга нафақат Ёзув ҳақидаги бор ҳақиқатни ўргатади, балки шунингдек, бизнинг ўзимиз, фарзандларимиз, соғлик, вазиятлар ва ҳоказолар ҳақидаги бор ҳақиқатни ўргатади.

Худонинг Сўзига биноан биз имоннинг ва шуҳратнинг бир даражасидан бошқасига ўсмоқдамиз. Ушбу жараёнда

биз ўз қисмимизни, Муқаддас Рух Ўз қисмини бажаради. Филиппликларга 1:6; 2:12, 13; 1 Салоникаликларга 5:23, 24 ва Ибронийларга 13:20, 21 Ёзув оятлари устидан дикқат билан фикр юритинг. Муқаддас Рух сизга бу оятларда Масихда ўсиш ҳақида нимани очмоқда. Қайтарилаётган мавзууни кўраяпсизми?

Ўн тўққизинч асрнинг охирларида хизмат қилган Англиялик энг машхур воизхон Чарльз X. Сперджен ҳар хил мавзуларда, шу жумладан, Муқаддас Рух ва руҳий ўсиш ҳақида жуда ҳам кўп асарлар ёзган. У шундай деб айтган:

«Биз Раббий Исога ўзимиз қила олмайдиган нарсалар учун ишонамиз. Агар бу бизнинг ҳокимииятимизда бўлганида эди, унда Ўнга мурожаат қилишимизнинг нима кераги бор эди? Бироқ биз айнан ўз кучимиз билан ишонамиз, Худонинг кучи (Муқаддас Рух) эса, бизни янги ижод қиласди. У бизнинг ўрнимизга ишонмайди ва биз Унинг ўрнига қайта тикланиш ишини қилишимиз шарт эмас. Бизга илтифотли буйруққа итоат қилишимизнинг ўзи етарлидир. Зоро бизни юкоридан туғилтириш - Худонинг ишидир».

Фақатгина янада руҳий етук бўлишингиз зарурлиги ҳақида ўйламанг. Бу нотўғри. Аск ҳолда, сиз факат айблов ҳиссини хис қиласиз ва ўзингизнинг руҳий кучингизни йўқотасиз. Тўхтаб, ўйлаб кўринг: «Муқаддас Рух, Сен мени ҳозир қаерда кўраяпсан (менинг руҳий етуклик даражам қандай)?» У сизга нима демокда?

Руҳ сизни қандай кўрса, сиз ўзингизни худди шундай кўришингиз керак. Сиз ўсишда давом эта олишингиз учун бугун қаерда эканлигингизни билишингизда Унинг иноятини сўранг.

Сиз қачонлардир ўзингизни ўзгартиришга гоятда кучли уринганмисиз? Агар шундай бўлса, унда буни қандай қилдингиз? Сиз энди қандай ўзгаришларни кўрмоқдасиз?

4-кун. Кундалик ўқиши учун

ХУДО АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИЛОХИЙ АЛОҚАЛАРНИ ҚАДРЛАНГ

*Севгингиз риёсиз бўлсин. Ниҳоят даражада севувчи
яхши дўстлар бўлинглар, иккинчи даражали ролларда
бўлишини билинг.*

– Римликлар 12:9,10 (The massage таржимаси)

Биз мuloқot – Ота билан ва бошқа одамлар билан мuloқot учун яратилганмиз. Бу ҳақда ўйлаб кўринг. Сизнинг хаётингиз муқотисиз қандай бўлган бўлар эди? Агар сизнинг барча ҳаётий алоқаларингиз йўқ килинса, сизда нима қолади? Бўм-бўш, ёлғиз ҳаёт.

Алоқалар учун Худога миннатдорчилик билдиринг! Худодан кўркадиган, содик дўстнинг баҳоси йўқдир. Темир темирни чархлагандек, яхши дўст бизни ақлан, руҳан ва хиссиёт томондан чархлайди. Яхши дўст бизга хатоларимизни севгида кўрсатади ва керак бўлганида тўғрилайди. Яхши дўст сизнинг мувафаққиятларингиздан хурсанд бўлади ва ҳаётий қийин вақтларда сизни руҳлантиради.

*Бутунлай ёлгизликда бўлгандан кўра, дўстинг бўлгани
яхшироқ, чунки ўшанда сиз ўз меҳнатларингиздан кўпроқ
кувонасиз. Агар сен қулласанг, унда дўст ўрнингдан
туришинингга ёрдам беради. Агар ёнингда дўстга эга
бўлмай туриб ишқилсанг, унда кулфатга дучор бўласан.*

– Екклесиаст 4:9,10 (CEV таржимаси)

Биз ўзаро муносабатларнинг учта: жисмоний, жоний ва руҳий даражалари мавжуд эканлигини билиб олдик.

Энди улар ҳақида билган ҳолда, ўзингизнинг ўзаро муносабатларингизни қандай тушунасиз? Бу ким билан муносабатларингизда энг кўп ёрдам бермоқда? Нима учун?

Алоқанинг энг чуқур ва тўлиқ маъносига биз руҳий даражада эга бўлишимиз мумкин. Улар ўзларида нимани ифодалаётганини таърифлаб беринг. Жисмоний ва жоний даражалардаги муносабатлар олдида руҳий даражадаги муносабатнинг қандай афзалликлари бор?

Сиз муносабатларингизни чукурлаштиришни истайдиган одамлар борми? Тўхтанг ва ибодат килинг: «Муқаддас Рух, Сен менинг ҳаётимга жойлаштирган одамлар билан янада чуқур ва руҳий муносабатларни ривожлантириш учун мен нима кила оламан?». Жим туринг ва қулоқ солинг. У нима деяётганини ёзиб қўйинг.

Илоҳий алоқалар учун ибодат:

Муқаддас Рух, менга илоҳий алоқаларни ато қилгин. Довуд учун Йўннатан бўлганидек, Наоми учун Рут бўлганидек, Раббий Исо учун Юҳанно бўлганидек, мени ҳам Ўзинг бирлаштиришни истаётган одамлар билан бирлаштиргин. Соғлом дўстликни, шу жумладан, одамлар билан руҳий даражадаги дўстликни ривожлантириш учун менга Ўз иноятингни бергин. Раббий Исо номи билан, Омин!

Бундан кейин ўрганиш учун...

Хикматлар 13:20; 17:9, 17; 27:6,10,17; Юҳанно 15:13;
1 Юҳанно1:7; 1 Шомуил 18:1–4.

5-кун. Кундалик ўқиши учун

ХУДОНИ ЧУҚУРРОҚ ДАРАЖАДА ХИС ҚИЛИШ

Оталалингнинг Худосини яқиндан таниб-билишини ўрган.

*Унга бор юрагинг билан ва бор жонинг билан сажса
қилгин ва хизмат қилгин.*

–1 Йилнома 28:9 (NLT таржимаси)

Худонинг буюк мақсади шундан иборатки, бизни яқиндан билиш учун У бизни У билан бирга яшашга таклиф этмоқда. Бундан-да қизиқарлироқ сафар бўлиши мумкинми? Повул: «Шубҳасиз, Раббим Исо Масихни билишнинг афзаллиги олдида мен ҳамма нарсани беҳуда, деб ҳисоблайман. У учун мен ҳамма нарсадан воз кечдим. Масихга эга бўлишим учун мен ҳамма нарсани ахлат, деб ҳисоблайман», -деган (Филипликларга 3:8).

Исо Масихнинг теранликларини ўрганиб яшаш Жанна Гийоннинг жону дили бўлган. Бу вазифа у учун шу қадар муҳим бўлганки, у шу номли китоб ёзган. Ўн еттинчи асрда яшаган бу француз аёли Джон Уэсли, Хадсон Тейлор и Вочман Ни каби имонлиларга таъсир кўрсатган. У яқинлик ҳақида шундай деган:

«Сизлардан сўрашга рухсат этсангиз... Раббийни чуқурроқ билишни хоҳлайсизларми? Худо бундай хаётни, бундай юришни У Ўзининг барча қайта сотиб олинган болаларига берган иноят орқали, Ўзининг Муқаддас Руҳи орқали сизлар учун имконли қилди. Унда қандай қилиб Раббийнинг теранликларини таниб-билишга яқинлашиш мумкин? Сир ибодатда».

Шундай қилиб, сиз Худони яқиндан таниб-билган одамнинг ибодатини қандай тасвирлаган бўлар эдингиз? Матто Хушхабаридаги Раббий Исонинг ибодатини диққат билан ўқиб чиқинг (6:5-15). Сиз Ундан нимани ўрганишингиз ва ўз

132 МУҚАДДАС РУХ

ҳаётингизда қандай қўллашингиз мумкин?

Одам юқоридан туғилганида, Муқаддас Рух келиб унинг руҳига ўрнашишини биз энди билиб олдик. Рух биз билан мулокот қилиб туриб, бизнинг руҳимиз орқали мурожаат қиласи. Жанна Гийон шундай сўзларни ёзади:

«Сиз Раббийни фақатгина ўз руҳингизнинг ичида, борлиғингизнинг ичида, Муқаддаслар Муқаддасида топасиз. У айнан ўша ерда бўлади. Раббий бир кун келиб, сизнинг ичингизда Ўзига уй қилишга ваъда берган (Юҳанно 14:23га қаранг). У ўша жойда Унга сажда қилувчиларнинг ва Унинг иродасини бажарувчиларнинг барчаси билан учрашишга ваъда берган. Раббий сиз билан сизнинг руҳингизда учрашади... Сизнинг юрагингиз ичкарига Раббийга ўгирилгани заҳоти сизда Унинг хузурини хис қилиш пайдо бўлади».

Биз Худони ҳаммадан ҳам яқинроқ Унинг Рухи – бизга ато этилган Унинг Муқаддас Рухи орқали таниб-билишимиз мумкин (1 Кор. 2:9-12га к.). Тўхтанг ва ибодат қилинг: «Муқаддас Рух, ҳаётимда менга Сени чинакамига тушунишимга халақит берувчи қандайдир адашишлар, ёмон тажриба ёки шахсий бидъатлар борми?» Жим туриб, кулоқ солинг. Ундан Унинг хузурига қаршилик қилаётган фикрлардан сизни тозалашини сўранг. У сизга нима деб жавоб берса, ўшани ёзиб кўйинг.

Бу ҳақиқат устидан фикр юритинг ва Муқаддас Руҳдан унинг маъносини юрагингизга очиб беришини сўранг.

Бироқ Раббийга мурожсаат қилганларида, бу парда олиб ташланади. Раббий Руҳдир. Раббийнинг Руҳи бор жойда озодлик бор. Бизнинг ҳаммамиз очиқ юзимиз билан кўзгуга қараганимиздек, Раббийнинг шуҳратига қараб турибмиз ва Раббийнинг Руҳи орқали шуҳратдан шуҳратга, худди ўша тасвирга ўзгармоқдамиз.

- 2 Кор. 3:16-18

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

Агар сиз бу китобни «Messenger» хизматидан Муқаддас Рух ҳақидағы материалларнинг бир қисми сифатида ўқиётган бўлсангиз, унда марҳамат қилиб, 3- видео дарсини кўринг.

- 1 | Раббий Исо фарзийлар инсоний урф-одатларни Худо Сўзининг обрўсидан ҳам юқори кўтарғанликларини айтган. Булар одамларнинг қандай урф-одатлари ва нима учун улар бизнинг Яратувчи билан мулоқотимизга ҳалакит бермоқда? Инсоний урф-одатлар Худонинг Сўзидан юқори турган замонавий дунёдан муҳим бир мисол келтиринг.
- 2 | Муқаддас Рух бизнинг энг яхши дўстимиз бўлишни жуда ҳам истайди. У биз билан яқин мулоқотни рашк билан истайди. Сизнинг фикрингизча, дунёдаги қандай нарса Жамоатнинг (имонлиларнинг) диққатини ва боғлиқлигини Муқаддас Рухдан чалғитади? Агар биз дунё билан ўйнашсақ, Муқаддас Рух билан мулоқот қилишдан кўра, кўпроқ ҳузур-ҳаловатни, бойликни ва ҳақ-хуқуқларни изласасақ, нима содир бўлади?
- 3 | Юханно Хушхабарида (20:29) Раббий Исо хаворий Тўмага нима ҳақида гапирмоқда? Ушбу ҳақиқатнинг Коринфликларга иккинчи мактубида (5:16) апостол Повул томонидан айтилган Худонинг Сўзлари билан қандай боғлиқлик томони бор ва мазкур ҳақиқат қай тарзда бизнинг Худо билан алоқаларимизни мустахкамлайди ва чукурлаштиради?
- 4 | Биз бошқа одамлар билан эга бўлишимиз мумкин бўлган ўзаро муносабатларнинг уч даражасини айтиб ўтинг ва таърифлаб беринг. Улардан қай бири энг чуқуридир ва

нима учун? Қандай қилиб, биз муносабатларниң мазкур даражасини одамлар билан қуришимиз мүмкін?

- 5 | Бизга Мұқаддас Рухда жуда ажойиб инъом берилған: Худонияқындан таниб-билиш қобиляти. Коринфликларға бириңчи мактубни (2:11-16) дикқат билан ўқиб чиқинг. Мұқаддас Рух бу парчада Худони ҳақиқатан таниб-билиш ҳақида нима демоқда?
- 6 | Петъорда ва бошқа шогирдларда ҳеч бир бошқа кишида бўлмаган шундай кечинмалар бор эди: улар Раббий Исо билан юзма-юз сўзлашган эдилар. Повулда бундан мулокотнинг имкони бўлмаган эди, шунга қарамасдан, Худо уни қудрат билан ишлатди. Бунинг қандай имкони бор?

Ўрганиб чикиш учун Мұқаддас Ёзувнинг бошқа оятлари: Юханно 20:29; 2 Коринфликларга 5:16; 2 Петъор 3:15,16.

- 7 | Агар биз Мұқаддас Рух билан мулокот қилишни менсимасак ва Уни излашга ҳаракат қиласасак, Худо билан бизнинг ўртамиздаги ўзаро мулокотларимиз билан нима содир бўлади? Агар истасангиз, ўз уй гурухларингиздаги одамларга Мұқаддас Рух билан мулокотнинг шахсан сизнинг ўзингиз фойдаланадиган бир неча амалий усуллари ҳақида айтиб беринг, шунингдек, ўзингизнинг У билан бўлган ажойиб дўстлик тажрибангизни ҳам сўзлаб беринг.

ҚАЙДЛАР

БОБНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ:

- Агар биз Худо билан чуқур ўзаро яқин муносабатларни истасак, биз Уни Унинг Рухи орқали таниб-билишимиз зарур.
- Худо юрагининг ҳиссиётларини ва унда бор бўлган мақсадларни ва фикрларни фақатгина Муқаддас Рух билади ҳамда очиб беради.
- Бизга Худонинг Рухи ато этилган, У бизни ҳар қандай ҳақиқатга ўргатувчи ҳақиқий Устоздир.
- Дунё билан дўстликни қўллаб-қувватлаш (ҳак-хуқукка ва хузур-ҳаловатга худбинларча интилиш) - Худога душман бўлишни билдиради.
- Муқаддас Рух – жаноб, У бизга Ўзининг иродасини ва дўстлигини тиқишифмайди.
- Ўзаро муносабатларнинг учта даражаси мавжуд: жисмоний (энг паст ва энг юзаки), жоний (ёки ҳис-туйғули), руҳий (энг чуқур ва энг яқин).
- Худони Исо Масиҳнинг жисмоний Шахси билан мулоқот қилиш орқали таниб -билишдан кўра, Унинг Рухи орқали чуқурроқ ва яқинроқ таниб-билиш мумкин.

МУҚАДДАС РУҲНИНГ КУЧИ ИНЬОМ ҚИЛИНГАНЛАР

1-кун

Үрта асрлардаги қиролни тасаввур қилинг. Уни ўраб турган шароитлар манзарасини хаёлан чизишга уриниб кўринг: қаср, ер-мулклар, рицарлар ва хонимлар, жанглар, ҳокимият, шараф. Ўрта асрларда, қирол ўзининг барча нарсалари билан бирга Худо томонидан халққа берилган деб ҳисобланган, шу сабабли, қироллар бой бўлишган, тўла-тўқислиқда яшашган ва барча фуқаролар уларни ҳурмат қилишган. Қиролнинг сўзи қонун, унинг ҳукмлари муқаррар бўлган. Агар қирол яхши бўлса, у қиролликнинг аҳолисини ҳимоя қилиш масъулиятини тушунган, у шунингдек, қиролликнинг чегараларини кенгайтириб ва ҳимоя қилиб, унинг манфаатлари учун қайғурган.

Бу мавқега улкан масъулият юкланган, шунинг учун қирол курдатли ҳокимиятга, баъзан мутлақ ҳокимиятга эга бўлган. Ёдда тутинг, мен демократлар ва республикачилар бошқарувнинг умумий қабул қилинган шакллари билан хизмат қилаётган бизнинг давримиз учун ўзига хос бўлган ҳокимият вакилини таърифламаяпман. Мен мутлақ монархия ҳокимиятини таърифлайяпман. Энди унинг мавқеига ҳамроҳ бўлган ҳокимиятни рад этадиган ва уни тушунмайдиган қиролни тасаввур қилинг. Бундай ҳолда унинг қироллиги билан нима содир бўлади? У жуда ҳам тез забт этилади, аҳолини қулликка олиб кетадилар, бойликни эса тортиб олишади. Қирол нафақат қироллик мавқенини тутиб туриши (яъни саройдаги дабдабали ва беташвиш ҳаётдан

лаззатланиши), балки яна фақатгина унинг мавқеи воситасида-гина бажаришнинг имкони бўлган ўз вазифаларини ҳам бажа-риши лозим. Агар қиролнинг ҳукмронлик мавқеи унга ҳамроҳ бўлган куч билан мустахкамланмаган бўлса у ҳеч нимага арзи-майди.

Биз Худонинг фарзандлари сифатида Масихнинг ворисдошли-рига айландик. Римликларга мактубда шундай ёзилган: «Агарда фарзандлари бўлсақ, унда биз меросхўрлармиз, яъни Худонинг меросхўрларимиз ва Масихнинг ворисдошларимиз...» (8:17). Эфесликларга мактуб (2:6)да бу ҳолат ҳақида яна гапирилмоқда: «[Худо] У билан бирга тирилтириб, бизларни Исо Масихда самода ўтиргизди». Масихда ва Масих орқали биз маълум ҳолатни кўлга киритдик. Биз ортиқ бу дунёning фарзандлари эмасмиз, балки Худонинг Шоҳлигини қироллик оиласининг (меросхўрларимиз) аъзоларимиз. Унинг Шоҳлигидаги меросхўрлар сифатида биз Раббийнинг даъватини тарқатиш вазифасини олдик. Ҳайратда қолдирувчи ҳокимият! Бироқ агар биз Масихдаги ҳолатда сама-рали бўлишни хоҳласақ, унда ушбу мисолдаги ерлик кирол каби биз ўзимиз учун бизга мавқе билан биргаликда берилган кучни очишимиз ва у билан қуролланишимиз керак. Биз бу бобда Унинг Шоҳлигини тарқатишдаги вазифамизни бажариш учун қандай ҳокимиятга эга эканлигимизни чуқурроқ кўриб чиқамиз. Повул шундай демоқда:

«Аммо сизлар – танланган бир авлод, шоҳона руҳонийлар, муқаддас халқ, Худонинг шахсий одам-ларисизлар. Сизлар Худонинг баркамоллиги ҳақидағи хабарни етказишингиз учун қоронфиликдан Унинг ажойиб нурига даъват қилингансизлар» (1 Пет. 2:9).

Ўқиши давом эттиришдан аввал эътибор беринг: мавқе ҳар доим кучдан олдин юз беради. Биз Унинг Шоҳлиги учун нимадир қилишни бошлашдан олдин Масихда ўрнашган бўлишимиз керак.

БИЗГА КЕРАК БЎЛГАН КУЧ

«Сўнгра уларни йиғиб, уларга буюрди: «Иерусалимдан кетиб қолманглар, лекин Мендан эшитганларинг, Отам ваъда қилганни кутиб туринглар. Зоро Яҳё сувга чўмдирган эди, аммо сизлар бир неча кундан кейин Муқаддас Рухга чўмдириласизлар»» (Ҳав. 1:4-5).

Раббий Исо ҳаворийларга ваъда қилинганни кутишни *таклиф қилмади* ва Унинг насиҳатларини бажаришни *маслаҳат бермади*. Ваъда қилинган амалга ошмагунча, У «уларга Иерусалимдан кетиб қолмасликни *буюрди*». Раббий Исо Ўз сўзларининг муҳимлигига урғу беришга мажбур эди, чунки Муқаддас Рухнинг кучи Шоҳликнинг иши учун ҳал қилувчи даражада муҳимдир. Унинг шогирдлари Масиҳнинг қайта тирилганлиги ҳақидаги Эзгу хабарни сўзлаб беришга сабри етмаслигини ва бу сабрсизлик уларнинг ваъда қилинган Муқаддас Рухни кутишларида акс этиши мумкинлигини У билар эди. Ҳаворийлар китоби (1:3)дан шуни билиб оламизки, улар Раббий Исо уларга Худонинг Шоҳлигини қандай ўргатганлигини тинглаб, У билан бир неча кунни бирга ўтказган эдилар. Муқаддас Ёзув ҳаворийлар Унинг қайта тирилишининг «рад қилиб бўлмас далилини» олганликларини айтмоқда. Уларни ҳақиқатан ҳам Унинг қайта тирилганига ишонтиришнинг кераги йўқ эди, чунки улар Масиҳнинг ўлим устидан қозонган ғалабасининг далилини биринчилардан бўлиб қабул қилган эдилар. Бошқача сўз билан айтганда, улар боришга тайёр эдилар!

Бироқ Раббий Исо уларга қараб, шундай деди: «Муқаддас Рухнинг кучига бурканмагунингизгача, хизматингизни бошламанг. Хушхабарни бутун ер юзи бўйлаб тарқатишни бошламанг ва жамоатлар тузманг» (Лк. 24:49, муаллифнинг парофрази). Ёзув бизга Раббий Исонинг тахминан 500 нафар одамга намоён бўлганини ва уларга нима қилиш кераклигини

айтганини сўзламоқда (1 Кор. 15:6). Бироқ Ҳаворийлар китоби (1:16)да биз болохонада фақатгина 120 киши йигилганлигини кўрамиз. Қолган 380 кишига нима бўлди? Ўйлашимча, кундан-кунга улар тобора камайиб борган ва ниҳоят 500 нафардан 120 нафари қолган. Охиригача кута олмаган ўша 380 киши балки шундай ўйлаган бўлишлари мумкин: «Келинг, синагогага қайтамиз, жамоатлар тузишни бошлаймиз ва барчага Раббий Исонинг қайта тирилиши ҳақидаги ажойиб янгиликни сўзлаб берамиз. Ахир кимматбаҳо кунларни йўқотиш ва Эзгу хабарни ҳеч кимга айтмаслик яхши эмас». Фақатгина 120 киши Устознинг амрлари амалга ошишини кутиб туришни истадилар.

Ҳозир сиз шундай дерсиз: «Ҳа, Жон, албатта, шогирдлар Муқаддас Рухни кутиб туришлари керак эди. Улар ҳали ўша вақтда Уни қабул қилмаган эдилар.

Бизда ҳаммаси бошқача, чунки биз Муқаддас Рухга нажот топиш вақтида эга бўламиз».

Юҳанно Хушхабарини ўқиб чиқинг (20:21,22):

«Шунда Исо яна уларга: «Сизларга тинчлик бўлсин, Отам Мени юборганидек, Мен ҳам сизларни юборяпман», - деди. У шуларни айтиб пуфлади ва уларга: «Муқаддас Рухни қабул қилинглар», - деди».

Раббий Исо шогирдларига пуфлаб, деди: «Муқаддас Рухни қабул қилинглар». Бу ерда «қабул қилмоқ» маъносида ишлатилаётган юононча сўз «дарҳол ёки ҳозирнинг ўзидаёқ»ни англатувчи туб маънога эгадир.

Бу ерда нима содир бўлишига ҳеч қандай ишора йўқ. Шогирдлар ҳақиқатан ҳам Раббий Исо самога қўтарилигунга қадар Муқаддас Рухни қабул қилиб бўлган эдилар. Улар «Элликлик» кунида Рухга тўлмагунларича, улар ҳали кучга бурканмаган эдилар.

«ЭЛЛИКЛИК» КУНИ

“Элликлик» куни келганида, уларнинг ҳаммалари яқдиллиқда бирга эдилар. Тўсатдан осмондан худди кучли шамол бўлгандек, шовқин келди ва улар ўтирган уйни бутунлай тўлдириди. Уларга олов каби бўлинаётган тиллар зоҳир бўлиб, уларнинг ҳар бирининг устига биттадан қўнди. Шунда уларнинг ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлдилар ва Рух уларга бераётган иборалар билан бошқа тилларда гапира бошладилар» (Ҳав. 2:1-4).

Билишимча, бизларнинг кўпчилигимиз бу ҳодисанинг суратдаги мисолини эслаймиз, чунки якшанба мактабида кўпинча шуни кўрсатишади. Одатда, имонлилар унда бошлари устида кичкина олов ҳарфлар билан тасвирланган. Эҳтимол, бу ўша ҳодисанинг жуда ҳам яхши мисоли эмасdir. Эски Аҳдда олов кўпинча Худонинг ҳузурининг тимсоли бўлиб хизмат қиласди. Ҳаворийлар китобининг муаллифи «олов каби тиллар» деб таърифлаган нарса- Худонинг ҳузурининг намоён бўлишидир.

Раббий Исонинг ушбу издошлари, аёллар ва эркаклар Худонинг ҳузури билан қамраб олинган эдилар, унга чўмган эдилар. Бу намоён бўлган ҳузур шунингдек, «кучли шамол бўлгандек» таърифидан ҳам кўриниб турибди. Биринчи бобда айтганимиздек, Муқаддас Рух «кучли шамол» эмас. У Шахсdir. Бироқ Унинг ташриф буюришининг намоён бўлиши болохонада кучли шамол шаклига эга бўлди.

Ҳаворийлар китоби (2:4)да ишлатилаётган «тўлдилар» маъносидаги юононча сўз, айнан «тўйиб кетдилар» маъносини билдиради. Лугатда «тўйдириб юбормок» сўзи «мўл-кўлчиликкача таъминлаш» маъносини билдиради. Болохонадаги одамлар Муқаддас Рухга мўл-кўл тўлдилар. Уларнинг барчаси ўз ҳаётларида Худонинг намоён бўлган ҳузурининг буюк даражасини ҳис қилдилар. Олов ва шамолдан

ташқари имонлиларнинг Муқаддас Рух билан тўлганининг яна бир аъломати бор эди – улар номаълум тилларда гапира бошладилар.

2-кун

БУ ҚАНДАЙ НОМАЪЛУМ ТИЛЛАР?

Номаълум тил оддий тилни англатади. Агар мен Испанияга бориб, у ерда испанча гапирмайдиган одамни учратиб қолганимда эди, мен ундан унинг она тили қандай эканлигини сўраган бўлар эдим. Инглизча гапирадиган одамни учратиб қолсам, унинг она тили қанақа эканлигини сўраб ўтирган бўлар эдим, чунки менинг ўзим инглиз тилида гапиришим туфайли унинг инглизча сўзлаётганини осонгина билиб олган бўлар эдим. Шу сабабли, мен учун инглиз тили – бу менга таниш тилдир, қайсиdir бошка тилни эса мен ўзим учун номаълум тил, хорижий тил ҳисоблаган бўлар эдим. Биз бу мавзуга яна қайтамиз.

«Элликлик» кунида яхудийлар диний байрам учун Иерусалимга ҳар хил жойлардан йигилган эдилар. Улар ҳар хил шаҳарларда яшаганлари туфайли барчалари ҳар хил тилларда гапирар эдилар.

«Шу пайтда, Иерусалимда осмон остидаги барча халқлардан бўлган художўй яхудийлар бор эди. Бу шовқин содир бўлганида, кўпчилик одамлар тўпланиб, саросимага тушдилар, чунки улардан ҳар бири ҳаворийларнинг уларнинг маҳаллий шевасида гапираётганини эшилдилар. Шунда ҳаммалари ажабланиб ва ҳайрон бўлиб ўзаро дер эдилар: «Бу гапираётганларнинг ҳаммаси галилиялик эмасми? Қандай килиб, ҳар биримиз ўзимизнинг тугилган маҳаллий шевамизни эшитяпмиз?» (Ҳав. 2:5-8).

Муқаддас Китоб нима деяётганига эътибор беринг: «Бу шовқин содир бўлганида, кўпчилик одамлар тўпландилар».

Шогирдлар гапиришни бошлаганлари туфайли кўпчилик одамлар уларнинг олдига тўпланишни бошладилар. Кўпчилик одамлар (кўпчилик қисми саводсиз ва маълумотсиз одамлар деб ҳисобланган) жалилаликлар ҳар хил тилларда гапиргандаридан ҳайратда қолиши. Худо Руҳининг бундай намоён бўлиши ҳали Раббий Исонинг ортидан эргашмаган одамлар учун нотаниш эди.

«...уларнинг бизнинг тилларимизда Худонинг буюк ишлари хақида гапираётганларини эшитяпмиз». Ҳаммалари ажабланиб ва довдираб бир-бирларига: «Бу нимани билдиради?»- дейишар эди (Ҳав. 2:11-12).

Муқаддас Руҳининг қуйилиши Петъорга халқнинг олдига Муқаддас Китобдаги машхур воизликлардан бири билан чиқишига имкон яратиб берди. У бу ерда шундай деб айтган: «Ушбу Исони Худотирилтириди, бунга эса биз ҳаммамиз гувоҳмиз. Шундай қилиб, У Худонинг ўнг қўли билан юксалтирилиб ва Отадан Муқаддас Руҳ ваъдасини олиб, энди сизлар кўраётган ҳамда эшитаётган нарсаларни ёғдирди» (32, 33-оятлар).

Эътибор беринг, ҳар бир киши Муқаддас Руҳ кучининг исботини ҳам кўрди, ҳам эшитди.

Бир неча оятлардан сўнг оломон унга шундай деб жавоб бермоқда:

«Эркаклару биродарлар, биз энди нима қиласлийк?» (Ҳав. 2:37).

Шунда Петъор уларга деди:

«Тавба қилинглар ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ исмига чўмдирилинглар ва Муқаддас Руҳ инъомини оласизлар. Чунки бу ваъда сизларга, фарзандларингизга ва бизнинг Раббий Худойимиз даъват этган барча узоқдагиларга тегишлидир» (Ҳав. 2:38-39).

Раббийнинг исмини чакирадиган ҳар бир кишига очик бўлган нажот ҳақидаги Эзгу хабарни (Рим. 10:13га қаранг) Петъор эълон қилганида, у шунингдек, Муқаддас Рухнинг инъоми ишонадиган ҳар бир кишига очик эканлигини аниқ қилиб тушунтириди. Ажойиб! Бу ваъда ўтмишдаги, хозирги кундаги ва келажақдаги ҳар бир имонли учун очиқдир.

ТЎРТТА ВОҶЕА

Ҳаворийлар китобида одамлар қандай қилиб «Элликлик» кунида Муқаддас Рухга тўлганликлари ҳақидаги яна тўртта воҷеа баён қилинган. Биз уларни ўқиб чиқамиз. Иккита нарсага алоҳида эътибор қаратинг: Биринчидан, биттасидан ташқари ҳар бир ҳодисада Муқаддас Рухга тўлиш нажот топишдан алоҳида ҳодиса сифатида содир бўлган. Иккинчидан, Муқаддас Рухга тўлишни кузатган одамлар эндигина имонга келган масихийларда Муқаддас Рухнинг ажойиб ҳузурини кўрдилар ва эшилдилар.

Филип ва самарияликлар

Тўртта воҷеадан биринчиси Ҳаворийлар китоби 8-бобда баён қилинмоқда. Филип Исо Масихнинг Хушхабарини айтиб бериш учун Самарияга юборилган эди. У Хушхабарни эълон қилганида, бутун шаҳар руҳий уйғонишга юз бурди. Фалажлар шифо топдилар, одамлардан нопок руҳлар чиқиб кетди, кўпчилик Худонинг нажоти ҳақидаги буюк янгиликни эшилди.

«Лекин Худонинг Шоҳлиги ва Исо Масихнинг исми ҳақида воизлик қилаётган Филипга ишонгандаридан, кўп эррак ва аёллар сувга чўмдирилдилар. Шунда Шимўннинг ўзи ҳам имон келтириб чўмдирилди ва Филипдан ажралмайдиган бўлиб қолди; у содир бўлаётган ажойиб мўъжизалар ва аломуватларни кўриб, ҳайратланар эди» (Ҳав. 8:12,13).

Наҳотки самарияликлар Исо Масих исми ҳақидаги Эзгу

хабарга ишониб, юқоридан тугилган бўлсалар? Албатта, ҳа! Агар одам Хушхабарга ишонса, у Исо Масихни қабул қиласди ва Худонинг фарзандига айланади. Сўнгра, ушбу янги имонга келганлар Масихга имон келтирганинг белгиси сифатида сувга чўмдилар. Лекин биз кейинги оятларда илк Жамоатнинг етакчилари ниманидир кўпроқ билганликларини кўрамиз. Имон келтиришдан ва сувга чўмишдан ташқари Муқаддас Рухга чўмишни қабул қилиш зарур бўлган.

«Иерусалимда бўлган ҳаворийлар эса, самарияликлар Худонинг Сўзини (нажотни) қабул қилганларини эшитганларида, уларнинг олдиларига Петъор билан Юҳаннони юбордилар. Улар келиб, самарияликлар Муқаддас Рухни қабул қилишлари учун ибодат қилдилар, чунки У ҳали уларнинг ҳеч бирига тушмаган эди, улар фақатгина Раббий Исонинг исмига чўмдирилган эдилар» [сувга чўмдирилиш] (Ҳав. 8:14-16).

Самария Хушхабарни қабул қилганини эшитиб, ҳаворийлар Петъор ва Юҳаннони янги имонга келган одамларнинг олдига юборишга қарор қилдилар. Нима учун ҳаворийлар энг хурматли аъзолардан икки нафарини самарияликлар билан ибодат қилишга юбордилар? Ахир самарияликлар аллақачон нажотни қабул қилган ва сувга чўмган эдилар. Петъор ва Юҳаннони у ерга одамлар Муқаддас Рухни қабул қилишлари учун улар ҳақида ибодат қилишга атайлаб юборган эдилар (15-оят). Ёдингиздами, Иерусалим Самариядан эллик беш километр узоқлиқда жойлашган эди. Бугун бу масофа бизга унчалик узок кўринмаслиги мумкин, бироқ ҳаворийларнинг машиналари бўлмаган ва умумий транспорт бўлмаган. Улар бу эллик беш километрни пиёда босиб ўтишларига ёки қандайдир ҳайвоннинг елкасида ўтишларига тўғри келган. Сафар ҳеч бўлмаганда уларнинг бир ёки икки кунини олган бўлиши керак.

Яна шуни эътиборга олиш муҳимки, янги имонга келган-

лар аллақачон Раббий Исонинг исмига чўмган эдилар. Улар аллақачон Худонинг фарзандлари эдилар. Бироқ ҳали улар ҳис қилмаган нажот инъомининг бир қисми қолган эди. Сиз: «Бир сония, Жон, мен Исо Масихнинг Рухи биз нажот инъомини қабул қилганимиз заҳоти бизнинг юрагимизда Ўзига уй қуради деб ўйлаган эдим», –дайсиз. Ҳа, айнан шундай. Ёзува аниқ қилиб: «Ҳеч ким Муқаддас Рухсиз Исони Раббим деб атай олмайди», –дайилмоқда (1 Кор. 12:3). Гарчи бу ерда гап унга тўлиш ҳақида кетаётган бўлмаса ҳам, Муқаддас Рухнинг таъсисиз биз Исони Раббий деб эътироф эта олмаймиз.

Муқаддас Ёзув аниқ қилиб айтмоқдаки, бизларнинг барчамиз Масихда муқаддасланган ва Муқаддас Рух билан мухрланганмиз (1 Пет. 1:2; Эф. 1:13га қаранг). Демак, шубҳа йўқки, Муқаддас Рухнинг доимо бўладиган ҳузурини қабул қилиш – бу нажотнинг бир қисмидир. Худо бизни кўрганида, У Ўз Ўғлининг Рухини кўради. Эсингиздами, сиз нажотни қабул қилганингизда, сиз самода Масих билан ўтқизилган – Унинг меросининг ва Шоҳлигининг бир қисмига айланган эдингиз? Бироқ сиз Отадан бундай деб сўрамагунингизча, Муқаддас Рухнинг кучига тўлмаган эдингиз:

«Шундай қилиб, агар сизлар ёвуз бўла туриб, болаларингизга яхши ҳадялар беришни билсангизлар, боз устига, осмондаги Ота Үндан сўраганларга Муқаддас Рухни беради» (Лк. 11:13).

Раббий Исо Худони «сизнинг осмондаги Отангиз» деб атаган, шу сабабли, Унинг имонилар ҳақида гапираётгани шубҳасизdir. Биз буни биламиз, чунки Юҳанно Хушхабарида Раббий Исо Муқаддас Рух ҳақида «дунё уни кўрмаслиги ва билмаслиги туфайли қабул қила олмайдиган ҳақиқат» Рухи ҳақида гапираётгандек гапирмоқда (Юх. 14:17). Мазкур ҳолатда дунё – Худо Шоҳлигининг чегараларидан ташқарида бўлган одамларни англатади. Аниқ, Раббий Исонинг хукмронлигига бўйсунмайдиган ҳар қандай киши Муқаддас Рухни қабул қила

олмайди. Шу сабабли, мазкур «сизнинг Отангиздан» Муқаддас Рухни сўраш насиҳати нажотга тегишли эмас. У аллақачон нажот топган кишигина қабул қилиши мумкин бўлган кейинги тўлдиришларга тегишилдири.

Энди, келинг, Ҳаворийлар китоби 8-бобга қараймиз:

«Шунда ҳаворийлар уларга қўлларини қўйишиди ва улар Муқаддас Рухни қабул қилдилар. Шимўн эса ҳаворийларнинг қўлларини қўйишилари орқали Муқаддас Рух берилаётганини кўриб, уларга пул олиб келди ва деди: «Менга ҳам шу ҳокимиятни беринглар, токи мен кимга қўлларимни қўйисам, у Муқаддас Рухни қабул қиласиган бўлсин!» (Ҳав. 8:17-19).

Петъор ва Юҳанно имонлиларга қўлларини қўйдилар ва улар Муқаддас Рухни қабул қилдилар. Бу Муқаддас Рухга тўлиш жисмоний ҳиссиятлар учун сезиларли даражада бўлган, чунки Муқаддас Китоб Шимўн «ҳаворийларнинг қўлларини қўйишилари орқали Муқаддас Рух берилаётганини» кўрганини айтмоқда. Шимўн имонли киши бўлган. Имонлиларда Муқаддас Рух кучининг намоён бўлишидан ҳайрон бўлиб, у ҳаворийлардан бу кучни қандай беришни унга ўргатишларини сўради. (бироқ унинг илтимоси ноўрин эди, шу сабабли, Петъор Шимўнни айблади).

Бутун Ҳаворийлар китоби давомида, Рухга тўлиш - одатдагидек кўриш ва эшитиш мумкин бўлган ташки кўринишлар билан бир вактда содир бўлган, ҳаммадан ҳам кўпроқ номаълум тиллар ва башоратлар кўринишида содир бўлган. Шунинг учун ҳаворийлар Муқаддас Рух «имонлиларга» тушишини кўп бора айтганлар. Самариядаги бу ҳодиса – Муқаддас Рухга тўлишга ҳамроҳ бўлган номаълум тиллар ва башоратлар ҳақида Муқаддас Китоб аниқ айтмаган мисоллардан биридир. Бироқ шуни ҳисобга олиш мумкинки, бундай кўриниш ҳақиқатан ҳам содир бўлган, акс ҳолда, сеҳргар Шимўн Муқаддас Рух хузурининг имонлиларда намоён бўлишини яққол кўрмаган бўлар эди.

3-күн

ТАРСЛИК ШОУЛ

Шоулнинг имонга келиш тарихи Ёзувдаги энг машхур воқеалардан бири ҳисобланади. Мен ҳозир ушбу ажойиб учрашувнинг эҳтимол энг кескин бўлган жиҳатига эътиборни қаратмоқчиман. Ҳаворийлар китоби 9-бобда биз Повулнинг имонлиларга қарши қувғин уюштириш учун Дамашққа кетаётганини кўрамиз:

«У кетаётиб, Дамашққа яқинлашганида, тўсатдан уни осмондан нур ёритди. У эса ерга йиқилди ва: «Шоул, Шоул! Нега Мени қувғин қилаяпсан?»- деган овозни эшилди. «Сен кимсан, ё, Раббий?» -деди у. Раббий эса: «Мен – сен қувғин қилаётган Исотман. Нишга қарши тепишинг қийин», - деди. Шунда Шоул даҳшатга тушиб ва титраб деди: «Ё, Раббий, нима қилишимни буюрасан?» Раббий унга: «Ўрнингдан туриб шаҳарга бор ва сенга нима қилишинг кераклиги айтилади», -деди» (3-б-оятлар).

Эътибор беринг, Шоул Исони «Раббий» деб атади. Исо Масих инсоннинг ҳаётига Раббийга айланганида, у бир лаҳзада ўқоридан туғилади. Шоул Исони Раббий деб тан олган ўша онда, у аллақачон имонли кишига айланганига ишонаман.

Бу учрашувдан сўнг Шоул уч кунни шаҳарда рўза тутиб ва кейинги кўрсатмаларни кутиб ўтказди. Сўнгра, Раббий Ҳананиах исмли шогирдан Шоулнинг олдига боришини сўради. Ҳананиах бу илтимос устидан ўйга толиб қолди, чунки Шоул имонлиларга қарши уюштирган шафқатсиз қувғинлар ҳақидаги кўп воқеаларни эшилган эди. Бироқ Худо унга: «Бор, чунки у Менинг исмимни олиб бориш учун танланган идишимдир», -деди (Ҳав. 9:15). Ҳананиах Шоул ўтирган уйга келиб, кўлларини унга кўйиб шундай деди: «Биродарим Шоул! Сен келаётган йўлда сенга зоҳир бўлган Раббий Исо, кўзларинг

яна кўриши ва Муқаддас Рухга тўлишинг учун мени юборди» (Ҳав. 9:17). Шубҳасиз, Ҳананиаҳ Шоулнинг нажот топганини билан эди, чунки у уни «биродарим Шоул» деб атади. Гарча Шоул аллақачон имонли бўлган бўлса ҳам, шунга қарамасдан, Худо барибир Ҳананиаҳни Шоулнинг шифо топиши ва Муқаддас Рухга тўлиши учун ибодат қилишга юборди.

Биз мазкур мисолда яна бир бор шуни кўрмоқдамизки, Муқаддас Рухга тўлиш нажот инъомини қабул қилишдан сўнг содир бўлди. Ҳаворийлар китобининг 9-бобида сиз номаълум тилларда гапираётган Шоул (шунингдек, Повул деб ҳам аталган) ҳақидаги фикрларни топмайсиз. Бироқ бизларнинг барчамиз Повулнинг номаълум тилларга гапирганини биламиз, чунки кейинроқ у шундай деб ёзган: «Худойимдан миннатдорманки, мен номаълум тилларда ҳаммаларингиздан кўпроқ гапираман» (1 Кор. 14:18). Шахсан мен, Ҳананиаҳ Повул учун ибодат қилганида, у номаълум тилларда гапира бошлаганига ишонаман. Гарчи Повул аллақачон нажот топган бўлса ҳам, у шу пайтгacha, ҳали Муқаддас Рухга тўлишни қабул қилмаган эди, шу сабабли, Повул Раббий Исо ҳақида мажусийларга, подшоҳларга ва Истроил фарзандларига эълон қилиши учун Муқаддас Рухнинг кучи унга зарур эди (Ҳав. 9:15га қаранг).

Петъор ва Корнилий

Ҳаворийлар китобининг 10-бобида Худонинг ҳазил-мутойиба туйғуси учкунини пайқаш мумкин. Биринчи оятда биз Рим зобити – Корнилийни учратамиз. Муқаддас Китоб уни бағишлиланган, Худодан қўрқадиган одам, камбагалларга мурувват кўрсатувчи ва доимо Худога ибодат қиласиган одам деб атайди. Ўша пайтда, Xушхабар ҳали мажусийларга етиб бормаган эди, шунинг учун Худо Корнилийнинг олдига фариштани юборди. Бироқ фаришта Корнилийга Худонинг нажот режасини очиб бермади, фаришта унга Петъорнинг олдига одам юборишни буюрди. У буйрукни хурсатдчилик

билин бажариб, ўз одамларига фаришта кўрсатган жойда Петъорни топишни айтди.

Кейинроқ биз Яффада бўлган Петъор қандай қилиб ибодатда ваҳий олганининг манзарасини кўрамиз. Худо бу ваҳийда Петъорга ҳар хил турдаги ҳайвонларни кўрсатиб деди: «Худо поклаганини сен ҳаром дема» (Ҳав. 10:9-15га қаранг). Шубҳасиз, кўринган нарсанинг маъносини тушуниш Петъорга қийин бўлишини Худо билар эди, шунинг учун Худо ваҳийни Петъорга уч маротаба кўрсатди. Петъор унинг маъноси ҳакида фикрлаб турганида, уйга унинг олдига Корнилийнинг одамлари келишиди. Муқаддас Рух Петъорни улар билан бирга боришга юборди. Гарчи ўша вакъларда бағишлиланган яхудийлар мажусийлар билан алоқа қилмаган бўлсалар ҳам, Худо Петъорга Корнилийнинг олдига нима учун бориши кераклигини айтмади. Корнилийнинг уйига келиб Петъор деди:

«Бошқа қабилаликка қўшилиш ёки уникига келиш яхудий учун Қонунга қарши иш эканлигини биласизлар. Лекин Худо менга ҳеч бир одамни ҳаром ёки нопок деб хисобламаслигим лозимлигини кўрсатди. Шунинг учун мен чақирилганимда, рад қилмасдан келдим. Энди: «Нима мақсадда мени чақирдингизлар?»-деб сўрамоқчиман» (Ҳав. 10:28-29).

Петъор ваҳий ва бу бағишлиланган мажусийлар билан учрашув ўргасидаги боғлиқликни тушуна бошлаган эди, шунинг учун Корнилийга Хушхабарни воизлик кила бошлади. Тўсатдан, воизликнинг ўргасида Петъорга Худонинг Рухи намоён бўлди ва мажусийлар номаълум тилларда гапира бошладилар. Петъор ҳайратда эди, чунки илгари ҳеч қачон бунака иш содир бўлмаган эди.

Петъор ва унинг яхудий ҳамроҳлари нажот инъоми нафакат улар учун, балки мажусийлар учун ҳам аталганлигига аранг ишонишларини Худо билар эди. Шу сабабдан, Петъор улар учун ибодат қилиш ва уларни сувда чўмдириш имкониятига эга бўлгунига қадар Худо Ўз Рухини мажусийларга қуиди. Шу

тарзда, Худо Истроил халқига тегишли бўлмаган одамлар ҳам нажот режасига киришларининг далилини кўрсатди.

«Петъор билан бирга келган, хатна қилингандардан бўлган имонлилар Муқаддас Руҳнинг инъоми мажусийларга ҳам қуийлганини кўриб, ҳайратда қолдилар, чунки уларнинг янги тилларда гапираётгандарини ва Худони утуғлаётгандарини эшитар эдилар. Шунда Петъор деди: «Худди бизлар каби Муқаддас Руҳни қабул қилгандарга сувга чўмдирилишни ким тақиқлар экан?» Шундай қилиб, уларга Исо Масих номига чўмдирилишни буюрди. Сўнг улар Петъордан бир неча кун қолишини илтимос қилдилар» (Ҳав. 10:45-48).

Яҳудийлар Худо мажусийларга ҳам нажот берганлигининг шак-шубҳасиз далилини инкор қила олмадилар, чунки уларнинг орасида (Муқаддас Руҳга тўлиши) Худонинг кучи намоён бўлишини улар кўрдилар ва эшилдилар. Худо мажусийларга нафакат нажот берди, балки У шунингдек, ҳаракатларнинг одатий тартиби – омманинг олдида тавба қилиш ва сувга чўмиш амалга оширилишидан аввал Муқаддас Руҳга тўлишини юборди! Бу Ёзувдаги Худонинг бундай тартибдаги ҳаракатини кўришингиз мумкин бўлган ягона мисолидир.

Барча қолган мисолларда Муқаддас Руҳнинг қуийлиши имонга келгандан сўнг содир бўлади. Ишонаманки, Худо шундай йўл тутган, чунки Худо Ўзининг нажот инъомини шу билан бир қаторда мажусийларга ҳам тарқатиши ҳакидаги алоҳида аломат яҳудийларга керак эканлигини У билар эди.

Эфесликлар

Мен кўриб чиқмоқчи бўлган тўртингчи ҳодиса - Ҳаворийлар китобининг 19-бобида ёзилган. Повул Эфесга ўзининг кўп сонли сафарларидан бирини амалга оширади. Муқаддас Ёзув у шаҳарга келиб, у ерда Яхё чўмдирувчининг баъзи бир

шогирдларини учратганини айтмоқда. У улардан сўраган биринчи нарса куйидагича эди: «Сизлар имон келтириб Муқаддас Рухни қабул қилдингизларми?» (2-оят). Ана бунисига қойил! Агар Повул эфесликларга шундай мурожаат қилган бўлса, унда биз ҳам биринчи навбатда ҳар қандай янги имонга келган кишидан худди шуни сўрашимиз керак.

Бундан ташқари, нима учун мазкур савол янги Жамоатнинг етакчилари орасида шу қадар муҳим? Чунки Муқаддас Рухнинг кучига тўлиш Масихдаги бизнинг даъватимиз учун ниҳоятда муҳимдир. Нима учун бизларнинг бирортамиз бу даъватни алангалаатдиган кучсиз бир соат ҳам яшашни ҳохламаймиз? (Ҳав. 1:8га қаранг). Отанинг Шоҳлигига самараали бўлиш учун биз Масихда (нажотда) ўтқизилган ва Муқаддас Рухнинг кучига (Рухга тўлишга) тўлган бўлишимиз зарур.

Повул шуни билдики, гарчи эфесликлар Яхё чўмдирувчининг шогирдлари бўлсалар ҳам, улар Раббий Исо орқали нажот топиш ҳақидаги Эзгу хабарни эшитмаган эдилар, шу сабабли, у уларга Хушхабар айтишни бошлади.

Мен аввал айтганимдек, Масихда ўрин эгаллаш ҳар доим Муқаддас Рухнинг кучига тўлиш олдидан юради. Ҳаттоки агар кучнинг ташқи намоён бўлиши (Рухга тўлиш) нажотнинг ташқи эътирофи (сувга чўмиш кўринишидаги) олдин келса ҳам, мисол учун, Корнилий билан бўлган ҳодисадек, нажот доимо кучга тўлишдан олдин келади.

Шунинг учун Повулнинг сўзларини эшитиб, эфесликлар биринчи бўлиб «Раббий Исонинг исмига чўмдирилдилар» (Ҳав. 19:5). Бошқа сўз билан айтганда, улар фақатгина Раббий Исода ва У орқали қўлга киритиш мумкин бўлган нажотни қабул қилдилар. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас: «Повул уларга қўлинин қўйганида, Муқаддас Рух уларнинг устига тушиб келди ва улар ўзга тилларда гапириб, башорат қила бошладилар» (Ҳав. 19:6). Муқаддас Рухга тўлиш янги имонга келганлар бизнинг Раббимиз Исо номига сувга чўмишни бошлаганларидан сўнг содир бўлди. Бу одамлар Повул билан учрашгунларича Раббий Исо ҳақида жуда кам нарсани

билар эдилар. Бирок улар Муқаддас Рухга тўлганлари заҳоти башорат қилдилар, демакки, улар Исо Масихнинг Хушхабарини эълон қилдилар. Улар ҳали бир неча дақиқа олдин билмаган бу башорат қилиш кучи Муқаддас Рух туфайли имконли бўлди. Имонли учун Худонинг Рухини таниб-бilmасдан туриб, Худонинг сирлари ҳақида ҳокимият билан эълон қилиш имконсизdir (1 Кор. 2-бобга қаранг). Муқаддас Рухнинг кучисиз ҳеч қачон воизлик қилишимга тўғри келмаслиги учун мен жуда ҳам миннатдорман. Мен ўз-ўзимча энг яхши ёзувчи бўлмаганим сингари, омма олдида чиқиш учун ҳам унчалик яхши номзод эмасман. Мен «инглиз тили» фанидан шунчалик ёмон ўқиганманки, битириш имтиҳонидан ўтолмаганман. 800 баллдан мен бор-йўғи 370 балл йикқанман. Мендан кўра ҳеч ким шуни яхши билмайдики, фақатгина Худонинг инояти ва Муқаддас Рухнинг кучи билан мен ким бўлсанам ўшаман. Унинг кучисиз бу китобни ёза олмаган бўлар эдим. У менинг кучимнинг ва қобилиятларимнинг манбаидир. Усиз Шоҳликдаги даъватим амалга оширилмаган бўлар эди. Муқаддас Рух Худонинг менга бўлган иноятини «намоён этмоқда».

4-кун

ТИЛЛАР ТАМОМ БЎЛДИМИ?

«Пайгамбарчиликлар тугайди, тиллар тамом бўлади, билим ҳам бекор бўлади, аммо севги ҳеч қачон тугамайди. Чунки биз қисман биламиш ва қисман пайғамбарчилик қиласиз. Лекин муқаммаллик келганида, қисман бўлган нарсалар тугайди» (1 Кор. 13:8-10).

Энди, биз Ҳаворийлар китобидан барча Муқаддас Рухга тўлиш тарихларини дикқат билан қараб чиққанимизда, сизларнинг кўпчилигинги берадиган саволни кўтаришни хоҳлаган эдим. Мен кўпинча одамларнинг «тиллар тамом бўлади», деяётганларини эшитаман. Одатда улар, бунга исбот

тариқасида 1-Коринфликларга 13-бобдаги Повулнинг сўзларини келтирадилар: «Лекин мукаммаллик келганида, қисман бўлган нарсалар тугайди» (10-оят). Яъни, Муқаддас Ёзув бу - бизларга берилган ўша мукаммаллик. Демак, энди мукаммал (Муқаддас Ёзув) келган экан, тиллар тамом бўлди.

Повулнинг нима деяётганлигини билиш учун биз бу парчани дикқат билан ўрганиб чиқишимиз мухимдир. Мазкур оятнинг контекстини кўриб чиққанимизда, бундай таъриф имконсиз эканлиги аниқ бўлади. Агар тиллар тамом бўлган бўлса, билим ва башорат ҳам тамом бўлди. Лекин билим ва башорат тамом бўлдими? Албатта, йўқ. Унда Повул қандай «мукаммал» нарса ҳақида гапирмоқда?

Биз жавобни ўн иккинчи оятда топамиз:

«Ҳозир биз гўё хира ойна орқали тахминан кўряпмиз, ўша кунда эса юзма-юз кўрамиз. Ҳозир мен қисман билмоқдаман, аммо ўша кунда мен ўзим таниб- билингандек таниб-биламан» (1 Кор. 13:12).

Повул у қандай қилиб Раббий Исо билан юзма-юз кўришганини таърифлаб бермоқда. «Мукаммал» мана нимани англатади – Раббий Исони Унинг шуҳратида таниб-билишни англатади. Биз ҳозирги пайтда Раббий Исо билан бу учрашувни ҳис қилмоқдамизми? Биз Уни бутун шуҳратда томоша қиласайпмизми? Бизнинг ерлик ҳаётимизда Раббий Исо билан учрашув гўё хира ойнадаги тасвирдекидир. Бироқ кейинги асрда У бизни қандай билса, биз ҳам Раббий Исони шундай таниб-биламиз. Бу Раббий Исо билан чуқур яқинликни ҳис этиш ва «мукаммал»нинг келаётганининг белгисидир. Гарчи мазкур сафар ерда бошланаётган бўлса ҳам, биз у билан абадийликда юзма-юз кўришмагунимизча, у тугамайди.

ТИЛЛАРНИНГ ТЎРТТА ТУРИ

Кўпинча менга яна бир саволни беришади: «Жон, нима учун Коринфликларга биринчи мактуб (12:30)да: «Ҳамма

ҳам номаълум тилларда гапирадими?» –деб ёзилган. Бу савол ҳамма одамлар ҳам ноъмалум тилларда гапирмаслигини англатмайдими? Ҳа, айнан шундай. Бироқ Повул бу парчада ҳамма имонлилар ҳам гапирмайдиган тилларнинг аниқ тури ҳақида гапирмоқда. Яхшироқ тушуниш учун келинг, Янги Аҳдда бу тўртта тур ҳақида нима дейилаётганини кўриб чиқсак.

Бизнинг мунозарамиз доирасида мен ноъмалум тилларни уларнинг кўлланилишига кўра бўлиб чиқаман: умумий ва хусусий. Тилларнинг икки тури умумий хизмат учун хизмат қиласди. Умумий кўллаш деганда - мен бир кишининг Муқаддас Руҳнинг инъоми билан бошқа кишига ёки бир гуруҳ одамларга хизмат қилгандаги хизматини назарда тутаяпман. Яна, аксинча, иккита хусусий турдаги тиллар - бизларни Унга яқинроқ қилиб ва бизга Унинг муқаммал тушунчасига мувофиқ равишда шафоат қилиш қобилиятини бериб, бизларни имонлилар сифатида тўғридан-тўғри Худо билан боғлайди. Келинг бу турларнинг ҳар бирини кўриб чиқамиз.

Биринчи. Имонсизлар учун аломат бўлган номаълум тиллар

Тилларнинг биринчи тури оммавий намоён бўлишлар учун хизмат қиласди.

«Шундай қилиб, *номаълум тиллар имонлилар учун эмас, балки имонсизлар учун аломатдир*» (1 Кор. 14:22).

Бу тиллар - Муқаддас Рух бизнинг онгимизга тушганида ва бизга ер юзида бўлган бошқа тилда – айнан биз гапира олмайдиган, ўрганиб чиқмаган ва мулоқот қилиш тажрибасига эга бўлмаган тилда гапириш қобилиятини берганида ҳаракат қилишни бошлайди. Айнан мана шу турдаги тиллар «Элликлик» кунида шогирдлар орқали ҳаракат қилган эди.

«Шу пайтда, Иерусалимда осмон остидаги барча халқлардан бўлган художўй яхудийлар бор эди. Бу шовқин

содир бўлганида, кўпчилик одамлар тўпланиб, саросимага тушдилар, чунки улардан ҳар бири ҳаворийларнинг уларнинг маҳаллий шевасида гапираётганини эшитдилар. Шунда ҳаммалари ажабланиб ва ҳайрон бўлиб ўзаро дер эдилар: «Бу гапираётганларнинг ҳаммаси галилиялик эмасми? Қандай қилиб, ҳар биримиз ўзимизнинг туғилган маҳаллий шевамизни эшитяпмиз? Парфияликлар, мидияликлар, эламликлар; Месопотамия, Яхудия, Каппадокия, Понт ва Асия ўлкасида яшовчилар, Фригия, Памфилия, Миср ва Ливиянинг Киринеяга туташ қисмидагилар ҳамда Римдаги мусофиirlар, яхудийлар ва прозелитлар, критликлар ва араблар ҳам уларнинг бизнинг тилларимизда Худонинг буюк ишлари ҳақида гапираётганларини эшитяпмиз» (Ҳав. 2:5-11).

Яхудийлар имонлилар уларнинг маҳаллий шеваларида гапирғанларини эшитдилар. Бу манзара - Исо Масиҳ Ҳушхабарига ишонган одамларнинг орасида Худо ҳаракат қилаётганининг аломати эди. Акс холда, маълумотсиз галилияликлар Худонинг мўъжизаларини кўпгина ҳар хил тилларда бундай мукаммал ўлон қила олмаган бўлар эдилар. Муқаддас Руҳ кучининг бундай намоён бўлиши орқали кўп одамлар Раббий Исони таниб-билдилар.

Мен бир неча йил аввал Колорадо-Спрингс шахридаги бир жамоатда воизлик қилган эдим. Хизмат вақтида менинг гурухимдан бир аёл жамоатда орқа каторда ўтирган эди. Хизмат тугагандан сўнг, ундан олдинги қаторда ўтирган эркак унинг олдига келиб деди: «Сиз француз тилида жуда яхши гапирайпсиз, сиз бу тилнинг эски бир шевасини бенуқсон талаффуз қиляпсиз. Мен кўп йиллардан буён француз тилидан дарс бериш билан шугулланаман ва бу тилда сиз каби шу қадар яхши гапирадиган одамни ҳеч қачон учратмаганман».

Бу аёл унга жавоб бериб: «Мен француз тилида умуман гапирмайман», -деди. Эркак ҳайратда қолди.

У деди: «Сиз француз тилида нафақат мукаммал гапирдингиз, балки сиз яна Ёзув оятларини Жон уларни айтишидан ва

тингловчилардан уларни Муқаддас Китобда очишларини сўрашидан олдин француз тилида айтиб бердингиз». Бу ходиса аниқ мазкур эркак учун Худо мен орқали айтаётган Сўзини тасдиқлаганинг исботи бўлди. Тилларнинг аломат сифатида аниқ мақсади – Масиҳни ҳали ўзининг Раббийси ва Кутқарувчиси деб қабул қилмаган одамнинг эътиборини тортишдан иборатdir.

Иккинчи. Талқин қилиш учун номаълум тиллар

Шунингдек, иккинчи тур ҳам умумий хизматда қўлланилади. Аломат сифатида намоён бўладиган тиллардан фарқли равиша, бу тиллар самовий бўлиб ҳисобланиб, бу тилларда ер юзининг ҳеч бир жойида гапирмайдилар. Повул талқин қилиш учун бўлган тиллар ҳакида рухий инъом ҳакида гапиргандек гапирмоқда: «...бошқага ҳар хил тиллар, яна бошқага тилларни талқин қилиш» (1 Кор. 12:10). Модомики, ер юзининг ҳеч бир жойида бу тилларда гапирилмас экан, уларни талқин қилиш керак.

Бир неча йил аввал мен Сингапурда бир жамоатда воизлик қилиш учун чиқишга тайёрланаётган эдим. Тўсатдан бир киши хизмат вақтида нотаниш тилда гапиришни бошлади. Бу тил ер юзида бўлган тиллардан бироргаси ҳам эмаслигини мен аниқ билар эдим, у – самовий тил эди. Залдаги ҳар бир одам Руҳнинг бундай намойишидан ҳайратда қолди. У самовий тилда гапириб бўлганидан сўнг, дарҳол талқин қилиб берди. Унинг талқин қилгани Худо менга ушбу жамоат учун берган сўзга аниқ мос келди. Мен Худога бу ажойиб тасдиқ учун кўнглимда миннатдорчилик билдирам! Худо менинг юрагимга солган сўзни тасдиқлаш учун унинг тилларни талқин қилиш инъомини ишлатди. Бу мен учун ва аудиторияда йигилганларнинг барчаси учун аломат бўлди.

Эътибор беринг, мазкур турдаги тилларга нисбатан «таржима қилиш» сўзи эмас, айнан «талқин қилиш» сўзи ишлатилмоқда. Самовий тилларни таржима қилиб бўлмайди (буларга Янги Аҳдда таърифланган тўрт турдаги тиллардан учтаси тегишли-

дир), чунки улар инсоний тушунчадан устундир – уларни факат талқин қилиш мумкин.

«Талқин қилиш учун тиллар» тоифасига кирувчи тилларнинг ҳар қандай ифодаси доимо талқин қилиш билан бирга юриши керак. Жамоат унингсиз барпо бўла олмайди, бундай тил эса, факат унинг барпо бўлиши учун берилади (1 Кор. 14га қаранг).

Повулдан: «Ҳамма ҳам *номаълум* тилларда гапирадими?» – деб сўраганларида, у бу турдаги тиллар ҳақида гапирган эди. Келинг, энди бу оятга контекстда қарасак:

«Худо эса баъзиларни Жамоатда биринчидан ҳаворийлар, иккинчидан пайғамбарлар, учинчидан муаллимлар қилиб қўйди. Яна баъзиларга мўъжизакорликни, бошқаларга эса шифокорлик, ёрдам бериш, бошқариш, турли тиллар инъомларини берди. Ҳамма ҳам ҳаворийми? Ҳамма ҳам пайғамбарми? Ҳамма ҳам муаллимми? Ҳамма ҳам мўъжизакорми? Ҳамма ҳам шифокорлик инъомларига эгами? Ҳамма ҳам *номаълум* тилларда гапирадими? Ҳамма ҳам талқин қиласидими?» (1 Кор. 12:28-30).

Повул Худо Жамоатда хизмат учун қўйган умумий инъомлар ҳақида гапирмоқда. Ҳамма ҳам ҳаворийми? Йўқ. Ҳамма ҳам пайғамбарми? Йўқ. Ҳамма ҳам муаллимми? Йўқ. Худди шундай, ҳамма ҳам ўзининг умумий хизматини бажариб, номаълум тилларда гапирадими ва уларни талқин қиласидими? Йўқ. Повул бизларнинг барчамиз Худо бизга берган аниқ бир инъомларда равнақ топишимиш керак деб хисоблайди. Ҳар бир одам ҳам Жамоатда ноъмалум тилларда гапириш хизматига эга бўлмайди.

Номаълум тилларда омма олдида гапиришнинг иккита тури ўртасидаги фарқ

Кейинроқ Повул Коринфликларга мактубида номаълум тилларда омма олдида гапиришнинг иккита тури ўртасидаги фарқни тушунтириб беради:

«Шундай қилиб, *номаълум тилларимонлилар учун эмас*, балки имонсизлар учун аломатдир. Пайғамбарчилик эса имонсизлар учун эмас, имонлилар учундир. Агар бутун Жамоат бир ерда тўпланиб, ҳамма *номаълум тилларда гапира бошласа ва оддий одамлар ёки имонсизлар у ерга кирса, унда «сизлар ақлдан озибсизлар*», - деб айтмайдиларми?» (1 Кор. 14:22,23).

Агар сиз тилларнинг тўртта ҳар хил турлари бор эканлигини тушунмасангиз, унда сиз Повул бу сатрларни ёзганида бутунлай ўз-ўзига қарши чиққан деб ўйлашингиз мумкин. Дастваб у: «Номаълум тиллар имонсизлар учун аломатдир», - деб айтган. Сўнгра, кейинги оятда шундай деб ёзилган: «Агар сиз номаълум тилларда гапирсангиз, унда имонсизлар сизни ақлдан озган деб ўйлашади». Бироқ, тилларнинг тўртта ҳар хил турлари ўртасидаги фарқни англаган ҳолда, биз шунингдек, Повул мазкур ҳолатда тилларнинг иккита ҳар хил турлари ҳакида гапираётганини англаймиз.

У биринчи ҳолатда аломат учун бўлган тилларни тилга олмоқда – бу имонсизларни жалб қиласидиган турдир, чунки улар учун аломат бўлиб хизмат қиласиди. Иккинчи турдаги тиллар - (талқин қилиш учун бўлган тиллар) фақат жамоатнинг барпо бўлиши учун белгиланган. Бу тиллар имонсизлар учун аломат эмас. Ҳақиқатан ҳам, Повул агар имонлилар иккинчи турга тегишли тилларда гапирсалар ва уларни талқин қилмасалар, унда имонсизлар уларни ақлдан озган деб ўйлашади деган хуносага келади!

Ҳар бир киши бир вақтнинг ўзида воизлик қиласидиган, ўқитадиган ва башорат қиласидиган яхшанба кундаги эрталабки йифинни тасаввур қила оласизми? Бундай йифин ғалати ва ҳеч қандай маъносиз бўлган бўлар эди. Шунинг учун Повул Жамоатни талқин қилиш учун бўлган номаълум тилларда гапириш орқали саросима келтириб чиқармасликка ўргатмоқда. Нотўғри шароитларда тилларнинг бундай ифодаси тартибсиз ва мақсадсиз бўлади.

Аввал, мана шу бобда Повул шуни аниқ қилиб күрсатмоқдаки, номаълум тиллар саросима чакириш учун эмас, балки тушуниш ва вахий олиб келиш учун хизмат қиласи.

«Худойимдан миннатдорманки, мен номаълум тилларда ҳаммаларингиздан кўпроқ гапираман. Жамоатда эса номаълум тилда ўн минг сўз гапиргандан кўра, бошқаларга насиҳат қилиш учун ўз онгим билан бешта сўз айтганим афзалроқдир» (1 Кор. 14:18-19).

Ҳаммаси етарлича оддий: умумий қўлланиладиган турдаги номаълум тилларда(яни омма олдида) гапиришганда, уни барча қатнашувчиларнинг барпо бўлиши учун талқин қилиш зарур. Бўлмаса, шунчаки ҳаммага маълум тилда мuloқot қилган яхшироқ.

5-кун

Учинчи. Шахсий ибодат учун номаълум тиллар

«Агар мен номаълум тилда ибодат қилсан, рухим ибодат қиласи, онгим эса ҳосилсиз қолади. Унда нима қилсан экан? Рухим билан ибодат қиламан, онгим билан ҳам ибодат қиламан. Рухим билан қўшиқ айтаман, онгим билан ҳам қўшиқ айтаман» (1 Кор. 14:14-15).

Биз муҳокама қилган биринчи икки турдаги тиллар умумий қўлланилиш учун мавжуддир ва Худодан одамларга хабар олиб келади. Аломат учун бўлган тиллар имонсизларни имонга келтириш ва уларга хизмат қилиш учун белгиланган. Талқин қилиш учун бўлган тиллар имонлиларга хизмат қилиш учун белгиланган. Юқоридаги оятларда Повул учинчи турни тақдим этмоқда: шахсий ибодат учун тиллар. У ортиқ умумий хизмат ҳақида гапирмаяпти, бироқ у тилларни шахсий мақсадлар учун қандай ишлатиш

кераклиги ҳақида ўргатмоқда. Тилнинг бундай тури -шахсий барпо бўлиш ва ибодат учун берилган. Повул аниқ қилиб, биз «онг билан ибодат қилишимиз» мумкинлигини, бу ўз она тилида ибодат қилишимиз ёки номаълум тилда, яъни самовий тилда ибодат қилишни билдирувчи «руҳ билан ибодат қилиш»имиз мумкинлигини аниқ тасдиқламоқда. У яна шуни тасдиқламоқдаки, биз худди шу тарзда куйлашимиз (сажда қилишимиз) ҳам мумкин.

Коринфликларга биринчи мактуб 14-бобнинг бошида шундай деб ёзилган: «*Ким номаълум тилда гапирса, у одамларга эмас, Худога гапиради*» (2-оят). Биз биламизки, Рухнинг бу на мойиши - тилларга аломат сифатида тегишли бўла олмайди, чунки «Элликлик» кунидаги шогирдлар одамларга гапирдилар – Худонинг ажойиб ишларини чет тилларда эълон қилдилар. Повул шунингдек, талқин қилиш учун бўлган тиллар ҳақида гапира олмас эди, чунки бу инъом имонли жамоатда номаълум самовий тилда (талқин қилиниши керак бўлган тилда) гапирган ҳолатга тегишилдир. Повул аниқ бу ерда руҳда «одамларга эмас, Худога гапираётган» одам ҳақида гапирайти.

Шахсий ибодатда номаълум тилларда гапириш – бу Худо билан ибодат қилувчи ўртасидаги шахсий алоқадир. Унинг мақсади ибодат қилувчини мустаҳкамлашдан иборатдир. «Сизлар эса, эй, севганларим, Муқаддас Руҳда ибодат қилиб, ўзингизни энг муқаддас бўлган имонингизда барпо қилинглар, ўзингизни Худонинг севгисида сақланглар» (Ях. 1:20-21). Эътибор беринг, Яхудо: «Биз Муқаддас Руҳ билан (номаълум тилларда) ибодат қилганимизда, ўзимизни барпо қиласиз», -демоқда, бироқ биз жамоатда имонлиларга талқин қилиш учун номаълум тилларда гапирганимизда, жамоатни барпо қиласиз ёки қурамиз (1 Кор. 14:5). Худо унисини ҳам, бунисини ҳам истайди, ўз-ўзини барпо қилиш ҳам, жамоатни барпо қилиш ҳам муҳимдир.

Кўпчилик имонлилар шундай саволни беришади: «Муқаддас Руҳга тўлган бўлиб, шу билан бирга, номаълум тилларда ибодат қилмаслик мумкинми? Ҳа, мумкин. Ўйлашимча, одам Муқаддас Руҳга тўлган бўлиши, лекин номаълум тилларда ибодат

қилмаслиги мумкин. Бироқ мен яна шуни қўшган бўлар эдимки, Муқаддас Рухга тўлган ҳар бир одам номаълум тилларда ибодат қилиш қобилиятига эгадир. Кўпчилик имонлилар бу инъомда ҳаракат қилмайдилар, чунки уни қабул қилиш учун ўз имонлари ни жалб қилишмаган. Худонинг ҳар қандай инъоми имон билан қабул қилинади ва унда имон билан ҳаракат қилинади.

Дарёдаги иккита одамни тасаввур қилинг, улар бири дарё ўз сувларини унинг ёнгинасидан олиб ўтаётган пайтда, дарёда тинчгина турибди. Иккинчиси бўшашиб, дарёning оқимиға енгилди. Уларнинг иккаласи ҳам дарёда турибди: дарёning тагида тинчгина турган киши ҳам, бўшашиб, оқим бўйича сузишга қарор қилган киши ҳам, бироқ айнан иккинчи киши оқимга эргашади ва оқим уни қаерга олиб борса, ўша ерда бўлади.

Номаълум тилларда ибодат қилувчи одамни дарёning оқими билан сузиб кетаётган одам билан таққослаш мумкин. Ҳали номаълум тилларда ибодат қилмайдиган имонли - сувнинг оқимиға эргашмайдиган одамга ўхшайди. (Агар ўзини Муқаддас Рухга қандай бўйсундириш кераклигини билмоқчи бўлсангиз, биз бу ҳақда кейинги бобда сұхбатлашамиз).

Муқаддас Рух билан мулоқот – бу Раббий Исонинг ўлими ва қайта тирилиши орқали бизга очиқ бўладиган кўпгина дуо-бракатлардан биридир. Бироқ бу мулоқотни тўлиқ равища хис эта олиш нажот топиш вақтида беихтиёр содир бўлмайди. Афусуски, кўп имонлилар нажот инъомининг баъзи бир томонларидан роҳатланишни кўлдан бой бермоқдалар. Худо биз учун олиб қўйган барча нарсаларга эга бўлишга интилишимиз мухимдир. Раббий Исо бизлар нималарга эга бўлишимиз учун бизлар учун ўлганини билиб олиш – бу бизнинг Масихдаги саёҳатимизнинг улкан бир қисмидир. Биз энди аввал билганимиздек, айнан Муқаддас Рух бизга куч ато қиласи ва Шоҳликнинг топшириқлари учун шайлайди. Агар Муқаддас Рух томонидан бизга очиқ бўлган инъомлар ҳақида унутсак, унда биз Худо билан чукур яқинликни ҳам, Унга яхши хизмат қилиш учун бизга керак бўлган кучнинг ўлчовини ҳам менсимаймиз.

Тўртинчи. Шафоат учун номаълум тиллар

«Шунингдек, Рух ҳам заифликларимизда бизга ёрдам бермоқда; чунки биз қандай ибодат қилиш кераклигини билмаймиз, аммо Руҳнинг Ўзи сўз билан ифодаланмайдиган оҳ-нолалар билан биз учун шафоат қиляпти. Юракларни синайдиган Худо эса Руҳнинг фикрини билади, чунки Рух муқаддаслар учун Худонинг иродаси бўйича шафоат қиласди» (Рим. 8:26-27).

Повул мазкур парчани «Рух ҳам заифликларимизда бизга ёрдам бермоқда» деган сўзлар билан бошламоқда. Повул қандай заифликлар ҳакида гапирмоқда? Жавоб: «Чунки биз қандай ибодат қилиш кераклигини билмаймиз, аммо Руҳнинг Ўзи сўз билан ифодаланмайдиган оҳ-нолалар билан биз учун шафоат қиляпти». Бошқача сўз билан айтганда, бизнинг заифлигимиз шундаки, биз бу дунёда содир бўлаётган нарсалар ҳакида чекланган маълумотга эгамиз. Шунинг учун биз қандай ва нима ҳақида ибодат қилишни билмайдиган вақтлар бўлади. Бироқ биз Муқаддас Рухга суюнганимизда ва Руҳда (ахир У ҳамма нарсани билади) шафоат қилганимизда, У Худонинг мукаммал иродасига биноан биз орқали ибодат қиласди.

Мен коллежда ўқиб юрганимда, Пурдю университетининг талабалари бўлган йигит ва кизлар учун Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича курсни олиб борган эдим. Гуруҳда олтмишга яқин одам бўлиб, уларнинг баъзилари ҳеч қачон жамоатга бормаган, бошқалари ҳар хил деноминациядаги жамоатлардан эдилар. Гуруҳдаги бир қиз номаълум тиллар йўқолиб кетган деб ҳисоблайдиган деноминацияда ўсган эди. Бир куни кечкурун у менинг Муқаддас Рух ҳақидаги дарсимни эшишиб, номаълум тилларнинг шу кунгача мавжудлигини ва улар ҳақида Муқаддас Китобда ёзилганини тушунди. У ўша оқшом Муқаддас Рухга тўлди.

Кейинги кун тонгти 6:30да, мен - коллеж талабаси уйғонишни

истаган вақтдан анча барвақт телефон қўнғироғи мени уйғотди. Айнан ўша қиз мендан у билан учрашишни қатъий сўради. У яшайдиган аёллар ётоқхонаси бизнинг эркаклар ётоқхонамизга яқин бўлиб, йўлнинг нариги томонида жойлашган эди. Мен ўзимни тўшакдан аранг тортиб чиқардим ва у мени кутиб турган кўчага йўл олдим. Мен ҳали уйқусирар ва шу қадар эрта қилинган қўнғироқ туфайли озроқ жаҳлим чиқаётган эди. У эса, аксинча, жуда ҳам асабий ҳолатда эди. Мен ундан нима бўлганлигини айтиб беришини сўрадим.

У деди: «Худо мени тонгги соат бешда уйғотди. Мен номаълум тилларда ибодат қилишга кучли даъватни хис қилдим, шу сабабли, шундай қилдим ҳам ва тез орада шафоат қилаётганимни ҳис қилдим. Мен Худодан нима учун шу қадар қаттиқ номаълум тилларда ибодат қилаётганимни кўрсатишини сўрадим ва Раббий жавоб бериб, бир кекса одам учун ибодат ва шафоат қилаётганимни айтди. Шунинг учун мен ибодат қилишни давот эттирдим».

Ундан кейин унинг бир хонадаги ёнма-ён қўшнисига эрталабки соат олтида қўнғироқ қилишиб, унинг бувасида юрак хуружи бўлганлигини ва уни қутқариб қолган шифохонага уни зудлик билан етказганликларини айтишганини у айтиб берди. Бу ҳақда менинг танишим эшитганида, Муқаддас Рух унга: «Сен шу одам учун ибодат қилган эдинг», -деб айтибди. Бу номаълум тиллардаги шафоатнинг –ибодатнинг ажойиб мисолидир. У ўша одамнинг ҳаёти ҳавф остида эканлигини тушунмаган эди, бироқ Муқаддас Рух билган эди. Агар у ўзининг одатий вақтида фақатгина онг билан ибодат қилганида эди, у унинг учун шафоат қила олмаган бўлар эди.

Менинг онам Флорида штатида яшайди, шу сабабли, мен унинг ҳаётида ҳозир нима содир бўлаётганини аниқ билмайман. Калифорния штатида яшайдиган синглизминг ҳаётида нима содир бўлаётганини билмайман. Лекин Муқаддас Рух уларнинг иккаласи учун Худонинг мукаммал иродасини билади ва мен ибодатда Унинг ҳамкори бўлишга рози бўлганимга қараб, У мен орқали шафоат

қилади. Муқаддас Рух ҳамма нарсани ўрганиб чиқади ва ҳамма нарсани билади. Биз Муқаддас Рухга биз орқали ибодат қилишига рухсат берганимизда, бизни ажойиб тинчлик чулғаб олади!

Хусусий номаълум тиллар ҳақида тушунча

Мен «хусусий тиллар» категориясига қўшган икки турдаги тиллар тўғрисидаги истиснога эътибор қаратиш муҳимдир. Шундай ҳолатлар бўладики, Муқаддас Рухга тўлган имонлилар биргаликда номаълум тилларда ибодат қиласилар. Мазкур ҳолатларда уларнинг барчаси биргаликда Рухда ибодат қилганликлари етарлича ўринлидир. Имонлилар тингловчиilar олдида номаълум тиллардаги ибодатдан ўзларини тишишлари керак бўлган яна бошқа ҳолатлар ҳам бор. Повул шундай сўзларни айтмоқда:

«Агар бутун Жамоат бир ерда тўпланиб, ҳамма *номаълум* тилларда гапира бошласа ва оддий одамлар ёки имонсизлар у ерга кирса, унда «сизлар ақлдан озибсизлар», - деб айтмайдиларми?» (1Кор.14:23).

Мазкур оятда икки гурух одамлар ҳақида гапирилмоқда. Биринчидан, Повул имонсизларни тилга олаяпти. Бу ҳали Исо Масихни ўз Раббийси сифатида қабул қилмаган, ҳали *имонга келмаган* одамлардир. Иккинчи гурух одамлар – *бильмайдиган* одамлардир. Бу Исо Масихга ишонадиган, лекин уларга Муқаддас Рух ҳақидаги таълимот айтилмаган одамлардир. Имонсиз ёки билмайдиган одам қолган барча одамлар биргаликда номаълум тилларда ибодат қилаётган мухитда ўзини ноқулай ҳис қиласиди. Шунинг учун у осонгина ибодат қилаётганлар ҳақида: «Улар ақлдан озишмаганми?» – деб ўйлаши мумкин.

Афсуски, мен кўп бора яхшанба кундаги эрталабки хизматларда қўпчилик одамлар номаълум тилларда ҳаммалари биргаликда, бир вақтнинг ўзида ибодат қилганларини ва етакчилар уларни бунга қўллаб-қувватлаганларини кўрганман. Ҳақиқатан ҳам бир вақтлар анча олдин менинг ўзим ҳам

билмаслигим туфайли одамларни шундай ибодат қилишга даъват этганман. Оддий якшанба кунги хизматларда одатда меҳмонлар бўлади, улардан кўпчилиги имонсизлардан ёки билмайдиганлардан бўлади. Улар эҳтимол шундай деб ўйлаган бўлишса керак: «Бу ерда ақлдан озганлар йиғилишмаганми?». Мен шуни пайқадимки, бундай жамоатлар қийинчилик билан ўсадилар ва ўз шаҳарларига базур таъсир кўрсатадилар. Муаммо уларнинг Коринфликларга биринчи мактуб (14:23)да берилган донолик ҳакида унутаётганликларида эмасми? Ўйлайманки, агар улар мана шу руҳда давом этсалар, унда билмайдиганлар ва имонсизлар уларнинг олдиларига қайтиб келишмайди.

Бошқа томондан, жамоат имонлилар учун ибодат йигинини ташкиллаштириши мумкин (дейлик, шанба куни эрталаб ёки душанба куни кечқурун). Бу йигинларга биладиган ва имонли одамлар келадилар. Ўшанда, ҳамма номаълум тилларда ибодат қилиши тўлиқ ўринлидир, чунки бундай йигинларга Раббийга хизмат қилиш ва шафоат қилиш учун йигиладилар.

Бошқача сўз билан айтганда, Повул имонлилар номаълум тилларда биргаликда ибодат қилиш учун йиғилишлари мумкин бўлган ҳолатлар йўқ, деган эмас. У шунчаки, ҳали имонга келмаганлар ва тиллар борлигини билмайдиган одамлар йигиладиган жойда номаълум тилларда сўзлаш маълум вазиятдагина бўлиши мумкинлигини айтиб, чегара белгиламоқда

ХУДОНИНГ СИЗЛАР УЧУН ИСТАГИ

«Шундай қилиб, биродарларим, пайғамбарчилик қилиш учун раşқ қилинглар, номаълум тилларда ҳам гапиришни тақиқламанглар. Ҳамма нарса одоб ва тартиб билан қилинсин» (1 Кор. 14:39-40).

Жамоат ажойиб номаълум тиллар инъомидан тегишлича фойдалана олмаслигини Повул билар эди. Шу сабабли, у бизни огохлантиради: Номаълум тилларнинг тўғри туридан

тўғри жойда фойдаланинг ва номаълум тилларда гапиришни унтиб юборманг, чунки айрим имонлилар Муқаддас Рухнинг ушбу мислсиз инъомини йўқотиб қўйдилар. Афсуски, жамоат Муқаддас Рухнинг кўп инъомларига аҳамият бермайди. Бу фожеали, чунки Муқаддас Рух жамоатга куч ато этиш учун юборилган. Худо Ўз жамоатини у орқали Ўз Шоҳлигини ёядиган восита сифатида танлаган. Агар бизга Исо Масихдаги ҳолатимиз билан биргаликда берилган кучда турмасак, биз ўз тахтининг кучини қўллашни рад этадиган подшоҳдан хеч қандай фарқ қилмаймиз.

Қанча имонлилар Муқаддас Рухнинг бу ажойиб инъомларини қўлдан бой бермоқдалар, чунки номаълум тиллар йўқолиб кетган деб ўйлашмоқдалар. Худонинг юрагини тушуниш қийин эмас: «Сизларнинг ҳаммангиз номаълум тилларда гапиришингизни хоҳлайман» (1 Кор. 14:5). Айримлар буни Худо эмас, Повул ёзган деб тасдиқлаб, рози бўлмасликлари мумкин. Тимўтийга иккинчи мактубда: «Бутун Ёзув Худодан илҳомланган», (3:16) -деб ёзилган, демак, бу оят ҳам бундан мустасно эмас.

Ҳеч қачон унутманг: Номаълум тиллар инъоми – бу Муқаддас Рухнинг кучига тўлишнинг муҳим жиҳати, шунингдек, Худо билан бизнинг ўзаро яқин муносабатларимизнинг ажойиб қисмидир. Шунинг учун мен Повул сизлар ҳақингизда айтган ўша умидни айтаман: сизлар ушбу ажойиб инъомга эга бўлишингиз ва кучда ҳамда Муқаддас Рухнинг ҳузурида хар куни ўсишингиз учун ибодат қиласман.

1-кун. Кундалик ўқиши учун

МУҚАДДАС РУҲ ҲАРАКАТНИ ОЛИБ КЕЛАДИ!

*Худо хабарни аломатлар, ажойиботлар, ҳар турли
мўъжизалар ва Ўз иродаси бўйича тарқатган Муқаддас
Руҳнинг инъомлари билан тасдиқлади.*

– Ибронийларга 2:4, (NLT таржимаси)

Муқаддас Рух – бу кўпгина ажойиб йўллар билан намоён бўладиган ҳаракатнинг ижрочисидир. Ёзувда У кабутар, олов, шамол ва шароб кўринишидаги рамзлар орқали гавдаланади. Бу кўринишларни тушуниш бизга Унинг феъл-авторини ва У қанчалар бизнинг ҳаётимизда хамда бизнинг ҳаётимиз орқали ҳаракат қилишни истаётганини англашга ёрдам беради.

Муқаддас Рух кабутар сифатида. Барча тўртта Хушхабарда Муқаддас Рух Исо Масихнинг устига кабутар кўринишида тушгани таърифланади. Кабутарлар табиатига кўра беозор ва меҳрибон мавжудотдирлар, улар жуда ҳам қўрқоқдирлар, уларни осонгина чўчитиб юбориш мумкин. Улар фақат бехатар ва осуда деб ҳис қилган жойга дам олиш учун учиб борадилар. Улар ўзига жуфт танлаб, бир умрга танлайдилар. Муқаддас Руҳни яхшироқ тушунишга бу билимлар қанчалик ёрдам бермоқда? Энди Унга нисбатан муносабатингиз қандай бўлади?

Матто 3:16-17; Марк 1:9-11; Луко 3:21-22; Юханно 1:32-33ни ўқиб чиқинг.

Муқаддас Рух олов сифатида. У Ўзини Мусога ёнаётган бутада ва Исройлга оловли устунда намоёт қилди. «Элликлик» кунида Муқаддас Рух одамларни «олов каби бўлинаётган

тиллар»га чўмдирди (Хав. 2:3га қаранг). У Исо Масих ер юзига олиб келган Оловдир ва биз Уни ўчириб қўймаслик учун хушёр бўлишимиз керак. Оловнинг сифатлари ҳақида ўйлаб кўринг: у тозалайди, нур беради, иссиқлик/харорат чиқаради, бутун атрофни ютиб юборади. Бу билимлар ҳаётингизда Муқаддас Рухнинг Оловини тушунишга қанчалик ёрдам бермоқда? Оловни нима озиқлантириб турибди ва аланганинг ёнишига нима ёрдам бермоқда?

Ҳаворийлар 2:3;4; Луко 12:49; 1 Салоникаликларга. 5:19–21; Матто 3:11, 12; Луко. 3:16, 17; Йеремиах 20:9, 23:29; Ибронийларга 12:29ни ўқиб чиқинг.

Муқаддас Рух шамол сифатида. У «Элликлик» кунидаги нафакат олов каби, балки шамол каби ҳам намоён бўлди. Шамол енгил шабададан қудратли довулгача ўзгариши мумкин. Шамол нима қилиши ҳақида ўйлаб кўринг. Қандай қилиб, Муқаддас Рухнинг шамоли ҳаётингизнинг ҳар хил мавсумига харакатни олиб келиши мумкин? У нимага олиб келиши мумкин?

Юҳанно 3:5-8ни ўқиб чиқинг.

Муқаддас Рух шароб сифатида. Шогирдлар «Элликлик» кунидаги Худонинг ишларини эълон қилиб, номаълум тилларда гапирдилар. Бу ҳаракатдаги Муқаддас Рухнинг намоён бўлиши шу кадар дикқатга сазовор эдики, баъзилар уларни ҳаддан ташқари кўп шароб ичган деб ўйладилар. Бироқ Петъор гап шаробда эмас, Муқаддас Рухнинг кучида эканлигини айтди! Тўхтанг ва ибодат қилинг. Шароб одатда инсоннинг ҳиссиётига

172 МУҚАДДАС РУХ

қандай таъсир күрсатади? Муқаддас Рұхнинг янги шароби сизга қандай таъсир қилиши мумкин?

Ҳав. 2:13–18; Лк. 5:37, 38 (шуннингдек, Мк. 2:22; Мат. 9:17); Эф. 5:18, 19; Эст. 1:10; Йерем. 31:11–13ни ўқиб чиқинг.

«Самолар Муқаддас Рұхни сиғдира олмайды, шундай бўлса ҳам, У Ўз хизматкорларининг юракларида уй қурмоқда. Биз Унинг маъбадимиз. Унинг ҳар бир яқинлашиши билдан буюк шараф садосини чиқаради.

Агар У шамол каби бўлса, унда биз шамолнинг мусиқасига ўхшашибўламиз; агар У шабнам каби бўлса, унда бизнинг ичимиизда гуллар очилади; агар у аланга каби бўлса, унда биз иссиқдан ёнамиз. У бизнинг ичимиизда қандай ҳаракат қўлмасин, биз Унинг овозига жавоб қайтарамиз».

– Чарльз Х. Сперджен

2-кун. Кундалик ўқиши учун

УНИНГ ҲУЗУРИ ГУВОҲЛИК БЕРАДИ!

*Муқаддас Рух ҳузурининг гувоҳлиги ҳар бир одамга
ҳамманинг фойдаси учун берилади.*

– 1 Коринфликларга 12:7, (GW таржимаси)

Худонинг Рухи бўлган жойда, Унинг гувоҳлиги ҳам бор. Дарё ва денгизлар саҳрога оқиб бормоқда. Кўрлар кўрмоқда, карлар эшитмоқда. Чўлоқлар юрмоқда, соқовлар гапирмоқда. Кўркув енгилди ва умид қайта туғилмоқда! Бизни Худонинг Рухи билан муносабатлар янада боғлагани сари, ҳар турдаги мўъжиза ва аломатлар ҳаётимизнинг манзараларида пайдо бўлмоқда.

Ҳаворийлар китобидаги воқеалар Муқаддас Рух келганида, одамлар Унинг ҳузурининг намоён бўлишини кўрганларини ва эшитганларини қайта ва қайта тасдиқламоқда. Ўз ҳаётингизга назар ташланг ва Муқаддас Рух ҳузурининг қандайдир бир намоён бўлганини ёдга олинг. Муқаддас Рух намоён бўлган ва ҳаётингизни тубдан ўзгартирган вазиятларни таърифловчи бир жуфт гап ёзинг.

Мен эслайманки, _____

Мен эслайманки, _____

Мен эслайманки, _____

Шошманг. Худонинг эзгулиги устидан фикр юритинг. Сиз Унинг содиқлигини эслаганингиз сари Муқаддас Рух сизнинг ҳаётингизни қайта тирилтиурсин!

Мен Раббийнинг ишларини эслайман. Сенинг қадимги мўъжизаларингни эслайман. Сенинг барча ишларинг ҳақида фикр юритиб, ҳатти-ҳаракатларинг ҳақида чуқур ўйлайман. Ё, Худо! Сенинг ўйлинг муқаддасдир! Ким бизнинг Худойимиздек буюк Худо? Сен мўъжизалар қилувчи Худосан. Сен ҳалқлар орасида йўз қудратингни намоён қилдинг.

– Сано 76:12–15

Муқаддас Рух илгари ҳам сизга ёрдам берган ва У сизга келгусида ҳам ёрдам беришни хоҳлайди! Сизга ҳозир нимада Унинг ёрдами зарур? Унинг қаршисида тинчланинг ва уни яна сизга ёрдам беришга чакиринг! Ундан сизга Унинг ҳақиқий эканлигига ва У ҳақиқатан ҳам сизга ҳамда сизни ўраб турган одамларга ғамхўрлик қилишига гувоҳлик беришини сўранг. Жимжитликда туринг. У сизга нима демокда?

Худога ҳамду-сано келтиринг. Унга ҳамду-сано ва миннатдорчилик ибодатини ёзинг. У бунга лойикдир!

З-кун. Кундалик ўқиши учун

МУҚАДДАС РУҲГА ТЎЛИШ - БУ ДОИМИЙ ҲОЛАТ

*Шароб ичиб маст бўлманглар, чунки у сизнинг
ҳаётингизни барбод қиласди; бунинг ўрнига Муқаддас
Руҳга тўлиб-тошинглар.*

– Ефесянам 5:18, (NLT таржимаси)

Повул орқали айтилган Муқаддас Рухга тўлиш ҳақидаги Худонинг амри муҳимдир. Юононча «тўлиб-тошиш» сўзи, pleroo (плэй-ро-о) деган маънони англатади, унинг синонимлари «тўлмоқ ва жон бўйлаб тарқалмоқдир». Мазкур ҳолатда энг муҳими - феълининг замонидир: мажхул феъл, буйруқ шакл, ҳозирги замон. Мажхул нисбат - «сиз» (эга) ҳаракатга дучор қилинган бўлишингизни, буйруқ майли бунинг таклиф эмас, балки буйруқ, амр эканлигини билдиради ва ҳозирги замон ҳаракатнинг доимий давомийлигини билдиради.

Эфесликларга мактуб Муқаддас Китобнинг кенгайтирилган таржимасида шундай ҳақиқатни очиб беради: «Шунингдек, бузуқлик келтирадиган шароб ичиб маст бўлманглар, балки Руҳга тўлиб-тошинглар ва Муқаддас Руҳга итоат қилинглар». Муқаддас Руҳга доимий тўлиш ҳолати Раббий Исодек яшаш ва осмонда бўлгани каби ерда Худонинг иродасини ўрнатиш учун барча зарур нарсалар билан таъминлади. Хушхабарчи Смит Вигловорт шундай деган:

«Мен учун Муқаддас Руҳга чўмиш нима бўлганини хеч қачон тўлиқликда баҳолай олмайман... Муқаддас Руҳга тўлиш – бу дабдаба ва бир вактнинг ўзида бу биз учун илоҳий амрдир... Тасдиқлайманки, доимо тўлиб туриб, сиз номаълум тилларда эрталаб, кундузи ва кечқурун гапирасиз. Сиз Руҳда яшаб, уйингизнинг зинасидан пастга тушасиз ва шайтон сизнинг қаршингизда чекинишига тўғри келади. Сиз унинг

176 МУҚАДДАС РУХ

устидан ғолибдан кўра устун бўласиз.

Рухда яшаб туриб, сиз қимирлайсиз, ҳаракат қиласиз, еб-ичасиз ва ҳамма нарсани Худонинг шарафи учун қиласиз. Бизнинг мактубимиз ҳар доим мана шундай бўлади: «Муқаддас Рухга тўлиб-тошинг». Бу сиз учун Худо тайинлаган ўринидир ва само ердан нақадар юқори бўлгани каби, у табиий ҳаётдан шу қадар юқоридир. Унга тўлиш учун ўзингизни Муқаддас Рухга бўйсундиринг».

Петъор, Юҳанно ва бошқа шогирдлар «Элликлик» кунида Рухга чўмган эдилар. Шундан сўнг, тез орада улар ибодат вақтида Муқаддас Рухга яна тўлдилар.

Бу ҳакида Ҳаворийлар китоби (4:23-31)да дикқат билан ўқиб чиқинг. Муқаддас Рухга доимий тўлиш ҳолатига етишиш учун таърифлангандан қандай сабоқлар чиқаришингиз мумкин?

Худо Повул орқали Муқаддас Рухнинг «мазкур инъомига бепарволик килишни эмас», балки «Худонинг инъомини алангалатиш»ни буюрмоқда. Бошқача сўз билан айтганда, доимо Муқаддас Рухга тўлиб-тошинг. Эфесликларга 5:18, 19; 6:18 ва Яхудо 20ни дикқат билан ўқиб чиқинг. Муқаддас Рух сизга, ичингиздаги оловни қандай алангалатиш кераклиги ҳакида нимани кўрсатмоқда?

Шундай қилиб, мана мен сизлардан Худонинг ёрдами билан нимани хоҳлаяпман: кундалик одатий ҳаётингизни – ухлайсизми, ейсизми, шига борасизми, Худонинг қаршиисига олиб келинг, кундалик барча ишларингизни олиб келинг ва уларни қурбонлик сифатида Худонинг қаршиисига қўйинг. Худо сизлар учун тайёрлаб қўйган барча нарсаларни қабул қилиши – Унинг учун қила олишингиз мумкин бўлган нарсаларнинг энг аълосидир. Ҳаттоди ўйлаб ҳам ўтирумасдан, маданиятга мослашии учун шу қадар ўз маданиятингизга яхши мослашган бўйманг. Бунинг ўрнига бутун диққатингизни Худога қаратинг. Сиз ичкаридан ташқарига ўзгарасиз.

– Римлянам 12:1, 2 (The Message таржимаси)

4-кун. Кундалик ўқиши учун

У СИЗЛАРНИ МАЪЛУМ МАҚСАД БИЛАН ТАЪМИНЛАГАН

*Бироқ ҳар бир кишига Ҳудонинг Кимлигини кўрсатувчи
қандайдир иш берилган: ҳар бир киши бунда иштирок
этмоқда, ҳар кимга у фойдалидир.*

– 1 Коринфянам 12:7 (The Message таржимаси)

Раббий Исо томонидан бошланган ишни давом эттириш учун Муқаддас Рух бизга алоҳида инъомларни берган. Инъомларнинг ҳар хиллигига қарамасдан, «буларнинг ҳаммасини ўша битта Рух келтириб чиқаради. У Ўзи хоҳлагани бўйича буларни ҳар кимга алоҳида тақсимлади» (1 Кор. 12:11).

Бу инъомлар бугун харакат қиласидими? Биз Раббий Исо қилган ишларни қилишимиз керакми? Албатта, ҳа! Хушхабарчи Рейнхард Бонке бутун Африка қитъаси бўйлаб миллионлаб одамлар Масихга келаётганларини кўриб, шундай деган:

Мен қаттиқ ишонаманки, Ҳудо – Ўз халқи учун мўъжиза Яратувчидир. Раббий Исо ер юзида юрганида Унинг ортидан эргашган аломатлар бугун бизнинг ҳаётимизда ҳам муҳим бўлиши керак ва бунинг мумкинлигига ишонаман. Раббий Исо Ўз шогирдларига: «Менга ишонган одам, Мен қилган ишларни қиласи ва бу ишлардан кўра каттарофини ҳам қиласи, чунки Мен Отамнинг олдига кетяпман», -деди.

Римликларга 12:3-8ни дикқат билан ўқиб чиқинг ва тилга олинган инъомларни айтиб беринг. Умуман олганда, сиз уларни (мақсад ва вазифасини) қандай таърифлаган бўлар эдингиз?

Энди келинг, 1 Коринфликларга 12:4-11ни ўқиб чиқамиз ва тўққизта инъомларни белгилаймиз.

Умуман олганда, сиз уларни (мақсад ва вазифасини) қандай таърифлаган бўлар эдингиз?

Иккала парчалардаги бу инъомларга назар ташланг. Ушбу инъомлардан бирортаси сизда харакат қиласими? Агар ҳа бўлса, унда қайсилари?

Ишончингиз комил эмасми? Мазкур инъомлардан қай бирлари сизни жуда ҳам қизиқтироқда ва хурсанд қилмоқда? Муқаддас Руҳдан У сизни нақадар таъминлаганини кўрсатишини сўранг.

Сиз бошқа инъомларга қандай муносабатда бўлишингиз ва Муқаддас Руҳ сизга қандай инъомлар бергани мухимdir. Худо демоқда: «Сизнинг муносабатингиз қандай бўлиши кераклигида Масихнинг Ўзи сизнинг намунангиз бўлсин» (Флп. 2:5, Филиппс таржимаси). Рейнхард шундай сўзларни қўшиб, ушбу сўзларни таъкидламоқда:

«Худонинг ишининг муваффақияти бизларнинг ҳеч биримизга боғлиқ эмас... Барчаси Унга боғлиқлик орқали амалга ошади. Мен Худо фойдаланишга кодир бўлган нолман, чунки мен Унинг овозини барча овозлардан юқори қадрлайман... Мен Худонинг бошқа хизматкори устидан ҳеч қачон ўзимни баланд қўймаслигим керак».

1 Коринфликларга 12:12-26 ва Римликларга 12:3-5ни дикқат

180 МУҚАДДАС РУҲ

билин ўқиб чиқинг. Муқаддас Рух сизга муносабатингиз ҳақида нимани кўрсатмоқда? Ҳар бир одамнинг инъоми, шу жумладан, сизнинг инъомингиз нақадар мұхим? Агар сиз ўз инъомларингизга бепарволик билан қарасангиз ва улардан фойдаланмасангиз, Масихнинг Танаси билан нима содир бўлади?

Бундан кейин ўрганиш учун:

Тўғри муносабатга эга бўлиш: Флп. 2:1-8; 2 Кор. 8-9; Мт. 2 3:11,12.

Шунингдек, Муқаддас Рух имонлиларни маълум мақсад билан хизматга тайинлайди: 1 Кор. 12:28-31; Эф. 4:11-14.

УНГА ХУДОНИНГ ИРОДАСИГА МУВОФИҚ СИЗ ОРҚАЛИ ИБОДАТ ҚИЛИШИГА РУХСАТ БЕРИНГ

Худонинг Рухи бизга ёрдам берши учун ҳар доим биз билан ёнма-ёндир. Агар биз қандай ва нима учун ибодат қилишини билмасак, бу муҳим эмас. У биз учун ибодат қилмоқда, бизнинг тилсиз хўрсинишларимиз, оғир оҳ-нолаларимиз билан биз орқали ибодат қилмоқда.

– Римликларга 8:26 (The Message таржимаси)

Сизда қачонлардир ҳаётий вазиятлардан шу қадар эзилган ва қандай ибодат қилишни билмаган пайтингиз бўлганми? Сиз ёлғиз эмассиз. Сон-саноқсиз кўп муқаддаслар ҳаётда бундай даврларни бошдан кечирганлар. Бундай лахзаларда, Худо сиз Ундан қочишингизни эмас, Унинг олдига югуришингизни хоҳламоқда. Ўз чиганоғингизда бекилиб олишнинг ўрнига, юрагингизнинг эшигини кенг очишингизни У хоҳлайди. Сиз нима дейишни ва қандай ибодат қилишни билмаганингизда, сизнинг ичингизда яшаётган Масих Рухи билади.

Худонинг Рухи сизнинг ичингизда яшаётганини фақатгина бош билан эмас, юрак билан ҳам билиш жуда муҳимдир. Кейинги оятлар устидан маълум вақт фикр юритинг. Муқаддас Рух сизга қандай ҳақиқатларни очмоқда?

Гал. 4:6; Рим. 8:16; 1 Кор. 6:19; Юх. 14:23; 1 Юх. 3:24; 4:12, 13 оятлар устидан фикр юритинг. Муқаддас Рухдан сиз учун Ўзини реал қилишини сўранг.

Худо «хар доим ва ҳар қандай вазиятларда Рухда ибодат қилишингизни» хоҳлайди (Эф. 6:18, NLT). Кўпгина жисмоний синовлардан қаҳрамонларча ўтган ва кўп йилларни қамоқхонада ўтказган қимматли хизматчи Вочман Ни шундай деган:

«Худога шараф, бизда бизга ёрдам бераётган қудратли Муқаддас Рух бор. Бизнинг ичимиизда кучли меҳнат килаётган, бизнинг ичимиизда бўладиган Муқаддас Рухга суюнишимиз керак, зеро У заифлик ва фафлат вақтида бизнинг кўмагимиздир. Гарчи биз қандай ибодат қилишни билмасак-да, ҳатто ўшанда ҳам бизнинг ичимиизда бўладиган, Худонинг иродасини била-диган Муқаддас Рух бизни Худонинг онгига биноан ибодат қилишга ўргатади».

Ўйлаб кўринг, ўзингиз учун, бошқалар учун ва сиз тўқнаш келадиган вазиятлар учун қандай ибодат қилиш кераклигини нақадар аниқ биласиз? Ҳар бир ибодатимизда Худога нисбатан муносабат ва муомала қандай бўлиши керак?

Ҳикматлар 3:5–8; 28:26; Луко. 18:9–14; Ёкуб 4:6–10ни ўқиб чиқинг.

Сиз Худонинг мукаммал иродасида юрмоқчимисиз? Муқаддас Рух биз орқали йиги билан, хўрсанишлар, оҳ-нолалар ва самовий тилларда ибодат қилганида, сизга уни бажаришингизга ёрдам беради. «Бизнинг юрагимизни билувчи Ота Муқаддас Рухнинг гапиравётганини билади, чунки Муқаддас Рух биз имонлилар учун Худонинг иродасига кўра ибодат қиласди» (Рим. 8:27, NLT). Бу Ёзув оятини ўқиб чиқинг. Муқаддас Рух у орқали сизга нима демокда?

Зеро агар кимдир номаълум тилда гапириш қобилиятига эга бўлса, у фақат Худога гапиради...

У Руҳнинг кучи билан гапиради, бироқ унинг барча сўзлари сирдир. Ким номаълум тилда гапирса, у шахсан ўзини мустаҳкамлайди. Зеро мен номаълум тилда ибодат қилаётганимда, гарчи руҳим ибодат қиласа ҳам, унинг нима деяётганини мен тушунмайман. Нима қилиш керак? Руҳ билан ибодат қиласаман, тушунадиган сўзлар билан ҳам ибодат қиласаман. Руҳ билан қўйладиман, мен тушунадиган сўзлар билан ҳам қўйлайман.

–1 Кор. 14:2,4,14,15 (NLT)

«Сиз ўзингизни Муқаддас Руҳга бўйсундирганингизда, У сизни ва сизнинг муҳтожсликларингизни Отанинг таҳти қаршиисида тақдим этади. Муқаддас Руҳ Ҳудонинг мукаммал онгини ва иродасини билади. У сизнинг юрагингизни текширади ва сизни ўзингиздан ҳам яхшироқ билади. У сизнинг муҳтожслигингизни Ҳудонинг таҳти қаршиисида сиздан кўра яхшироқ тақдим этади, Муқаддас Руҳнинг сиз орқали ибодат қилишини ўтказиб юборманг».

– Кетрин Кульман

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

Агар сиз бу китобни «Хабарчи» хизматидан Муқаддас Рух ҳақидағи материалларнинг бир қисми сифатида ўқиётган бўлсангиз, унда марҳамат қилиб, 4-видео дарсини кўринг.

- 1 | Нажот топиш лаҳзасида Муқаддас Рух келиб, бизнинг ичимизда Ўз уйини қуриш билан У бизни Ўзи билан тўлдириши орасида фарқ борлигини тушуниб етиш мухимdir.
- 2 | Нимадебўйлайсиз, нима учун Раббий Исо Ўзшогирларига бориб, Унинг Шоҳлиги учун нимадир килишдан аввал Муқаддас Рухга тўлишни қутишни буюрди? (Ҳав. 1:4-5га қаранг). Биз бу «юқоридан бўлган кучни қабул қилишни қутиш» негизидан нимани ўрганишимиз ва бугун уни ўз хаётимизда қандай қўллашимиз мумкин?
- 3 | Муқаддас Рухга тўлиш бизга номаълум тилларда гапиришга куч беради. Номаълум тил – бу биз тушунмайдиган тилдир. «Элликлик» кунида бошқа мамлакатдан Иерусалимга келган қандайдир содик яхудийнинг ўрнида ўзингизни тасаввур қилиб кўринг. Нима деб ўйлайсиз, агар у имонлиларнинг унинг ўз шевасида Исо Масих орқали нажот топиш ҳақида гапираётганларини эшитганида эди, унинг муносабати қандай бўлган бўлар эди?
- 4 | Муқаддас Рух имонлиларни тўлдираётганида, қандай икки куч ҳар бир ҳолатда доимо амалий ҳаракат қиласи? Худо қандай сабабга кўра, Корнилийга ва унинг оиласига бир вақтнинг ўзида нажот ва Муқаддас Рухга тўлишни

берди? Сиз Худони солиб кўйган «диний кути»ни Худо қандай синдиргани ҳақидаги ва Унинг Ким эканлиги ҳақидаги сизнинг тушунчангизни қандай кенгайтиргани ҳақидаги воқеани сўзлаб беринг.

- 5 | Агар башоратларнинг намоён бўлиши ва номаълум тилларда гапириш имонлилар учун бугун ҳам жуда мухим бўлса, Повул «ҳамма ҳам номаълум тилларда гапирмайди», (1 Кор. 12:27-30га қаранг) ва «тиллар йўқ бўлиб кетади», (1 Кор. 13:8-12) деб айтганида, нимани назарда тутган эди? Ушбу ояtlарни дикқат билан ўқиб чиқинг ва тушунириб беринг.
- 6 | Муқаддас Китоб тилларнинг тўрт хил тури борлиги ҳақида гапирмоқда. Кейинги ояtlарни ўқинг ва тилларнинг тўрттала турини айтиб ўтинг, шунингдек, Худо Муқаддас Руҳнинг бу тўртта ҳар хил намойишини Ўз Жамоатига нима учун берганлигини тушунириб беринг.

- 1 Коринфликларга 14:22;
 1 Коринфликларга 12:10;
 1 Коринфликларга 14:14,15;

Нима учун бу тилларнинг турлари орасидаги фарқни тушуниш мухим?

- 7 | Имонли одам Муқаддас Руҳга тўлган бўлиши ва номаълум тилларда гапирмаслиги мумкинми? Агар «ҳа» бўлса, унда нима учун, агар «йўқ» бўлса, унда нима учун? Қандай ўзига хос сабабларга кўра бу содир бўлади?

ҚАЙДЛАР

БОБНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ:

- Муқаддас Рух кучининг инъом қилиниши Шоҳликнинг барча ишлари учун муҳимдир.
- Муқаддас Рухга тўлиш – бу нажот топишдан сўнг содир бўладиган алоҳида ҳолатdir.
- Нажот бизга Масихда ўрин беради; Муқаддас Рухга тўлиш бизга У каби яшашга куч ато этади.
- Номаълум тиллар йўқ бўлиб кетмаган, биз Раббий Исони юзма-юз кўрмагуниизча, улар ҳаракат қиласидилар.
- Номаълум тилларнинг тўртта тури мавжуд: имонсизлар учун белги сифатида бўлган номаълум тиллар, талқин қилиш учун номаълум тиллар, шахсий ибодат учун номаълум тиллар ва шафоат учун номаълум тиллар. Биринчи иккитаси умумий қўллаш учун, иккинчи иккитаси хусусий қўллаш учун хизмат қиласиди.

РУҲНИНГ ТИЛИ

*Агар сиз Уни номаълум тилларда шарафлассангиз, унда
Худо сизни тушунади... чунки сиз сир тутилганларни
фақат У билан бўлишасиз.*

– 1 Коринфликларга 14:2. (The Message таржимаси)

1-кун

Менга Муқаддас Китобнинг «The Message» таржимаси Худойимиз билан ушбу шахсий учрашувни қандай таърифлаши ёқади. Номаълум тиллар фақатгина сиз билан Худонинг ўртасида содир бўладиган курдатли ўзаро ҳаракатнинг ифодасидир.

Охириги бобда биз Янги Аҳдда таърифланган номаълум тилларнинг тўртта турини кўриб чиққан эдик: имонсизлар учун аломат сифатида бўлган номаълум тиллар, жамоатда талқин қилиш учун номаълум тиллар, шахсий ибодат учун номаълум тиллар ва шафоат учун номаълум тиллар. Кейинги иккитаси хусусий фойдаланиш учун мўлжалланган бир вактда, биринчи иккита тури (икки кишидан ортиқ йигилган) умумий хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган. Бу бобда биз Худонинг Рухи билан бизнинг шахсий ўзаро ҳаракатларимизнинг вазифасини ва табиатини кўриб чиқишни давом эттирамиз. Улар номаълум тилларда гапириш ва тушунган ҳолда гапиришни ўз ичига олади. Бу иккита ифода биргаликда Руҳнинг тилини ташкил этади.

Яна бир бор тушунтириб бераман: бу икки ифода ҳақида «хусусий» ҳақида гапиргандек гапириб, улар фақатгина одам бир ўзи бўлганида ишлатилишини назарда тутмаяпман. аниқроғи,

самовий тилларнинг хусусий қўлланиши - Муқаддас Китоб «бильмайдиганлар» ёки «имонга келмаганлар» деб атайдиган одамларнинг ҳиссиётлариға сезгир бўлиш лозимлигини билдиради. Бу тур ибодатларни - одам ёлғиз бўлганида ёки Руҳнинг бундай кўринишини тушунадиган бошқа имонлилар орасида бўлганида қўллаши мумкин. Бу- биз ҳеч қачон оммага ёки унчалик таниш бўлмаган одамларга ёймайдиган ўз оиласиз билан шахсий сухбатимизга ўхшашибир, чунки ушбу унчалик таниш бўлмаган одамлар бизнинг нима ҳакида гаплашаётганимизни тушунишмайди (1 Кор. 14:22-25).

Петъор Коринфликларга биринчи мактуб (14:2)да номаълум тилларни «хусусий номаълум тиллар» сифатида қўллаш ҳакида нима деяётганига эътибор қаратинг. Афсуски, кўп жамоатларда шахсий номаълум тилларнинг гажойиб инъомини тушунишмайди ва бутунлай қўлдан бой беришади, чунки қалин яқинлик мос вақтни ва жойни талаб қилишини англаб етмайдилар.

Ҳар қандай жуфтлик жинсий муносабатлар учун ўз вақтига ва жойига эга бўлади. Бу уларнинг тўйларигача содир бўладими? Йўқ. Омма олдидами? Албатта, йўқ. Бир вақт ва жой учун чиройли бўлган ва Худо томонидан ўрнатилган нарса- бошқаси учун ноўрин ва ахлоқ қоидаларига хилоф бўлиши мумкин. Худо жинсий яқинлик факат шахсан ва факат эр-хотинлик қасамёди алмashiшгандан сўнг амалга ошишини ўрнатган. Худди шундай тилларнинг маълум турлари факатгина хусусий қўлланиши керак, чунки улар руҳий маънода жисмоний яқинликка ўхашаш бўлган, шунингдек, ўз жойи ва вақтига эга бўлган пинҳона яқинлик учун мўлжаллангандир. Дунё жинсий муносабатлар борасидаги Худонинг азалий ниятини ва максадини бузганлиги учунгина масиҳийлар жинсий муносабатлар инъомидан тийилишлари керакми? Албатта, йўқ! Худди шундай, биз номаълум тиллар инъомини бекор кила олмаймиз ва улардан нафратлана олмаймиз.

Жамоатдаги кўп одамлар номаълум тиллар инъомларининг ҳар хил томонларидан нотўғри фойдаланишганини ва ҳаттоқи, уларни суниистеъмол қилишганини учратганликларини биламан.

Бироқ биз кимдир буни нотўғри тушунаётгани ва нотўғри фойдаланаётгани учунгина - бу инъом ҳақида Масихнинг танасига таълим беришни рад этмаслигимиз керак. Мана нима учун мен бу бобда бизнинг самовий тилимизнинг яширин табиатини ўрганиб чиқиб, сизларга унинг мақсадини ва ҳаётдаги вазифасини яхшироқ билиб олишингизга ёрдам бермоқчиман.

Ёдингиздами, Муқаддас Рух – бу сиз ўзингизни Худо Сўзининг донолигига бўйсундирганингизда, сизга ҳамма ҳақиқатни очиб берадиган ҳақиқат Рухидир. Қисқа муддатга тўхтанг ва Уни мазкур дарсга таклиф қилинг. Ундан Унинг Сўзига қарама-қарши бўлган ҳар қандай бидъатлардан ва қотмалардан онгингизни тозалашини сўранг. Агар Худонинг чексиз шуҳратини бизнинг чекланган тушунчамиз белгилаши ва чегаралашига рухсат берсак - Худонинг тўлиқлигини ҳис қилишимизнинг имкони бўлмайди.

ПРЕЗИДЕНТ ВА ШОҲ

Америка Кўшма Штатлари фуқароси сифатида, мен президентимиз билан тушлик қилиш таклифномасини қабул қилишни шараф деб ҳисоблаган бўлар эдим. Бизнинг президентимиз – ер юзидағи энг маълумотли ва кучли одамлардан биридир. Кўплаб, турли хил тизимлар унинг қўл остида эканлигини хисобга олган ҳолда айтишимиз мумкинки, у учун мавхум бўлган маълумотнинг борлиги амри-маҳол. Президентнинг бизнинг аҳволимиз ҳақидаги билими менинг билимдан анча ортиқ; у бош қўмондон бўлган бир вақтда, менинг ҳукumatда ҳеч қандай ўрним йўқ. Шу сабабли, мамлакатимизнинг ишларини муҳокама қилишда президент мен билан менинг тушунчам даражасида гаплашган бўлар эди. Бошқачасига мен у билан муносабат кура олмаган бўлар эдим, чунки сермаҳсул мулоқот умумий даражани талаб этади.

Худди шундай, мен бутун дунёнинг Шоҳи билан Унинг даражасида мулоқот қила олмайман. АҚШнинг президенти

мамлакатимиздаги ишларнинг ҳолати ҳақида кўп нарсани билиши мумкин, лекин Худо мутлақо ҳамма нарсани билади. Ундан ҳеч нима яширин эмас. Мен Худога онг билан ибодат қилаётганимда, менинг мақсадим ва билимларим чеклангандир. Худога Ўз болалари билан яқинликнинг чекланган даражаси етарли эмас. Шунинг учун У бизга У билан Унинг даражасида мулоқот қилиш имкониятини берган. У буни Унинг Рухининг инъоми орқали амалга ошириди. Худо бизга гўё шундай демокда: «Мен Ўз болаларим билан Менинг билимларимдан, тушунчамдан ва донолигимдан анчагина паст бўлган даражада, шунчаки мулоқот қилишни хоҳламайман. Мен уларнинг Мен билан чукур муносабатга кириш қобилиятига эга бўлишларини истайман. Шунинг учун Мен Ўз болаларимга Ёрдамчини - Ўз Рухимни бермоқчиман». Муқаддас Рухнинг ҳузури ва У билан мулоқот туфайли биз Яратувчи билан чукур яқинликни хис қилишимиз мумкин.

Худонинг иродаси ва Унинг йўллари бизнинг чегараланган тушунчамиздан устундир, бироқ биз Рухда ибодат қилганимизда, биз ўзимизнинг шахсий тушунчамизга кўра эмас, балки Унинг Рухининг иродасига кўра ибодат киласиз. Тушунаяпсизми? Биз Рухда ибодат қилганимизда, Худонинг мукаммал иродасига мувофиқ ибодат киласиз.

ЖАНГ УЧУН НОМАЪЛУМ ТИЛ

«Чунки бизнинг жангимиз қон-у танага қарши эмас, балки бу дунёдаги зулматни бошқарадиган бошлиқларга, ҳокимлар-у ҳокимиятларга ва самовий оламдаги ёвузлик рухларига қаршидир» (Эф. 6:12).

Баъзан биз шайтон бутун инсониятни қириб ташлаш учун уруш эълон қилганини осонгина унутамиз. Унинг режаси ҳар доим бизни Яратувчи – ҳаёт манбаи Бўлгандан ажратишни ўз ичига олади. Бироқ Худо душманнинг ниятини билади. У

Ўзининг туганмас донолигида шайтоннинг режаларини пучга чиқариш учун сирли режани ишлаб чиккан. Повул ўйиндаги бу ўзгаришни Коринфликларга биринчи мактуб (2:7-8)да таърифламоқда: «Бироқ Худонинг сирли ва яширин бўлган донолигини воизлик қилмоқдамиз. Худо бу донолигини асрлар бошланишидан аввал бизнинг шухратимиз учун тайин қилган. Шу доноликни бу дунё ҳокимларидан ҳеч ким англамади. Буни англаганларида эди, шуҳрат Раббийсини хочга михламас эдилар». Повул «аввалдан тайинланган» бироқ Раббий Исонинг ўлиб-тирилишидан сўнг очилган сирли ва яширин доноликни-хочнинг кучини таърифламоқда. Шу тарзда, душманнинг азалий ниятларини пучга чиқариб, Раббий Исонинг ходдаги курбонлиги бизга Худо билан яқин ўзаро алоқаларга эшик очди.

Худонинг хоч ҳақидаги режаси – бу фақатгина дунё бошликларидан яширин бўлган сир эмас. Ҳозир ёпиқ ва уларни фақатгина Муқаддас Рух билан очиш ва фарқлаш мумкин бўлган Худо донолигининг (Унинг Сўзининг) кўпгина соҳалари мавжуд. Имонлилар сифатида бизга бу сирларга фақат Муқаддас Рух орқали кириш хукуки берилган. Мазкур китобда айтиб ўтганимдек, Худо фақат бизнинг најотимиз билан қаноатланмаган. У шунингдек, бизга Масихда ўрин берган ва узоқ вақт бизнинг жонимизнинг азобловчиси бўлмиш худди ўша душман устидан куч ва ҳокимиятни ишониб топширган. Энди биз меросхўрлар ва Худонинг Шоҳлигига жангчилармиз, бизнинг мақсадимиз Масихнинг ишини ёйиштир. Худо Ўзининг донолигида бизларларнинг орамиздан Унинг вазифаси учун қурашаётганларга Ўзининг мукаммал режасини яширин бериш йўлини яратди.

Уруш даврида қўшин, кўпинча, қийин кодларни яратиб ва маълумотни химояланган частоталарда узатиб туриб, режа ва маълумотларни яширин бериб юбориш учун бутун бошли «тиллар»ни ишлаб чиқади. Нима учун улар бундай йўл тутишади? Махфийлик – одамлар ҳаётининг хавфсизлиги ва ҳарбий ҳаракатнинг муваффакияти учун зарурдир. Агар душман уларнинг режаларини фош қиласа, у тўғри карши

хужумни режалаштира олади. Бизга Худонинг фарзандлари сифатида Муқаддас Рух орқали самовий яширин частоталарга эга бўлиш хуқуки берилган. Бу бизларга душманга бош Кўмондонимизнинг режаларини ошкор қилмасдан, Худо режаларининг сирларини очишимизга имкон беради. Повул давом этмоқда:

«Ҳар доим барча ибодат ва илтижолар билан Руҳда ибодат қилиб, бутун сабот билан ҳамма муқаддаслар учун бўлган илтижоларда хушёр бўлинглар».

–Эф. 6:18

Худо сизга шунчаки ибодат қилишни буюрмади, айнан бизлар – Унинг өрдаги жангчилари зулматнинг кучи билан курашамиз. Бизнинг энг даҳшатга соловчи қуролларимиздан бири – бу Руҳда ибодат қилишдир. У душманни Худонинг стратегиялари ортида турувчи режа ва мақсадларидан бехабарликда тутиб туради.

Баъзан Худо онани ўз ўғли учун шафоат қилишга унданб, унинг юрагига оғирлик юклаб қўяди. У ўғлининг ҳаётида нима содир бўлаётганини умуман билмаслиги мумкин, аммо Муқаддас Руҳнинг даъватига кўра у ибодат қилишни бошлиши кераклигини тушунади. Шафоат ибодатида, у ўзининг номаълум тилида руҳий дунёда буйруқ беради ва ўғлининг ҳаётида Худонинг мукаммал иродаси учун ибодат қиласи. Шу сабабга кўра, бизга шундай дейилган: «Жангни яхши маслаҳатлашиб олиб бор» (Ҳик. 20:18).

Самовий тил бизнинг тушунчамиздан устундир ҳамда вақт ва масофа билан чегараланмаган. Биз Руҳда ибодат қилаётганимизда, ўз онгимизга умид қилмаймиз, балки Худонинг туганмас донолигининг кенглигига суюнамиз. Бу Повул нима учун: «Сизларнинг барчангизни номаълум тилларда гапиришингизни истайман», –деб айтиётганининг сабабларидан биридир.

Душман бизнинг самовий тилимизни эшитмайди ва тушунмайди, чунки бу душманнинг сизга ҳамда бизнинг

биродар ва опа-сингилларимизга қарши ниятларини барбод қилишда жуда ҳам сифатли ҳаракат қиласиган Худонинг Унинг фарзандлари билан сирли мулоқотининг воситасидир.

«Мана, Мен сизларга... душманинг бутун куч-кудратини босиш учун ҳокимият беряпман».

– Лк. 10:19

Биз имонлилар Худонинг Шоҳлигини дунёда дадил тарқатиш учун зарур қурол-яроққа эгамиз (Мат. 11:12га қаранг). Жамоат – бу Масихнинг ердаги Танасидир. Биз айтиб ўтганимиздек, Раббий Исо бу ерда ортиқ жисман яшамайди. Биз Худо Шоҳлигининг элчилари ва жангчиларимиз, биз Унинг ўзгартирувчи қучини олиб юрувчи ва уни қайта тикланишга, озодликка ва қайта сотиб олинишга мухтоҷ бўлган одамларга берувчи кишилармиз. Бироқ биз Муқаддас Рухнинг кучисиз мухтоҷ ва ҳалок бўлаётган дунё учун ҳеч қачон Масихнинг Танаси бўла олмаймиз. Шайтон ва унинг югурдаклари сиздан кўркишмайди, улар Масиҳда сизнинг ким эканлигиниздан ва ҳамма нарсага Қодирнинг ўғил-қизи сифатида сиз эга бўлган кучдан кўркишади.

2-кун

ЯҚИНЛИК УЧУН ТИЛ

Биз хотиним билан етарлича узоқ вақт биргалиқда яшапмиз, шунинг учун бизнинг ўз тилимиз бор. Мен шунчаки СХХ дейишим мумкин ва хотиним мен нимани назарда тутаётганимни дарҳол тушунади. Биз турмуш қурганимизда, хар бир янги хизмат ўз номида «Халқаро Хизмат» сўзини ўз ичига олгандек туюлар эди. Шунинг учун биз Лиза билан ўз «Севги Халқаро хизмати»мизга асос солишга қарор килдик (СХХ). Биз бир-биримизга қараб, «СХХ» дейишимиз мумкин ҳамда

иккаламиз ҳам қучоқлашиш ва бўсаларни хоҳлаётганимизни тушунамиз. Бизни эшитган ҳар қандай киши шубҳасиз: «Улар нима ҳақда гапирайпти?» –деб ўйлайди. Эҳтимол, бу маъносиз тилдир, аммо у маҳфийдир, уни фақат мен ва Лиза биламиз. СХХ – бу бор -йўғи, биз бир-бirimiz учун ўйлаб топган мuloқotning кўпгина воситаларидан биридир.

Худди шундай, самовий тилда ибодат қилиб туриб, биз Худо билан якин, маҳфий мuloқot қиласиз. Сиз: «Жон, мен ҳаттоки, нима ҳакида ибодат қилаётганимни тушунмайман», -дейсиз. Наҳотки Муқаддас Китобда ёзилмаган: «Зеро агар мен номаълум тилда ибодат қилсан, рухим ибодат қилади, онгим эса ҳосилсиз қолади?» (1 Кор. 14:14). Ҳа, бу ҳақиқат. Бироқ айнан шунинг учун олдинги оят шундай демоқда: «Шунингдек, номаълум тилда гапирувчи талқин қилиш учун ибодат қилсин» (13-оят). Мен номаълум тилларда ибодат қилаётганимда ёки Худо билан гаплашаётганимда, мен ундан ибодатларимнинг талқинини беришини сўрайман. Биласизми, ўшанда нима содир бўлади? Фоялар, донолик, ваҳийлар келади ва менинг руҳимдан отилиб чиқади. Фоя ва ваҳийлар мени тўлдираётганида, уларни денгизнинг тубидан чиқиб келаётган ҳаво билан солиштириб, ҳолатни жуда ҳам яхши таърифлаб бера оламан. Улар менинг ички одамимнинг тубидан озод бўлиб, онгимнинг ва тушунчамнинг юзасига чиқади.

Сизга мисол келтираман. Менга тушунарсиз бўлган Ёзув оятини ўқиётганимда, мен: «Муқаддас Рух, менга ўргат», -дейман, сўнгра, номаълум тилларда ибодат қилишни бошлайман. Ваҳий бир лаҳзада келмайди, одатда у кечроқ, мен қандайдир иш билан шуғулланаётганимда, рулда кетаётганимда, душ қабул қилаётганимда ёки шунчаки дам олаётганимда, голф ўйнаётганимда келади. Муқаддас Рух билан яқинлик натижасида, менинг ёзилган оятнинг маъносини равшан қилиш ҳақидаги илтимосларимнинг жавоби сифатида у мени қувиб етади. Худо Ўз сирларини бўйсунувчанларга очади. Биз ўзимизни бўйсундирганимизда (Муқаддас Рухдан Унинг бошқарувини сўраганимизда), биз У

билин чуқур яқинликни ҳис қиласиз ва буюк руҳий ваҳий оламиз.

Худди шу руҳий кучга ҳам тегишилдир. Повул унга тўғридан-тўғри Худонинг Рухидан айтилган кейинги сўзларни ёзган:

«Раббий эса менга деди: «Менинг иноятим сен учун етарлидир, чунки Менинг қудратим заифликда камолга етади». Шунинг учун, Масиҳнинг қудрати менда жо бўлиши учун бажонидил ўз заифликларим билан янада кўпроқ мақтанааман» (2 Кор. 12:9).

Худонинг кучи бўлмиш Унинг инояти, шунингдек, камтарларга ҳам қуйилади (Повул ўз «заифликлари»ни тан олаётганида, у айнан камтарлик ҳақида гапирмоқда). Сиз Худо Руҳининг туганмас донолигини забт этиб ўзингизни бўйсундирганингизда, сизга Худо кучи кўп меъёрда тушади. Ахир бу ҳам Муқаддас Рух билан яқинликнинг натижасидир.

Бизнинг ғарбий жамиятимиз натижаларга йўналтирилган. Агар биз ўз қучимиз ва харажатларимизнинг натижаларини тезда кўрмасак, кўпинча, ўз катъиятимизни йўқотамиз. Биз шуни тушунишимиз керакки, Руҳда ибодат қилаётганимизда, бу билан биз ўз келажагимизга экайтган бўламиз. Вахий бизнинг тушунчамизнинг сиртида пайдо бўлишидан олдин, баъзан маълум муддат кутиш керак бўлади. Руҳдаги ибодат имонни талаб қиласи, чунки бизнинг табиий онгимиз тугаган жойда имон бошланади. Руҳда ибодат бизнинг имонимизни чўзади ва Худонинг донолигини тушуниш қобилиятини кўпайтиради.

ОНГ БИЛАН ИБОДАТ

Мазкур боб Руҳдаги ибодатни кўриб чиқади, бироқ онг билан ибодат ҳам хаддан ташқари самаралидир. Повул аниқ қилиб, биз онг билан ҳам, Рух билан ҳам ибодат қилишимиз кераклигини айтмоқда.

«Руҳим билан ибодат қиласман, онгим билан ҳам ибо-

дат қиламан. Рухим билан қўшиқ айтаман, онгим билан ҳам қўшиқ айтаман» (1 Кор. 14:15).

Мен ўзонатилимда ибодат қилаётганимда, бевосита ўзонгимни барпо қиламан. Бундай ибодат кучли ҳиссиётни ва иштиёқни чакиради. У мени мен ибодат қилаётган одам билан боғлайди, у Лиза, фарзандларим, дўстларим, хизматдошларим ва бошқалар бўлиши мумкин. Худди шундай, мен онгимдан гапираётганимда ва Отамнинг улуғворлигини эълон қилаётганимда, ташаккур ва миннатдорчилик ҳиссига тўламан.

Худонинг бошқарувига эргашган ҳолда онгим билан ибодат қиласидиган ҳолатлар ҳам бўлади. Бу Руҳдаги ибодатнинг бошқа шаклидир. Бироқ мен қўпинча аввало Руҳда ибодат қиламан, сўнгра Худо менга мен ибодат қилаётган нарса ҳақида тушунча ва талқин беради. Ўшанда менга тушунарли бўлган сўзлар оғзимдан дарё бўлиб оқишни бошлайди.

Мазкур китобда Рух билан ибодат қилишнинг муҳимлиги ҳақида гапириб, мен онг билан ибодат қилишнинг зарурлигини мутлақо кичрайтирганим йўқ. Мен фақатгина шуни етказишига умид қиламанки, соғлом ибодатли ҳаёт Рух билан ибодат қилишни ҳам, онг билан ибодат қилишни ҳам ўз ичига олади. У ва бу ибодат ҳам Худодаги бизнинг ҳаётимиз учун жуда ҳам зарурdir.

БИЗНИНГ ҲАЁТ МАНБАИМИЗ

Ҳикматлар китобида шундай ёзилган: «Инсоннинг руҳи – унинг борлигининг барча ички кисмларини текширадиган Раббийнинг чироғидир» (20:27). Худо Руҳининг мўъжизалари онга эмас, аввало бизнинг руҳимизда ёришади ва очилади. Мана, нима учун биз Рух билан ибодат қилаётганимизда, биз шунингдек, ишонишимиз ва ибодатимизнинг талқинини сўрашимиз керак. Сўнгра, Муқаддас Рух бизнинг руҳимизга бераётган ваҳий чиқади ва тушунчамизнинг юзасигача кўтарилади.

Ёзув дейди: «Инсоннинг юрагидаги ниятлари (маслаҳат, до-

нолик, йўналиш ва мақсад) – чукур сувлардир, аммо ақлли одам уларни сузуб олади (Хик. 20:5). Худо хочнинг ёрдами орқали янги юрак берди (Йез. 36:26га қаранг). Энди биз янгиланган юрагимизнинг теранликларидан ниятларни (Муқаддас Китобнинг инглизча таржимасида «маслаҳатлар») сузуб олишимиз мумкин (Муқаддас Рух бизнинг Маслаҳатчимиз деб номланган). Юҳанно Хушхабари (7:38-39)да ёзилган Раббий Исонинг сўзлари бу ҳақиқатни тасдиқламоқда:

«Ким Менга имон келтирса, Ёзувда айтилганидек, ўша одамнинг бағридан ҳаётбахш сув дарёлари оқиб чиқади». У буни – имонлилар қабул қилиши лозим бўлған Рух ҳакида айтди, зеро ҳали уларда Муқаддас Рух йўқ эди, чунки Исо ҳали улуғланган эмас эди».

Шунингдек, Ишаъё китоби (12:3)даги бошқа оят ёдга тушади:

«Сизлар нажот булоқларидан қувонч билан сув тор-тасизлар...».

Юҳанно аниқ қилиб, Раббий Исо айтгандек, бизнинг юрагимиздан оқиб чиқадиган «тирик сув» – Муқаддас Рух эканлигини айтмоқда. Нима учун Раббий Исо Рухни сувга ўхшатаяпти? Сув ҳаёт ва соғлик беради, усиз ер юзида ҳаёт ийқ бўлиб кетади. Раббий Исо Муқаддас Рух ҳакида «тирик сув» ҳакида гапиргандек гапириб, Рух ҳаётнинг мазмуни эканлигини айтмоқда.

Худо шундай дейди: «Менинг ҳалқим билим етишмаслиги туфайли қириб ташланади...» (Хосия 4:6). Худо қанақа билим ҳакида гапирайпти? Айнан Унинг йўллари ва мақсадларини билиш ҳакида. Ажойиб янгилик, биз Унинг юрагини билиш билан келадиган ҳаётнинг тўлиқлигига яшай олишимиз учун Худо бизга Ўз Рухини юборди. Худонинг Кимлигини тушунмасдан, Унга хизмат қилишнинг иложи йўқ, ҳатто менинг хизматимдаги гурӯҳ аъзолари ҳам агар менинг юрагимда нима борлигини билмасалар, мен билан талаб қилингандай ишлай

олишмайди. Биз Худонинг Сўзини ўқиётганимизда ва ибодатда вакт ўтказаётганимизда, Муқаддас Рух бизга Худонинг юрагини очади. Бу куч бизга қувончда яшшимиз учун зарур. Нехемияҳ китобида ёзилган: «...Раббий олдиаги қувончинингиз сиз учун қувватдир» (8:10). Бошқача қилиб айтганда, биз ундан лаззатланганимизда (Муқаддас Рухнинг соғлигини хис қилганимизда), биз келажак учун кучга эга бўламиз. Сизни билмадим-у, лекин мен Унинг қувончисиз бир кун ҳам яшашни хоҳламайман.

ХУДОНИНГ СИРЛАРИ

Ҳикматлардаги ва Юҳанно Хушхабаридаги Ёзув оятларидан шуни кўраяпмизки, юракларимизнинг тубидан отилиб чиқаётган сув сирни ёки Худонинг яширин донолигини ўзида сақлади. Биз шунингдек, Худо бу сирларни ва тубликларни Ўз Рухи билан очишини ҳам биламиз. Энди яна бир бор Повулнинг сўзига назар соламиз: «Худонинг сирли ва яширин бўлган донолигини воизлик қилмоқдамиз» (1 Кор. 2:7).

Юонча «сир» сўзи «махфий» ёки «хиралашган» деган маънени эмас, «яширин ёки тўлиқ намоён бўлмаган» деган маъноларни билдиради.

Манзара қуидагича кўринишда намоён бўлади: тасавур қилинг, сиз ҳашаматли ресторанга келдингиз. Сиз нималарни ёқтиришингизни билиш учун сизнинг столингизга бош ошпаз келади. Сўнгра у сизнинг таъбингизга кўра ўзига хос таом тайёрлайди. Таом тайёр бўлганида, официант уни олиб келади ва сизнинг олдингизга қўяди. Модомики, бу юксак таъб ва модага жавоб берадиган ресторан экан, таом мижознинг столида пайдо бўлгунигача ёпиқ бўлиши керак. Олдингизда айнан сизнинг таомингиз турғанлигини биласиз, лекин у маълум бир сирга чулғанган, чунки у ҳозирча кўринмасдир.

Официант ликопчани стол устига қўйиб, қопқоғини очади ва марҳамат, мана, у, сизнинг таомингиз. Бош ошпаз сиз учун нима

тайёрлаганини мана энди кўряпсиз. Ахир таом қопқоқни очгандарида ликопча устида кутилмаганда пайдо бўлиб қолмади. У олдинроқ ҳам ўша ерда эди, шунчаки сиз уни кўрмаган эдингиз. Официант сизнинг тушлигингизнинг сирини очди. Бош ошпаз ушбу тансиқ таом нималигидан хабардор эди, лекин у сиздан яширин эди. Худо Ўз Рухи билан Ўзининг яширин режаларидан – Унинг сирларидан қопқоқни олиб ташлайди. Муқаддас Рухнинг ҳамкорлиги билан энди биз...

«Худонинг сирли ва яширин бўлган донолигини воизлик қилмоқдамиз... токи Худо бизга ато қилғанларини билайлик ва биз буни инсоний донолиқдан ўрганган сўзлар билан эмас, балки Муқаддас Рух ўргатган сўзлар билан воизлик қилиб, руҳий нарсаларни руҳий нарсалар билан таққослайлик» (1 Кор. 2:7, 12,13).

Кейинроқ, мана шу мактубда Повул шундай ёзган: «*Ким номаълум тилда гапирса, у одамларга эмас, Худога гапиради, чунки уни ҳеч ким тушунмайди. У Рух билан сирларни гапиради*» (1 Кор. 14:2). Ўхшашликни кўряпсизми? Номаълум тилларда гапирганимизда, биз Худонинг сирларини гапирамиз. Бу сирлар юрагимизнинг тубида яширин эканлигини (Ҳик. 20:5га қаранг) ва Худо донолигининг тирик суви бизнинг ичимиизда жўш ураётганида, юзага чиқишини (Юҳ. 7:38-39га қаранг) биз энди биламиз. Шунинг учун номаълум тиллардаги ибодат бизни барпо қиласи, чунки биз чукур маслаҳатни Рухнинг Ўзидан билишимиз учун у ҳаёт мазмуни бўлмиш «тирик сувни» сузиб олади!

Мен илгари айтганимдек, менинг тушунчамдан юкори бўлган Ёзув оятига етарлича кўп дуч келганман. Ўшанда, мен Рухда ибодат қилишни бошлаганман ва вахий олганман. Мен китоб ёзиш жараёнида кўп бора тўсатдан деворга дуч келиб қолганман. Мен бошқа ҳеч нарса айта олмайдигандек туюлар эди. Бундай вазиятларда қила олишим мумкин бўлган ягона нарса – компьютердан узоқлашиб, номаълум тилларда ибодат қилишдир ва одатда, янги вахий ҳеч бир муболагасиз мени

тўлдиришни бошлайди. Бу вазиятларда нима содир бўлади? Худо Рухининг тирик суви тўғридан-тўғри менинг юрагимдан оқади!

Агар сиз Худо билан мулоқот қилмасангиз, маълум бир сирлар сизнинг табиий онгингиз учун яширин бўлиб қолиб кетиши ҳам мумкин. Бу сизнинг қайси жамоатга боришингиз, кимга уйланишингиз ёки кимга тушмушга чиқишингиз, қанақа ишга киришингиз, қанақа уй сотиб олишингиз ёки етакчилар учун қандай ибодат билан шафоат қилишингиз, шунингдек, масалан, қандай қилиб янада яхшироқ турмуш ўртоқ бўлиш, болаларингизнинг тарбиясидаги даъватларни қандай уддлаш, ўз ишингизни қандай қилиб янада самаралироқ қилиш ва бошқаларга ёрдам бериш тўғрисидаги нарсалар сир бўлиши мумкин. Фақатгина ўз онгингиз билан бошқариб, барча хужум ва ташвишлардан ҳимояланишда Худо сизни ёлғизликда ташлаб қўймаганлиги ажойиб эмасми? Унинг Рухи орқали биз Унинг (биз учун ҳаммасидан яхши бўлган нарса ҳақидаги) режалари ҳақида билишимиз ва Унинг ваъда берган тинчлигидан роҳатланишимиз мумкин.

З-кун

ТИНЧЛИК: ЯҚИНЛИКНИНГ ИНЬОМИ

Галатликларга мактубнинг бешинчи боби – тинчлик Рух хузурининг намоён бўлиши ва бизнинг ҳаётимиздаги келишув эканлиги ҳақида гапирмоқда. Бу кундалик ҳаётда кўп ишлатила-диган ажойиб дуо-баракадир.

Ҳали уйланмаган пайтимда, менинг бўлажак хотинимнинг феъл-автори қандай бўлиши ҳақида умуман билмас эдим. Мен Лиза Тоскано исмли қиз билан учрашар эдим. У менга жуда ҳам ёқишини тушунар эдим. Менга унинг феъл-автори ёқар эди ва умуман олганда, ундаги ҳамма нарса мени ўзига тортар эди. Аммо

мен фақат Худо мен учун тайёrlаган қизга уйланишни хоҳлар эдим. Лиза Аризона штатида яшар эди, мен эса, Техас штатида яшар эдим. Бизларнинг иккаламиз ҳам бизнинг келгуси ўзаро муносабатларимиз учун Худонинг йўналишини излар эдик. Шунинг учун мен унга дедим: «Кел, ўттиз кун давомида ҳар куни ярим соатдан Руҳда ибодат қиласиз ва юрагимизга қулоқ соламиз. Агар сен қандайдир юракни сиқадиган хиссиётни сезсанг, демак, Худо бизга муносабатларимизни тўхтатишни айтаяпти. Бироқ агар юрагингда тинчлик бўлса, демак, Муқаддас Рух уларни давом эттиришга бизни ундаяпти». Биз ибодат қилган пайтимида, ҳар биримиз тинчликни ва қувончни ҳис қилдик, биз умидларга тўла эдик. Ўттиз кундан сўнг, ҳар биримиз ибодат вақтида нимани ҳис қилганимиз ҳақида очиқча гаплашиб олдик ва иккаламиз ҳам бир хил ҳисларни бошдан кечирганимизни билдик. Шундан сўнг биз жуфтлик сифатида гаплашишни давом эттиридик ва охири турмуш қурдик. Ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтди ва мен иккаламиз ҳам бу тинчликни ҳис қилганимиздан жуда ҳам миннатдорман!

Римликларга мактуб (8:14)да ёзилган: «Чунки Худонинг Руҳи билан бошқариладиганларнинг ҳаммаси Худонинг ўғиллари [ва кизлари]дир». Мазкур Ёзув оятида Муқаддас Рух Худонинг фарзандларини қандай бошқариши тушунтирилмоқда: «Ана шу Руҳнинг Ўзи бизнинг руҳимизга, биз Худонинг фарзандлари эканлигимиз ҳақида гувоҳлик бермоқда» (8:16). Бу Муқаддас Рух – Ўзининг тинчлиги ва гувоҳлиги билан етаклайдиган асосий йўлдир.

Сизда қачонлардир шунақаси бўлганми: сиз мантиқан тўғри қарор бўлиб кўринган ишни қилмоқчи бўлгансиз, лекин ҳар сафар у ҳақда ўйлаганингизда, эзувчи нокулайликни ҳис қилгансиз? Эҳтимол, сиз бунинг сабаби нима эканлигини, нимани нотўғри танлаганингизни тушунолмай ҳайрон бўлгандирсиз, ахир ҳаммаси тўғри бўлиб кўринган. Агар сиз Муқаддас Рух билан мулоқотда бўлган бўлсангиз, демак, унда бу сизга: «Бу йўналишида ҳаракат қилмагин», -деювчи У берган нокулай ҳис бўлган. Мен бунга ўхшаш ҳолатларни кўп маротаба ҳис қилганман. Баъзан

менинг Муқаддас Рух бошқаруви ортидан эргашиш қарорим йиллар ўтмагунича, ҳеч қандай маънога эга бўлмаган. Мен бундай ҳолатларда Унга ишонишни ўргандим. Ёдда тутинг, Унинг донолиги вақт билан, жой билан чегараланмаган – бу У сизни ҳозирда йўналтириб, ҳар доим келажагингизни хисобга олади демакдир.

Жуда ҳам хавфли бўлиб туйилган қарорни қабул қилиб, ажабланарли тинчликни хис қиласиган бошқа бир ҳолатлар ҳам бўлади – бу менинг юрагимда ҳукмронлик қиласиган Масихнинг тинчлигидир. Ҳаворий Повулнинг сўзларини ўқиб чиқинг:

«Худонинг [узил-кесил ва мустаҳкам, ҳеч қандай саволларга шубҳа қолдирмайдиган, онгда пайдо бўлувчи, тинчлик ҳолатини берувчи] (жоннинг уйғунлигига олиб қиласиган) тинчлиги юракларингизда ҳукмронлик қилсин [судья каби доимо харакат қилсин], чунки сизлар [Масих Танасининг аъзолари] бир Танада бўлиб, шунга [яшашга] дъяват этилгансизлар. *Доимо миннатдор бўлинглар*» (Кол. 3:15, кенг. тарж.).

Муқаддас Рухни судьяга ўхшатган Муқаддас Китобнинг кенгайтирилган таржимаси менга жуда ёқади. Яхши судья ҳар доим шубҳаларсиз ва чуқур ўйлашларсиз ҳуштак чалади. Худди шундай, Муқаддас Рух ҳам сизнинг онгингида пайдо бўладиган ҳар қандай саволларни (қарорларни, ваҳималарни ва бошқ.) иккиланмасдан бартараф этади. Агар сиз Унга зарур бўлганда, ҳуштак чалишига рухсат берсангиз, У сизга Ўзининг донолигини беради. Унинг «хуштаги» одамнинг шуурини тўлдириб турган тинчлик орқали ниҳоятда кўп эшилтирилади, бу Рухнинг гувоҳлигидир. Ёзув дейди:

«Шунда ҳар қандай тушунчадан юқори бўлган Худонинг тинчлиги сизларнинг юракларингизни ва фикр-мулоҳазаларингизни Исо Масихда сақлайди» (Флп. 4:7).

Биз Исо Масихда ўтқизилганмиз – демак, бизнинг

давримизда ниҳоятда қийин эришиш мумкин бўлган тинчликка кириш хуқуқини қўлга киритдик. Раббий Исо тинчликнинг Ҳокимиdir, шу сабабли, Унда бўлганларнинг барчаси тинчлик ваъдасига эга бўладилар. Биз Муқаддас Рухни қарорларимизни қабул қилишда иштирок этишга таклиф этсак, У ҳар доим Исо Масихнинг тинчлиги орқали гувоҳлик беради.

ТИНЧЛИК ВА ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Мен Messenger International хизматининг етакчиси бўлиб, Унинг тинчлиги тўлиқ ҳамроҳлик қилган кўп қарорларни қабул қилганман. Баъзан топшириқ кўлдан келмайдиган бўлиб кўринар эди, бироқ Худонинг тинчлиги мени хизматнинг имкониятини ўз фикр доирамда чеклаб қўйишдан ушлаб турар эди.

Муқаддас Рух менга гапирганини аниқ эшитган ҳолатлар ҳам бўлган. Масалан, мен ушбу китобни бошлашга тайёрланиб, умуман бошқа мавзуда ёзишни режалаштирган эдим. Мен рўза тутиб, ибодат қилганимда, Муқаддас Рух мени Унинг Кимлиги ҳақида ёзишга ундаи.

Кўпчилик қарорларга аниқ кўрсатмалар эмас, Худонинг тинчлиги (ҳар доим Унинг Сўзига мувофиқ) ҳамроҳлик қиласи. Лекин Худонинг Рухи менга гапирган вақтлар ҳам бўлган. Одатда, бу Худо мен учун умуман янги йўналишни ўrnатаётганида содир бўлишини пайқайман. Сизга мисол келтираман.

Messenger International хизматининг асосий мақсади - маҳаллий жамоат қуришни ўз ичига олади. Биз ишонамизки, маҳаллий жамоат – бу умидсизларни куткариш, умид олиб бориш, одамларнинг муҳтожликларини қондириш ва халқларда шогирдлар кўтаришнинг энг стратегик усулидир. Шимолий Америкадаги 20 мингдан ортиқ жамоатлар бизнинг ўқув дастуримиздан фойдаланмоқда. Биз Кўшма Штатларда, Канада, Австралия ва Бирлашган Қиролликда жамоатлар кўтаришдек асосий вазифаларимиз устидан кўп йиллар меҳнат қилдик.

2010 йил 31майда Дониёрнинг китобини ўқиганимда, Худо

менга: «Сен инглиз тилида гапиравчилар дунёсидаги маҳаллий жамоатларга интилиб, содик бўлдинг. Энди Мен сени узокқа – дунёнинг барча мамлакатларига юбораман», -деди. Буюк фурсат. Мен нима содир бўлишини мутлақо тушунмадим, шунинг учун хизматимиз етакчиларини йифинга чақирдим. Мен уларга Худо менинг юрагимга солган ваҳий ҳақида сўзлаб бердим ва 2011 йил давомида мен ривожланган давлатлардаги еткачиларга 250 мингта китоб тарқатишни хоҳлаганимни айтим. Ҳаммалари ҳайратда қолиши. Ҳеч қачон биз бир йил ичида ҳатто бу миқдорга яқин китоблар тарқатмаган эдик. Менинг ёрдамчим ва барча бўлим бошлиқлари мендан бундай топшириқни олганимга ишончим комил эканлигини кўп маротаба сўрадилар. Ахиди, у мендан бу топшириқни ибодатда Худонинг қаршисида кўтаришимни сўради. Албатта, менда тинчлик бор эди. Муқаддас Рух бу ҳақда менга баланд овозда гапириши шарт эмас эди, чунки мен бу мақсад Унинг биринчи йўналиши билан мос келганлигини билар эдим. Бу даъватда Унинг гувоҳлиги сезилиб туар эди. Мен бу ҳақида ўз гурухимга айтиб берганимда, улар менга берилган ваҳийни дарҳол қўллаб-кувватладилар. Табиийки, Худо ажойиб тарзда харакат қилди ва ўша йили биз дунёнинг 47 давлатларида чўпонлар ва етакчилар орасида 270 мингдан ортиқ китоб тарқатишнинг уддасидан чиқдик.

2011 йил Бейрут ва Ливанда мен(Яқин Шарқда 2500 нафар чўпон ва етакчилар йигилган аудиторияда воизлик қилган сафарим чоғида) бир ироқлик чўпон билан танишдим. Ушбу ўттиз олти ёшли киши ўз шахридаги энг катта жамоатнинг чўпони эди. У менга: «Чўпон Жон, сиз мен учун отамдексиз. Мен қўлга киритишга муваффақ бўлган сизнинг барча китобларингизни ўқиб чиққанман. Мен ҳаттоқи сизнинг сайtingиздан манбалар харид қилганман», -деди. Ундан бундай сўзларни эшитиб, уялганимдан ерга кириб кетгудек бўлдим. Мана бу - уруш ағдартўнтар қилиб юборган давлатдан бўлган, кўп пулга эгалиги амри - маҳол бўлган одам ва у пулларини Messenger International маълумотлари учун берган. Мен бу ҳақида ўйлаганимда, ушбу

маҳаллий жамоатларга ўз етакчиларини хизмат учун керакли маълумотлар билан таъминлашларига қандай ёрдам беришга донолик бериши учун Худога ёлвора бошладим. Мен Руҳда ибодат қила бошладим ва биз ривожланаётган давлатлардаги жамоатлар чўпонларига нафакат китобларни, балки тўлиқ ўқув дастурларини совға қила олишимиз мумкинлиги ҳақидаги ғояни олдим. Кейинги йил биз бу чўпонларга ва етакчиларга 1,3 миллион манба совға қилдик. Манбаларни тарқатишнинг барча умумий режасининг муҳим нуктаси www.CloudLibrary.org сайтидир, бундан чўпонлар ва етакчилар, шунингдек, уларнинг жамоатларининг барча аъзолари фойдаланишлари ва у ердан манбаларни ўз она тилларида юклаб олишлари мумкин. Шу тарзда, энди улар масиҳийлар учун очиқ бўлмоқда ва уларнинг сони ойдан-оига 2011 йилда совға қилинган дастлабки 270 мингтадан янада кўпроқ ошиб бормоқда. Агар биз Муқаддас Рух тинчлигининг гувоҳлиги ортидан эргашсак, Худо бизда ва биз орқали мана шундай ишни амалга оширишга қодирдир!

4-кун

ЙЎНАЛИШНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ

Кўпчилик имонлиларга Худонинг йўналишини топиш жуда ҳам қийин туйилади. Мен одамларнинг: «Худо менинг ўз ҳаётимда нима қилишимни исташини билмайман», деб айтганларини кўп бора эшитаман. Ёқуб бизга йўналиш зарур бўлган ҳолатларда нима қилишимиз кераклигини айтмоқда: «Агар сизлардан бирортангизга донолик етишмаса, Худодан сўрасин» (1:5). Юончча донолик сўзи - *sophia*, «тушуниш қобилияти ва натижада донолик билан ҳаракат қилиш»ни англатади. Ўйлаб кўринг: Худонинг донолиги орқали биз аввалом бор тушуниб, *кейин* эса, ҳаракат қила оламиз.

Худонинг донолигини тушуниш, сўнгра, ундан фойдаланиш қобилиятини бизга ким беради? Муқаддас Рух. Менга йўналиш

жуда ҳам керак бўлган шундай вазиятларга тушиб қолганман. Мен номаълум тилларда ибодат қилишни бошлаганимда, Худонинг донолиги ва йўналиши менинг руҳимдан кўтарилиб, онгимни тўлдиради. Номаълум тиллардаги ибодатнинг ҳаракати бизларнинг ҳаётимиздаги Худонинг йўналишини ёритади. Келинг, Ҳикматлар китоби (20:5)даги Ёзув оятини яна бир бор ўқиймиз: «Инсоннинг юрагидаги ниятлари – чукур сувлардир, аммо ақлли одам уларни сузуб олади». Бошқа инглизча таржимада «ниятлар» сўзининг ўрнига «мақсад» сўзи ишлатилмоқда. Бизга Масихда топшириқ ёки бизларнинг ҳар биримиз учун ноёб бўлган мақсад берилган. Бу мақсад сизнинг йўналишингизни белгилайди, у юрагингизнинг ичидаги чукур яширинган. Сиз Рухда ибодат қила туриб, Худонинг ниятларини пайқайсиз ва У сизга уларнинг мақсадини очади. Бу бир тунда содир бўлмайди, шунинг учун сабр-тоқатли бўлинг. Ўғилларимдан бири шундай деб айтишни яхши кўради: «Муқаддас Китоб – бу бизнинг харитамиз, Муқаддас Рух эса, бизнинг Йўлбошловчимиздир».

Йўналиш инъоми бизга ҳаётнинг ҳар бир соҳасида очиқдир. Агар сизга болаларингиздан бирини эплаш кийин бўлса, орқага бир қадам ташланг ва Рухда ибодат қилинг. У сизга ўзингизни қандай тутишни кўрсатади. Агар сиз савдо билан шуғуллансангиз ва нима қилишни билмаётган бўлсангиз, офиснинг эшигини ёпинг ва ҳаммасини Биладигандан донолик сўранг. У сизнинг ичингизда аллақачон бор бўлади, шунинг учун шунчаки сиз, ҳали сизга маълум бўлмаган нарсани оласиз. У сизга йўналиш беришни хоҳлайди! Ишаъё китоби (48:17) да шундай дейилмоқда: «Мен - сени фойдали нарсаларга ўргатувчи ва сени юришинг керак бўлган йўлдан етакловчи Раббий сенинг Худойингман». Худо Шоҳликда сизларга берилган мақсадни бажариб яшашингизни истайди. Худо бу йўлдаги сизнинг ҳар бир қадамингизни йўналтирувчи.

Баъзан одамлар менга: «Жон, буларнинг барчаси шунчалик «руҳий» ва қандайдир ғалати. Биз бундай илтимослар билан

Худога мурожаат қила олмаймиз. Уни фақат хизмат ишлари ташвишга солади», -дейишади. Биринчидан, Худода ҳеч қандай ғалатилик йўқ, шунинг учун у бизнинг ҳаётимизнинг барча соҳаларида аралашишида ҳеч қандай ғалатилик йўқдир. Одамлар ғалати бўлиши мумкин, лекин Ҳудо ҳеч қачон ғалати бўлмайди. Шунингдек, қандайдир одамлар Унинг Руҳининг намоён бўлишини қўллай олмаганликлари ва бузиб кўрсатганликлари учунгина Худонинг ваъдаларини унтиш ярамайди.

Иккинчидан, Муқаддас Китоб бизни «тинимсиз ибодат қилишга» ўргатмоқда (1 Сал. 5:17). Кўп масиҳийлар ушбу оят нимани англатишини тушуниш учун унинг контекстини кўриб чиқишига бирор марта ҳам фурсат топмаганлар. Шубҳасиз, Повул бу ерда: «Ҳаётингизнинг ҳар бир дақиқасида лабларингиз билан ибодатда ҳаракат қилинг», -демаяпти. Ахир Муқаддас Китоб бизга доимо Хушхабар айтишни ва бир-биrimизни қувватлашни айтаяпти. Биз бир вақтнинг ўзида унисини ҳам, бунисини ҳам қила олмаймиз.

Дарҳақиқат, Повул бу оятда Худонинг Руҳи билан доимий мулоқот ҳақида гапирмоқда. Буни қандай қилиш мумкин? Повул бизга жавобини бермоқда, чунки у яна шундай деб давом этаяпти: «Руҳни сўндиরманглар» (19-оят). Тинмасдан ибодат қилиш, Муқаддас Руҳнинг хузурини ҳеч қачон сўндирмасликни англатади, бу ҳар доим Унинг хузурини ёдга олишни ва Унинг овозига сезгир бўлишни англатади. Бошқача қилиб айтганда, бу - бизнинг ҳаётимиздаги Унинг иштирокини сиқиб қўймасликдир. Муқаддас Руҳ сизга ҳар бир саволда ёрдам беришни, сизни йўналтиришни ва сиз билан доимий мулоқотга эга бўлишни хоҳлайди. Бу Унинг тинчлигини, кучини ва ҳаётдаги йўналишини олиб келади.

Мен бизнесмен бўлишга даъват этилмаганман. Лекин агар мен бизнесмен бўлганимда эди, мен кўп вақтни ўз бизнесим учун руҳий ибодат қилиш билан ўтказган бўлар эдим, сўнгра, юрагимда тинчликка эга бўлган қарорларни қабул

қылган бўлар эдим. Сиз «тўлиқ хизматда» бўлмаганлигингиз учунгина, ўз Яратувчингиздан йўналиш олиш қобилиятингизга эътиборсизлик билан қараманг. У мени йўлимда йўналтиргани каби, сизни ҳам худди шундай йўлингизда йўналтиради.

ШАХСИЙ ИБОДАТ ВАҚТИ

Мен ибодат вақтимни бошида Ёзувни ўқишдан бошлаганимда, у анча самаралироқ эканлигини пайқадим. Худонинг сўзи менинг ақлимни тозалайди ва гўё руҳдан ақлга канал очади. Агар мен вақтни китоб ўқиш билан ўтказсам, унда кейинроқ Муқаддас Рух билан янада кучлироқ алоқани ҳис қиласман ва менинг ибодат вақтим Унинг намоён бўлган ҳузури билан боййиди.

Шунингдек, мен шуни билдимки, мен ҳаётимда Худонинг ҳузурини доимо эъзозлаганимда, У Ўзини очишини секинлатмайди. Мен Унинг улуғворлиги ва эзгулиги ҳакида фикрлашни бошлаганимда, тўсатдан Муқаддас Рух Ўзини намоён этади. Нима учун? Ҳамду-сано куйловчи бизга жавоб беради: «Унинг атрофидагиларнинг барчаси учун У кўрқинчлидир» (Сано 88:8га қаранг). Агар Худонинг ҳузурини ҳис килмоқчи бўлсангиз, сиз Унга Худонинг кўрқувида ва эҳтиром билан яқинлашишингиз керак. Ўзингизни Худонинг ҳузуридан жудо қилиш жуда ҳам осон, бу учун – Унинг олдида эҳтиромда бўлишни тўхтатиш ва Унинг Руҳини хурмат қилишни тўхтатиш керак, холос.

Раббий Исо Ўз шогирдларига (шу жумладан, бизга) қандай ибодат қилишни кўрсатганида, У шундай сўзлар билан бошлади: «Бизнинг Осмондаги Отамиз, Сенинг исминг муқаддас бўлсин...» (Мат. 6:9). Бошқача қилиб айтганда, биз Отамизнинг олдига яқинлашаётганимизда, аввало, Унинг ҳузурига муқаддас эҳтиром билан киришимиз лозим. Агар биз шундай йўл тутсак, Муқаддас Рух бизга Ўз ҳузурини намоён этади, чунки У эҳтиромда бўлишини У билади. Унинг ҳузури

бизга келажакни кўришга имкон беради, бизга донолик, билим ва куч беради. У ҳақиқатан ҳам бизнинг ҳаёт булоғимиздир! Нима учун биз ўзимизни Ундан узоқлаштиришни хоҳлашимиз керак экан?

РУҲДА ШАФОАТ ҚИЛИШ

Мен қачонлардир бир дўстим, жамоатнинг чўпони билан мунтазам ибодат қилган эдим. Ибодат вақтида биз кўпинча номаълум тилларда шафоат қиласр эдик. Бир куни биз ибодатда Яқин Шарқдаги қандайдир жойни гапираётганимизни ва буюраётганимизни аник билдик. Кейинги кун биз Турцияда кучли ер қимирлаш содир бўлганини билдик. Ишончим комилки, биз дўстим билан айнан мана шу мамлакат учун ибодат қилган эдик. Биз бу давлатнинг одамлари билан Руҳда бирлашдик, чунки айнан ўша Рух бизда бўлади. Худо Турциядаги одамлар ҳақидаги Ўз иродасини бизлар орқали айтди.

Руҳий шафоатнинг бу ҳаракати ерда Худо Шоҳлигининголга силжишида муҳим аҳамиятга эгадир. Биздан узоқда бўлган биродарларимиз ва опа-сингилларимиз учун Худонинг иродасини эълон қилишиши душман ёмон кўради. Унинг мақсади жамоатни бўлиб ва парчалаб ташлашдир, у бизнинг шафоатимизни ўз ақлимиз доирасида чеклаб қўйишни хоҳлаган бўлар эди. Балки сиз бутун дунёдаги имонлилар билан қанчалар чамбарчас боғланганлигингизни ҳеч қачон ўйламагандирсиз. Ҳатто, агар сиз улар билан табиий дунёда ҳеч қандай алоқага эга бўлмасангиз ҳам, сиз бошқа давлатлардаги имонлилар учун ибодат қилишингиз мумкин.

Бир сафар мен Кенияда Масай қабиласидан бир одам билан танишиб қолдим. Кейинчалик у Қўшма Штатларга келди ва Пенсильваниядаги дўстларимницида қолди. У уларницида бир ойга яқин яшади. Ора-сирада, у Африкада, уйида унинг оиласида нималар содир бўлаётгани ҳақида дўстларга айтиб турар эди. Ниҳоят, уй бекаси ундан: «Оилангизда нима содир

бўлаётганини сиз қаердан биласиз? Ахир уларда телефон бўлмаса», -деб сўради. У: «Повул Колосдаги ва Коринфдаги жамоатларда нима содир бўлганини, улардан узокда бўлганида ҳам билган. Мен Руҳда ибодат қилаётганимда, Раббий менга оила аъзоларим билан нима содир бўлаётганини кўрсатади», -деб жавоб берди. У айтган оятлар Колосликларга мактубда шундай дейилган: «Зоро мен жисман сизларнинг орангизда бўлмасам ҳам, руҳан орангиздаман; сизларнинг тартиб-интизомингизни ва Масихга бўлган имонингизнинг мустаҳкамлигини кўриб қувонмоқдаман» (Кол. 2:5) ва Коринфликларга биринчи мактубда ёзилган: «Мен эса танам билан сизлардан узокда бўлсан ҳам, лекин руҳим билан орангизда бўлиб...» (5:3). Повул бу жамоатнинг одамлари билан Руҳда бирга бўлган ва у ерда жисман бўлмаса ҳам, уларнинг ишлари ва ҳаёти ҳақида билган.

Кўпинча шундай бўладики, гурухим аъзоларидан ёки ҳамкорларимдан кимдир мен учун ибодат қилаётганини биламан. Баъзан мен оз бўлмаса ҳаёт ва ўлимнинг чегарасида бўлиб қолган хавфли вазиятларда бўлиб қоламан ҳамда Худо тўсатдан аралашиб, мўъжиза яратади. Бундай вазиятларда, кимдир менинг химоям учун ибодат қилаётганини ва мен учун Руҳда шафоат қилаётганини биламан.

ОРОМНИ БОШДАН КЕЧИРИШ

«Биродарларим, онгингизда болалар каби бўлманглар, ёвузликка нисбатан гўдаклар каби бўлинглар, онгингизда эса вояга етганлар каби бўлинглар. Қонунда ёзилган: «Бошқа тиллар ва бошқа оғизлар билан бу халққа гапираман» (1 Кор. 14:20-21).

Эҳтимол, сиз Повул Коринфликларга биринчи мактубининг 14-бобида номаълум тиллар ҳақида кўп ёзганини биласиз. Повул мазкур оятларда Ишаъё пайгамбарнинг сўзларини айтиб бермоқда: «Зоро бу халққа мужмал гапирадиган забон ва бегона

тилда гапиради. Уларга айтилган эди: «Мана – ором, хориганга дам беринглар. Мана – ором олиш» (28:11-12).

Худо номаълум тилларда гапириш ором ва дам олиб келишини Ишаъё орқали башорат қилган. Бир сафар менинг бир дўстим, катта жамоатнинг чўпони унга: «Мен бу хизматдан кетишга тайёрман. Мен чарчадим. Кучим йўқ, холдан тойдим», -деб айтган бошқа бир катта жамоатнинг чўпони билан гаплашиди.

Менинг дустим унга шундай жавоб берди: «Сен Рухда ибодат қилишни тўхтатгансан, тўғрими?» Ўша чўпон ҳеч нарса деб жавоб бера олмади ва менинг дўстим давом этиб: Сен қанча вақтни Рухда ибодат қилишда ўтказасан?» У бошида жим туриб, сўнгра, деди: «Ахир мен доимо воизликка тайёрланаман, менинг жамоатимда шундай кўп нарсалар содир бўлади, ахир унга 15минг нафар одам қатнайди ва...».

Менинг дўстим ундан яна сўради: «Сен Рухда ибодат қиласанми?» Нихоят ўша чўпон жавоб бериб: «Тўғрисини айтадиган бўлсам, йўқ», -деди. «Унда ибодат қилишни бошла».

Тез орада, ўша чарчаган чўпон хизматдан кетишни истамай қолди. Ҳозир унинг ва жамоатининг ишлари ажойиб кетмоқда.

Нима учун чўпоннинг номаълум тилда ибодат қилиши шу қадар муҳим? Биз Рухда ибодат қилганда ғайритабиий тинчликка ва янгиланишга эга бўламиз.

Қандай қилиб, доктор Чо 800 минг кишилик жамоатни бошқариши ва куйиб кетмаслиги мумкин? У Рухда ибодат қилади. Мен доктор Чодан кўра кўпроқ босимни ва жавобгарликни бошдан кечирган чўпонни тасаввур қила олмайман.

Унинг жамоати Жанубий Кореяни бутунлай ўзгартирди ва у дунёдаги энг хурматли чўпонлардан биридир. Одамга бундай юкни ўз кучи билан кўтариб юришнинг имкони йўқ. Бироқ мен доктор Чонинг ўз ақлига суянмаслигини биламан. У шахсий ибодатнинг аҳамиятлилигини тушунади ва у ҳар куни соатлаб Рух билан ибодат қилиб, улкан кучни ва қайта тикланишни

қўлга киритади.

Лестер Самралл Худонинг буюк одами бўлган. Мен бир неча маротаба у билан вақт ўтказиш шарафига мұяссар бўлганман. Доктор Самралл бир кечакундузда тўрт соат ухлар ва бир вақтнинг ўзида тўртта китоб ёзар эди! Унинг кучи ва ғайрати (ундан ёшига кўра икки баробар кичкина) унинг гуруҳ аъзоларидан ва кўпгина ёшроқ чўпонлардан кўра икки баробар кўп эди. У кучни қаердан сузиб олган? У кўп вақтни Рухда ибодат қилишда ўтказар эди.

Илтимос, тушунинг, биз ўзимизнинг жисмоний танамиз ҳақида зинхор унутмаслигимиз лозим. Худо аниқ қилиб, шаббатни хурмат қилишимизни ва унга амал қилишимизни бизга амр этмоқда. Биз жисмоний дам олишимиз керак. Мен голф ўйнайман, чунки у мени ишдан чалғитади ва менинг ақлимни, танамни бардам қиласди. У менинг дам олишимнинг кучли манбаидир. Бироқ шаббат оромига амал қилиб, Рух билан ибодатда бўлиб, биз руҳан ва жонан тетикликка эга бўламиз. Афсуски, кўпчилик одамлар вақтидан олдин ёниб кулга айланишди, чунки Рухда ором топа олишмади.

5-кун

БИЗНИНГ ИЧКИ ОДАМИМИЗ

«Номаълум тилда гапиравчи ўзини барпо қиласди»
(1 Кор. 14:4).

Юонча барпо қилиш «oikodomeo» ни билдиради. Бу сўз айнан «қуриш, ўрнатиш» деган маънони билдиради. Биз Рух билан ибодат қилганимизда, Худонинг хузурини ва кучини ўз ичимизда қабул қилиш қобилиятимизни қурамиз. Исо: «Шундай қилиб, кимки Менинг бу сўзларимни эшитиб, уларни бажарса, уни ўз уйини тош устида қурган фаросатли одамга

ўхшатаман» (Мат. 7:24), -деб айтганида, У худди ўша юончча сўзни ишлатган.

Шунингдек, Худо Яхудо орқали бизга гапирмоқда: «Сизлар эса, эй, севгандарим, Муқаддас Руҳда ибодат қилиб, ўзингизни энг муқаддас бўлган имонингизда барпо қилинглар» (20-оят).

Дўстларимдан бирининг ўғли жуда ҳам қаттиқ бетоб бўлиб қолган вақтларни эслайман. Врачлар унинг касалини аниклай олишмади ва дўстим нима қилишни билмай қолди. Охири у ўз оғисининг эшиги ичидан қулфлаб олиб, ўша ерда беш соат Руҳда ибодат қилди. Сўнгра, у оғисдан чиқиб, уйга келди ва уйга кириб, тўппа-тўғри ўғлининг хонаси томон йўл олди. У овозида қатъий ҳокимият билан унга тўшакдан туришни буюрди. Бола ўша пайтнинг ўзидаёқ бутунлай шифо топди. Нима содир бўлди? Бу Руҳда беш соат ибодат қилиш - отанинг ўз ўғли учун шафоат қилиш ва унга хизмат қилиш қобилиятини кўпайтирди. Биз Худодан қабул қиласиган ҳамма нарсани имонга кўра қабул қиласиз. Бошқа йўл йўқ – Муқаддас Руҳ билан вақт ўтказиш бизнинг ваъдаларни қўлга киритиш ва Худонинг хузурини намоён қилиш қобилиятимизни оширади, чунки у бизнинг ички одамимизни барпо қиласи.

ЧУҚУР САЖДА

Бизнинг самовий тилимиздаги ибодат бизга Худони янада чуқурроқ даражада шарафлаш ва Унга сажда қилиш лаёқатини беради. Повул шундай деган:

«Хуллас, агар сен руҳинг билан дуо ўқийдиган бўлсанг, ўша ерда турган оддий одам сенинг миннатдорчилигингга қандай қилиб «омин» дейди? У сенинг нима деяётганингни тушунмайди-ку! Сен яхши миннатдорчилик билдирияпсан, аммо бошқа *одам* барпо қилинмаяпти!» (1 Кор. 14:16-17).

Повул ҳамду-санонинг умумий ифодаси ҳақида гапирмоқда

ва биз «Руҳ билан дуо ўқиётганимиз» (Худони номаълум тилларда шарафлаётганимиз)да, биз яқинимизга ҳеч қайдай фойда келтирмаслигимизни кўрсатмоқда. Модомики, номаълум тиллардаги ҳамду-сано шахсий ифода экан, у умумий эмас, шахсий барпо бўлишни олиб келади. Повул Худони номаълум тилларда шарафлаш харакатини занҳор ерга ургани йўқ. У шунчаки, унинг ўз вақти ва жойи борлигини айтаяпти.

Повул қандай хulosса чиқараётганига эътибор қаратинг: «Сизлар ҳақиқатан ҳам яхши миннатдорчилик билдирияпсизлар!». Биз Худони номаълум тилларда шарафлаётганимизда, Муқаддас Рухга биз орқали Худонинг мўъжиза ва сирларини чиройли қилиб кўкларга кўтаришига имкон берамиз. Сажда қилишнинг янада чукурроқ даражаси мавжуд. Биз Худони номаълум тилларда шарафлаётганимизда, унга тушиб бора-миз. Мана нима учун Повул Руҳ ва онг билан кўйлаган (1 Кор. 14:15га қаранг).

ҲАР ҚАНДАЙ ОДАМ МУҚАДДАС РУҲГА ТЎЛИШИ МУМКИН

Масиҳийлар ўзларини юқори олиб бошқа имонлиларга менсимасдан қараётгандаридан, менинг юрагим озор чекади, чунки улар номаълум тилларда гапирмайдилар ва ибодат қилмайдилар. Масиҳдаги бу биродарлар ва опа-сингиллар Муқаддас Рухнинг ажойиб номаълум тилларда гапириш ва ибодат қилиш инъомини шунчаки ҳис қилмаганлар. Уларни бунинг учун уялтириш ва пастга уришнинг кераги йўқ, чунки бизларнинг барчамиз Масиҳда биттамиз.

Биз охирги бобда номаълум тилларда гапириш инъоми ҳар бир имонлига очиқлиги ва ҳали номаълум тилларда гапирмайдиганлар бу ваъдани йўқотмаслиги ҳақида гапириб ўтган эдик. Раббий Исо шундай деган: «Имон келтирганларга бундай аломатлар ҳамроҳ бўлади: ...янги тилларда сўзлайдилар...» (Мк. 16:17). Повул шундай деб айтган: «Сизларнинг ҳаммангиз номаълум тилларда

гапиришингизни хоҳлайман» (1 Кор. 14:5). Худонинг юраги Унинг барча фарзандлари учун очиқдир, улар самовий тилнинг ажойиб имтиёзидан роҳатланишларини У истайди.

МУҚАДДАС РУҲНИ ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУМКИН?

Мавзууни давом эттиришдан аввал, дастлаб менинг дўйстларимдан кўпчилиги ҳар хил вазиятларда – кимдир машинада, кимдир уйда, кимдир ҳаттоофисда Муқаддас Рухга тўлганликларини қайд этиб ўтмоқчиман. Қилиш керак бўлган нарса – фақатгина бизнинг самовий Отамиздан бизга Ўз Рухини беришини сўрашдир. Агар сиз мазкур инъомни аллақачон сўраган бўлсангиз, уни қандай қабул қилишни шунчаки билишингиз керак, холос.

Ҳаммасидан ҳам энг муҳими – Муқаддас Рухга тўлишдан олдин, сиз Исо Масихни ўз Раббийингиз ва Нажоткорингиз сифатида қабул қилишингиз керак. Дунё (нажотни қабул қилмаганлар) Муқаддас Рухни қабул қила олмаслигини Раббий Исо айтган (Юх. 14:17). Агар сиз ҳали Исо Масихни ҳаётингизнинг Раббийси деб қабул қилмаган бўлсангиз, сиз ҳозирнинг ўзида ўзингизни Унинг ҳокимлигига бўйсундиришингиз мумкин (Қандай нажот топиш мумкинлигини иловадан билиб оласиз).

Агар сиз Худонинг фарзанди бўлсангиз-у, атайн итоат қилмаётган бўлсангиз, унда сиз барибир Муқаддас Рухга тўла олмайсиз. Худо Унга итоатда бўлганларга Муқаддас Рухни беради (Ҳав. 5:32). Бу сизнинг мукаммал бўлишингиз кераклигини англатмайди, балки сиз Унинг иродасига бўйсуниш белгиси сифатида ўзингизни Унинг қаршисида бўйсундиришингиз лозимлигини англатади. Ўшанда Худо сизга гунохнинг хўрагини енгиб ўтишингиз учун Ўз иноятини беради ва сиз Муқаддас Рухга тўлиш учун яна очиқ бўласиз.

Кўпчилик масиҳийларнинг ҳаётидаги итоатсизликнинг

энг күп күринишларидан бири – хафагарчилиқдир. Сиз сизга қарши гунох қилғанларни кечириш ниятига эга бўлишингиз керак. Мен кўрган мисолларнинг мутлақ барчасида - Муқаддас Рухга тўлишни истаган имонли ўзи хафа бўлган у ёки бу кишини кечиришга қарор қилганида Муқаддас Рух ўзини намоён қилас эди. Ҳозирнинг ўзида шундай қилинг: сизга қарши гунох қилғанларнинг барчасини кечиринг ва Худодан юрагингизга уларга нисбатан Унинг муносабатини беришини сўранг. (Хафагарчилик ҳақида менинг («Шайтоннинг хўраги») китобимда янада батафсилроқ ўқиб чиқинг).

ШУНЧАКИ ИМОН БИЛАН СЎРАНГ

«Сизлардан қайси бир ота, ўғли ундан нон сўраса, унга тош берар экан? Ёки балиқ сўраса, унга балиқ ўрнига илон берар экан? Ёки тухум сўраса, унга чаён берар экан? Шундай қилиб, агар сизлар ёвуз бўла туриб, болаларингизга яхши ҳадялар беришни билсангизлар, боз устига, осмондаги Ота Ундан сўраганларга Муқаддас Рухни беради» (Лк. 11:11-13).

Кимдир: «Муқаддас Рухни сўраганингизда, Унинг ўрнига сиз ёвуз рухни қабул қилишингиз мумкин», - деб айтган эди. Раббий Исонинг қуидаги сўзлари бундай қўрқувни бутунлар таг-томири билан йўқ қилиши лозим: «Худо ҳар қандай эзгу ва мукаммал инъомларнинг берувчисидир» (Ёқуб 1:17га қаранг). Агар сиз Отадан Муқаддас Рухни сўрасангиз, У сизга жин бермайди. У сизга Муқаддас Рухни беради. Шунинг учун Муқаддас Рухга тўлиш учун очик бўлишдан қўрқманг.

Сиз буни қилганингиз заҳоти, Муқаддас Рух сизнинг тилингиздан тутиб, гапиришга мажбурлашини кутманг. У сизга танлаш учун ирода ва озодлик берган. Муқаддас Рух – хеч қачон сизни ҳеч нимага мажбуrlамайдиган жанобдир. Шайтон сизни нимадир қилишга мажбуrlайди, Муқаддас Рух фақатгина

сизни бошқаради ва йўналтиради. У сизга сўз беради (балки, бошида бу товушлар, буғинлар ва сўз бўлакларининг доимий тақрорланиши бўлади), лекин сиз Унга бўйсунишингиз ва Унга ўз лабларингизни, тилингизни ва товуш боғламларингизни ишонишингиз керак. Сиз буни амалга оширганингиз заҳоти, қайнаётган чойнакдан сув чайқалиб тўкилаётгандек, самовий тил сизнинг ичингиздан чайқалиб тўкилишни бошлайди. Дастлаб, фақатгина алоҳида бўғинлар эшитилиши мумкин, лекин бу бўғинларни имонда қанча кўп талаффуз қиласангиз, сизнинг тилингиз шу қадар бойиб боради. Ахир Худодан бўлган барча нарсани имон билан қабул қилиш керак, номаълум тиллар инъоми бундан мустасно эмас. Ҳатто, агар бошида сизга фақат битта сўзда тутилиб қолаётганингиздек туюлаётган бўлса ҳам, У сизга бераётганини имон билан айтинг, секин-аста бу сўз тўлақонли тилга айланади.

ЧУҚУР ДАРАЖАЛАР

Мен бу икки бобнинг асосий қисмини номаълум тиллар инъоми ҳақидаги мунозарага бағишлайман, чунки ишонаманки, Худо бизни У билан янада кучлироқ боғловчи ва Унинг халқини Унинг Шоҳлигининг мақсадлари ҳақи бирлаштирувчи номаълум тилга эга бўлишимизни хоҳлайди. Барча эркак ва аёллар Раббий Исони билишларини Муқаддас Рух астойдил истайди. Бизнинг У билан яқинликда ва ҳамкорликда ўсишимизга қараб, У бизнинг кўзларимизни очади ва бизга дунёни янги нурда кўрсатади. Биз дунёнинг Масихга жуда қаттиқ муҳтож эканлигини кўрамиз, бироқ биз яна Масихни дунёга таникли қилишда қандай иштирок этишимизни Унинг Рухи орқали кўрамиз ва биламиз.

Умид қиласанки, бу Муқаддас Рух шахсини таниб- билиш муқаддимаси сизларга ёқди. Сиз бу бобларда ўрганган барча нарсалар, ҳақиқатан, Унинг туганмас, абадий ва ўхшashi йўқ мўъжизасининг кичик бир бўлагидир, У сизни хаётингизнинг

ҳар бир кунида янада чуқурроқ даражага олиб боришни астайдил истамоқда. Муқаддас Рух сизнинг юрагингизни Уни кўп ва чуқур таниб- билишга ундей олиши учун мен сизларни бу китобни гоҳ-гоҳида қайтадан ўқиб чиқишига даъват этаман. Сизга Раббий Исони очиш Муқаддас Рухга жуда ҳам ёқади. Унинг ҳузурини хурмат қилинг ва Уни ҳаётингизнинг нафакат «рухий» соҳасига, балки ҳар бир соҳасига таклиф этинг. У сизни ҳеч қачон қолдирмасликка ва тарқ этмасликка ваъда берган –бу ажойиб ваъдалардан ҳаётингизнинг ҳар бир дақиқасида завқланинг. Худонинг Сўзини ўқиётганингизда ва Унинг ҳузурида вакт ўтказаётганингизда, сиз Уни яқиндан ва яхшироқ таниб- биласиз. Энг ажойиби эса, бу саёҳатнинг поёни йўқлигидадир – Худо сизга нимадир кўпроқ нарсани кўрсатишни доимо истайди. Кўрадиган, эшитадиган ва биладиган нарсаларингиз билан кифояланиб қолманг. Исо Масихнинг Руҳи сизнинг онгингизнинг доирасини кенгайтириб, ҳаётингизда ҳукмронлик қилсин. Ишонаманки, сиз шундай йўл тутиб, сизнинг ҳаётингизда илгари ҳеч қачон бўлмаган Худонинг шарафи ва улуғворлиги қандай намоён бўлишини кўрасиз.

1-кун. Кундалик ўқиши учун

Рухда ибодат қилиш...

ЧУҚУР ЯҚИНЛИККА ЭШИК ОЧАДИ

Ким номаълум тилда гапирса, у одамларга эмас, Худога гапиради, чунки уни ҳеч ким тушунмайди. У Руҳ билан сирларни гапиради.

–1 Коринфликларга 14:2

Руҳнинг тилидаги ибодатнинг буюк дуо-баракати - Худо билан кучли яқинликдадир. Барча яратилган нарсаларнинг Раббийси бизлар билан муносабатларни ва мулокотларни шу қадар кучли истайдики, У бизнинг руҳимизга Ўзининг шахсий Руҳини жойлаштири ва У билан Унинг даражасида мулокот қилиш учун бизга куч ато этди. Бу нақадар ажойиб! Џўпон Кеннет Хейгин шундай деган:

«Худо – бу Руҳдир. Биз номаълум тилларда ибодат қилаётганимизда, бизнинг руҳимиз Руҳ бўлмиш Худо билан тўғридан-тўғри алоқада бўлади. Биз илохий гайритабиий воситалар ёрдамида У билан гаплашамиз... Номаълум тилларда гапириш – бу фақатгина Муқаддас Руҳга тўлишнинг дастлабки кўриниши эмас, балки шунингдек, қолган бутун ҳаётимиз давомида давом этувчи ходиса ҳамдир. Нима учун? Худога сажда қилишда бизга ёрдам бериш учун.

Худога номаълум тилларда доимо ибодат ва сажда қилиш бизга Унинг тирик ҳақиқий хузурини хис қилишимизга ёрдам беради. Агар мен Муқаддас Руҳнинг тирик ҳақиқий хузурини ҳар куни хис қилсан, унда бу шубҳасиз, менинг ҳаёт тарзимга таъсир кўрсатади».

Биз Руҳ билан ибодат қилаётганимизда, биз ўз онгимиз билан ибодат қилмаймиз, балки Худонинг онги билан ибодат

қиламиз. Унинг Рухи биз орқали Худонинг мукаммал иродаси учун ибодат қиласади!

Рұхда ибодат қилиш ва ҳар куни Худонинг Сўзи билан озиқланиш мухимдир, чунки биз айнан шундай У билан жуда ҳам яқинлашишимиз мумкин. Сиз қайси вақтда ва қайси жойда ҳар куни Худо билан гаплашасиз? Муқаддас Рух сизга Ўзининг чуқур шахсий севгисини қандай кўрсатади?

Агар сизда бундай вақт ва жой бўлмаса, ибодат қилинг ва Муқаддас Рұхдан У сиз билан қачон ва қаерда учрашмоқчи эканлигини ва сизга Ўзининг кучли севгисини кўрсатишини сўранг.

Сиз ўзингиз ҳақингизда, номаълум тилларда гапириш инъомига етарлича баҳо бермаганман ва эътиборсизлик билан қараганман деб айта оласизми? Бу дарс сизга Рухнинг тилини янада ижобий ва кучли нурда кўришга қанчалик ёрдам бермоқда?

Агар сиз номаълум тиллар инъомига етарлича баҳо бермаган ва эътиборсизлик билан қараган бўлсангиз, Худодан сизни кечиришини ва Муқаддас Рухга қайтадан тўлдиришини сўранг.

Баъзи одамлар ўзларининг ибодат тилларини ишлатишга журъят кила олмайдилар, чунки фақатгина битта ёки иккита сўзни талаффуз қила оладилар. Сиз мазкур гурух одамларига кирасизми? Агарда шундай бўлса, унда тасаввур қилинг, Муқаддас Рух сизга юмшоқлик билан шундай сўзларни айтаяпти: «Мен сени севаман. Мен сенга берган нарсани ишлатасанми? Сен эга бўлган сўзларни айтиб, Мени севасанми

ва ҳурмат қиласанми? Ҳаттоки, уларнинг камлилига ҳам қарамасдан, улар қадрлидирлар, улар фақат Мен билан сенинг ўртангда бўлади». Бироз ўйлаб кўриб, Унга жавоб беринг.

Ўзингизнинг номаълум тилингизни бошқаларнинг шахсий ибодати билан солиштирунг. Муқаддас Рух сизга берган сўзлардан фойдаланинг. Сизнинг камига содик бўлишингизга қараб, У сизга янада қўпроғини ишонади! Мат. 25:14-23ни ўқиб чиқинг, 20-23 оятларга алоҳида эътибор қаратинг.

2-кун. Кундалик ўқиши учун

Рухда ибодат қилиш...

ХУДОНИНГ СИРЛАРИНИ ОЧАДИ

*Сизларга Осмон Шоҳлигининг сирларини билиши ато
қилинган... зеро бу сирларни тушунадиганга яна
кўпроқ билим берилади ва ўша уларни янада язишроқ
тушунади...*

– Матто 13:11-12, (GW таржимаси)

Раббий Исо сизларга Унинг Шоҳлигининг маҳфий нарсаларини ва сирларини тушуниш имконияти берилганинги айтган. Бу сирларни қандай қабул қилиш ва тушуниш керак? Унинг Рухи билан мулоқотларда бўлиб. Худонинг сирлари сиз Рухда ибодат қилганингизда ва У билан вакт ўтказганингизда очилади.

Освальд Чемберс- муаллиф, нотик ва Худога яқиндан бағишланишнинг чемпиони эди. Ўзининг жуда хам яхши таникли «Менинг бор имкониятларимнинг чўққиси – Раббийгадир» китобида у шундай дейди:

«Дўстнинг белгиси қанақа? У сизга ўзининг яширин қайғуларини айтиб беришими? Йўқ, у сизга ўзининг яширин қувончини айтиб беришидир. Кўпчилик сиз билан ўзининг яширин қайғуларини баҳам кўради, бироқ яқинликнинг энг катта белгиси сизга ўзининг яширин қувончини айтиб беришдадир».

Сизларга Муқаддас Рух томонидан очилган Худонинг энг ажойиб сири қанақа? Нима учун у сиз учун маҳсус?

Муқаддас Рухга ўз фикрларингиз, ҳиссиётларингиз ва истакларингиз ҳақида айтиб берасизми? Сиз бир кун ўзингизнинг энг маҳфий орзу ларингиз ва қўрқувларингиз ҳақида ҳақиқий дўстлар сухбатлашганидек У билан гаплашинг. Ҳозир китобдан диққатингизни бўлиб, сиз ҳеч қачон Унга айтмаган ёки анчадан буён ёдга олмаган, сир тутилган, юрагингизга жуда ҳам қадрли бўлган нарсани Унга айтинг.

Агар сиз Муқаддас Рухга шахсий ва яширин бўлган нарсани айтмаётган бўлсангиз, унда нима учун айтмаяпсиз? Ундан сизга тўсқинликларни кўрсатишини ва Унинг олдида ўз юрагингизни эркин тўкиб-солишга ёрдам беришини сўранг.

Худо билан мулоқот – бу шунчаки сухбат эмас, бу яна тинглашни ҳам англатади. Гапириш ва тинглаш ўртасида мувозанат зарурдир. Агар биз тинглашга вақт ажратмасак, Муқаддас Рухнинг нима деяётганини эшитмаймиз. Чемберс давом этади:

«Биз қачонлардир Худога Ўз шодликлари ҳақида бизга сўзлаб беришига имкон берамизми ёки Унга биз билан сухбатлашишга имкон қолдирмасдан, ҳар доим Унга факат ўзимизнинг сирларимиз ҳақида айтиб берамизми? Биз масихийлик ҳаётимизнинг бошида кўп илтимослар билан Худога мурожаат қиласиз, кейин эса, У бизни Ўзи билан муносабат қуришга жалб этмоқчи, бизни Ўзининг мақсадлари билан таништирмоқчи эканligини билиб оламиз. Бизлар ҳақиқатан ҳам Исо Масихнинг ибодатдаги: «Сенинг ироданг бўлсин» деган гоясига бағишланганмизми, Худонинг сирларини билиб борамизми?».

Худо ҳамма нарсанинг ўз вақти: ибодатда гапириш вақти ва жим туриш вақти борлигини айтмоқда (Воиз.3:1-7-га қаранг). Муқаддас Руҳдан: «Эҳтимол, мен факат ибодатда гапираётгандирман? Эҳтимол, Сен менга Ўз сирларингни оча

226 МУҚАДДАС РУХ

олишинг учун Сенга вақт ажратмаётгандирман? Эҳтимол, Сен менга ниманидир айтишга уринаётгандирсан-у, лекин мен бир сония ҳам жим бўлмаётганим учун эшитмаётгандирман? Агарда шундай бўлса, менга айтгин», -деб сўранг. Жим туриб, қулоқ солинг. Муқаддас Рух қандай жавоб бераяпти?

«Мана менинг ибодатим, токи Худо... сизларга Уни янада кўпроқ таниб-билишингиз учун руҳий донолик ва ваҳий берсин: токи сизлар руҳнинг ички ёритишини қабул қила олинг, токи сизлар У сизларни даъват этган ўша умид нақадар буюк эканлигини ва масиҳийларга ваъда қилинган меросининг бойлиги ва улугворлиги қандай эканлигини ҳамда биз, Худога ишонувчиларда Унинг кучининг чексиз буюклигини пайқаб олинглар...».

– Эфесликларгага 1:17-19, (Phillips таржимаси)

З-кун. Кундалик ўқиши учун

Рухда ибодат қилиш...

ИЧКАРИДА ТИНЧЛИКНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ

*Муқаддас Рұх бизнинг ҳаётимизда шундай ҳосилни:
тинчликни келтириб чиқаради.*

– Галатам 5:22, (NLT таржимаси)

Тинчлик бу нима? Баъзан биз бирор нарсанинг у ёки бу нарса эмаслигини билганимизда, унинг нима эканлигини яхши тушенамиз. Раббий Исо Ўз Рухи орқали бизга берадиган ҳақиқий тинчлик – бу банқдаги катта хисоб рақами эмас, бенуксон соғлиқ эмас, чиройли уй ёки ғайриоддий нарсалар эмас ва низолардан ҳоли бўлган муносабат эмас.

Ҳақиқий тинчлик – Худонинг тинчлиги – ташқи вазиятларга ва шароитларга боғлиқ эмас, у бўрон ўртасида барқарорликни, ақлан, ҳиссан, жисмонан ва руҳан хотиржам бўлиб қолиш қобилиятини ҳамда муаммолар ичida хаёлни бир жойга қўя олишни беради.

Китобдан бироз чалғиб, ўзингизга савол беринг: «Мен тинчлик деганда нимани тушунаман? Менинг тинчлигим нимага боғлиқ? Менинг тинчлик ҳақидаги тасаввурларим Муқаддас Рухнинг ҳақиқий тинчлигидан қанчалик фарқ килади? Нимани ўзгартириш зарур?».

Масихнинг курбонлиги орқали бизга Худо билан тинчлик берилган. Муқаддас Рухга тўлиш орқали бизга Худонинг тинчлиги берилган. Раббий Исонинг Ўзи шундай деган:

«Сизларга тинчлик қолдиряпман: Мен сизларга дунё

берадигандек бермаяпман, сизларга Ўз тинчлигими-
ни беряпман. Юракларингиз ташвишланмасин ва
күркүвга тушмасин» (Юх.14:27).

Тинчликнинг Шохи томонидан берилган тинчликни нима
қиласиз?

«Худонинг [узил-кесил ва мустаҳкам, ҳеч қандай савол-
ларга шубҳа қолдирмайдиган, онгда пайдо бўлувчи, тин-
члик ҳолатини берувчи] (жоннинг уйғунлигига олиб ке-
ладиган) тинчлиги юракларингизда ҳукмронлик қилсин
[судья каби доимо ҳаракат қилсин], чунки сизлар [Масих
Танасининг аъзолари] бир Танада бўлиб, шунга [яшаши-
га] даъват этилгансизлар. Доимо миннатдор бўлинглар».

— Колоссликларга 3:15, (кенг. тарж.)

Тасаввур қилинг, сиз бейсбол ўйнаяпсиз. Сиз асосий таянчга
тушган коптокни уриб қайтарувчи спортчи ролини ўйнаяпсиз.
Сизнинг ортингизда Тинчлик Судъясининг ўрни ва сизга
питчер (коптокни оширувчи) томонидан ташланган ҳар бир
копток – бу сиз қабул қилишингиз керак бўлган қарордир. Энди
Колоссликларга мактубнинг (3:15) оятини яна бир бор диққат
билан ўқиб чиқинг. Судъянинг ҳуштаги қанчалик муҳим?
Муқаддас Рух сизнинг Тинчлик Судъянгиз бўлиш хусусида
нима демоқда?

Муқаддас Рух бизни асосан ички тинчлик хисси орқали
Худонинг мукаммал иродасига олиб бормоқда. Бу Ёзув: «Ана
шу Рухнинг Ўзи бизнинг руҳимизга, биз Худонинг фарзандлари
эканлигимиз ҳақида гувоҳлик бермоқда», - деб назарда туваётган
нарсадир (Рим.8:16). Ҳозирнинг ўзида қандай қарорларни қабул
қилишингиз зарур, сизга нимада Худонинг бошқаруви зарур?
Китобдан бироз чалғиб, Рухда ибодат қилинг. Сўнгра, Унинг
тинчлик гувоҳлигини кутинг. У сизга нима демоқда?

4-кун. Кундалик ўқиши учун

Рұхда ибодат қилиш...

ДОНОЛИК ВА ЙЎНАЛИШНИ ОЧАДИ

*Агар сиз Худо сизлардан нимани истаётганини билмоқчи
бўлсангиз, Ундан сўранг, У сизларга мамнуният билан
айтиб беради, чунки У Ундан сўраганларнинг барчасига
доноликнинг мўл-кўлчилигини беришига ҳар доим
тайёрdir. У сизларни жавобсиз қолдирмайди.*

– Иакова 1:5, (TLB таржимаси)

Донолик ва йўналишни Берувчи Ким? Муқаддас Рух. Ишаъё Уни донолик ва фаҳмлаш Рухи, билим ва маслаҳат Рухи деб атамоқда. Раббий Исо У бизларни хар қандай ҳақиқатга етаклайдиган бизнинг Ўқитувчимиз эканлигини айтган. Бизнинг Ўқитувчимиз қаерда яшайди? Бизнинг ичимиизда – Ўзининг маъбадида. Агар сизга қандай йўл тутишга донолик етишмаса, онг ва Рұхда ибодат қилинг ва У сизларга зарур йўналишни беради!

Раббий ва Муқаддас Рух – битта эканлигини ёдда сақлаб, қандайдир муддат қуидаги кучли ваъдалар устидан фикр юритинг.

«Раббий шундай дейди: «Мен - сени фойдали нарсаларга ўргатувчи ва сени юришинг керак бўлган йўлдан етакловчи Раббий сенинг Худойингман».

–Ишаъё 48:17

«Кулокларинг сенинг орқангда: «Мана йўл, ундан бор»,- деб айтаётган сўзни эшитадиган бўлади».

–Ишаъё 30:21

«Мен сенга ақл киритаман, юришинг керак бўлган йўлни сенга ўргатаман. Мен сени бошқараман, Менинг нигоҳим сенинг устингдадир».

– Сано 31:8

«Менинг илтимосимга кўра Ота юборадиган Дўст – Муқаддас Рух сизлар учун ҳаммасини равшан килади».

– Юҳанно 14:26, (The Message таржимаси)

Ҳақиқат Рухи келганида эса, У сизларни бор ҳақиқатга етаклади.

– Юҳанно 16:13

Ё, Раббий, менга Ўз йўлларингни кўрсат ва менга Ўз йўлакларингни ўргат. Мени Ўз ҳақиқатингга бошқар ва менга ўргат, чунки Сен менинг нажотимнинг Худосисан. Кун бўйи Сени қутаман... У камтарларни адолатга олиб боради ва камтарларга Ўз йўлларини ўргатади... Раббийдан қўрқадиган киши ким? Раббий унга танлаши лозим бўлган йўлни кўрсатади.

– Сано 24:4, 5, 9, 12

Сизга нимада донолик ва йўналиш зарур? Ишдами? Соғликдами? Никоҳдами? Болаларни тарбиясидами? Маблағдами? Дўстлар билан муносабатлардами? Нима бўлса ҳам, қуйидаги ҳаракатларни қилишга уриниб қўринг:

1. Худодан аниқ бир вазият учун донолик сўранг, ўтмишда У сизни етаклагани учун Унга миннатдорчилик билдиринг (Флп. 4:6-7га қаранг).
2. Руҳда ибодат қилинг. Муқаддас Рух сиз орқали ибодат қилишни истаётганидек, узоқ ва иштиёқ билан ибодат қилиш учун номаълум тиллар инъомидан фойдаланинг (Эф. 6:18; Рим. 8:26-27га қаранг).
3. Муқаддас Руҳдан талқин қилишни сўранг. У сиз

ҳозиргина ибодат қилганингизнинг сирини очади (1 Кор. 14:13га қаранг).

4. (Ваъда қилинган нарса, эҳтимол, мана шу дақиқанинг ўзидаёқ келмаслигини, бироқ барибир келишини тушуниб) У сизга очаётган нарсани ёзib қўйинг.
5. У сизга кўрсатадиган йўналишда ҳаракат қилингиз учун Муқаддас Рухдан иноят сўранг.

МЕН ҲАММАДАН ҲАМ ДОНОЛИККА ВА ЙЎНАЛИШГА
МАНА БУ СОҲАДА КЎПРОҚ МУҲТОЖМАН:

МУҚАДДАС РУҲ МЕНГА ДОНОЛИК ВА ЙЎНАЛИШ
БЕРМОҚДА:

5-кун. Кундалик ўқиши учун

Рухда ибодат қилиш...

СИЗНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ ВА БАРПО ҚИЛАДИ

Номаълум тилда гапирувчи ўзини барпо қиласади.

– 1 Коринфликларга 14:4

Нима учун душман сизга номаълум тилларда ибодат қилишингизга халақит бериш учун шунчалик жон-жаҳди билан ҳаракат қиласади? Коринфликларга биринчи мактуб (14:4) бизга жиддий сабабни кўрсатмоқда: у сиз ўзингизни барпо қилишингизни ва мустаҳкамлашингизни хоҳламайди. Сиз рухда қанчалик кучли бўлсангиз, Масихда шунчалик кучлидирсиз ва шайтоннинг шоҳлиги учун шунчалик хавф туғдирасиз.

Генератор машина моторини қувват олдиргани каби, Рухда ибодат қилиш ҳам сизнинг руҳингизни қувватлайди. У кўрқувни, тушкунлик ва салбийликни қувиб юборади. У сизни сўзлар билан ифодалаб бўлмайдиган даражада барпо қиласади. Номаълум тилларда ибодат қилиб, сиз Худонинг хузурини ва кучини сақлаш қобилиятингизни оширасиз.

Сиз Рухда мунтазам ёки камдан-кам ҳолларда ибодат қиласизми? Агар мунтазам бўлса, унда қанчалик кўп ва узок ибодат қиласиз. Агар камдан-кам бўлса, унда нима учун?

Сиз номаълум тилларда ибодат қилишга вақт ажратганингизда, сизнинг ичингизда нима содир бўлади?

Сиз ибодат натижасида Муқаддас Руҳнинг қандай бошқа ҳосилларини ва кўринишларини кўрдингиз? Улар сизни янада кўпроқ ибодат қилишга руҳлантирадими?

Стрессли ва ҳолдан тойдирувчи вазиятларда сиз одатда қандай жавоб берасиз? Руҳда ибодат қилишга уринганмисиз? Ҳозирнинг ўзида чалғиб, шундай ибодат қилинг: «Муқаддас Руҳ, номаълум тилларда ибодат қилишнинг файритабиий ижобий реакциясига менинг табиий салбий реакциямни ўзгартиргин. Мени Ўзинг билан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ тўлдиргин!».

Муқаддас Руҳ ҳаётингизнинг асосий қисмига айланиши учун У қандай харакатларни амалга оширишингизни буюрмоқда? Уларни ёзинг ва кўлланг.

Шубҳасиз, душман сизга номаълум тилларда ибодат қилишингизга халақит бериш учун сизнинг онгингизга фикрларни экади ва танада хиссиётларни кўтаради. У кўпчилик имонлилар билан шундай йўл тутади. Пастроқда у ирғитадиган бир нечта сабаблар ва важлар берилган. Таниш кўриняптими? Яна эсингизга тушадиган ҳар қандай баҳоналарни ёзинг, сўнгра, ибодат қилиб, Муқаддас Руҳдан душманнинг ҳар бир ёлғонига Худонинг кучина тўла жавоб беришини сўранг.

Бу Худо эмас, ҳаммасини ўзинг ўйлаб чиқардинг.

234 МУҚАДДАС РУХ

Мен ўзимни ҳис қиляпман/бу аҳмоқона эшитиляпти.

Сен бошқа кимдир айтган сүзларни шунчаки тақрорлаяпсан.

Бундан фойда йўқ.

Мен номаълум тилларда ибодат қилиши истагини ҳис қилмаяпман.

Менинг бутун номаълум тилим – бор-йўғи бир-иккита сўз.

Агар одамлар менинг қандай ибодат қилаётганимни эшиитсалар, мен ҳақимда нима деб ўйлайдилар?

Дўстим, душман сизни номаълум тилларда ибодат қилиш керак эмас деган фикрга боғлаб қўйишига йўл қўйманг. Бу фикларни ўзингизда қувиб юборинг ва бу хиссиётларни

узокроққа суриб қўйинг. Ҳар куни оғзингизни очиб, «Муқаддас Рухда ибодат қилиб, ўзингизни энг муқаддас бўлган имонингизда барпо қилинглар...» (Яҳудо 20).

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

*Агар сиз бу китобни «Хабарчи» хизматидан
Муқаддас Рух ҳақидаги материалларнинг бир қисми
сифатида ўқиётган бўлсангиз, унда марҳамат қилиб,
5- видео дарсни кўринг.*

- 1 | Номаълум тиллардаги (Рухнинг тилидаги) ибодат ақлга тўғри келмайдиган фойдага эгадир. Унинг афзалликларини иложи борича кўпроқ санаб чиқиш учун бир неча дақиқа ажратинг. Улардан қайси бирлари ҳозирги пайтда сиз учун энг юқори аҳамиятни касб этади? Агар иложингиз бўлса, фикрингиз билан бўлишинг.
- 2 | Худо бизга номаълум тиллар инъомини берганининг сабабларидан бири шундан иборатки, душманга нима содир бўлаётганини билишига халақит беришдир. Худо ҳамма нарсани кўрувчидир, шайтон эса, йўқ – у Муқаддас Рух тилининг илоҳий тебранишини тушунмайди. Сиз номаълум тилларда ибодат (шафоат) қилиб, ўз ҳаётингизда ёки бошқа одамларнинг ҳаётида шайтоннинг режасини барбод қилган қандайдир аниқ вазиятлар ҳакида сўзлаб беринг.

Етакчиларга: фикр юритиш учун Ёзув оятлари: Лк. 10:19; Эф. 6:10–18; 2 Кор. 10:3–5; Мф. 11:12; Вах. 12:11.

*Ҳар доим барча ибодат ва илтижолар билан Рухда
ибодат қилиб, бутун сабот билан ҳамма муқаддаслар
учун бўлган илтижоларда ҳушёр бўлинглар.*

– Эфесликларга 6:18

- 3 | Бизга у ёки бу вазиятларда қандай йўл тутиш учун донолик керак бўлганида, Муқаддас Рух билан ибодат

қилиш илохий йўналиш олиш учун муҳим калит ҳисобланади. Ҳикматлар 20:5; 1 Коринфликларга 14:13 ва Юҳанно 7:38-39ни диққат билан ўқиб чиқинг. Номаълум тиллардаги ибодат бизнинг юрагимизга қуилган Худонинг маслаҳатини қандай ечиб юборишини таърифлаб беринг.

- 4 | Муқаддас Рухнинг Шахси билан мулокотда бўлиш биз учун яширин «сирларни» очиб беради. Ушбу сирлар, масалан, қанақа жамоатга бориш, кимга уйланиш ёки кимга турмушга чиқиш, қанақа ишни бошлаш, бошка одамлар учун қандай ибодат қилиш, қандай қилиб яхши турмуш ўртоқ бўлиш, яна энг яхши ота-она бўлиш ва ишдаги қийинчиликларни қандай ҳал қилиш кераклиги ҳақидаги саволларни ўз ичига олади. Агар истасангиз, руҳда ибодат қилишингиз у ёки бу вазиятларда қандай жавобларни очиб бергани ҳақида туруҳ билан ўртоқлашинг.
- 5 | Коринфликларга биринчи мактуб (14:15) дан кўриниб турибдики, Рух билан ибодат қилиш ҳам, онг билан ибодат қилиш ҳам муҳимдир. Онг билан ибодат қилишдан қандай фойда бор? Рух билан ибодат қилиш бизга онг билан янада аниқроқ ибодат қилишга қандай ёрдам беради?
- 6 | Салоникаликларга биринчи мактуб (5:17) бизни «тинмасдан ибодат қилишга» ўргатмоқда. Бу бизнинг ҳафтада етти кун, бир кунда йигирма тўрт соат ибодат қилишимиз кераклигини англатадими ёки гап бошка нарса ҳақида кетаяптими? Саноникаликларга биринчи мактуб (5:16-19)ни ўқиб чиқинг ва Худо бизга нима деяётганини муҳокама қилинг.
- 7 | Муқаддас Рухга тўлган баъзи бир имонлилар ҳали бу ажойиб инъомни олмаганларга мансимасдан қарайдилар – уларга паст тоифадаги масиҳийларга нисбатан

муносабатда бўлгандек муносабатда бўладилар. Сизга шу тарзда муносабатда бўлишганми? Агар шундай бўлса, унда бу сизнинг Худо билан ва бошқа имонлилар билан муносабатларингизга қандай таъсир кўрсатган? Сиз ҳам билиб ёки билмасдан кимгадир шундай муносабатда бўлганмисиз? Муқаддас Руҳга тўлишга бизнинг муносабатимиз қандай бўлиши керак?

КАЙДЛАР

БОБ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

- Муқаддас Рух билан яқинлик, жумладан, номаълум тиллардаги ибодат ўз вақтига ва жойига эгадир.
- Кимdir номаълум тилни нотўғри тушуниши мумкинлиги учунгина уни эътиборсиз қолдирманг, менсимасдан қараманг ва сўндириманг.
- Номаълум тилларда ибодат қила туриб, сиз Худога сирларни гапирасиз ва Ундан сизга ибодатингизнинг талқинини беришини сўрашингиз мумкин.
- Муқаддас Рухнинг кучи бўйсунувчанларга берилади. Бўйсунувчанлик Худонинг сирларига эшик очади.
- Биз доноликка муҳтож бўлганимизда, бизнинг Худога бўлган саждамиз янги даражага кўтарилишини хоҳлаганимизда, ёки бошқалар учун шафоат қилмоқчи бўлганимизда, биз Рух билан ибодат қилишимиз мумкин. Муқаддас Рух барча соҳалардаги бизнинг қобилиятивизни файриоддий даражада кенгайтиради.
- Худонинг йўналиши кўпинча тинчлик кўринишида келади. Биз Рух билан ибодат қилаётганимиз ва сўраган нарсамизга нисбатан тинчликни ҳис қилаётганимиз, Муқаддас Рух бизнинг руҳимизга гувоҳлик бераётганини ва бизга олдинга харакат қилишни айтиётганини англатади.
- Рух билан ибодат қилиш бизнинг бутун вужудимизни тетиклаштиради, янгилайди ва барпо қиласди. Номаълум тилларда ибодат қилишга ҳар куни вақт ажратинг.

БОНУС БОБ

САВОЛ – ЖАВОБ

Мазкур матн Жон ва Лиза Биверлар саволларга жавоб берган тўғридан-тўғри эфирдан олинган. Эфирни «Хабарчи» хизматидан Муқаддас Рух ҳақидаги материалларнинг бир қисми сифатида аудио ёки видео шаклида кўришингиз мумкин.

Лиза: Сен эслатиб ўтдингки, баъзи бир жамоатлар жамоатдаги муҳитни яхшилашга шу қадар эътиборларини қаратгандарки, Муқаддас Рухнинг ҳузурига аҳамият бермай қўйгандар. Кўпгина жамоатларда одамлар қандай қилиб Муқаддас Рухнинг ҳузурини яна таклиф қилишлари мумкинлигини билишни хоҳлашади, шу билан бирга, худди илгаригидек «галати» ва асоссиз узоқ хизматларни тартибга солмайдилар. Буни қандай йўлга солиш керак?

Жон: Шунчаки сўраш лозим. Айтиб ўтганимдек, Муқаддас Рух – жанобдир. У ташаббусни бизга қолдиради.

Кўпинча, мен жамоатларда хизмат қилаётганимда ва одамлар (тавба қилиш) нажотга эришиш учун олдинга чиқаётгандарида шундай дейман: «Муқаддас Рух, илтимос уларга таъсир қилгин». Бор-йўғи бир неча дақика ўтиб, Унинг ҳузури намоён бўлади ва бутун зал бўйлаб одамлар ҳиқиллаб йиглашни бошлишади. Мен Унинг ҳузурини жуда ҳам севаман, чунки Муқаддас Китоб бизга самовий инъомни татиб кўришимизни лозимлигини айтади (Ибр. 6:1-6). Мен шунингдек, агар одамлар самовий инъом – Муқаддас Рух ҳузурининг намоён бўлишини татиб кўрган бўлсалар, улар

имондан қайтишга анча кам дучор бўлишларини сездим.

Бир сафар, мен бир замонлар харизматик хизматларда мавжуд бўлган нарса ҳақида эслатишга қодир кўринишларнинг баъзи бир шаклларидан узоклашган катта бир жамоатда бўлдим. Бир йифинда Худонинг Рухи Ўз ҳузурини намоён қилди. Бутун зал бўйлаб одамлар ҳиқиллаб йиғлашни бошладилар. Худонинг ҳузури жуда ҳам сезилиб турар эди. Раббий менга деди: «Энди уларга Худога миннатдорчилик ва мақтov келтириш вақти келганлигини айтиш керак». Мен шундай қилдим ва йиғинни ёпдим. Шундан сўнг чўпон менга деди: «Ана буниси қойил! Аввалгидек, ҳар қандай ғалати кўринишларни кузатиб туриб, биз яна бир соат шу ерда бўламиз деб ўйлаган эдим». Сўнгра: «Муқаддас Рухнинг сени қандай бошқариши менга жуда ёқади. Сен Худо амалга ошираётган ишини тугатганини айтганингда, мен гўё У Ўз мақсадига етганлигини ҳеч бир муболағасиз ҳис қилдим. Айнан шу дақиқада сен биз йиғинни тугатишимизни айтдинг», -деб қўшиб қўйди. Мен қандай қилиб Муқаддас Рухнинг намоён бўлган ҳузури икки дақиқагагина тушганлигини, лекин шу билан бирга одамларга кучли таъсир қилганини кўрдим.

Лиза: Яқинда биз Жон билан айнан шу ҳақда гаплашган эдик. Баъзан бизга бутун воизликка ўттиз беш дақиқа берилади, лекин бу барча ўттиз беш дақиқа ахир бизники эмас-ку. Шунинг учун ўттиз беш дақиқа воизлик қилишнинг ўрнига, –

Жон: Ўттиз дақиқа воизлик қилинг.

Лиза: Ўттиз дақиқа воизлик қилинг. Ёки ўз воизлигингизнинг ўртасида Муқаддас Рухга ўрин беринг. У нимани ҳохлаётган бўлса, ўшани қилишга Унга рухсат беринг. Баъзида хизматчилар мавзуни иложи борича кенгроқ қамраб олишга жуда ҳаракат қиласилар ва шу сабабли, Муқаддас

Рухга У бутун сўзни сингдириши учун Унга ўрин беришни унубиб қўйишади.

Лиза: Сен Муқаддас Рухга «тўлиш» нимани англатиши ҳақида жуда кўп гапирдинг. У бизга тақиқлаши ёки йўл қўймаслиги нимани англатишини айтсанг. Буни қандай таърифлаш мумкин?

Жон: Колосликларга мактуб бизга шундай дейди: «Худонинг тинчлиги юракларингизда хукмронлик қилсин» (3:15). Римликларга мактубда шундай дейилмоқда: «Чунки Худонинг Рухи билан бошқариладиганларнинг ҳаммаси Худонинг ўғилларидир» (8:14). Мазкур оятдаги ўғилларга ҳам, қизларга ҳам тегишли «ўғиллар» сўзи – бу «етук ўғиллар» деган маънони англатувчи юнонча «huios» сўзидир. Ҳар бир масиҳий ҳам Муқаддас Рух томонидан бошқарилмайди. Кўпчилик ўзининг ҳиссиёти томонидан, ўз ақли томонидан, вазият ва шароитлар томонидан бошқарилади. Худо етук ўғил ва қизлар Муқаддас Рух томонидан бошқарилишини айтган. Муқаддас Рух бизни қандай бошқаради? У бизнинг руҳимизга гувоҳлик беради (16-оят). Шу сабабли, масалан, мен қандайдир шаҳарга бормоқчи бўлсам-у, шу билан бирга руҳимда қандайдир юракни сиқадиган, ғувиллайдиган – деярли жаҳлни чиқарадиган ниманидир хис қиласман.

Лиза: Шунга қарамасдан, қачонлардир ҳаётингда сен боришинг керак бўлмаган жойга жўнаб кетган вақтлар бўлганми?

Жон: Ҳа.

Лиза: Натижаси қандай бўлган?

Жон: Натижани шундай ифодалаш мумкин: «Ҳеч қачон ортиқ бундай йўл тутмайман!» Бу катта баҳтсизлик бўлган. Мен, агар бундай сигнал бўлса, тўхташ кераклигини тушуниб етдим.

Мен у ёки бу учрашувга ёки йифинга боришга розилик билдириб, сўнгра Раббий менинг боришимни хоҳламаганини ҳис қилган, лекин мен аллақачон боришга сўз бериб қўйган ҳолатлар ҳам бўлган. Ўшанда мен: «Худо, Сенинг Сўзинг мени юрагида қасам ичиб, ўзгартирмайдиган одам бўлишим кераклигини айтмоқда. Мен бу учрашувга боришим шарт. Менга Сенинг ҳимоянг керак», -деб айтганман. У бунинг учун мени айбламаган. Сафар жуда ҳам яхши амалга ошган, лекин мен деярли Унинг ҳимоясини ҳис қилганман.

Бирок шунга қарамасдан, менга боришим керак эмаслигини, у ёки бу жойда бўлмаслигим кераклигини тушунтирувчи белгиларни билиб олишни маъқул кўраман. Ҳакиқатан ҳам, уларни билиб олиш мумкинлиги шу қадар ажойиб. Бундай имтиёз. Худо билан қанчалик кўп юрсанг, шунчалик сезгир бўлиб борасан.

Лиза: Сен доктор Чо ва у томондан амалга оширилган ажойиб нарсалар, унинг Муқаддас Рух билан ибодат қилиб, ўзини қандай тўлдириши ҳақида гапирдинг. Мен билманки, кўпчилик одамлар тушунмайдиган унинг сирларидан бири унинг кўп нарсаларга «йўқ» дея олиши ва шу тарзда, ўзининг Муқаддас Рух билан вақтини ҳимоя қилишидадир. Муқаддас Рух бизнинг ҳаётимизда имконсиз нарсани амалга ошира олиши учун У бизга у ёки бу имконли ишларда рад жавобини беради.

Жон: Ҳаворийлар китобининг иккинчи бобида уларнинг Муқаддас Рухга тўлганига, сўнгра, бошлиқларга ва оқсоқолларга мурожаат қилиб Петъор «Муқаддас Рухга тўлганига» (4:8) ва имонлиларнинг «Муқаддас Рухга тўлганига» (4:31) эътибор қаратиш мумкин. Муқаддас Рухга тўлиш – бу бир марталик ҳодиса эмас. Худо: «Бузуқлик келтирадиган шароб ичиб маст бўлманглар, балки Рухга тўлиб-тошинглар», -демоқда. Гап Муқаддас Рух биздан оқиб

кетиб камайишида эмас, балки биз доимо Унга тўлишимиз кераклигидадир. Шундай ҳолатлар бўладики, биз никоҳда бир-биримизга нисбатан севгига тўлиб-тошамиз. Бошқа шундай ҳолатлар ҳам бўладики, биз бир-биримиздан узоқлашамиз ва яна севгига тўлиб-тошишимиз керак бўлади.

Лиза: Яъни, шунга интилиш керак.

Жон: Интилиш зарур. Шунинг учун ҳар доим Муқаддас Рухга тўла бўлинг. Муқаддас Рухга тўлиш – доимий жараён, у санолар, мадхиялар ва руҳий қўшиқлар куйлашда намоён бўлади (Эфесликларга 5:18-20га қаранг). Сиз бирдан ҳамма жойда куйлаётганингизни пайқаб қоласиз. Мен бу ҳафтада янада кўпроқ куйлайман.

Лиза: Телевизорни ўчиринг.

Жон: Ҳа, телевизорни ўчиринг.

Лиза: Сизни ҳолдан тойдириши мумкин бўлган ҳамма нарсалардан ўзингизни ҳимояланг.

Лиза: **Ҳамма имонлилар руҳий инъомларда харакат қила оладиларми ёки фақат хизматчиларми?**

Жон: Ишонаманки, ҳар бир имонли одам Муқаддас Рухнинг исталган инъомида харакат қилиш қобилиятига эгадир. Агар кимгadir буюк мўъжиза керак бўлса, унда мўъжиза яратиш инъоми ҳар бир имонлига тушиши мумкин. Бундан ташқари, Худо аниқ бир инъомларни муайян одамларнинг хаётига беради ва бу инъомлар одам қаерга бормасин, ҳамма жойда харакат қиласди.

Биз Лиза билан шифолаш инъомига эга бўлган бир одамни билар эдик, у айниқса, юракларни шифолаш инъомида харакат қиласди. Юракларида муаммолари бўлган одамлар барча давлатлардан унинг йиғинига келар ва шифо топар эдилар. Унинг ҳаётидаги шифолаш инъоми у даъват этилган

хизматни амалга оширишига унга ёрдам берди.

Мен ўзимнинг яна бир дўстимни эслайман, унинг ўғли электр токи урганидан ваннада чўккан ва 45 дақиқа давомида ўлик бўлган. Дўстим менга шундай деб айтиб берган эди: «Жон, мен ярим соат ибодат қилдим ва ҳеч нима содир бўлмади. Шифокорлар менга таажжубланиб қарадилар. Сўнгра миямга бир нарса урилди. Кимдир бошқа киши менинг кўзларим билан ўғлимга қараб: «Сен яшайсан, ўлмайсан», – деди. Ўшанда, унинг ўғли ўликлардан тирилди. У ўша онда зарур бўлган ушбу имон инъоми унинг устига тушиб келган деб хисоблади.

Лиза: У чўпон эмас эди.

Жон: У полициячи эди.

Лиза: У хизмат етакчиси эмас эди.

Жон: У ўша пайтда умуман олганда ҳаётида биринчи маротаба воизлик қилган хизматдан эндиғина қайтиб келган эди.

Лиза: Мен жуда ҳам аниқ ва тушунарли бўлишини хоҳлайман –

Жон: Имонли киши, ҳар бир имонли киши.

Лиза: Муқаддас Рухга тўлган ҳар бир имонли киши ҳаётининг исталган вақтида.

Жон: Шифолаш инъомини умуман кутиши керак эмас. Раббий Исо шундай деган: «Имон келтирғанларга бундай аломатлар ҳамроҳ бўлади: ...беморларга қўлларини қўядилар» (Мк. 16:17-18). Бу шуни англатадики, улар имон ибодати билан ибодат қилганларида, касал одам шифо топади. Худо бу ҳаракатни хурмат қиласи, чунки У Ўз Сўзини хурмат қиласи.

Лиза: Чўпон сизни минбар ортига қўйишини кутишнинг кераги йўқ. Кимдир сизни жамоатнинг фойесида тутиб

олишини кутишнинг кераги йўқ. Сиз ҳайтингизнинг ҳар бир кунида, оддий вазиятларда Худонинг ваъдаларини, Худонинг кучини олиб, қўллашингиз мумкин. Агар Муқаддас Рух сизни ким биландир сухбатлашишга, кимгадир қўл қўйишга, ким учундир ибодат қилишга ёки ким биландир бўлишишга бошқараётганини ҳис килсангиз, – балки бор-йўғи одамларга саҳий бўлишдан бошлаш керакдир, – бу ажойиб бўлган бўлар эди. Биз буни қила оламиз.

Жон: Бу инъомлардан бири – бу хадя бериш, сахийлик инъомидир.

Лиза: Муқаддас Рух бизга Раббий Исони очиш учун келганлигини биз биламиз. Шунинг учун, биз охирги икки ўн ийлилк ичida қўрган қўйидаги намойишлар: титроқ, кулгу, ерга думалаш ва қулаш ҳақида сўзлаганимизда, бу нарсалар қай тарзда Раббий Исони очиб беради?

Жон: Ҳа, Муқаддас Китоб гайритабиий аломатлар ҳақида гапирмоқда, бироқ кўпинча улар қисқа вақтда намоён бўлади. Шундай вақтлар бўладики, гайритабиий мўъжиза ва аломатлар одамларнинг эътиборини тортиб ва уларга Раббий Исони кўрсатиб амалга ошади. Менинг ҳаммасидан ҳам кўпроқ жаҳлимни чиқарадиган нарса - бу одамларнинг бу намойишларни Бераётганга қизиқишдан кўра, кўпроқ намойишларга қизиқаётганларидир. Бир сафар мен Сингапурда бўлдим ва у ерда бир жамоатда хизмат қилдим. Шу вақтда, бу ерга шифолаш инъомига эга бўлган хушхабарчи келди. Унда одамларнинг асабий кулгуси билан намоён бўладиган инъом бор эди. Мен бизнинг йигинимизда Худонинг ҳузури уларнинг бутун катта жамоатига мана ҳозир тушаётгандек ҳис қилдим. Тўсатдан одамлар қулишни бошладилар, худди кимдир тирноклари билан тахтани тирнаётгандек ҳис бор эди – бу мен руҳда ҳис қилган нарса эди.

Лиза: Бошқача қилиб айтганда, иш тўғри, лекин вақт

муносиб эмас эди.

Жон: Мен: «Бас қилинглар. Сизлар намойишларга берилиб кетдингизлар. Сизлар Худонинг Рухига эргашмадингизлар. У бу ерда умуман бошқа нарсани қилишни хоҳлаган эди. У одамларга Худонинг кўркуви билан чуқур тақсир қилмоқчи эди. Умид қиласизки, Худонинг Рухи қайтиб келади ва бизга хизмат қиласиди», -дедим. Шунда биз қайтадан ибодат қила бошладик. Худонинг Рухи келди ва бутун зал бўйлаб одамлар йиғлай бошладилар.

Бундай вазиятларда одамлар шунчаки эътиборни ўзларига қаратишни бошлашади, шунинг учун намойишлар шу қадар хунук ва номуносиб бўлиб қолади. Эр-хотинлар ҳеч қачон ўзларининг ички яқинликларини ҳамманинг олдида кўрсатишмайди. Бундай вазиятларда эса, одамлар худди уларга берилган Худо билан яқинликни томошага кўйиши хоҳлаёганларидек, худди: «Бизларга қаранглар! Бизлар шунаقا руҳиймиз!» -деяётгандек бўлади. Мен шуни сездимки, мен Муқаддас Рухни қанча кўп билсан, Уни сўндирамасдан, ҳурмат ва эҳтиром билан шунча кўп (Унинг инъомларини, Унинг қобилиятини ва Унинг кучини) ҳимоя қилишни хоҳлайман. Муқаддас Китоб Муқаддас Рухни сўндириш ҳақида Салоникаликларга биринчи мактуб (5:19-21)да гапирмоқда. Биз Муқаддас Рухнинг кучини ва инъомларини сўндирганимизда, биз Уни сўндирамиз. Буни қилманг! Уни эҳтиром қилинг. Уни У қандайдир аҳамиятсиз таъсирга эгадек ёки ўзини қандайдир арзимас куч билан кўрсатаётгандек қилиб кўрсатманг.

Лиза: Мен шуни қўшимча қилмоқчиман, биз Худони Ўзи хоҳлаётган нарсани амалга ошириши учун таклиф қиласиз. Гоҳида Муқаддас Рух ниманидир шундай усулда ва шундай вақтда қиласики, бизга ноқулай бўлади, лекин У ҳеч қачон бизни мажбуrlамайди, ҳеч қачон Унинг ҳузурининг намоён

бўлиши жаҳлни чиқарадиган бўлмайди. Улар эътиборни одамларга жалб қилиш учун эмас, балки эътиборни Худога жалб қилиш учундир – У улар учун оддий маълум хузур ва муҳитни яратади.

Яқинда мен ҳар ҳил деноминациядан бўлган одамлар билан учрашувда бўлдим. Мен улардан баъзиларининг менинг назаримда, ҳақиқатан ҳам қачонлардир ўз ўрнига эга бўлган Рухнинг намойишлари устидан кулганларини эшидим. Кейин эса, одамлар, Худо уларни қачонлардир дуо қилган Рухнинг намойишларида бундан кейин ҳам дуо қилиши умидида уларга ўхшатишни давом этишган. Вазифа қаердадир йўлда қолиб кетди, бироқ усул қолган ва шунинг учун ҳам одамлар ҳазил қилиб кулладиган бўлганлар. Бу кўринишлар устидан қулишнинг кераги йўқ. Биз Муқаддас Рух биз учун эга бўлган ҳамма нарсани истаймиз, лекин биз истаймизки, буларнинг барчаси имонда бўлсин. Биз истаймизки, кераклича тартиб бўлсин, биз истаймизки, ушбу барча Рухнинг намойишлари Худонинг ҳузурига ҳамроҳ бўлсин.

Лиза: Одам у ва бу вазият ёки қарор бўйича тинчликни хис қилиши, лекин шу билан бирга у Худодан бўлмаслиги мумкинми?

Жон: Ҳа, албатта. Йезекил пайғамбар китоби 14-бобда Худо Унинг олдига ўз юракларида бутлари билан келган одамлар ҳақида гапирмоқда. Бут нима? Янги Аҳдда бутпарастлик – бу манфаат (Кол. 3:5), нимагадир эга бўлиш учун бузуқ истақдир. Одамлар ҳатто юракларидаги бутлари билан пайғамбарнинг олдига бориб: «Илтимос, мен учун ибодан қил ва менга Раббийдан сўз айт», -деб айтадилар. Худо: «Мен, Раббий, унинг кўплаб бутлари олдида унга жавоб бера оламанми?» –дейди. Мен Худонинг ҳузурига кириб, нимадир сўраганимда, менинг юрагим – бетараф зона эканлигига

ишончим комил бўлиши керак. Мен бундай қилмаган вақтлар ҳам бўлган. Менинг юрагим бетараф бўлмаганини сабабли, унда Худодан бўлмаган тинчлик бўлган ва у менга кўп кулфатларни келтирган.

Мана нима учун биз Лиза билан унаштирилишимиздан олдин бошқа-бошқа шаҳарларда бўлганимиздан хурсандман. Муносабатларни ривожлантиришимиз керакми - ёки йўқми - билиш учун биз ўттиз кун давомида ибодат қилган эдик.

Мени унга шу қадар тортдики, бу интилиш мени қамраб олишига йўл қўймаслик учун йигирма беш кун керак бўлди. Бироқ бу ўттиз кун ичида шундай лаҳзага етиб бордимки, агар Худо «Йўқ» деб айтса, мен Унинг жавобини қабул кила олар эдим. Бундай ҳолатларда, бу фақатгина Унда мен учун бошқа одам бўлганидек, худди шундай, унинг учун ҳам бошқа одам борлигини англатишини билар эдим. Мен бу бетараф фурсатга етганимда, чинакамига кулоқ солишини бошладим.

Агар мен ибодат хонамга кириб, менинг юрагим озод эмаслигини тушунсан, у озод бўлмагунича, Худонинг Сўзи ва ибодат ёрдамида уни нимадир қилишим керак бўлади. Мен «ҳа»ни ҳам, «йўқ»ни ҳам эшита олишим керак, чунки агар мен у ёки бу жавобга оғиб кетсан, ёлғон тинчликка эга бўлишим мумкин.

Лиза: Кўп маротаба ҳаётимизнинг ҳар хил даврида биз вазият бундай ёки бошқача бўлади деб ўйлаган, кейин эса, ҳаммаси биз ўйлагандек бўлмаслигини тушуниб етган вақтлар бўлган. Барча фикрларимиз ва варианtlаримиздан воз кечишга ва: «Худо, Сенга қандай маъқул бўлса, шундай бўлсин», -деб айтишга тўғри келган.

Гап Муқаддас Рухдан чиқадиган шундай билим ҳақида кетаяти. Мен озиқланиш ҳақида китоб ёзишга тайёрланаётганимда, луғатда «интуиция» – «ички ҳис»

сўзини қидирдим. У лотинча «ин» ва «тиеор» сўзларидан келиб чиқиб, биргаликда «ички ўқитувчи» деган маънони англатади. Муқаддас Рух бизнинг ички Ўқитувчимиз ҳамdir. У бизга янги юрак беради (Йез. 36:26га каранг) ва бизга ўргатишни бошлайди.

Лиза: Ҳаётда одамлар ёки ҳолатлар билан боғлиқ шундай вазиятлар бўладики, ҳаммаси тўғри бўлиб кўринади, бироқ шу билан бирга нимадир жойида эмаслиги ҳакидаги ҳис тарқ этмайди. Бу ҳақида озроқ гаплашамиз.

Жон: Рухда ҳаммаси нотўғри бўлиб туйилганида, ташқаридан эса, ҳаммаси аъло бўлиб кўринганида, ҳар сафар, мен бу ички ўқитувчига қулоқ солмаганимда, мен чинакам тўрга тушиб қоламан.

Лиза: Бу сенда бор бўлганида мантиқан рад этадиган биринчи жавобингми?

Жон: Ҳа. Одатдагидек биринчи жавоб – бу Худо Руҳининг овозидир. Лиза, мен сенинг маслаҳатингни эътиборга олмаганимда, худди мана шу нарса содир бўлади.

Ҳозир эр ва хотинларга мурожаат қилмоқчиман. Биз Лиза билан турмуш қурганимизда, мен ҳар куни, бир кунда яrim соатдан ибодат қиласар эдим, шу билан бирга, мен Лизанинг бор-йўғи ўн дақиқа ибодат қилишини – уни ҳам душ қабул қилаётганида қилишини билдим.

Лиза: Мен тўлиқ иш кунидаги ишлар эдим!

Жон: Мен жуда кўп: «Лиза, биз мана шундай, мана бундай йўл тутишимиз керак деб ўйлайман. Айнан шуни қилиш кераклигини ҳис қиласяпман», -деб айтар эдим. У эса: «Мен буни ҳис қиласяпман», -деб жавоб берар ва яrim вазиятларда у ҳақ бўлар эди. Мен жуда ҳам хафа бўлиб кетар эдим.

Бир куни мен: «Худо, мен ҳар тонгда ярим соатдан ибодат қиласаман. Лиза душ қабул қилаётганида ўн дақиқа ибодат қиласади. Бунинг устига, ярим вазиятларда ва ҳатто кўпинча, у ҳақ бўлиб чиқади», -дедим.

Раббий менга жавоб бериб деди: «Айланачиз». Мен қоғоз варагига доира чиздим. Худо деди: «Бутун айлананинг ичига «х» ҳарфини ёзиб чиқ». Мен айлананинг ичига иксларни чиза бошладим. У: «Энди қок ўртасидан чизик ўтказ», -деди. Мен шундай ҳам қилдим.



У: «Кўраяпсанми, ихсларнинг тахминан ярими бир томонда, ярими бошқа томонда? Жон, сен бўйдоқ пайтингда, Менда ва ўзингда тўлиқ эдинг. Бироқ энди сен Лиза билан битта тана бўлдинг, шунинг учун мазкур айланачизни ва Лизани ифодаламоқда. Сен чап ярим, у ўнг ярим томон», -деди.

Сўнг Худо деди: «Икслар нимани англатишини биласанми? Бу доно қарор қабул қилиш учун Мендан сенга керак бўладиган маълумотдир. Муаммо шундаки, сен ўзингнинг барча қарорларингни битта яримтага асосланиб қабул қиласан. Сен оила боши сифатида тўлиқ маълумот асосида қарор қабул қила олишинг учун Мен хотинингга кўрсатадиганларни ундан қабул қилишни ўрганишинг керак».

Ички ҳис тўғрисидаги ушбу ваҳийлар билан шуни айтишим керакки, ха, мен огоҳлантириш деб ҳис қилган, лекин уни эътиборга олмаган нарса баъзан мени эзган. Лекин шундай вақтлар бўлганки, Лиза менга ниманидир айтганида, гарчи

мен ич-ичимдан унинг сўзлари Муқаддас Руҳдан эканлигини билсам-да, эътибор бермаганман – ахир У нима ҳам қиласди? Гувоҳлик беради.

Баъзан Лиза бошқа нарсаларни ҳам гапиради, масалан: «Бу имон томонидан айтилмаган. Бу ерда қўркув гапирайпти. Мен бунга имзо чекмайман». Тўгри бундай сўзларни жуда ҳам кам айтади, эҳтимол, эслашимча, бир неча йилда бир маротаба. Кўпинча, Лиза гапираётганида ўз руҳимнинг тубида «У ҳак» эканлигини биламан. Агар мен бу гувоҳликни эътиборсиз қолдирсан, натижада, менинг ўзим жазосини тортаман.

Лиза: Ўйлашимча, Жон жуда ҳам бағрикенг инсон, лекин мен Худо одамга мурожаат қилганида, Унга шак-шубҳасиз ишониш мумкинлигини одамлар тушунишларини хоҳлайман. Тадқиқотчилар рух биз ўйлаганимиздан кўра анчагина зийракроқ эканлигини айтишмоқда. Биз ўз ақлимизни ишга тушириб, ҳар хил тахминларни қуришни бошлаганимизда, биз ўзимиздан шубҳаланмаймиз. Биз Худодан шубҳаланамиз. Худо бизга ниманидир айта бошлаганида, Унинг ортидан эргашиб зарур.

Яқинда бир гуруҳ одамлар билан автобусда юришимга тўғри келди, яна шуни айтиб ўтишим керакки, мен автобусни ёмон кўраман. Бизнинг гуруҳ аэропортга йўл олди ва биз етарлича узок вақт юриб етиб бордик. Бунинг устига, гурухимиздан бир аёл кечикаётган эди, чунки автобус кетадиган жойга йўлни топа олмаётган эди. Биз унга доимо қўнғироқ қилдик, лекин унинг қаерда эканлигини билиш учун қўнғироқ қилиб туша олмадик.

Нихоят, биз йиғилишимиз керак бўлган жойда эмас, балки биздан анча узокда, таксилар турадиган жойнинг яқинида унинг сакраб, бизга қўлини силкитаётганини сезиб қолдим. Мен унга қараганим заҳоти, дарров бу аёлни яхши қўришимни ўйладим. Бу юракларнинг бир сонияга бирлашуви эди. Фақат унга назар

ташлабгина, мен севги ва мустаҳкам алоқани ҳис қилдим.

Худо сизга мана шундай алоқаларни беради. Мантиқан ўйлаб, қандай қилиб мен уни тўсатдан яхши кўриб қолишими тасаввур қилиш қийин эди. Бироқ шундай бўлса-да, бу шундай бўлди. Бугун у менга узун мактуб ёзди. У ерда: «Сен бирдан менга нисбатан севги кўрсатдинг ва мен сенинг севгинг туфайли ҳаддан ташқари ёлғиз бўлган ҳаётимдаги шундай вазиятларнинг бирида Худонинг севгисини ҳис қилдим», -деб айтилган эди. Биз ўзимизни шундай тутганимизда, биз вазиятлар билан эмас, шундай алоқалар билан харакатланган бўлганимизда, мана бизда нима намоён бўлади.

Шундай вазиятлар бўлганки, Жон менга: «Лиза, мен бу одамга уччалик ишонмайман», -деб айтган. Мен: «Азизим, ахир сен аёл киши эмассан, сен шунчаки, бу нарсаларни тушунмайсан ва мен ҳис қилганчалик ҳис қила олмайсан», -деб жавоб берганман. У мени уч, тўрт маротаба огоҳлантирган ва ҳар сафар, мен унга қулоқ солмаганман, сўнгра, ўзим жазосини тортганман.

Жон: Шундай қилиб, мана, мен сизларга нимани айтаман: Ҳаворийлар китоби 15-бобда Повул ва Барнабо: «Мажусийлар Мусонинг Қонунини бажаришлари керакми?»-деган саволга тўқнашдилар. Жамоат уларни Иерусалимга ҳаворийлар ва оқсоқоллар билан учрашувга юборади. Нима учун Повул ва Барнабо мустақил равишда карор қабул қила олмайдилар. Уларга Иерусалимга боришнинг ва барча қолганлар билан учрашишнинг нима кераги бор? Чунки куч ва йўналиш бирликка ҳамроҳ бўлади. Айнан шунинг учун эр-хотинлар ҳамма нарсани факат бир-бирлари билан бирлик бўлгандагина очик бўлган кучнинг ёрдами билан қилишлари лозим. Бирлик ҳолати бизга Худодан аниқ жавобларни қабул қилишга ёрдам беради.

Лиза: Муқаддас Руҳнинг инъомлари билан Муқаддас

Рұхнинг ҳосиллари ўртасида қандай фарқ бор?

Жон: Муқаддас Рұхнинг инъоми – бу Худо одамнинг ҳаётига берган нарсадир. Уни ривожлантиришнинг ёки ўстиришнинг кераги йўқ. У автоматик тарзда ҳаракат қиласи. Ривожлантириш керак бўлган ягона нарса – бу инсоннинг унда қандай ҳаракат қилишидир. Муқаддас Рұхнинг ҳосилини эса, ривожлантириш зарур. Шу тарзда, инъомлар берилади, ҳосиллар эса ўстирилади. Рұхнинг ҳосили – бу Муқаддас Рұх билан яшашнинг натижасидир. Сиз Муқаддас Рұх билан юрганингизда, ҳосиллар хам ўсади ва сиз қувонч, тинчлик, сабр-тоқат, севги ва бошқалар билан янада кўпроқ тўлган одамга айланасиз (Галатликлар 5:22-23га қаранг). Ушбу севги, қувонч ёки тинчлик сиздан булоқ бўлиб отилиб чиқади, чунки сиз Муқаддас Рұх билан биргаликда юрасиз. Улар сизнинг шахсий ҳаётингизга алоқадордир. Рұхнинг ҳосили сизни хизматда сақлаб турувчи асосдир. Муқаддас Рұхнинг инъомлари сизнинг хизматингизга тегишлидир, афсуски, кўп одамлар ҳосилларга эга бўлишдан кўра, кўпроқ инъомларга эга бўлишга интиладилар.

Мен шундай ибодат қилдим: «Худо, Сен менинг ҳаётимга ўрнатган ҳосиллар Сен менда ривожлантирган ҳосилларни сиқиб қўйишини хоҳламайман». Мен ўз йўлимни яхши поёнига етказиш учун ибодат қилдим, чунки кўпинча, шундай бўладики, одамлар инъомларни таъқиб қилишни бошлайдилар. Муқаддас Китоб дейди: «Севгининг ортидан қувинглар. Рұҳий инъомлар учун рашқ қилинглар» (1 Кор. 14:1). Одамлар инъомларнинг ортидан қувадилар, лекин ҳосил (севги)ни эътиборсиз қолдирадилар.

Инъомларнинг одамга тик туришига ёрдам берувчи хусусияти йўқ ва шунинг учун улар унинг ҳаётини барбод қилиши мумкин. Яхудо жинларни қувган, касалларни шифолаган, бироқ шу билан бирга дўзахга тушди. Раббий Исо у ҳақида шундай деган: «Ўша одам учун унинг туғилмагани

яхшироқ бўлар эди» (Мт. 26:24). Яхудо ҳаётида ҳаракат қилувчи Муқаддас Руҳнинг инъомларига эга эди, бироқ шубҳасиз, у ҳосилларни ривожлантирумаган.

Лиза: Баъзи бир одамлар гарчи уларнинг ҳаётининг ҳосиллари инъомларнинг кучидан жуда фарқ қиласа-да, инъомларда кучли ҳаракат қилмоқдалар. Бу қандай содир бўлади?

Жон: Балъомга қараш етарлидир. Балъом башорат қилиш инъомига эга эди. Унинг башорати ҳатто Муқаддас Китобда ёзилган! У айтган сўзлар Худонинг сўзлари бўлган. Шундай бўлса-да, у ўзининг ўткир қиличи билан одамлар томонидан ўлдирилишига Худо йўл қўйди, чунки у бетавфиқ ва итоатсиз эди. Подшоҳ Шоул жинни эди. У ақлдан озган киши эди. Маълум муддат, у Худонинг мойлангани бўлмиш Довудни ўлдириш учун уни таъқиб қилди. Гарчи шу билан бирга у башоратчилар билан биргаликда башорат қилган кунлар ҳам бўлган (1 Шомуил 19га қаранг).

Ўша ёки бошқа одамнинг ҳаётидаги инъомларнинг ҳаракати, албатта, Худонинг илтифоти ҳақида гапирмайди. Исо шундай деган: «Ўша кунда кўпчилик Менга: «Ё, Раббий, ё, Раббий, биз Сенинг исминг билан башорат қилдик? Сенинг исминг билан жинларни қувиб чиқардик? Сенинг исминг билан кўпгина мўъжизаларни яратдик?»-дейдилар». Ўшанда У уларга шундай дейди: «Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ. Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар! Сизлар ўз ҳаётингизда ҳосил келтирмадингизлар» (Матто 7:22,23, NETга қаранг). Раббий бир кун менга мурожаат қилиб деди: «Эътибор бердингми, улар: «Ахир биз Сенинг исминг билан очларни боқдик, қамоққа қамаб қўйилганларни Сенинг исминг билан қўришга бордик», -деб айтмадилар. Барча бундай ишларни қилувчи одамлар ҳосилни ривожлантирадилар». Руҳ ҳосилининг ривожи – бизга йўлимизни яхши поёнига етказишимизга

имкон берувчи ҳимоядир. Мен биринчи маротаба бу ҳақда катта бир жамоатда, бутун дунёдаги энг машхур жамоатлардан бирида ишлаганимда билдим. Бу жамоатга кўпчилик энг машхур нотиқлар ва кўпгина, унчалик яхши маълум бўлмаган воизхонлар – масиҳий хизматчиларнинг бутун грухни келишган. Менинг вазифам уларни аэропортда кутиб олиб, уларнинг бу ерда бўлиш вақтини ташкиллаштириш билан шуғулланишдан иборат эди. Мен баъзи бир хизматчилар машинага ўтиргани заҳоти Раббий Исо мен билан ёнма-ён ўтиргандек бир ҳис пайдо бўлишини сезар эдим. Улар саҳнага кўтарилиб, гапиргандарнида худди Раббий Исонинг Ўзи воизлиқ қилаётгандек бир ҳис пайдо бўлар эди. Бошқалар машинага ўтиргандарнида, баъзан шундай фикр келар эди: «Нима гап? Нима учун мен ўзимни бундай ифлос бўлгандек ҳис қиласяпман? Нима учун улар бундай одоб доирасидан ташқарида гаплашмоқда?» Сўнгра, улар саҳнага чиқар эдилар ва одамлар нажот топар эди, шифоланар эди ҳамда хизматдан баҳраманд бўлар эди. Бу соҳта нажот топиш ва шифоланиш эмас эди, бу Муқаддас Рухнинг кучи эди. Баъзан мен ўйлаб қолар эдим: «Худо, мен буни тушунмайман! Нима бўляяпти? Улар қандай қилиб ўзларини мен билан шундай қўпол тутиб, кейин эса, саҳнага чиқиб, одамларни нажотга ва шифо топишга олиб келишлари мумкин?» Шунда Худо менга Яхудонинг Шоҳликни эълон қилганини, жинларни қувганини, касалларни шифолаганини ва мўъжизалар яратганини, шу билан бирга, унинг дўзахга тушганини кўрсатди. Бальом башорат қилди, касалларни шифолади, мўъжизалар амалга оширди, лекин Худо уни қилич билан ҳалок қилди. Шоул башорат қилди, аммо ўз йўлини ёмон якунлади. Раббий менга деди: «Худонинг мойланиши – инсоннинг ҳаётида харакат қилувчи Худонинг инъомлари, - Худонинг илтифотининг белгиси дегани эмас». Сиз уларни ҳосилларидан билиб оласизлар (Матто 7:16га қаранг).

Лиза: Инъом – бу одамнинг ҳаётига келадиган нарса, ҳосил эса – бу ривожланадиган ички феъл-автор деб айтиш мумкинми?

Жон: Ҳа, бу жуда ҳам мос келувчи изоҳ.

Лиза: Сен ички тинчлик билан бошқарилиш нимани англатиши ҳақида, шунингдек, ички текширув – Муқаддас Руҳ сенга нимададир қаршилик қилаётганини билдирадиган бу ичкаридан эзувчи ноқулайлик ҳисси ҳақида гапирган эдинг. Лекин кимдир умуман Худо бугунги кунларда бизларга гапириши ёки йўқлиги ҳақида баҳслалиши мумкин. Баъзи одамлар, У фақат Ёзув орқали гапиради деб ҳисоблашади. Худо бизга бугун гапиришига ва фақат Ўз Сўзига мувофиқ гапиришига ишонасанми?

Жон: Биринчидан, Повул Коринфдаги жамоатга шундай деган: «Сизлар мажусий бўлганингизда, сизларни худди етаклаб олиб боришганидай, гунг бутларга борар эдингизлар» (1 Кор. 12:2). Бизнинг тушунчамиизда «гунг» аҳмоқни билдиради, тўғрими? Мазкур контекстда гунг соқовни англатади. Бошқача қилиб айтганда, коринфликлар хизмат қилган худолар гапира олмаганлар. Повул уларнидан фарқли равища бизнинг Худойимиз гапира олишини уларга етказмоқда. Ва У жуда ҳам аниқ гапиради.

Худо қандай гапиради? Янги Аҳд Унинг бизга мурожаат қилишининг ҳар хил йўлларини кўрсатмоқда. Биринчидан, бу ички гувохлик бўлмиш тинчлик ҳиссидир. Худо асосан у орқали бизлар билан мулокот қиласди.

Лиза: Унинг тинчлиги, ҳатто, Унинг Сўзидан ҳам муҳимроқми?

Жон: Йўқ, Унинг Сўзи доимо муҳимроқдир. Ҳатто, агар сиз тинчликни ҳис қилаётган бўлсангиз-у, бироқ, шу билан бирга, Худонинг Сўзи уни тасдиқламаса, унда бу ҳиссиётга

кулоқ солманг. Балки сизнинг юрагингизда қандайдир нотўғри даъватлар бордир, аввало нейтрал ҳолатга келиб олиш керак. Охирги жавобни доимо Худонинг Сўзи беради.

Лиза: Сўз ҳар доим пойдевор ва лойихадир.

Жон: Ҳа, бу тўғри. Шунинг учун ички гувоҳлик – биринчи рақамли омилдир. Иккинчи рақамли омил – бу Муқаддас Ёзув гапираётган хотиржам секин овоздир. Раббий Исо: «Менинг қўйларим эса Менинг овозимга қулоқ соладилар» (Юҳанно 10:27га қаранг). Худонинг Рухи Раббий Исодан эшитганини гапиради ва бу секин хотиржам овоздир.

Баъзи бир одамлар, у ёки бу тўрга тушиб, чалкашиб қоладилар, чунки ички гувоҳликка эга бўлмасдан туриб, овоз ортидан эргашишни бошлайдилар. Ҳар сафар, мен Худонинг овозини эшитганимда, унга гувоҳлик хамроҳлик қиласди, шу билан бирга, овоз ҳам, гувоҳлик ҳам Худонинг сўзи билан мос келади. Айтайлик, шундай асос: Сўз, гувоҳлик, овоз. Агар сиз овозни эшитсангиз-у, лекин гувоҳликка эга бўлмасангиз, овозга қулоқ солманг. Мен шундай йигинларда бўлганманки, одамлар менга карата башорат қилганлар, лекин мен Худонинг хузурини ҳис қилмаганман ва ички гувоҳликка эга бўлмаганман. Бундай сўзларга мен эътибор бермайман.

Янги Аҳдда кўрсатилганидек, Худо бизга тушлар орқали гапиради. Ҳаворийлар китоби 16-боб Повулнинг туши ҳақида гапирмоқда, унда Повулга бир македониялик кўриниб шундай дейди: «Илтимос, келиб, бизга ёрдам бергин». Муқаддас Рух туш орқали Повулга Македонияга боришини айтди. Айрим одамларга Худо бошқа йўллардан кўра кўпроқ тушлар орқали гапиради, масалан, менинг хотинимга. Одатда, У менга ички гувоҳлик ва секин хотиржам овоз орқали гапиради.

Муқаддас Китоб яна шуни кўрсатадики, Худо одамларга ваҳийлар орқали гапириши мумкин. Повулда ҳам ваҳий бўлиб, у буни қуйидагича таърифлайди: «...танадами ёки

танадан ташқаридами билмайман» (2 Коринфликларга 12:2га қаранг). Ваҳий кўриб, сиз танада ёки танада эмаслигингизни билмайсиз, бироқ сиз деярли руҳий дунёни кўрасиз. Менинг чўпоним 1989 йилда ваҳий туфайли бизни хотиним билан хизматга юборган эди. Хизматчиларнинг умумий учрашувида у: Кеча кечқурун мен ваҳий кўрдим, худди мен уни телевизорда кўргандек кўрдим. Сиз, чўпонлардан бирингиз бошқа бу ерда бизлар билан бирга бўлмайди. У ҳамма ерда юради ва Масиҳнинг Танаси учун дуо-барака бўлади», -деди. Сўнгра у: «Бу одам – сен, Жон Бивер», -деб қўшиб қўйди. Худо менга айнан шу нарсани ўша учрашувгача тахминан саккиз ой олдин ибодатда кўрсатган эди, шу сабабли, унинг сўзлари мен учун тасдиқ бўлди.

Худонинг Янги Аҳдда ёзилган бизга мурожаатининг охирги усули –трансдир. Петъор буни бошдан кечирган ва у Ҳаворийлар китоби 10-бобда ёзилган. Транс- гўёки одамнинг ҳиссиётлари ўчиб қолишини англатади. Унинг ваҳийдан фарқи шундаки, охирида ҳиссиётлар аввалгидек харакат қиласи ва одам харакатда бўлиши мумкин. Повул Юҳанно билан самога кўтарилилганларида, улар у ерда харакатда бўлдилар. Трансда сиз ниманидир кўрасиз ва Худонинг овозини эшитасиз. Қолган барча ҳиссиётлар гўёки ўчиб қиласи.

Кимдир: «Жун ҳақида нима дейсиз?» –дэйиши мумкин. Жун - бу Худонинг овозини бошдан кечиришнинг Эски Аҳддаги усулидир. Эски Аҳдда бор бўлган ҳамма нарсани биз хоч орқали олиб ўтишимиз керак. Хоч ҳақиқийсини қолдиради, уни поклайди ва керак бўлмаганини йўқ қилиб ташлайди. Мен жунни олиб, уни хоҷдан олиб ўтаман ва уни қандай бўлганини кўраман. Муқаддас Китоб: «Жун билан бошқариладиганларнинг ҳаммаси» эмас, «Худонинг Рухи билан бошқариладиганларнинг ҳаммаси», -демокда (Римликларга 8:14га қаранг). Эски Аҳддаги одамлар уларда бўлувчи Худонинг Рухига эга бўлмаганлар, шунинг учун

Худо уларга шундай жун каби нарсалар орқали гапирган. Шахсан ўзим Янги Аҳддаги имонлиларга Худонинг овозини бундай синаб кўришга югуришларини тавсия қилмайман. Ўйлашимча, бунда ҳеч қандай ёмон нарса йўқ, бироқ ишонингки, ахир сиз Сўз ва ички гувоҳлик билан бошқариляпсиз. Жун –бу жисмоний воқеликдир, ахир сиз унда ҳаракат қилиб, хатога йўл қўйишни хоҳламайсиз-ку. Биз Рухда яшашга ва Рух бўйича юришга даъват қилингандик.

Лиза: Мен сенинг сўзларингга яна қўшимча қилмоқчиман. Сенинг барча жавобларинг руҳий воқеликка тегишли эди. Бизда шунингдек, шундай аниқ топшириқ борки, агар биз биродаримизни муҳтожлиқда кўриб қолсақ, ўз юрагимизни ёпмаслигимиз керак (1 Юҳанно 3:16–18га қаранг). Баъзида, сизга осмондан овоз эшитишингизнинг кераги йўқ. Баъзида, сиз у ёки бу муҳтожлик ҳақида шунчаки эшитишингиз ёки кўришингиз керак. Биз китобларимиз билан нима бўлганини, одамлар уларни бўлакларга ва варакларга бўлиб, бир-бирларига берганларини эшитганимизда, биз: «Биз қандай юрагимизни ёпишими мумкин?» –дедик. Биз бунинг қандай содир бўлганини кўрмадик, бироқ эшитдик ва нимадир қилишимиз кераклигини айтдик.

Жон: Мен қизларни қулликка сотишаётганларини эшитганимда, Худо менга ҳеч нима демади, бироқ мен Лизага қандайдир ёрдам беришимиз кераклигини айтдим.

Лиза: Мен бу ҳақда журналда ўқиган ва чет элда бўлганимда кўрган эдим. Баъзан одамлар Муқаддас Китоб: «Агар кўрсанг», –деяётган бир вақтда белгиларни ёки трансларни, ёки ваҳийларни, ёки тушларни излайдилар.

Жон: «Агар биродарингни муҳтожлиқда кўрсанг».

Лиза: Биз муҳтожлиқдаги биродарларимиз ва опасингилларимиздан бошлашимиз лозим. Биз кўрадиган,

тегинишимиз мумкин бўлган, овозини эшита оладиган мухтоjликтаги масихийлардан бошлишимиз ва ўз юракларимизни ёпмаслигимиз даркор. Ҳар сафар биз табиий дунёда кўрганимизга жавоб берганимизда, Худо руҳий дунёда бизга кўпроғини ишонишини сезаман, чунки У: «Мен сизларнинг бунда содик бўлганлигинги зни кўраяпман. Мен сизларга имон соҳасида кўпроғини ишонишим мумкин», -демоқда.

Жон Бивернинг қўшимча жавоблари

Савол: Қандай қилиб Муқаддас Рухни куфр қилиш мумкин?

Жон: Муқаддас Рухни куфр қилиш ҳақида Мат. 12:22–32; Мк. 3:22–30 и Лук. 12:10да ўқиш мумкин. Матто ва Маркнинг таърифида контекст жуда аниқ ифодаланган. Диний етакчилар Раббий Исони жинларни жинлар бошлиги Баалзебубнинг кучи билан қувиб чиқаришда айбладилар. Шунда Раббий Исо деди: «Ҳар қандай гуноҳ ва куфр одамларга кечирилади, лекин Муқаддас Рухни куфр қилишлари одамларга кечирилмайди» (Мат. 12:31). Шунинг учун Муқаддас Рухни куфр қилиш – очикчасига, Унга қарши ёмон гап айтиш, хусусан, Муқаддас Рухнинг намойишлари ҳақида худди бу шайтоннинг ишларидек гапиришни англатади.

Савол: Отага ва ўғилга ибодат қилганимиз ва куйлаганимиз каби, худди шундай, Муқаддас Рухга ибодат қилиш ва куйлаш Муқаддас Китобга мувофиқми?

Жон: Ҳа, албатта. Муқаддас Рух – Худодир ва Унга Худога сажда қилгандек, сажда қилиш керак. Юҳанно Хушхабари (4:24) шундай дейди: «Худо – Руҳдир, Унга сажда қиласиганлар руҳда ва ҳақиқатда сажда қилишлари лозим». Ўйлайманки, сиз Муқаддас Рухга сажда қилишингиз ва Худо

Отани ва Худо Ўғилни қандай шарафласангиз, Уни ҳам худди шундай шарафлашингиз лозим.

Савол: Қандай ибодатлар ёки қўшиқлар Муқаддас Рухга қаратилган бўлиши кераклигини сиз қаердан биласиз?

Жон: Раббий Исо Ўз шогирдларига шундай деган:

«Сизларга кўп нарсаларни айтишим керак, лекин хозир буларни сифдира олмайсизлар. Ҳақиқат Рухи келганида эса, У сизларни бор ҳақиқатга етаклайди. Чунки У Ўзидан гапирмайди, лекин нимани эшитса, ўшани гапиради ва сизларга келажакни маълум килади. У Мени улуғлайди, чунки Мендан олиб сизларга маълум қилади...

Кўп ўтмай, сизлар Мени кўрмайсизлар ва яна кўп ўтмай, сизлар Мени кўрасизлар, чунки Мен Отамнинг олдига кетяпман»...

Ўша куни сизлар Мендан ҳеч нарса ҳақида сўрамайсизлар. Ростини, сизларга ростини айтаман, Менинг исмим билан Отамдан нимаики сўрасангиз, У сизларга беради (Юх. 16:12-14,16,23).

Биз Раббий Исонинг номидан (хокимияти билан) Худо Отага илтимос билан мурожаат қиласиз. Шунингдек, биз Муқаддас Рух билан мулоқот қиласиз (шуни англатадики, ўз фикрларимизни ифодалаймиз ёки саволлар берамиз) – китобда шу ҳақида гап кетмоқда.

Савол: Агар Муқаддас Рух шундок ҳам ҳар ерда ҳозир бўлса, Ундан йиғингаёки хизматга «келишини» сўраш Муқаддас Китобга мувофиқми?

Жон: Ҳа, Муқаддас Китоб бизга Худонинг ҳар ерда ҳозирлиги ҳақида ҳам, Унинг намоён бўлган ҳузури ҳақида ҳам таълим беради. Биз Унинг ҳар ерда ҳозирлиги ҳақида

Довуднинг сўзларидан билиб оламиз:

«Сенинг Руҳингдан қаерга бораман, Сенинг юзингдан қаерга қочаман? Осмонга чиқсан – Сен ўша ердасан, ер остига тушсан, у ерда ҳам Сен борсан. Тонгнинг қанотларини олиб, денгизнинг ҳудудига кўчиб ўтсан, у ерда ҳам Сенинг қўлинг мени бошқаради, Сенинг ўнг қўлинг мени тутиб туради» (Сано 138:7-10).

Муқаддас Китоб шунингдек, Худо ҳеч қачон бизни тарк этмаслигини ва ташлаб кетмаслигини айтмоқда (Ибронийликларга 13:5га қаранг). Бу ерда Унинг ҳар ерда ҳозирлиги ҳақида – Унинг ҳар доим ва ҳар жойдаги ҳузури ҳақида гап кетмоқда.

Бошқа томондан, Худонинг намоён бўлган ҳузури ҳам бор. Намоён этиш – кўзга кўринмайдиган нарсаларни кўринадиган ҳолга, эшитилмайдиган нарсаларни эшитиладиган ҳолга, номаълум нарсаларни маълум ҳолга келтиришни англатади. Худо бизнинг хисларимизга Ўзини очганида, Ўзининг ҳузурини намоён қиласди (Юҳанно 14:19-24га қаранг). Ундан бу ҳақда сўраш Муқаддас Китобга зид эмаслигига ишонаман.

Савол: Нима учун биз Худога У бизга Ўз Руҳини қўйиши учун ибодат қиласмиш? Наҳотки У аллақачон буни қиласмаган бўлса?

Жон: Закариах пайғамбарнинг китобида: «Раббийдан баҳорги ёмғир ёғиши пайтида ёмғир сўранг», -деб ёзилган. Ёзувда ёмғир ҳар доим Муқаддас Руҳнинг қўйилишини ифодалайди. Мен ишонаманки, биз Худодан Унинг Руҳини қўйишини сўраганимизда, биз одамлар, шаҳарлар ва давлатлар устига янги қўйилишни сўраймиз. Бу Унинг ишини амалга ошириш учун бизга куч берадиган Унинг намоён бўлувчи ҳузурининг янада кучлироқ ечилишидир ва бу бизни жонларнинг Худо Шоҳлиги учун улкан ҳосилига олиб боради.

Савол: Муқаддас Рух билан янада чукурроқ муносабатларни қандай ривожлантириш керак? Унинг ҳузури ва кучини қандай қилиб янада қўпроқ ҳис қилиш мумкин?

Жон: Худо билан ва Унинг Сўзида вақт ўтказиб. Худо билан яқинликни қандай ривожлантириш кераклиги ҳақидаги янада тўлиқроқ тушунчани сиз иккинчи ва учинчи боблардан топасиз.

Савол: Агар Муқаддас Рух ҳамма нарсани билса, унда бизга Муқаддас Китобни ўқишишнинг нима кераги бор?

Жон: Худо бизга У томондан рухлантирилган Ёзувни берди, чунки у «илхомланган бўлиб, таълим олишга, фош қилишга, тўғрилашга ва ҳақлиқда тарбиялашга фойдалидир, токи Худонинг одами баркамол бўлиб, ҳар қандай яхши иш учун тайёрланган бўлсин» (2 Тим. 3:16-17). Муқаддас Рух Унинг айтилган сўзини («рема»ни) бизга олиб келиш учун, бу ёзилган сўзни (юонча «логос»ни) ишлатмоқда. Муқаддас Рух логосни тирилтиради ва у биз учун *ремага айланади*. Агар биз *логосда* (Муқаддас Рухга очик юрак билан) вақт ўтказмасақ, унда бизга *ремани* олиш қийинроқ бўлади. Хитойдаги яширин жамоат Муқаддас Рухга тўлган эди, лекин улар бир неча йиллар давомида Муқаддас Китобга нихоятда муҳтоҷ бўлдилар. Муқаддас Рух уларга Ёзув орқали гапира олиши ва уни уларнинг юракларида жонлантириши учун улар Худонинг Сўзини ўқиши хоҳлар эдилар. Муқаддас Китобни ўқиш жуда ҳам муҳим. Худонинг Сўзи ва Худонинг Рухи биргалиқда, ҳамкорлиқда ишлайди. Ёдингиздами, Муқаддас Китоб Худонинг сирларини ўз ичидаги саклайди, Муқаддас Рух эса, уларни бизга очиб беради? Агар сиз Ёзувни Муқаддас Рухнинг таъсирисиз ўқисангиз, сиз матннинг одамларнинг тилида гапираётганини кўрасиз, холос. Бироқ Муқаддас Рух орқали сиз матннинг одамнинг фаҳмлашидан устунроқ бўлган

рухий маъносини тушунишингиз мумкин, чунки биз Рухда Масихнинг онгига эгамиз:

«[Биз] Худонинг сирли ва яширин бўлган донолиги-ни воизлик қилмоқдамиз. Худо бу донолигини асрлар бошланишидан аввал бизнинг шуҳратимиз учун тайин қилган. Шу доноликни бу дунё ҳокимларидан ҳеч ким англамади. Буни англаганларида эди, шуҳрат Раббийсими хотга михламас эдилар. Лекин ёзилганидек бўлди: «Худо Ўзини севганларга кўз кўрмаган, қулоқ эшифтмаган, инсон юрагига ҳам келмаган нарсаларни тайёрлаб қўйган». Бизга эса Худо буни Ўз Руҳи билан ошкор қилди. Чунки Руҳ ҳамма нарсани, ҳатто Худонинг теранликларини текшириб кўради. Чунки инсоннинг ичидаги нима борлигини унинг ичидаги бўлган инсоннинг руҳидан бошқа ким билади? Худди шундай, Худоникини ҳам Худонинг Руҳидан бошқа ҳеч ким билмайди. Биз эса бу дунёning руҳини олмадик, балки Худо бизга ато қилганларини билишимиз учун, Худодан бўлган Руҳни қабул қилдик. Биз буни инсоний доноликдан ўрганган сўзлар билан эмас, балки Муқаддас Руҳ ўргатган сўзлар билан воизлик қилиб, руҳий нарсаларни руҳий нарсалар билан таккослаймиз. Жони бошқарадиган одам Худонинг Руҳидан бўлган нарсаларни қабул қилмайди. У буларни телбалик деб хисоблади ва уларни фаҳмлай олмайди, чунки булар ҳақида руҳан муҳокама қилиш керак. Лекин руҳий одам ҳамма нарсани муҳокама қила олади, унинг ўзини эса ҳеч ким муҳокама қила олмайди. Зоро Раббийнинг онгини ким англаш олибдики, Унга таълим берса? Биз эса Масихнинг онгига эгамиз (1 Кор. 2:7-16).

Савол: Менинг жамоатим қуруқ. Мен оддий имонли сифатида унга Муқаддас Руҳни олиб келиш учун нима қила олишим мумкин?

Жон: Агар сиз жамоатингизда етакчи бўлмасангиз, сиз қилишингиз мумкин бўлган биргина нарса – бу ибодат қилишдир. Биринчидан, сиз жамоатингизга Унинг намоён бўлган хузурини ўзингиз билан олиб кела олишингиз учун Муқаддас Рухни ҳаётингизга таклиф қилинг. Иккинчидан, сизнинг етакчиларингиз Муқаддас Рух хузурининг намоён бўлишига янада очикроқ бўлишлари учун Худо уларнинг юракларида харакат қилишини сўранг.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

Агар сиз бу китобни «Messenger» хизматидан Муқаддас Рух ҳақидаги материалларнинг бир қисми сифатида ўқиётган бўлсангиз, унда марҳамат қилиб, б - видео дарсни кўринг.

- 1 |** Хамма имонлилар руҳий инъомларда харакат қилиш кобилиятига эгадирлар. Расмий «хизмат» деворлари ташқарисидаги Рух инъомлари ҳаракати қандай бўлиши мумкин?
- 2 |** Худосизгауёкибуқарорбўйичатинчликбераётганиҳакида ўйлаганингизда, сиз айнан Уни эшитаётганлигингизга нима ишонч беради?
- 3 |** Муқаддас Рух қачонлардир сизга тўғридан-тўғри эмас, балки сизнинг турмуш ўртоғингиз орқали гапирганми? Нима деб ўйлайсиз, нима учун У бу тарзда харакат қилишни танлайди ва сиз ўз ҳаётингиз учун йўналишни қандай қабул қилишингиз мумкин?
- 4 |** Сиз мухим қарорни қабул қилишингиз керак бўлганида ва қайси йўналишдан кетишни аниқлашингизнинг имкони йўқдек кўринганида, нима қила олишингиз мумкин? **Ҳикматлар 11:14; 15:22; 24:6 ва Римликларга 8:26, 27га каранг.**
- 5 |** Худо ҳали ҳам бугун одамларга гапираётганига ишонасизми? У сизга қандай мурожаат қиласи?

ҚАЙДЛАР

ИЛОВА

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ НАЖОТГА ЭРИ-ШИШ МУМКИН?

Шундай қилиб, агар сен Исони Раббим деб, ўз оғзинг билан эътироф этсанг ва Худо Уни ўлуклардан тирилтирганига ўз юрагинг билан ишонсанг, најжот топасан. Чунки инсон ҳақлиқка эришиши учун юраги билан ишонади ва најжот топиш учун оғзи билан эътироф этади.

– Римликарга 10:9-10

Муқаддас Рух ҳар сонияда биз билан мuloқot қилишга, биз Худони таниб-билишимиз ва Унинг Шоҳлигини ёйишимиз учун бизни руҳлантиришга ҳамда шайлашга ташнадир. Худонинг Рухи билан яқинликдаги ҳаётта биринчи қадам – бу Унинг Ўғли Исо Масих орқали најжотга эришишdir.

Раббий Исонинг ўлими ва қайта тирилиши орқали Худо сизга сиз Унинг Шоҳлигига севимли ўғил ёки қиз каби киришингиз учун йўл очган. Раббий Исонинг хочдаги қурбонлиги абадийликдаги ҳаётни ва тўлин-тўқис ҳаётни ҳар биримизга текин берди. Нажот – бу хизмат қилиб эришиш ва меҳнат қилиб топиш учун ҳеч нима қилиб бўлмайдиган Худонинг сизлар учун инъомидир.

Мазкур қимматбаҳо инъомга эришиш учун, аввало, ўз Яратувчисига боғлиқ бўлмаган ҳаётнинг гунохини эътироф этиш керак (чунки бу сиз қачонлардир қилган барча

гунохларнинг илдизидир). Тавба қилиш нажотга эришишнинг муҳим қисмидир. Петъор бу ҳақда Ҳаворийлар китобида ёзилган 5000 киши нажот топган кунда аниқ гапирган: «Шунинг учун, гуноҳларингиз ўчириб ташланиши учун тавба қилинглар» (Ҳав. 3:19). Ёзув бизларнинг ҳар биримиз гуноҳнинг қули бўлиб туғилганимизни билдиromoқда. Бу қуллик бошида ўзининг ўзбошимчалиги ва итоатсизлиги билан Одам Атонинг гуноҳига бориб тақалади. Унинг гунохи ўзбошимчалик ва итоатсизликка асос соглан эди. Тавба қилиш – бу сиз фақатгина ўзингизга ва ёлғоннинг отаси бўлмиш шайтонга бўйсунишни тўхтатишингизни ва бундан кейин сиз учун Ўз ҳаётини Берган – Исо Масихга, ўзингизнинг янги Бошлифингизга итоаткор бўлишингизни англатувчи танловдир.

Сиз ўз ҳаётингизни Раббий Исога бўйсундиришингиз керак. Исо Масихни Раббий қилиш – Унга ўз ҳаётингизнинг устидан ҳокимиятни (бутун борлифингизни ва сизда бор бўлган барча нарсани) беришни (Унга ўз рух, жон ва танангизни бўйсундиришни) англатади. У сизнинг ҳаётингиз устидан бутунлай ҳокимлик қиласи. Сиз буни қилган пайтингизда, Худо сизни зулматдан озод қилиб, нурга ва Ўз Шоҳлигининг шуҳратига олиб ўтади. Сиз шунчаки ўлимдан ҳаётга ўтасиз – сиз Унинг фарзандига айланасиз!

Агар сиз Раббий Исо орқали нажотни қабул қилмоқчи бўлсангиз, шундай ибодат қилинг:

Самодаги Худо, мен гуноҳкор эканлигимни ва Сенинг ҳақлик мезонингга мос эмаслигимни тан оламан. Мен ўз гуноҳим учун абадий хукмга арзиман. Сен мени бундай ҳолатда қолдирмаганинг учун Сенга раҳмат, чунки Сен Марямдан туғилган Ўзингнинг ягона Ўғлинг Исо Масихни мен учун ўлиш ва менинг жазоимни хочда кўтариш учун юборганингга ишонаман. Мен Унинг учинчи кунда ўликлардан

тирилганига ва энди менинг Раббим ва Нажоткорим сифатида Сенинг ўнг томонингда ўтирганига ишонаман. Шунинг учун мен Сендан мустақил бўлганимга тавба қиласман ва ўз ҳаётимни Раббий Исонинг бошқарувига бутунлай топшираман.

Мен Сени Раббим ва Нажоткорим деб тан оламан. Ўз Рухинг билан менинг ҳаётимга киргин ва мени Худонинг фарзанди қилиб ўзгартиргин. Мен илгари риоя қилган зулматнинг ишларини рад этаман. Мана шу кундан бошлаб, мен ортиқ ўзим учун яшамайман,балки Сенинг иноятинг билан Сен учун – менинг абадий яшашим учун Ўзини менинг ўрнимга топширган Шахс учун яшайман.

Раҳмат, Раббий, менинг ҳаётим энди Сенинг қўлларингда, Сенинг Сўзингга кўра мен ҳеч қачон уядта қолмайман.

Худонинг оиласига хуш келибсиз! Ҳозиргина сизлар билан содир бўлганни бошқа имонлиларга сўзлаб беришингизга сизларни даъват этаман. Муқаддас Китобга ишонадиган бирор-бир маҳаллий жамоатга боришни ва сизни имонингизда руҳлантира оладиган имонлилар билан сұхбатлашишни бошлашингиз мухимдир. Шунингдек, сиз агар биз шахрингизда жамоат топиб беришимизни истасангиз, бизнинг хизматимизга мурожаат қилишингиз мумкин (бизнинг MessengerInternational.org сайтимизга ташриф буюринг).

Сиз эндиғина Худойи Таолонинг Ўзи билан яқинликнинг энг ажойиб сафарига йўл олдингиз. Сизнинг У билан дўстлигингиз ҳар куни ўссин!

СИЗ У ҲАҚИДА БИЛАСИЗ – БИРОҚ УНИ БИЛАСИЗМИ?

Шогирдлар Раббий Исо билан уч йил бирга бўлишган, У билан бирга юришган ва У айтган ҳамма нарсани эшитишган. Шунга қарамасдан, Раббий Исо Ўзининг якин дўстларига Муқаддас Рух кела олиши учун У уларни ташлаб кетиши кераклигини ва бу улар учун яхшироқ эканини айтган (Юх.16:7, 13,14). Агар бу Раббий Исо билан ҳар бир кунни бирга ўтказган шогирдлар учун яхшироқ бўлган бўлса, унда биз бугун ҳаётимизда Муқаддас Рухнинг фаол хузурига қанчалик кўп муҳтожмиз?

Афсуски, Муқаддас Рухни кўпинча нотўғри тушунишади ва шу билан, кўплаб одамларни Унинг Кимлиги ва У бизга Ўзини қандай намоён қилиши ҳақидаги билимларсиз қолдирадилар. Муқаддас Рух, кўпинча, нимадир “ғалати” нарса сифатида тасвирланади. Бироқ Муқаддас Китоб аниқ қилиб айтмоқдаки, Муқаддас Рух – бу нимадир эмас. У Кимдир, У Шахс ва бизни ҳеч қачон тарк этмасликни ваъда берган. Мазкур интерактив китобда Жон Бивер Сизни жамоатдаги энг эътиборсиз қолдириладиган ва тушунарсиз Шахс – Муқаддас Рухни шахсан кашф қилишга таклиф киласди.

Мазкур ажойиб муқаддимани ўтказиб юборманг.

Интерактив китоб қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кундалик ўқиши;
- гурух бўлиб муҳокама қилиш учун саволлар;
- Муқаддас Рух ҳақидаги баъзи бир қийин саволларга жавобларни ўз ичига олган бонус боб.



Жон Бивер ва унинг хотини Лиза Messenger International хизматининг асосчилариидир. Хизматчи ва оммабоп китобларнинг муаллифи Жон муросасиз ҳақиқат ҳақидаги ваҳийни дадиллик ва иштиёқ билан воизлик қилмоқда. Унинг юраги маҳаллий жамоатни кўллаб қувватлаш ва етакчиларга уларнинг жойлашган ўрни, тили ва молиявий вазиятидан қатъий -назар манбаларни инъом қилиши истаги билан ёнмоқда. Ҳозирда унинг ишлари дунёнинг 60дан ортиқ тилларига таржима қилинган. Жон уйда Лизани бир партия голф ўйнашга кўндиришига уринади ва тўрт нафар ўғиллари, келини ва набиралари билан вақт ўтказади.

Кўшимча манбаларни сиз қўйидаги сайтда топасиз:
www.CloudLibrary.org

Кўндоғини истагайсанми?
Сканер келини!



**Messenger
International**
MessengerInternational.org

Ин китоб тўхфа аз чониби муаллиф буда,
барои фурӯҳтан пешбинӣ нашудааст

